

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Суюн Қаримов

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ
ФОНЕТИК СТИЛИСТИКАСИ**

*СамДУ илмий кенгашининг
2016 йил 7 июлдаги 11-сонли мажлис
қарори билан нашрга тавсия этилган*

Самарқанд – 2016

УДК:494.3
ББК: 81.3Уз
Ў 16

Каримов С. *Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси. Монография.* – Самарқанд: СамДУ нашри, 2016. – 160 б.

Мазкур ишда ўзбек тили нутқ товушларининг мулоқот жараёнида ифодалайдиган эмоционал-экспрессив маънолари таҳлил қилинган ва фоностилистиканинг стилистика ҳамда лингвокультурология фанлари таркибида тутган ўрни шу пайтга қадар мавзуга оид билдирилган айрим қарашлар ва ўзбек тили материалига таянилган ҳолда далиллашга ҳаракат қилинган.

Китоб ўзбек тили стилистикаси, лингвокультурологияси ва нутқ маданиятини ўрганувчи бакалаврлар, магистрлар, тадқиқотчи-изланувчилар ва соҳа билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори,
профессор **Ё.Тожиёв**

Тақризчилар: филология фанлари номзоди,
доцент **А. Пардаев**,
филология фанлари номзоди
Ш. Маҳмадиев

ISBN 978-9943-4250-4-0

© Самарқанд Давлат университети, 2016 йил.

СЎЗ БОШИ

Тилшунослик фани ривожининг маълум даврига қадар нутқ товушлари *фонетика* бўлимида ўрганилиб келинган бўлса, бу соҳа тараққиётининг навбатдаги босқичида тадқиқотлар кўлами кенгайиб бориши натижасида *фонология* ва *фоностилистика* сингари янги соҳалари вужудга келди. Фонетик тадқиқотларнинг тобора кенг ўрганила бориши баробарида ушбу соҳаларнинг кузатиш объекти, мақсад ва вазифалари ҳам аниқлашди.

Масалан, ҳар қандай товушнинг физик-акустик табиати ва биологик асоси борлигидан, нутқ товуши эса фақат инсонлар томонидан талаффуз этилиши ва эшитилишидан, яъни унинг ижтимоий моҳиятидан келиб чиқиб, фонетиканинг ўрганиш объекти сифатида белгиланди ҳамда уларни акустик-физиологик (товушнинг баланд-пастлиги, интенсивлиги, тембри, қисқа-чўзиқлиги), анатомик-физиологик (товушларнинг шаклланишида нутқ аъзоларининг иштироки), эшитиб ҳис қилиш (перцептив) аспектларини тадқиқ этиш мақсад қилиб қўйилди [Жамолхонов Х. 2009, -Б.81-90].

XIX асрнинг охирларида нутқ товушларининг артикуляцион-физиологик (физик) томонидан функционал (лингвистик) томонини фарқлаш эҳтиёжи билан *фонология* пайдо бўлди ва тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида фонемаларнинг фарқловчи белгиларини ўрганувчи соҳа сифатида эътироф этилди [Нурмонов А. 1990, -Б.5-6]. Бу соҳада ҳам товуш, аммо тил товушлари ўрганиш объекти сифатида белгиланди ва ушбу товушларнинг вазифавий хусусиятларини ўрганиш мақсад қилиб қўйилди.

Тилда фонетика билан фонологиянинг ўрганиш объекти умумий маънода товушлар ҳисобланса ҳам, масалага ёндашиш нуқтаи назаридан улар бир-биридан ўзаро фарқланади. Фонетика товушларнинг ҳосил бўлиши, уларнинг акустик хусусиятлари, яъни нутқ товушларининг физиологиясини ўрганса, фонология сўз ва морфемаларнинг товуш қобиғини фарқловчи восита сифатида нутқ товушларини семасиологик, функционал ва просодик жиҳатдан ўрганадиган бўлди.

Фонетика ва фонологиянинг кузатиш объекти, мақсад ва вазифалари хусусида шу соҳа билан шуғулланган тадқиқотчилар аниқ фикрлар баён қилганлар. Уларни яхлит ҳолда олиб

караганда хулоса шундай бўладики, ҳар иккала соҳанинг ҳам тадқиқот объекти нутқ товушларидир. Фақат фонетикада инсон нутқининг материал томони, ҳосил бўлиш шарт-шароитлари, фонологияда эса бу товушларнинг маънони фарқлашга хизмат қилувчи жиҳатлари ўрганилади [Бу ҳақда қаранг: Баскаков Н.А., Содиқов А.С., Абдуазизов А.А. 1979, -Б.22].

Фоностилистика эса тилшунослик фани тараққиётининг кейинги йиллардаги маҳсули сифатида фонетика, фонология ва стилистика фанларининг кесишувида пайдо бўлди. Кузатиш объектининг нутқ товушлари эканлиги билан фонетика ва фонологияга яқин турса, бу тил бирликларига хос бўлган экспрессивлик хусусиятларини ўрганишига кўра стилистика билан бирлашади. Шу маънода *фоностилистика* ва *фонетик стилистика* атамалари тилшуносликда тенг қийматга эга.

Ушбу иш ўзбек тилшунослигида бирмунча ёш бўлган соҳанинг ҳали тадқиқ этилмаган жиҳатларини тўлдиради, деган умиддамиз. Унинг юзага келишида танқидий мулоҳазалар билдириб, беминнат маслаҳатлар берган профессор Ёрмат Тожиевга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

I боб

ФОНОСТИЛИСТИКА

1.1. Ўзбек тилшунослигида фоностилистика масалаларининг ўрганилиши

Ўзбек тилшунослигида фоностилистикага оид қарашлар илк бор XX асрнинг 40-50-йилларида проф. Аюб Ғуломов томонидан билдирилган [Ғулямов А., 2005, -Б.50-111; -Б.10-13; -Б.36-39; -Б.40-50; Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. 1977, -Б.365-382]. Бу борада тилшунослигимиз олдида турган вазифалар бундан салкам ўттиз йил аввал Х.Дониёров ва Б. Йўлдошевлар томонидан ўртага ташланган бўлишига қарамасдан [Дониёров Х., Йўлдошев Б. 1988, -Б.70-77], стилистик ресурслардан бири саналадиган товушларнинг экспрессив ва функционал-стилистик жиҳатлари билан шуғулланиш шу пайтга қадар кун тартибига жиддий қўйилмади. Ваҳоланки, ўзбек тили ҳам ўзининг бетакрор фонетик тизимига эга бўлган тиллардан бири саналади.

Юқорида номлари тилга олинган олимларнинг «Адабий тил ва бадиий стиль» китобидан ўрин олган «Фонетик стилистикани ўрганишнинг айрим масалалари» номли қисмида ўзбек тили фонетик воситаларини стилистик тадқиқ этиш кўламини белгилашга ҳаракат қилинган ҳамда «фонетик стилистикага маълум бир тилдаги барча фонетик воситаларнинг экспрессив томонларини ўрганувчи соҳадир, деб таъриф бериш мақсадга мувофиқ» эканлиги қайд этилган. Муаллифлар томонидан барча функционал услубларда у ёки бу даражада товушларнинг стилистик-экспрессив имкониятлари мавжудлиги ва уларни ўрганиш ҳам фоностилистиканинг вазифасига кириши тўғри таъкидланган. Олимларнинг «туркий тилларнинг ҳаммасида ўзақда келган олдинги унли товуш ўзининг қаттиқ-юмшоқ характерини сўз охирида келган унли товушга ёки аффиксда келган унли товушга, қисман ундошларга ҳам тўлиқ равишда ўтказди, шунинг учун ҳам туркий тиллар табиатига кўра бир сўзда, хусусан, бир ўзақда унли товушларнинг ҳаммаси ё тил олди қисмида ёки унинг орқа қисмида бир хил қилиб, бир хил артикуляцион асосда талаффуз этилади» [Дониёров Х., Йўлдошев Б. 1988, -Б.75], деган фикрлари назарий жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, нафақат миллий тил фонемаларини талаффузда ва ёзишда аниқ фарқлаш, айна пайтда, уларнинг

талаффузи жараёнида содир бўладиган стилистик оттенкаларни англашда ҳам қўл келади.

Зеро, туркий товушларда ана шундай стилистик нозикликлар бўлгани боис, буюк Алишер Навоий уларнинг ёрдамида вужудга келадиган ноёб шеърини санъат – туюқнинг бошқа халқлар бадииятида йўқлигини таъкидлаган эдилар: «Яна шеърда барча таъб аҳли қошида равшан ва мажмуъ фусаҳо оллида мубарҳандурки, *тажнис ва ийҳом* (икки ва ундан кўп маъноли сўз. Шеър мисраларида шу хилдаги сўзни келтириб, турли маъноларни ифода қилиш санъати, туюғ) бағоят куллийдур. Ва бу фархунда иборат ва хужаста алфоз ва ишоратда форсийдин кўпрак тажнис омиз лафз ва ийҳом ангиз нукта борки, назмға мужиби зеб ва зийнат ва боиси такаллуф ва санъатдур. Масалан: от лафзики, бир маъниси *алам* (от, исм) дур, яна бир маъниси *маркаб* дур (улов) ва яна бир маъниси *амр* дурки, тошни ё ўқни от, деб буюрғайлар. Бу тажнисда мундоқ дейилибдурким,

Байт:

*Чун парию ҳурдур отинг бегим,
Суръат ичра дев эзур отинг, бегим,
Ҳар хадангиким, улус андин қочар,
Нотавон жоним сари отинг, бегим.*

Ва бу икки байтки, тажниси томдур, ҳам турк шуароси хоссасидурки, сортда йўқтур ва муни туюғ дерлар» [Навоий, 1967, - Б.112-113].

Ўтган давр мобайнида амалга оширилган кўзга кўринарли иш сифатида Г.Яхшиеванинг «Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар» номли диссертацион иши ва рисоласини кўрсатиш мумкин [Яхшиева Г. 1996, -Б.14-27]. Ушбу тадқиқотларида муаллиф ўзбек тили унли ва ундош товушларига хос бўлган фонографик услубий воситалар хусусида сўз юритган.

Муаллифнинг қайд этишича, кўпчилик тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам унлиларнинг чўзиб талаффуз этилиши маълум экспрессив вазифани бажаради. Унлилар соф овоздан иборат бўлганлиги туфайли уларда оҳангдорлик кучли бўлади ва улардаги просодик (нутқда тоннинг баландлиги, давомлилиги) хусусиятлари шодланиш, хурсандлик, кайфиятнинг яхшилиги; ҳайратланиш, таажжуб, изтироб, ўқиниш; ғазабланиш, хафалик, кучли тўлқинланиш каби коннотатив маъноларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Талаффуз жараёнида ундош товушларнинг қаватланган (геминация), такрорланган ҳолда қўлланилиши кабилар ҳам

услубий оттенкаларнинг фарқланишига хизмат қилиши мумкин. Г.Яхшиева уларнинг ҳам таъкид, қаҳр-ғазаб, иккиланиш, таажжуб, эсанкираш, кўрқув, изтироб, бирор ўй билан бандлик, босиқлик, вазминлик каби семантик-стилистик оттенкаларнинг юзага келишига сабаб бўлишини мисоллар ёрдамида кўрсатиб берган. Бу ҳолатлар турли матнларда, асосан, сўзлашув ва бадий нутқда содир бўлиши мумкинлигини таъкидлаган.

А.Ҳайдаровнинг «Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши» мавзусида ёзган диссертациясида ҳам нутқда коннотатив маънолар ифодаланишида фонетик, яъни сегмент ва суперсегмент воситаларнинг иштироки тадқиқ этилган. Унли ва ундош товушлар ҳамда товушлар ўзгариши мисолида сегмент воситалар, интонация, пауза, бўғинлар талаффузи ва урғу мисолида суперсегмент воситалар вужудга келтирадиган коннотатив маъноларнинг юзага келиш қонуниятлари очиб берилган. Фонетик воситалар ифодалаган коннотатив маънолар тил жозибадорлиги ва бўёқдорлигига хизмат қилиши, бу маъно оттенкаларининг суперсегмент элементларда кучли эканлиги ҳамда ана шу маъноларнинг рўёбга чиқишида нутқ товушларининг парадигматик ва синтагматик алоқаси муҳим роль ўйнаши ҳақида муҳим хулосаларга келинган [Ҳайдаров А. 2009].

А.Абдуллаевнинг «Ҳозирги ўзбек тилида маъно кучайтиришнинг фонетик ва морфологик усули», З.Қобиловнинг «Ўзбек тилининг фоносемантик воситалари» мавзуларида ёзган диссертациялари ҳам ўзбек тили фоностилистикаси муаммоларига бағишланган [Абдуллаев А. 1970; Қобилова З. 2008].

А.Абдуллаевнинг «Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши» номли асарининг муҳим қисми экспрессив-эмоционаллик ифодаланишининг фонетик усулини таҳлил қилишга бағишланган [Абдуллаев А. 1983, -Б.8-21]. Муаллиф асарда тилимиздаги эмоционал-экспрессивликни ифодаловчи воситалар ҳақида мулоҳаза юритар экан, мавзуга оид қуйидаги фикрларини баён этади: «Фонетик усул билан экспрессивлик ифодалаш ўзбек тилида бошқа усулларга нисбатан энг актив, энг универсал усул ҳисобланади. Ҳозирги ўзбек тилида фонетик усул билан маъно кучайтиришнинг қуйидаги кўринишлари бор: 1) унлини кучли талаффуз қилиш (зарб урғу); 2) унлини чўзиш (квантитатив урғу); ундошни қаватлаш (геминация) орқали маъно кучайтириш» [Абдуллаев А. 1983, -Б.9]. Ушбу фикрни баён этиш баробарида

ишда асосий эътиборни экспрессиянинг юзага келишида муҳим роль ўйнайдиган интонация таҳлилига қаратади.

Б.Ўринбоевнинг «Ҳозирги ўзбек сўзлашув нутқи» монографиясининг «Сўзлашув нутқининг фонетик хусусиятлари» ва «Сўзлашув нутқининг интонацион хусусиятлари» бўлимларида, Ё.Тожиев ва М.Маллабоевларнинг «Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари амалиёти» асарида ҳам ўзбек тили фонетик воситаларининг стилистик хусусиятларига доир маълумотлар мавжуд. Жумладан, муаллиф мисол тариқасида келтирган *қозғозбозлик – қозғозвозлик, белбоғ – белвоғ* ёки *кўпни – кўпти, кўзни – кўззи, ҳозирни – ҳозирри* сингари вариантлилиқнинг иккинчисида уларнинг қўлланилишидаги локаллик билан биргаликда муайян стилистик бўёқдорлик мавжуд [Ўринбоев Б. 2006, -Б.36,38; Тожиев Ё., Маллабоев М. 2009, -Б.10-15].

Э.Қиличев ва Б.Қиличевларнинг «Нутқ маданияти ва услубият асослари» ўқув қўлланмасида «Фонетик услубият» деб номланган бўлими мавжуд. Унда нутқ товушларидаги эмоционаллик, таъсирчанлик, талаффуздаги жарангдорлик, эшитишдаги ёқимлилиқ, уларнинг бадий қўлланиш қоидалари, эстетик роли фонетик услубиятнинг ўрганиш объекти бўлишлиги айтилган. Муаллифларнинг таъкидлашича, товушнинг талаффуздаги ўзгариши маънога таъсир қилади, эмоцияни кучайтиради, нутқнинг функционал чегаралануви талаффузнинг алоҳида усуллари юзага келтиради. Шунингдек, «оғзаки нутқ оқимида айрим сўзларнинг талаффузи, оҳанги, тез-секинлиги, қаттиқ ёки юмшоқ айтилганлигини ёзма нутқда айнан бериш мақсадида улар орфография қоидаларига зид равишда турли график белги ва шаклларда ҳамда бўёқларда» ёзилиш ҳодисаларини, яъни фонографик услубий воситаларни ўрганиш ўзбек тили услубшунослиги учун долзарб масала саналади [Қиличев Э., Қиличев Б. 2002, -Б.55-61].

Кейинги йилларда мавзуга оид майдонга келган жиддий ишлардан бири Қ.О.Сапарованинг «Рус ва ўзбек тиллари фоностилистикасининг қиёсий-типологик тадқиқи» мавзусида ёзилган докторлик диссертациясидир [Сапарова Қ.О. 2009]. Ушбу диссертацияда рус ва ўзбек тиллари сегментал сатҳи илк бор лингвостилистик, когнитив-семантик, лингвокультурологик ва лингвостатистик аспектларда яхлит қиёсий-типологик тадқиқ этилган. Унда рус тили қаторида ўзбек тилининг ҳам фоностилистик бирликлари ва фоностилистик воситаларини

фарқлаш мезонларининг ишлаб чиқилганлиги, фоновариантлар кўлланишининг функционал-стилистик шарт-шароитлари ва частотаси аниқланганлиги ҳамда турли хил луғатларда акс этиш принципларининг ўрганилганлиги, уларнинг марказ-периферия аспектида тадқиқ этилганлиги, оғзаки нутқий фаолиятда кўлланишининг лингвокультурологик жиҳатлари асосланганлиги, стилистик бўёқдор фоновариантларнинг амал қилиш эволюциясидаги муҳим тенденцияларнинг тавсифланганлиги ва улар юзасидан олиб борилган кузатишларнинг луғат материаллари ва жонли нутқ кузатуви асосида амалга оширилганлиги тадқиқотнинг катта илмий ютуғи бўлган.

Бундан ташқари, мавзу доирасида кўплаб мақолалар ҳам ёзилганки, бу амалга оширилган ишлар ўзбек тили фоностилистикасини тадқиқ этиш тобора жонланиб бораётганлигидан далолат беради [Ўринбоев Б. 1984, -Б.3-12; Абдуазизов А. 1985, № 2, -Б.24-28; Қиличев Э., Яхшиева Г. 1987, -Б.8-15; Маҳмудов Қ. 1987, № 6, -Б.57-60; Нейматов Ҳ., Фуломов А. 1994, № 2-3, -Б.18-19; Яхшиева Г. 1995, -Б.53-54; Ҳайдаров А. 2006, -Б.162-166; Йўлдошев Б. 2005, -Б.45; Ҳакимов М., Жабборов В. 2006, №4, -Б.77-84 ва бошқ].

1.2. Фоностилистикада экстралингвистик омиллар

Гарчи тил материал сифатида умумга тегишли бўлса-да, нутқда ундан фойдаланишнинг чексиз имкониятлари мавжуд. Сўзловчи шахси, унинг жамиятдаги мавқеи ҳамда нутқий вазият билан боғлиқ равишда тил воситаларидан амалдаги меъёрлар доирасида истаганча фойдаланиш мумкин. Тил воситаларидан фойдаланишдаги турли-туманлик вариантликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу фикрлар фоностилистик жараёнларга ҳам тегишлидир.

Шунингдек, тилнинг бошқа ярусларида бўлгани каби, нутқ товушларининг эмоционал-экспрессив ва функционал-стилистик хусусиятларини таҳлил этишда ҳам экстралингвистик омиллар эътиборга олиниши лозим. Нутқни амалга оширишда муайян мақсад кўзланиши, ният ҳамда вазиятдан келиб чиққан ҳолда расмий ёки норасмий мулоқот шаклининг танланиши ва маълум бир муддат ёки зудлик билан уни ижро этишга тайёргарлик кўрилиши яхлит бир нутқий бутунликни ташкил этишга хизмат қиладиган ана шу экстралингвистик омиллардир.

Бинобарин, сўзловчининг нутқий стратегияси талаффуз меъёрларини ҳам белгилаб беради. Нутқ субъекти жараёндан қандай натижа кутмоқда? Сухбатдошга қандай таъсир кўрсатмоқчи? Уни айтганларига ишонтирмоқчими, алдамоқчими, насихат бермоқчими, бирон юмушни бажаришга даъват қилмоқчими, тарбияламоқчими? Бу каби мақсад ва режаларни санашни давом эттириш мумкин. Энг муҳими, кўзланган мақсадга боғлиқ тарзда ҳар бир нутқий вазиятда субъектнинг сўзлаш манераси ўзгариб боради.

Нутқий жараёнда яна бир экстралингвистик омил мавжуд, бу – тингловчи. Мулоқот тингловчининг ёши, жинси, ижтимоий мавқеи ва бошқа омилларни назарда тутган ҳолда олиб борилади. Нафақат тил бирликларини танлаш, балки ҳиссиётни, оҳангни бошқариш ҳам шунга мувофиқ бўлади.

Нутқнинг икки кўриниши – монологик ва диалогик нутқ бир-биридан нафақат тил воситаларининг танланиши, айти пайтда, талаффуз меъёрлари билан ҳам ўзаро фарқланади. Мулоқот жараёнида расмийлик ва норасмийлик ҳам алоҳида талаффуз услубини тақозо этади.

Тилга олинган бу экстралингвистик омиллар комплекси нутқ субъектидан юксак нутқий савияни талаб қилиш баробарида турли нутқ услубларини ҳам фарқлашни тақозо этади. Масалан, расмий давраларда ёки кўпчилик олдида ижро этилган нутқ аниқлиги, талаффузнинг равонлиги билан ажралиб туриши керак. Бундай вазиятда тез ва шошилиб гапириш кутилган натижани бермайди. Агар сухбатдош бир киши бўлса, мулоқот оҳанги шунга яраша бўлади, сухбат одатда норасмий тусда бўлади.

Нутқ спонтан характерда бўлиши ҳам мумкин. Дарс жараёни, журналистларнинг турли тадбирлардан тўғридан-тўғри репортажлари, интервьюлар ана шу характердаги нутқ ҳисобланади. Бу нутқлар мазмуни одатда, олдиндан ўйлаб қўйилган бўлишига қарамасдан, ижродаги кутилмаганлик ва тезкорлик унинг фонетик жиҳатдан шаклланишига ҳам таъсир қилади.

Айтиш мумкинки, ҳар бир нутқий вазият ва бошқа экстралингвистик омиллар ўзига хос тил воситаларини, жумладан, фонетик воситаларни танлаш билан биргаликда, уларнинг талаффуз меъёрини ҳам белгилаб беради ва экспрессив имкониятларининг юзага чиқишига шароит яратади.

1.3. Фоностилистика ва стилистика

Стилистика ва фоностилистиканинг нутқ товушларини тадқиқ этиш ва ўрганиш методлари ҳам бир-бирига мос келгани боис, фоностилистикани стилистика фани таркибида ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тўғри бўлади.

Бошқа лингвистик соҳалардан фарқли ўлароқ стилистика ўзининг алоҳида бирликларига эга эмаслиги бу борадаги кузатишларни бирмунча қийинлаштиради, албатта. Аммо маълум бир нутқий вазиятда, у оғзаки ва ёзма бўлишидан қатъи назар, сўзловчи ва ёзувчининг ўз нияти ва муддаосидан, нутқ мавзуси ва мазмунидан келиб чиқиб, тил бирликларини қўллаш, танлаб ишлатиш имконияти услубиятни юзага келтириши ҳақидаги қарашларга таяниб, бу каби имкониятлар фонетик воситаларда ҳам мавжудлиги, бинобарин, бу воситалар стилистикаси ҳақида ҳам бемалол фикр юритиш мумкин бўлади [Бу ҳақда яна қarang: Каримов С. 2002, -Б.169-203].

Фоностилистика стилистика фанининг таркибий қисми бўлгани учун ҳам товуш ва маънонинг ўзаро боғлиқлиги қонуниятлари, нутқ фаолиятида уларнинг боғланиш принциплари, нутқнинг товуш тузилиши сингари муаммоларни ўрганиш баробарида бу тил бирликларининг ифодаланаётган маънони теран ва таъсирли тарзда англатишга, ифоданинг жарангдорлиги ва мусиқийлигини таъминлашга қўшадиган ҳиссасини англашга қадимдан уриниб келинмоқда.

Дарҳақиқат, фонетик сатҳ бирликлари танлаш ва комбинациялар қилиш предмети сифатида, нутқий танловнинг принциплари, механизмлари, мақсади ва натижаларини ўрганадиган стилистиканинг объекти бўла олади.

Агар нутқнинг шаклланиши жараёнида иштирок этадиган товуш бирликларини танлашга бошқа юқори сатҳдаги тил бирликларини танлашга қараганда аҳамиятсиз нарса деб қараладиган бўлса, бу соҳадаги тадқиқотлар кемтик бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам фоностилистик кузатишларга лингвостилистик тадқиқотларнинг таркибий қисми сифатида қараш энг тўғри йўлдир.

Тилдаги ҳар қандай бирлик – нутқ товушлари, сўз ва унинг турли шакллари ҳамда бирикувлари стилистика учун материал бўла олиши мумкинлигини инобатга олсак, шу билан бирга стилистиканинг лексик стилистика, морфологик стилистика,

синтактик стилистика сингари йўналишлари борлигини эсласак, фонетик стилистикани ҳам бемалол стилистика таркибида қараш ва ўрганиш тўғри бўлишлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Тилшуносикда товушларнинг стилистик хусусиятлари билан шуғулланувчи соҳаси *товуш стилистикаси, стилистик фонетика, фонетик стилистика, фонологик стилистика, фоника* каби номлар билан аталиб келинмоқда. Биз бу атамалардан *фонетик стилистика* ёки унинг эквиваленти бўлган *фоностилистика* ни қўллаш тарафдоримиз. Чунки *товуш стилистикаси, стилистик фонетика* атамаларини *фонетик стилистика* нинг вариантлари сифатида қараш мумкин бўлгани ҳолда, *фонологик стилистика, фоника* га бу ўлчовни қўйиб бўлмайди. Улар фоностилистиканинг таркибида қараладиган тушунчалар ёки бўлимлардир.

Илмий манбаларда фоностилистикага кўплаб таърифлар берилганлиги кузатилади. Қуйидаги таърифлар соҳани янада чуқурроқ тушунишимизга кўмаклашади, деб ўйлаймиз. О.С.Ахманова *фоностилистика* – бу стилистиканинг сўзлар ва сўз бирикмалари талаффуз вариантларининг экспрессив хусусиятларини ўрганувчи бўлиmdir, деб баҳоласа [Ахманова О.С. 1966. -С.499], А.Ҳожиев «услугуносликнинг нутқ товушларининг тилнинг таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қила олиш усуллари ва қонуниятларини ўрганувчи бўлими», тарзида изоҳлайди [Ҳожиев А.2002. -Б.124].

Шунингдек, унга «*Фонетик стилистика* товушлар бирор бир стилистик мақсадларда қўлланиладиган бўлса, уларнинг нутқни ташкил этиш хусусиятларини: ритм, оҳанг, аллитерация ва бошқаларни ўрганади. Маҳаллий колоритни бериш мақсадида қўлланиладиган талаффузнинг комик, сатирик сингари субстандарт хусусиятларини ўрганади» тарзидаги таърифлар ҳам берилган [23.05.2003. 73 Кб - <http://www.durov.com/stylistics.doc>]. Шунингдек, «*фонетик стилистика* нутқнинг таъсирчанлигини ошириш воситаси сифатида нутқ товушларининг стилистик имкониятларидан фойдаланиш усуллари билан қизиқади» [Бу ҳақда яна қаранг: Шомақсудов А. ва бошқ. 1983, -Б.7].

Х.Дониёров ва Б. Йўлдошевлар «Адабий тил ва бадиий стиль» асарида бу фикрни янада тўлдиради: «фонетик стилистика фақат сўз ва сўз бирикмаларининг талаффуз вариантларинигина эмас, балки сўз маъноларини фарқлаш ва гап, жумла, абзац, бутун бир текст доирасидаги фоноэкспрессив хусусиятларни ҳам текширади. Масалан, туркий тилларнинг ҳаммаси учун хос бўлган

сингармонизм қонуни аслида фонетик ҳодиса бўлишига қарамасдан, у тилга, шу жумладан адабий тил ва бадиий стилга уч аспект бўйича хизмат қилади: а) талаффузни аниқлашга, б) маънони фарқлашга, в) аффиксларни ўзакнинг характериға мослаб тўғри қўллашга ёрдам беради. Биргина ана шу фактнинг ўзи ҳам фонетик стилистикани ўрганишнинг қанчалик аҳамияти борлигини сўзсиз тасдиқлайди. Шунга кўра, фонетик стилистикаға маълум бир тилдаги барча фонетик воситаларнинг экспрессив томонларини ўрганувчи соҳадир, деб таъриф бериш мақсадға мувофиқ кўринади» [Дониёров Х., Йўлдошев Б. 1988, -Б.71].

Фоностилистика назариясига оид бир неча қарашлар Қ.Сапарованинг «Рус ва ўзбек тиллари фоностилистикасининг қиёсий-типологик тадқиқи (сўзларнинг фоновариантлари материали асосида)» номли сегмент фоностилистика тадқиқиға бағишланган докторлик диссертациясида келтирилган. Н.И.Портнованинг «*фоностилистика* – мулоқотнинг турли жабҳалари ва вазиятларида фонетик воситаларнинг амал қилиш қонуниятларини тадқиқ этади [Портнова Н.И. Фоностилистика французского языка. - М.: «Высшая школа», 1986, -С.6-7]; С.М.Гайдучикнинг «*фоностилистика* – фонетиканинг бўлимларидан бири, унинг шаклланиш жараёнини тугаган деб бўлмайди. Чунки бу янги йўналишнинг тадқиқот предмети ҳали охиригача аниқланмаган [Гайдучик С.М. Фоностилистика как один из разделов фонетики // Интонация / Отв. ред. А.И. Чередниченко. - Киев: «Вища школа», 1978, -С.40]; Е.Н.Нурахметовнинг «*фоностилистика* – вазифаси тўлалигича фонетиканинг ҳам, стилистиканинг ҳам доирасига кирмайдиган мустақил соҳа. Унинг «ўз тадқиқот объекти, фоностилистик бирликлари ва уларнинг вазифаларини шарҳловчи назарий асослари, тадқиқот материалиға ўз муносабати бор» [Нурахметов Е.Н. Проблемы супрасегментной фоностилистики (на материале французского языка): Автореф. дисс. ...докт. филол.н. - М., 1997, -С.7] сингари фикрлари шулар жумласидандир [Сапарова К.О.2009. -С.13].

Бу фикрларни келтириш баробарида тадқиқотчи ўз қарашларини ҳам баён этиб, фоностилистикани тилнинг товуш қурилиши ҳамда стилистика кесишувида пайдо бўлган ва ресурслар стилистикаси тизимиға кирувчи назарий-методологик асосға эга бўлган фан сифатида баҳолайди ҳамда унинг фанлараро характерға эғалигини қайд этади. «*Фоностилистика* нутқнинг товуш томондан шаклланиши ва функционал-стилистик тавсифига сабаб бўлувчи

тилнинг товуш ва ритмик-интонацион воситаларидан фойдаланиш қонуниятларини ўрганишга йўналтирилган»лигини ҳамда унинг фонетика, стилистика, лексикология, психоллингвистика, социоллингвистика, коммуникатив лингвистика, матн лингвистикаси, бадий матн назарияси, маъно изоҳлаш назарияси, вариантлик назарияси, интонация назарияси ва акцентология назарияси кабилар билан ҳамбарчас боғлиқлигини таъкидлайди [Сапарова К.О. 2009, -С.3].

Биз юқорида фоника фоностилистикнинг таркибида қаралиши ҳақида айтган эдик. Аслида фоника ҳам фоностилистика каби стилистиканинг нутқ товушларини эмоционал-экспрессив жиҳатдан ўрганувчи бўлими ҳисобланади. Чунки кузатишлар уларнинг муайян фарқларга эга эканлигини кўрсатади. И.Б.Голуб «Ҳозирги замон рус тили стилистикаси» номли асарида тилшуносликнинг фонетик сатҳни ўрганувчи бўлимлари хусусида мулоҳаза юритар экан, *фоника* ва *фоностилистика* ни бир-биридан фарқлайди ва *фоностилистикага* М.А.Соколова берган «тилнинг фонетик сатҳидаги потенциал функционал-стилистик имкониятларининг муомала мақсади ва вазифаси, мазмун характери, тафаккур типи ва у ёки бу ижтимоий соҳадаги муомаланинг турли ҳолатий имкониятларига боғлиқ ҳолда юзага чиқишини ўрганади», деб берган таърифини (Соколова М.А. К вопросу о соотношении нормы и стилевой дифференциации произношения. – В.кн.: Просодия текста: Тезисы докладов научно-методической конференции МГПИИЯ им. Мориса Тореза. М., 1982, с.108-109) ва тилшуносликда фонетик услубларнинг қатъи таснифи йўқлигини таъкидлайди ҳамда О.П.Крюкованинг «уларнинг функционал услублар билан муносабати ҳам аниқ эмас» (Крюкова О.П. О некоторых возможных критериях выделения фоностилей в устном тексте. – В кн.: Просодия текста, с.93), деган фикрини келтиради». «Шунингдек *фоника* дейилганда нутқни товуш жиҳатдан ташкил этиш, яъни фонетик сатҳдаги тил воситларини маълум стилистик мақсадни кўзлаб танлаш ва қўллаш тушунилади. *Фоника* дейилганда тилнинг фонетик сатҳидаги стилистик аҳамиятга эга бўлган воситалар ҳам тушунилади» тарзидги фикрини қўшимча қилади [Голуб И.Б. 1986, -С.259-260].

Дарҳақиқат, масалага синчиклаб қаралганда, фоника ва фоностилистика ўрганиш объекти нуқтаи назаридан муайян фарқларга эга эканлиги маълум бўлади. Фоностилистика умуман нутқнинг фонетик жиҳатдан шаклланишида маълум стилистик

мақсадлар кўзда тутилган жиҳатларни, шу билан биргаликда, нутқтовушларининг функционал-стилистик дифференциация-сини, яъни услублараро хосланиш ва қўлланиш хусусиятларини ўрганса, фоника поэтик ва прозаик матнларни товуш жиҳатдан ташкил этувчи ритм, аллитерация, товушга тақлид, рифма, ассонанс ва, ҳатто, кулгини ёки сатирик самарадорликни ҳосил қилиш мақсадида қилинган ностандарт талаффузларни ҳам ўрганади.

Ўзбек тили фонетик стилистикаси соҳасининг бугунги тараққиёт даражасида фоника ва фоностилистиканинг ўртасига «хитой девори» қўйиш тарафдори эмасмиз. Пайти келиб, уларнинг умумий ва хусусий жиҳатларига аниқликлар киритилар. Ҳозир эса, кузатишлар *фоностилистика* тушунчаси атрофига бирлашиши, ўзбек тилидаги фонетик воситалар берадиган экспрессив маъно оттенкалари ва уларнинг маълум ўринларда функционал чегараланиши хусусида мулоҳаза юритиш билан чегараланиш етарли бўлар, деб ўйлаймиз.

Соҳа тадқиқотчилари орасида фоностилистика тилшуносликнинг қайси йўналиши соҳасида ўрганилиши керак – фонетикадами, фонологиядами, стилистикадами, деган баҳслар юради. Аслида, масаланинг бундай қўйилиши тўғри эмас. Сўз бошида айтилганидек, уларнинг ҳар бирнинг ўз ўрганиш объекти, мақсад ва вазифалари мавжуд. Бу эса уларга тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида қарашга имкон беради.

Тадқиқот материалининг нутқ товушлари эканлиги бу соҳаларни ягона бир мақсад – инсон товушининг ижтимоий моҳиятини ва прагматик жиҳатини ўрганиш уларни бирлаштиради, холос.

Нутқ товушларини ўрганиш манфаати фонетика, фонология ва фоностилистикани бирлаштиради, бу ўрганишдан мақсад ва таҳлил методлари уларни бир-биридан фарқлайди.

Юқорида айтилганлар, ўзбек тили фоностилистикасининг тадқиқот объекти, мақсад ва вазифалари ҳақида муайян хулосаларга келишга имкон беради.

Ўзбек тили фоностилистикаси ўзбек тилшунослиги фанининг стилистика соҳаси таркибидаги йўналиш бўлиб, унинг ҳам тадқиқот объекти фонетика ва фонологияда бўлгани каби нутқ товушларидир. Аммо у номи тилга олинган йўналишларидан фарқли ўлароқ товушларнинг матнлардаги стилистик оттенкалари ва эмоционал-экспрессив хусусиятларини ўрганади. Бу ўрганишлар нутқ жараёнидаги тил воситалари стилистик имкониятларининг

умумий планида бўлиб, лексик-грамматик воситалар англатадиган семантик ва стилистик маъноларга қўшимча оттенкалар бера оладиган фонетик воситалар доирасида бўлади [Бу ҳақда яна қаранг: Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. 1983, -Б.7].

Фоностилистикнинг тадқиқот объекти бўлган нутқ товушларининг пайдо бўлиши ва муайян семантик-стилистик маъноларнинг юзага келишидаги иштирокининг мураккаб жараён эканлиги уни бошқа фанлар билан алоқадорликда ўрганишни тақозо этади.

Фоностилистика, биринчи навбатда, *психолингвистика* билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, оғзаки нутқ маълум маънода психологик жараён ҳисобланди ва нутқ ижро этилаётган муҳит муаллифга қанчалик руҳий таъсир кўрсатса, унинг бу ҳолати нутқ мазмунининг тингловчиларга етиб боришига ҳам шунчалик таъсир кўрсатади.

Оғзаки нутқнинг иккига – тайёргарликсиз, яъни спонтан тарзда гапириш ва ёзилган матнни ўқиб беришга бўлинишини эътиборга олганимизда ҳам бу жараёнларга мос тарзда нутқ муаллифи ҳам муайян руҳий ҳолатда бўлади. Тайёр матнни ўқиб бераётганда муаллиф руҳий босим иксанжасида бўлмайди. Мақсад – мумкин қадар мавзу доирасидаги фикрни тўла етказиб бериш бўлади ва бунинг учун ҳар бир тил бирлигини жой-жойига қўйиб, маромига етказиб, адабий тил меъёрлари асосида талаффуз қилишга интилади. Нутқ ишонч билан амалга оширилади. Мелодик, темпорал ва ритмик жиҳатдан юқори даражада бўлади, баланд овозда ва аниқ ижро этилади. Паузалар ҳам синтактик бўлинишлар орасида амалга оширилади.

Нутқнинг спонтан тарзда, ҳеч бир тайёргарликсиз ижро этилишида психологик жараён бошқача кечади. Муаллиф бир вақтнинг ўзида икки жараённи – изланиш ва ахборотни зудлик билан етказишни параллел тарзда олиб боришга мажбур бўлади. Ўйлашга, фикрни ифодалаш учун танланган тил бирликларининг қанчалик тўғрилигига ишонч ҳосил қилишга ва ўз нутқини назорат қилишга вақт ниҳоятда тифиз бўлади. Шунинг учун бу ҳолатнинг психологик механизмлари олдингисидан фарқ қилади.

Ўзбек тилшунослигида психолингвистика соҳасининг энди шаклланиб келаётганлиги, ҳали бу борада йўлланма характеридаги тадқиқотларнинг юзага келмаганлиги талаффуз жараёнларига чуқур илмий баҳо беришни қийинлаштиради, албатта.

Шунга қарамасдан, айтиш мумкинки, нутқнинг индивидуал характери ҳақида гап кетганда унинг ижрочиси муайян субъект эканлигини эътибордан қочирмаслик лозим. Бу субъект руҳиятининг нутқ ижроси пайтидаги турли-туманлиги мутлақо бир-бирига ўхшамайдиган, бошқалар такрорлай олмайдиган нутқий шаклларни вужудга келтиради. Айтайлик, бир семантик-стилистик маънони ифодалаш учун тавсия этилган бир хил фонетик воситалардан фойдаланилганда ҳам уни амалга ошираётган ҳар бир индивид нутқидаги товушлар товланиши бошқа сўзловчи нутқидаги ўзгаришлардан фарқланади. Бу эса, сўзсиз, нутқ субъектининг руҳияти ва нутқ вазиятидаги таранглик билан боғлиқ ҳолда кечади. Шунинг учун, фонетик воситалар стилистикаси ҳақидаги фикрлар бир қадар умумий маънога эгадир.

Ахборотнинг кейинги қисми ҳақида бош қотириш, унинг мазмунли ва таъсирли бўлиши учун зарур тил воситаларини танлаш ҳамда уларни грамматик жиҳатдан тўғри шакллантиришнинг автоматик тарзда амалга ошириш вазифаси сўзловчига доимо босим ўтказиб туради. Бунинг устига, нутқни орфографик меъёрлар талабига кўра талаффуз этиш ҳам унинг зиммасида бўлади. Бу жараён табиий равишда нутқ муаллифининг баъзан иккиланишига – хезитацияга олиб келади, ўринсиз паузаларга, товушларнинг чўзиб талаффуз этилишига йўл қўйилади, ифодадаги маром бузилади. Хезитацион паузалар маънонинг тўлиқ реаллашувига тўсқинлик қилади. Буларнинг барчаси спонтан нутқнинг белгиларидир.

Ҳар икки ҳолатда ҳам нутқ муаллифининг социал шахс сифатидаги имкониятлари ва ўз услуби реаллашади.

Социал шахс ва тил муаммоси эса социомаданий жинс ва тил масаласи билан алоқадордир. Гарчи гендер – социал жинс лингвистик категория ҳисобланмаса-да, унинг мазмуни тил қурилишини таҳлил этиш йўли билан очилиши мумкин. Лексикология, семантика, матн лингвистикаси гендер муносабатларни ўзида етарли даражада акс эттиради. Бу фикрни фонетик воситаларга нисбатан ҳам айтиш тўғри бўлади.

Бадий матнларда қўлланиладиган айрим тил бирликлари асар қаҳрамонларини уларнинг тили орқали характерлаш хусусиятига эга. Бу эса муайян даврга хос бўлган социал жинс хусусиятларининг намоён бўлишига ва ўша даврнинг гендер манзарасини яратишга хизмат қилиши мумкин. Шу боис, кейинги йилларда *гендерология* фани, унинг таркибида эса *лингвистик*

гендерология соҳалари вужудга келди. *Гендер* атамаси биологик жинс ва социомаданий жинсни бир-биридан фарқлаш мақсадида фанга киритилган бўлиб, фоностилистик тадқиқотларнинг мукамал бўлишида лингвистик гендерологиянинг хулосаларидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиш мумкинки, тилшуносликнинг фонетика ва стилистика соҳалари кесишувида шаклланган фоностилистика нутқ товушларининг эмоционал-экспрессив ва функционал-стилистик жиҳатларини ўрганиши билан алоҳида йўналиш мақомини олди.

Нутқ товушларининг ўз асосий вазифасидан ташқари факультатив вазифаларни бажаришини ва нутқий экспрессияни пайдо қилишини ўрганиш фоностилистикани стилистика таркибида олиб қарашга, айти пайтда унинг мустақил соҳа эканлигини эътироф этишга тўла асос пайдо бўлди.

Фоностилистик таҳлилларда лингвистик омиллар билан биргаликда экстралингвистик омиллар ҳам муҳим ўрин тутади. Нутқнинг оғзаки-сўзлашув характери ана шу омиллар билан чамбарчас боғланган бўлади.

Ўзбек тилшунослигида ўтган асрнинг 40-50-йилларида бошланган ва ўтган давр мобайнида Қ.Сапарова, А.Абдуллаев, З.Қобилова, Г.Яхшиева, А.Ҳайдаров ва бошқалар томонидан фоностилистика муаммоларини махсус, диссертация планида ўрганилиши натижасида унинг тадқиқот объекти, мақсад ва вазифалари, таҳлил методлари ва бошқа фанлар билан алоқадорлик даражаси белгилаб олинди.

II боб

ФОНЕТИКА ВА ФНОСТИЛИСТИКА

2.1. Фонетик воситаларнинг стилистик имкониятлари

Ишнинг кириш қисмида қайд этилганидек, тилшунослик фани тизимида фонетика ҳам, фоностилистика ҳам унинг ўз мақсад ва вазифаларига эга бўлган алоҳида соҳалари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Тадқиқот объектининг нутқ товушлари эканлиги уларни бирлаштиради, бу товушларга ёндашишдаги мақсадлар уларни фарқлайди [А.Ҳожиёв томонидан фонетика – «1.Тилшуносликнинг нутқ товушларининг ҳосил бўлиш усуллари ва акустик хусусиятларини; бўғин, нутқнинг пауза билан ажралувчи қисмлари ва ш.к.ларни ўрганувчи бўлими. 2. Маълум тилга хос товушларнинг артикуляцион (физиологик) ва акустик хусусиятлари, муайян тилнинг фонетик тузилиши» тарзида изоҳланган. *Қаранг:* Ҳожиёв А. 2002, -Б.122].

Ўз навбатида, фонетика яна ички бўлинишларга эга. Масалан, унинг *фонетик акустика* деб номланган бўлими, яъни экспериментал фонетика нутқ товушлари ҳосил бўлишини юзага келган товуш тўлқинлари аспектида ўрганади. Товуш баландлиги, товуш кучи, товуш чўзиқлиги, товуш тембри (сифати) сингари хусусиятлар ҳам фонетиканинг шу бўлимида ўрганилади. Шунингдек, нутқдаги товушлар, оғзаки нутқдаги урғу, сўзнинг узунлиги, ритм, рифма ва бошқалар тилнинг муҳим фонетик воситалари бўлиб ҳисобланади ва *интонология, просодия* каби соҳалар ана шу воситалар юзасидан олиб бориладиган фонетик кузатишлар доирасида вужудга келган.

Кейинги йилларда матн лингвистикасига қизиқишнинг ортиб бориши натижасида нутқнинг фонетик сатҳини ўрганадиган янги йўналиш сифатида *матн просодияси* ҳам ривожлана бошлади.

М.Миртожиёв «Ўзбек тили фонетикаси» асарида беш босқичли фонетик бўлиниш: гап, такт, сўз, бўғин, нутқ ҳақида мулоҳаза юритиб, ушбу фонетик бўлинишлар тадқиқида сегмент ва суперсегмент воситаларнинг моҳиятини очиб беради: «артикуляция кечимида товушларга сарфланган товуш кучи,

баландлиги, вақт миқдори кабилар ҳам бор. Мана шу тил бирликлари... нутқ кечимининг бир бўлаги, яъни сегменти бўлади. Шу нутқ кечимидаги бўлакка мансуб товушлар ўзига хос товуш кучи, баландлиги ва вақт миқдorigа ҳам эга ҳолатда воқеланади. Бу унинг просодик томони, яъни суперсегменти ҳисобланади» [Миртожиев М. 2013, -Б.171].

Нутқ товушларини ўрганувчи интология ва просодия бўлимлари нафақат нутқнинг акустик жиҳатларини, айти пайтда, нутқ экспрессиясини таҳлил этиш билан алоқадор экан, уларнинг стилистик тадқиқотларга бевосита алоқадорлигини ва фоностилистика учун хизмат қилишини ҳам таъкидлаш лозим бўлади. Ўтган асрнинг 60-йилларида тилшуносликда *эмоционал фонетика* тушунчасининг вужудга келганлиги ва унинг ўзи хосланган тасвирий воситалари билан алоҳида кичик фонетик тизим сифатида ажратилганлигининг сабаби ҳам ана шунда [Пирогова Н. К. 1992, № 1, -С.58].

Фанда пайдо бўлган *фоностилема* атамаси ҳам фонетик воситаларнинг стилистик моҳиятини ўзида акс эттиради. Ўзбек тили фоностилистикасига доир кузатишлар олиб борган Қ.Сапарова ўз диссертациясида *фоностилема* атамасига изоҳ берган ва «*Фоностилема* деганда тил тизимида услубий вазифа бажарувчи ва услубларни фарқловчи сегмент ва суперсегмент сатҳларнинг ўзига хос фоностилистик бирликлари тушунилиши»ни айтиб, фикрининг далили сифатида китобий ва фонетик характердаги *найлайн* (*не айлайн*), *момо* (*мома*), *қиёламоқ* (*қияламоқ*) каби фоностилемалар, сўзлашув стилемалари сифатида *тиррак-таррак*, *газармоқ-гезармоқ*, *бўқоқ-буқоқ* каби фоновариантларнинг таҳлил намунасини келтирган [Сапарова. 2009, -С.14].

Сўзловчининг қалб кечинмалари, ҳиссиёти оҳанг ёрдамида, нутқнинг тезлиги ёки секинлиги, у ёки бу тил бирлигини кучли ёки кучсиз талаффуз қилиш, нутққа уйғун тарзда сўзловчи амалга оширадиган жестлар – турли хил ҳаракатлари билан ифодаланади. Ана шу омиллар таъсирида биргина гап бир неча хил маъно оттенкаларини ифодалаши мумкин. Эмоционалик баъзан нутқ адабий меъёрлари, масалан фонетик ёки синтактик меъёрларининг бузилишига сабаб бўлади.

Фонетика нутқ товушларининг ҳосил бўлиш усулларини, акустик хусусиятларини, нутқ аъзолари артикуляциясини, артикуляция кечимидаги сегмент ва суперсегмент бирликларни, хуллас, муайян тилнинг фонетик таркибини ўрганар экан [Ҳожиев

А. 2002, -Б.122], у бу воситаларнинг нутқда юзага келтириши мумкин бўлган экспрессив оттенкаларига ҳам эътибор беришдан четлаб ўтолмайди ва шу маънода фоностилистика фонетика билан яқин ҳамкорликда иш кўради.

Дарҳақиқат, тилнинг барча ярусларида бўлгани сингари фонетик воситаларда ҳам стилистик имкониятлар мавжуд. Нутқ жараёнида иштирок этадиган фоностилистик ресурслар матн комплексидаги лексик-фразеологик ва грамматик воситалар англатадиган семантик-стилистик маънолар кўламини кўшимча оттенкалар билан кенгайтиришга, айнан муаллиф кўзда тутган ифоданинг шаклланишига хизмат қилади. Бадий матнлардан олинган ушбу *Шаҳзода афти буришиб, тескари бурилди* (О.Ёқубов), *Қаландар қоронғи кўчалардан, пана-пасқам жойлардан юриб, орқага қайтаркан, хаёлидан: «Не қилмоқ даркор?» деган бир фикр чиқмас, нигоҳи олдидан бонунинг ёш билан ювилган маъсум чехраси кетмас эди* (О.Ёқубов) мисолларидаги *афт*, *чехра* сўзлари, *Умрингга ачинмагин кетмайдими чириблар* (У.Азим) мисрасидаги *-лар*, *Нега йигланади, йигланмасин!* (А.Қаҳҳор) гапидаги нисбат кўрсаткичи *-н* сингари лингвистик воситалар қандай экспрессив оттенкага эга бўлса, *Шамол турса шобирлайди шотерак* (достондан) мисрасидаги *ш* товушининг аллитерацион такрори ҳам стилистик бўёқни юзага келтирадиган лингвистик воситалар сирасида қаралади.

Шу маънода таъсирли ва жозибали нутқ шаклланишига сабаб бўладиган эмфатик урғу, оҳанг ва пауза каби просодик воситаларни нафақат фонетик ёки фонологик, балки услуб жиҳатдан чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

М.Миртожиевнинг «Ўзбек тили фонетикаси» монографияси бу борада экспериментал кузатишлар асосида яратилган фундаментал тадқиқот сифатида методологик таянч бўлиб хизмат қила олади [Миртожиев М. 2013]. Олимнинг ўзбек тили фонетикасига оид назарий қарашларининг бир қисми нутқ товушлари талаффузидаги экспрессивлик билан боғлиқ бўлгани боис, биз улардан ишимизда унумли фойдаландик.

Ифодада экспрессивлик бериш ёки семантик оттенка илова қилиш нутққа хос бўлиб, унга нутқ кечимида эришиш мумкинлиги ҳақидаги қарашларини ҳамда нутқнинг энг кичик бирлиги сифатида эътироф этилган нутқ товуши ҳар қандай тилнинг асоси ва у фонеманинг шаклланишига хизмат қилишини таъкидлаган олим товуш баландлиги, товуш кучи, товуш чўзиқлиги, товуш тембри

сингари жиҳатларини таҳлил қилиб, уларда эмоционал-экспрессив хусусиятлар мавжудлигига эътибор қаратади. Масалан, у *товуш баландлиги* ҳақида мулоҳаза юритиб, бу фонетик ҳодиса гапнинг ҳам синтактик, ҳам эмоционал оҳангини белгилашлигини, айрим товушларнинг сўзда чўзиқ талаффуз этилиши эса сўз маъносидаги эмоционаллик ва экспрессивликни ифодалашлигини айтади: *маза>мазза, роса>росса, озгин>оозгин, қизгиш>қизгишиш* каби» [Миртожиев М. 2013, -Б.18-20].

Энди фонетик бўлинишларнинг фоностилистика учун аҳамиятли жиҳатлари хусусида сўз юритамиз.

Бўғин. Фонетиканинг силлабика қисмида ўрганиладиган бўғинни М.Миртожиев соф фонетик ҳодиса ва унинг семантик қиймати йўқ деб қарайди [Миртожиев М. 2013, -Б.133,139]. Олимнинг бўғин баробарида мулоҳаза юритган *ҳижо* тушунчаси ушбу фонетик ҳодисанинг ифода тасвирийлигига алоқаси борлигини кўрсатади. Чунки бўғин таркибидаги унлилар бўғин марказида туриб, ундошларни ўзига бирлаштириши, сўзлар бўғин таркибига кўра моносиллабик, бисиллабаик, полисиллабик характерда ва акустик нуқтаи назардан силлик, пасаювчи, кучаювчи бўлиши, очик ёки ёпиқ эканлиги сўзнинг товуш структураси ҳамда оҳангига таъсир кўрсатади ва бу билан поэтикада аҳамият касб этади. Муаллифнинг ўзи ҳам «ҳижо, туб моҳияти билан, поэтик нутқнинг бир нафас тўлқинида тааффуз этиладиган қисми бўлади». «Ўзбек арузчилигида... сўздаги қатор очик бўғинлардан айримларини сунъий чўзиқ ҳижога айлантириш, қатор ёпиқ бўғинларнинг орасида сунъий қисқа ҳижо яратиш зарурияти туғилади» [Миртожиев М. 2013, 160,162], дейиши билан ўз фикрини мустаҳкамлайди.

Дарҳақиқат:

Юзинг висолига етсун десанг кўнгулларни,

Сочингни боштин оёқ чин ила шикан қилгил

мисраларидаги *боштин* сўзи бўғинларга *бош-тин* тарзида ажратилгани ҳолда ҳижоларга бўлиниши *бо-штин* (*бо-ш-тин*) шаклида бўлади. Ёки:

Кўюнг борида қилмон жаннатқа гузар ҳаргиз,

Қаддинг қошида солмон тубиға назар ҳаргиз

бандидаги *жаннатқа* сўзи бўғинларга ажратилганда *жан-нат-қа* бўлса, ҳижоларга *жанн-атқа* тарзида бўлинган [Ҳомидий Ҳ.ва бошқ. 1970, -Б.283].

Аруз вазнида ёзилган асарларда сўзларнинг бу тарзда бўғинларга ажратилишининг экспрессивликка алоқаси бўлмасилиги мумкин. Аммо мисралардаги сўзлар оқимидаги равлонлик ва оҳангдорликнинг қатъий тартиб асосига қўйилиши поэтик матнлар учун айни муддаодир. Шунинг учун ҳам Ҳ.Жамолхонов бўғинни шеърятдаги туроқларни, оҳангдошлик ва муסיқийликни, вазн ўлчовини таъминловчи, ритмни юзага келтирувчи асосий унсур сифатида баҳолайди [Жамолхонов Ҳ. 2009, -Б.162].

Интонация. Нутқ талаффузи билан узвий боғлиқ бўлган интонация ҳақида ўзбек тилшунослигида жўяли гаплар айтилган [А.Ҳожиев унга «Нутқнинг синтактик маъноларни ва экспрессив-эмоционал бўёқларни ифодалаш учун хизмат қилувчи ритмик-мелодик томони; овознинг баланд-пастлиги; оҳанг», деб таъриф бериши баробарида нутқ мелодикаси, нутқ ритми, нутқ интенсивлиги, нутқ темпи, нутқ тембри, мантиқий урғу ва фраза урғусини интонациянинг таркибий унсурлари сифатида қайд этади. Қаранг: Ҳожиев А. 2002, -Б.45; Ҳ.Жамолхонов эса интонациянинг фандаги иккинчи номи *интонама*, тилшуносликда у билан шуғулланувчи соҳанинг номи эса *интология* эканлигини айтган. Қаранг: Жамолхонов Ҳ. 2009, -Б.170]. Масалан, М.Миртожиевнинг номи тилга олинган асарининг асосий бобларидан бири интонация тадқиқига бағишланган [Миртожиев М. 2013, -Б.349-418].

Интонациянинг фонетика билан боғлиқ жиҳатларини атрофлича ўрганган олим гапнинг мантиқ урғуси, эмфатик урғу ва пауза каби омилларнинг ҳеч бири ўзича мустақил вазифа бажара олмаслигини, уларнинг йиғиндиси бир бутун ҳолда нутқнинг талаффуз қилинган қисми интонацияси бўлишлигини айтади. Унинг фикрича, бир предикациядан иборат бўлган грамматик бутунлик ҳам коммуникатив мақсаддан келиб чиқиб, турлича шакллантирилиши мумкин (мас., дарак, сўроқ, буйруқ, ундов ва ҳоказо) ва бу интонация туфайли амалга оширилади. «Интонациянинг таянч компоненти гап, ҳатто, нутқ доирасида ҳам, товуш баландлиги тизими, яъни оҳанг ҳисобланади. – дейди олим. – У гапнинг мантиқ урғусига марказлашади. Интонациянинг шаклланишида пауза ҳам, товуш темпи ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлади. Интонацияда товуш кучи, тембри, экспрессивлигининг аҳамияти иккинчи даражали ҳисобланади» [Миртожиев М. 2013, -Б.13].

Ҳ.Жамолхонов билдирган куйидаги мулоҳазалар ҳам интонациянинг фикр ифодасидаги аҳамиятини янада ёрқин англашимизга ёрдамлашади: «Интонация бир қатор суперсегмент элементлар (овоз тони, мелодика, ритм, тембр, пауза, темп ва бошқалар) иштирокида таркиб топади ва гап мазмунининг, ундаги эмоционал-экспрессив жиҳатларнинг ифодаланишида муҳим роль ўйнайди. Демак, интонация оғзаки нутқнинг мажбурий фонетик компоненти дир, усиз гап ёки нутқ шаклланмайди ва ифодаланмайди» [Жамолхонов Ҳ. 2009, -Б.170].

Айтилганлардан шу нарса маълум бўладики, интонация комплексидаги барча омиллар биргаликда нутқда предикативликни шакллантиради, коммуникатив мақсадни амалга оширади. Бу унинг асосий хизмати бўлса, иккинчиси нутқда услубий вазифаларни адо этишидир.

Оғзаки нутқни интонациясиз шакллантириб бўлмагани каби, бу нутқнинг услубий бўёқдорлигини ҳам усиз таъминлашнинг имкони йўқ. Қайси бир фонетик ҳодиса стилистик вазифани бажараётган бўлмасин, уни интонациясиз тасаввур этиб бўлмайди.

Нутқнинг ахборот мазмунида ёки маълумот тартибида берилиши ҳам, унинг таъсирчан тарзда шакллантирилиши ҳам интонацияга боғлиқ. Ҳар бир функционал услубда эса уларнинг моҳияти ва олдига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, талаффуз усули танланади. Гарчи интонация гап мазмунини жиддий ўзгартира олмаса ҳам, сўзловчининг субъектив муносабатини ифодалашга хизмат қилади, нутқнинг модаллиги ва эмоционаллиги интонацияга боғлиқ бўлиб қолади. Ё.Тожиев эса оҳанг ўзгариши билан мазмун ҳам ўзгариб кетишини айтган [Тожиев Ё., Маллабоев М. 2009, -Б.12].

Товушларнинг баланд оҳангда талаффуз этилиши ёки секинлашиши, шунга боғлиқ ҳолда нутқ суръатининг кўтарилиши ёки пасайиши, товуш тембрининг сўзловчи ижтимоий шахсига боғлиқ ҳолда ўзгаришларга юз тутиши ва бошқа фонетик жараёнлар ҳам интонация доирасида амалга ошади: «интонациянинг эмоционал асоси гап мазмуни билан боғли бўлиши шарт эмас. Мана шунда эмоционалликни юзага чиқариш вазифаси фақат интонацияда қолади» [Миртожиев М. 2013, -Б.351].

Инсоннинг онгида шакллантирилган мазмунга мос равишда ифода оҳанги танланади. Нутқнинг тони, суръати, паузалари, тоннинг баландлиги ва кучи, нутқ мелодикаси, нутқ ритми, нутқ интенсивлиги, нутқ тембри, пауза, эмфаза сингари омиллар

интонация комплексда нутқ мазмунига уйғун бўлади. Ана шу танланиш нутқнинг функционал жиҳатдан фарқланишига олиб келади.

М.Миртожиев юқорида номи тилга олинган асарида интонациянинг компонентлари сифатида товушнинг асосий тони ҳаракатидан (баланд ва пастлигидан) шаклланадиган оҳангни, нутқ таркибида эмоционаллиги бўлган бўлакни ажратиб кўрсатадиган товуш баландлигини, талаффузда зарб билан боғли равишда шаклланадиган товуш кучини, гап талаффузида унга кетган вақт билан ўлчанадиган гап темпини, гапдаги бирор бўлакни таъкидлаб кўрсатадиган гап урғусини, гапдаги эмоционаллик ёки экспрессивлик қайд этилган бўлакни ажратиб кўрсатувчи эмфатик урғуни, гапда жарангдорлик ва майинлик касб этувчи товуш компоненти бўлган гап тембрини, паузани санаб ўтади ва уларнинг нутқдаги вазифаларига тўхталган [Миртожиев М. 2013, -Б.352-356].

Баъзан *интонация* сўзига синоним сифатида қўлланадиган *оҳанг* ун пайчаларининг бир маромда тебраниш сифатининг ўзгариши – овознинг пасайиши ёки баландлашиши билан боғлиқ бўлиб, бу ўзгаришларда муайян стилистик мақсад кўзда тутилган бўлади. Мас., *Кўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдим санга (Навоий)* мисрасидаги кетма-кетликда келган сўзлар то *сенга* сўзига келгунга қадар бир маромда талаффуз этилиб, шу ерга келганда бу маром атайлаб бузилади ва *санга* олдинги сўзларга қараганда баландроқ талаффуз этилади ва шу билан тингловчи эътибори ана шу бирликка қаратилади. Урғу сўздаги иккинчи бўғинга берилади, ҳатто баъзан сўз *санго* тарзида талаффуз этилиб, унга бўлган эътибор яна ҳам кучайтирилади ва у экспрессивликни юзага келтирувчи фонетик воситага айланади.

-Ҳамма қилгиликни сен қилдинг! -Мен? Одатда кишилик олмоши *мен* ни бетараф оҳангда талаффуз этиш меъёр саналади. Сўзга урғу берилиб, *мен қилдимми?* сўроқ маъноси ҳосил қилиши биланоқ у стилистик аҳамият касб этади. Бунинг устига, сўз талаффузидаги одатдаги меъёр ўзгариши орқали пайдо бўлган ҳайратланиш оттенкаси иккинчи қўшимча маънодир.

Одатда, баланд оҳанг экспрессивлик учун хизмат қилади. Аммо баъзан бунинг акси ҳам кузатилади. Паст оҳангда гапириш ҳам экспрессив воситага айланишини қуйидаги диалогдан англаш мумкин:

Кимё. Жон отаси, қизимга раҳм қилинг. Ёш нарсани сил қилиб, ажалидан беш кун бурун ўлдирманг!

Ҳожи. Овозингизни кўтарманг, жим... Эшитилади!!

Кимё. Етти ухлаб тушига кирмаган кунларни кўрадимми энди шўрлик қизим...

Ҳожи. Жим!! ...Гап битта, индинга тўй, бу ҳақда бировга оғзингизни оча кўрманг! Шу кундан бошлаб хотиним касал, деб гап тарқатаман, агар бирор нарса пайқаб қолсам, эртага хотиним ўлди, деб овоза қилиш ҳам қўлимдан келади! Уқдингизми, айланай хотин!.. (К.Яшин).

Ҳожининг заҳарханда гапи бошдан охиригача паст оҳангда, дона-дона қилиб, ўсмачоқлаб айтилади. Унинг феълидаги хотинини менсимаслик ва унга бўлган таҳдид оттенкаларини айнан ана шу оҳанг кутилган даражада ифодалай олган. Овознинг баландлиги эса акс натижани бериши мумкин эди.

Аммо оҳангни пасайтириш йўли билан экспрессивликни ифодалашдан кўра кучайтириш орқали ифодалаш устунлик қилади: «Товуш баландлиги нутқ таркибидаги эмоционаллиги бўлган бўлагини ажратиб кўрсатади. Унда бўлак бўғинлари унлиси баланд талаффуз этилади. Эмоционаллик тугаган бўғиндан бошлаб унлининг талаффуз баландлиги анча пасаяди» [Миртожиев М. 2013, -Б.353].

Илмий манбаларда *такт интонацияси* деган тушунча мавжуд. Матн таркибидаги гаплар муайян тактларга бўлинар экан, гапнинг ушбу қисмлари алоҳида интонация билан талаффуз этилиши зарур бўлади. Ҳар икки томондан пауза билан ажратилиши ва ягона урғу билан талаффуз этилиши гапнинг бу қисмининг алоҳида хусусиятидир.

Тактни поэтик матнларнинг ўқилишидаги маромлилик десак, уни тушуниш ва стилистик восита эканлигини англаш осон кечади. Масалан:

*Дарёлардан / талаб қилма сув,
Дарахтлардан / сўрама соя.
Унут бўлган / бундайин туйғу,
Бадар кетган / бу каби зоя. (А.Орипов).*

Бармоқ вазнида ёзилган ушбу шеъринг парчанинг ҳар бир мисрасида туроқлар 4+5 шаклида бўлиб, унинг қисмлари тактга тенг келади. Тактларнинг алоҳида интонация ва оҳанг билан ўқилиши эса ритмни – бир хил маромни вужудга келтиради ҳамда образлилик ва таъсирчанлик учун хизмат қилади.

Матннинг бир бўлаги бўлган гаплар ҳам тугал фикрнинг шаклий ифодаси сифатида ўз интонациясига эга. Масалан,

гапларнинг ифода мақсадидан келиб чиқиб талаффуз этилиши уларнинг ўз интонациясини, оҳангининг пастлик ёки юқорилик даражасини, мантикий урғусини белгилаб беради. Дарак гаплар талаффузининг паст оҳангда бошланиб, мантиқ урғуси тушган сўзга қадар кўтарилиши ва яна пасайиб бориши, сўроқ ва буйруқ гапларда интонациянинг юқори даражада бўлиши, истак гапларда деярли эмоционал хусусият кузатилмаслиги, айти пайтда, риторик сўроқ ёки ундов гапларда интонация эмоционалликни юзага келтиришнинг муҳим воситаси эканлиги интонация ва эмоционал-экспрессивлик муносабатларида очилиб боради.

Тилда уюшиқ бўлақлар, умумлаштирувчи бўлақ, ажратилган бўлақлар ёки кириш бўлақларнинг, ундалманинг юзага келиши муайян бир мулоқот шароити билан боғлиқ бўлиши баробарида, улардаги воқеа-ҳодисаларни санаш, фикрни яқунлаш, таъкидлаш ёки эътиборни қаратиш сингари оттенкалар гап таркибидаги ҳар қайси бириликнинг алоҳида интонациясини тақозо этади. Масалан, ундалмаларни олайлик. Уларнинг препозиция ёки постпозицияни эгаллаши стилистик фарқларга эга. Турли поэтик талабларни инобатга олмаганда ҳам биринчисида ўзига қаратиш бўлса, иккинчисида огоҳлантириш оттенкаси бўлиши мумкин. *Назир, сен ҳовлига чиқиб тур! Дунёни қизганма мендан, азизим!* каби. Ўзбек тилидаги номинатив ва ундов гаплар эса эмоционал оттенкага эга бўлган гаплардир.

Оҳангдан ҳар бир услуб ўз манфаати йўлида фойдаланади. Шунинг учун ҳам бадий, публицистик ва сўзлашув услубларида у ранг-баранглик касб этиб, ҳатто бир матннинг ўзида мазмун ифодасига мос тарзда ҳам кўтарилиб, ҳам пасайиб турса, расмий ёки илмий услубларга хос матнларнинг оғзаки ўқилишида монотонлик устунлик қилади.

Ритм луғатларда табиат ва жамият ҳодисаси сифатида баҳоланади ҳамда «Ҳодисалар ва жараёнларга хос айрим элементларнинг муайян изчиллик, кетма-кетлик асосида такрорланиб, алмашилиб келиши ва шундай такрорийликнинг ўзи» тарзида изоҳланади. «Шеърят, мусиқа, рақс, тасвирий санъат, меъморлик ва б. санъат турлари шаклларининг асосий жараёни, тартиби, қонун-қоидаси» бўлишлик эса ушбу атама олган иккинчи вазифасидир [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдлик, учинчи жилд. 2007, -Б.387].

Фоностилистика учун ритм иккинчи маънода аҳамиятли. Бир-бирига тенг ва ўзаро оппозицияда бўлган фонетик бирликлар ва

ходисаларнинг, масалан, овоз темпидаги тезлашиш ва секинлашишнинг, урғули ва урғусиз бўғинларнинг бир хил вақт бирлигида изчил такрорланиб ёки алмашилиб туриши ритм ҳисобланади ва у интонациянинг таркибий қисми саналади.

Бу алмашинувчи бирликлар нафақат сегмент, балки суперсегмент бирликлар бўлиши ҳам мумкин. Шу маънода нутқ ритми - бу нутқнинг тенг миқдордаги бирликларининг бир хилда (бир маромда) алмашилишига асосланган нутқ ҳодисасидир.

О.С.Ахманова ритмни «Нутқни ҳосил қилишда тезлашиш ва секинлашишнинг, зўрайиш ва сусайишнинг, чўзиқлик ва қисқаликнинг бир меъёрада алмашилиши», деб изоҳлайди ва ритмика фонетиканинг бир бўлими сифатида нутқ қурилишининг умумий қонуниятларини ўрганишини айтади [Ахманова О.С. 1969, -С.388].

Ритм поэтика учун муҳим саналгани боис, унга адабиётшуносликда жиддий аҳамият берилади: «*Ритм* – шеърий нутқдаги муайян, бир-бирига монанд кичик бўлақларнинг изчил ва бир ўлчовда такрорланиб келиши» [Ҳомидий ва бошқ. 1970, - Б.181]. «Шеърий нутқдаги муайян бўлақларнинг бирор тенг вақт ичида изчил ва бир ўлчовда такрорланишига *ритм* дейилади. Бир хил бирликларнинг гуруҳланиши ва даврий такрорланиши шеърий ритмнинг асосини ташкил қилади. Шеърий ритм шеър яратувчининг ҳис ва туйғуларини ўзига хос бир тарзда ифодалашга ёрдам берувчи нутқ ҳодисасидир» [Ҳотамонов Н., Саримсоқов Б. 1979, -Б.258] каби.

Аслида ўзбек поэтик матнларидаги бармоқ ва аруз вазнлари ритм талаби билан юзага келган, дейиш мумкин. Бармоқ вазнида ёзилган қуйидаги шеърий парчага эътиборимизни қаратамиз:

Кузнинг / рутубатли / оқшоми эди,

Бозлар / секингина / чекар эди оҳ.

Рухим / да бир хазон / айёми эди,

Ажиб / гўзалликка / дуч келдим ногоҳ (А.Орипов).

2+4+5 тарзидаги ритмик бўлақлардан ташкил топган ушбу шеър аввал қисқа, яъни 2, кейин 4, ундан сўнг 5 бўғинли бўлақлардан иборат бўлганлиги, туроқ таркибидаги бўғинлар сонининг тобора ортиб бориши баробарида урғунинг биринчи сўзларга тушиб, уларнинг зарб билан айтилиши ва кейинги сўзларда пасайиши шеърнинг алоҳида бир оҳанг билан ўқилишини ва бу эса, ўз навбатида, мисраларнинг ўқилиши ва лирик қаҳрамон кайфияти ўртасидаги уйғунликни таъминлаган. Ритм маҳзун

ифоданинг юзага чиқишида асосий омил бўлган. Чинакам маънода шеърнинг таъсир кучини, эмоционаллигини бера олган фоностилистик воситага айланган.

Ҳар бир шеър руҳи, лирик қаҳрамон ички оламининг юзага чиқиши ўзига хос ритмни танлашни тақозо этади. Бошқача айтганда, ижодкорлар шеър руҳига мос тарзда аввал вазни, кейин ундаги бўғинлар миқдорини танлайдилар ва сўзларни тuroқларга бўлиб жойлаштирадilar, ифоданинг ўзига хос усулларини пайдо қилдилар. Ҳамид Олимжоннинг «Кўлингга қурол ол!» шеърини эслайлик. Беш мисралик олти банддан иборат ушбу шеър қатъий ритм асосида шаклланган. Ҳар бир бандда уч хил ритм мавжуд. Биринчи уч мисра бир хил оҳангда, тўртинчи ва бешинчи мисралар эса алоҳида-алоҳида оҳангда айтилиши просодик элементларнинг асар мазмунига нақадар ҳамоҳанг бўлганлигини кўрсатади.

Банддаги:

*Юрса агар томирда қонинг,
Азиз бўлса бир парча нонинг,
Керак бўлса номус, виждонинг,*

мисралари бир хил оҳангда, маромда айтилади ва бунда *юрса, бўлса* сўзлари бир текисликни ушлаб туради. Энг зарур ҳолатларни таъкидлаш, ўсмоқчилаш оҳанги тўртинчи мисрага келиб ўзгаради, ритм «бузилади», таъкидлаш ўрнини қатъият оҳанги эгаллайди:

Бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол:

Бешинчи мисрага келиб қатъийлик оҳанги давомида ҳукм, буйруқ, даъват эълон қилинади:

Кўлингга қурол ол!

Мана шу тарзда мисраларнинг 3+1+1 тарзда бирлашуви ва 4+5 тuroқда шакллануви шеърда яхлит ритмни вужудга келтиради. Унда илмий адабиётларда қайд этилган ритмик-интонацион, ритмик-мелодик, ритмик-синтактик бутунликларнинг барчаси намоён бўлади.

Ритм нафақат поэзияда, балки прозада ҳам катта аҳамиятга эга. Агар поэзияда ритмика метрика – урғуга асосланган шеър вазнидан ажралмас бўлса, прозада биров бошқачарoқ тарзда кечади ва у матн элементлари – параллел қурилмалар, уюшиқ бўлақлар сингари синтактик бирликлар такрорига асосланган бўлади. Масалан, О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романидан олинган ушбу парчага диққат қиламиз: *О, юлдузлар... юлдузлар!.. Мирзо Улуғбек эллик йил уларга ошифта бўлди. Кечаларни бедор ўтказиб, ҳар бир ситора, ҳар бир юлдузнинг буржини, яъни, ҳаракатидаги*

чамбар йўлини кузатди. *Ҳайҳот! Қирқ йил умрини сарф қилиб, юлдузлар сирини, коинот сирини ўрганди-ю, замин сирига, инсонлар ҳаётига келганда гафлатда қолди. У фалак сирларини билсам, замин ва ҳаёт сирларини ҳам билурмен, деб ўйлаган эди. Йўқ, янглишди! Фалак сирларининг бир четини хиёл очгандай бўлди, лекин инсоният, наинки инсоният, ҳаттоким ўз пушти камаридан бўлган зурриётларининг юракларига қўл солиб кўролмади, матлаблари не? Билолмади!..* Парчада Мирзо Улуғбекнинг рухий олами, ундаги зиддиятлар акс этган. Ана шу зиддиятлар ёрдамида унинг қалбида муайян вазиятда кечаётган изтироблар очиб берилган. Бу жараёнда нафақат юлдузларга *ошифта* бўлди – чамбар йўлини кузатди сингари параллел қурилмалар; *коинот сирини ўрганди – инсонлар ҳаётига келганда гафлатда қолди, ўйлаган эди – янглишди, фалак сирларини очгандай бўлди – зурриётларининг юракларига қўл солиб кўролмади, матлаблари не – билолмади* тарзидаги ўзаро оппозициядаги жумлалар, айти пайтда, уларнинг китобхон ёки тингловчига тўлалигича етиб боришга хизмат қиладиган просодик воситалар фаол иштирок этади. Матнда биз икки томонлама стилистик самарадорликни кузатамиз. Биринчи томондан, параллел ва антонимик характердаги жумлаларнинг ёнма-ён қўлланиши бўлса, иккинчи томондан уларнинг талаффузига мос тарзда оҳангнинг танланиши, уларнинг ҳар бирида овоз тепмининг пасайиб ҳамда кўтарилиб туриши ва бунинг натижасида микроматнга хос ва мос ритмнинг юзага келиши ана шу самарадорликни юзага келтиргандир. Тўғри, олинган парча ёзма нутқ намунаси. Аммо у Мирзо Улуғбек нутқи, унинг ички монологи. Ўқувчи унинг изтиробларини аниқ ҳис этмоқ учун бу монолог ритмини ҳис қилмоғи, ундаги ҳар бир тил унсурини, гарчи ботинан бўлса-да, жой-жойига қўйиб «талаффуз этмоғи» лозим бўлади. Ана шундагина Мирзо Улуғбек қалбида кечаётган рухий изтиробларни мумкин қадар тўлалигича англамоққа шароит яратилади. Тадқиқотчилар ритмни психолингвистик ҳодиса сифатида қараганларида, масаланинг ана шу жиҳатларини назарда тутишган.

Яна шу нарса маълум бўладики, бу матнда ритм унинг шаклий жозибадорлиги, беагаги учун хизмат қиладиган эмас, аксинча, монолог муаллифи эмоциясини беришнинг алоҳида бир усули сифатида намоён бўлмоқда.

Демак, нутқни ритмик ташкил этиш бадий нутқда алоҳида эмоционалик пайдо қилувчи, ўқувчи ёки тингловчини

тўлқинлантирувчи, гарчи ўзи ифодавийликка эга бўлмаса-да, ифодага лирик тон берувчи восита бўлиши, тасвирийлик учун хизмат қилаётган ритм матндаги – юқоридаги ҳолатда параллелизм ва антонимия – бошқа грамматик унсурлар ҳаракатини кучайтиришга хизмат қилиши мумкин экан.

Шу ўринда ритмнинг шаклланишига хизмат қиладиган бошқа просодик воситаларни кўздан қочирмаслик лозим. Юқоридаги матнда бу восита синтактик қурилмалар ва урғудир. Ритм ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Бунинг учун, олимларимиз таъкидлаганларидек, структурал жиҳатдан тенг бўлган, бир тартибда жойлашган элементлар бўлиши ҳамда улар муттасил такрорланиши ва динамизмни пайдо қилиши зарур.

Нутқий вазиятлар шунчалик хилма-хилки, уларнинг ҳар бири нутқ ижросида алоҳида ритмни танлайди. Сўзларнинг чўзиқлиги тилдаги қисқалик ва талаффуз қонуниятлари нутқни назаридан маъқул кўрилмагани сингари нутқда учрайдиган узун сўз ва жумлалар ҳам ритмни сусайтиради. Масалан, *Муҳаммад*, *Нурмуҳаммад*, *Нормуҳаммад*, *Пирмуҳаммад* исмларининг *Мамат*, *Мат(муса)*; *Нурмамат*, *Нурмат*; *Нормамат*, *Нормат*; *Пирмамат*, *Пирмат* гача қисқариб боришига талаффузда ритмни бузмаслик, равонликни сақлаб қолишга интилиш сабаб бўлган.

Мисоллардан ритм физиологик асосга ҳам эгаллиги ҳам маълум бўлади. Чунки талаффуз жараёнидаги ритм, ўз навбатида, нафас олишни ҳам муайян маромга туширади, маълум маънода нутқ учун сарфланган куч тежалади. Инсон қулоғи кучли ва кучсиз элементлардаги аниқ пасайган ёки кўтарилган овоз тонини пайқайди ва биз буни ритм деб атаймиз. Коммуникатив вазифани бажарувчи нутқ шакли сифатида эса ритм мазмунга уйғунлашади, яъни идрок ёрдамида бошқарилади.

Ритм функционал характерга ҳам эга. Ҳар бир функционал услуб ўз экстралингвистик талабларига мос тарзда алоҳида ритмик ҳолатларни пайдо қилади. Масалан, бадий матнни расмий услубда ўқисак, ёки аксинча бўлса, у оғирлик билан қабул қилинади. Шу маънода ритмни фоностилистик восита сифатида эътироф этиш тўғри бўлади.

Мелодика. Фоностилистик кузатишларда дуч келинадиган *мелодика*, *мелодия* атамаларининг мазмуни луғатда *оҳанг*, *оҳангдорлик*, *оҳанг ҳақидаги таълимот* тарзида берилган [Русча-ўзбекча луғат. I том. 1983, -Б.548]. Аммо уни оҳангдорликдан

ташқари *мелодичность* атамасига тўғри келадиган *хушоҳанглик*, *ёқимлилиқ* маъносида тушуниш ҳам маъқул кўринади.

Чунки нутқ мелодикаси – нутқ оҳанги, тони индивидуал характерга эга ва бу борада бир киши иккинчисини такрорламайди. Ҳар бир индивид ўз овозига эга ва бу овоз мелодика нуқтаи назаридан хушоҳанг, ёқимли ва бунинг акси бўлиши ҳам мумкин. Овознинг ёқимлилиги – бу овоз воситалари ёрдамида ифодаланган эмоционал бўёқ. Унинг аҳамияти ҳақида Н.Маҳмудов қуйидагиларни ёзади: «Умуман сиёсатчими, ўқитувчими, актёрми, журналистми, ким бўлишидан қатъи назар, унинг оғзаки нутқида барча коммуникатив сифатлар мавжуд бўлсаю овозида у ёки бу нуқсон сезилса, бундай нутқ таъсир кучини камида ярмига йўқотади. Айтиш мумкинки, бир кишигами, юз кишигами, борингки, минг кишигами, бунинг фарқи йўқ, ўзгага хитобан айтилган ҳар қандай нутқда овознинг, овоз сифатининг ўрни фавқулодда муҳимдир» [Маҳмудов Н. 2012, -Б.140].

Ҳарқалай, нутқ хушоҳанглилигининг стилистик қимматга эгаллигига шубҳа йўқ. Агар Ҳ.Жамолхоновнинг «нутқда овознинг (тоннинг) баланд-паст тарзда тўлқинланиши мелодикани юзага келтиради» деган фикрини инобатга олсак, овознинг пасайтирилиши ёки баландлатилишида муайян мақсад ётишини тушуниш қийин бўлмайди: «мелодика ... гапнинг ифода мақсадига ёки эмоционалликка кўра турларини белгилашда, синтагмаларни, кириш сўз ёки киритма гапларни ифодалашда муҳим восита саналади» [Жамолхонов Ҳ. 2009, -Б.81-82].

Мелодик кўтарилиш ва пасайиб туришлар табиий нутқ, яъни сўзлашув нутқида хос хусусият саналади. Унинг монотон бўлиши қийин. Бу вазиятга сўзловчининг индивидуал манераси ҳам, нутқий вазият ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, Насиба Абдуллаева *Қанча тиришсам ҳам у беор / Йиллар мени алдаб кетади* мисраларини қўшиқ қилиб айтганда *кетади* сўзини *кетоди* тарзида талаффуз қилади («*Маҳалла» радиоси, 5.03.2016*). Бу санъаткорнинг камчилиги эмас, балки мелодиканинг талабидир. Сўзнинг *а* билан *кетади* тарзида талаффуз этилиши кўтаринкиликка, пафосга путур етказди.

Яна бир муҳим жиҳат борки, оҳангдорлик билан англантиладиган стилистик оттенкаларни ҳис қилиш ва фаҳмлаш адресант ва адресат мақомидаги тил истеъмолчилари учун умумий бўлган жиҳатларга, масалан, миллийликка боғлиқ ҳолда кечади.

Оҳангдорлик нутқ жараёнида фақатгина овознинг пасайиб ёки кўтарилиб туриши бўлмасдан, балки кичик паузалар ёрдамида нутқни бўлақларга ажратувчи восита ҳамдир. У интонациянинг компоненти сифатида жумлалар ва гапларни ифода планида фарқлашга кўмаклашади. Шу маънода у фоностилистик аҳамият касб этади.

Пауза. Нутқда ҳар хил паузалар бўлиши мумкин ва уларни *лингвистик пауза* билан адаштирмаслик керак. Лингвистик пауза лингвистик зарурият бўлиб, нутқда маълум бир вазифа бажаради. «Пауза, нутқдаги товушнинг маълум дақиқа тўхташи бўлиб, синтактик бирликларни ўзаро ажратиш, бутунлигини таъминлаш, эмоционаллик ифодасини бериш каби вазифаларни бажаради» [Миртожиев М. 2013, -Б.356-358].

Пауза нутқда лингвистик вазифа таркибида стилистик вазифа ҳам бажаради. П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романидан олинган қуйидаги парчага эътиборимизни қаратамиз: *Тоҳир Робиянинг Андижон қўрғонида бирорта бўйни йўгон бекнинг тузоғига илиниб қолиши мумкинлигини ўйлади-ю:*

– Йўқ! – деди. – Мени десанг қўрғонга борма!

Робия Тоҳирнинг бахмалдай майин мўйлови тагида хиёл титраб турган лабига ва изтироб билан чақнаётган қўнғир кўзларига тикилди.

– Менинг ҳам сиздан йироққа кетким йўқ... Лекин неқилай... Қўрқамен!..

Тоҳир қизни чакмон билан бирга қучиб, бағрига босди. Робиянинг майин соч толалари йигитнинг юзига тегди, бир лаҳза икковининг нафаси нафасига қўшилиб кетди. Тоҳир қизнинг бадани титраётганини сизди-ю:

– Чиндан қўрққанингми бу, Робия? – деди. – Сенга не бўлди?..

– Мен бир ваҳимали туш кўрдим, Тоҳир ога! Илоҳи тушим ўнг келмасин!..

Энди Тоҳир ҳам хавотирланиб, қизни қучоғидан бўшатди-да, унинг катта-катта бўлиб кетган кўзларига қаради:

– Ёмон тушми?

– Айтишга ҳам тилим бормайдир.

– Тушга нелар кирмас!.. Айт!.. Майли...

Парчадаги Менинг ҳам сиздан йироққа кетким йўқ... Лекин неқилай... Қўрқамен!.. жумлаларидаги паузалар айнан Робия нутқидаги рухий изтироблар ифодачисидир: кетиб ҳам бўлмайди, қолишнинг ҳам имкони йўқ. Пауза севги ва қўрқинч туйғулари

ўртасидаги Робиянинг ҳолати – одоби, ҳаёси, чорасизлиги, Тоҳирга бўлган ҳурмати ва муҳаббатининг ботиний ифодасидир.

Тоҳир нутқидаги *-Тушга нелар кирмас!.. Айт!.. Майли...* жумлаларидаги паузалар ҳам унинг хавотирини, айти пайтда, Робияни юпатишга ҳаракат қилаётганию, аммо унинг ишонарли чикмаётгани, нималарнидир айтмоқчию, аммо фикри тарқоқлигини ифодаловчи фоностилистик восита сифатида намоён бўлади.

Ушбу жумлалар оғзаки талаффузи натижасида воқеланган руҳий ҳолат билан унинг ёзувдаги ифодаси айнан бир хил бўлмаслиги мумкин. Чунки, оғзаки талаффузда нутқ муаллифи нутқий жараённинг бевосита иштирокчиси ва ижрочиси ҳисобланади. Пауза аниқ амалга оширилгани боис эшитувчига реал руҳий ҳолатни тасаввур этиш анча осон кечади. Бу нутқнинг ёзма кўринишида эса нутқ эгаси билвосита иштирок этади ва пауза шартли белги – (...) билан берилади ва бу белги ёрдамида нутқ муаллифи руҳий ҳолатини тасаввур ёки идрок этиш ўқувчи ихтиёрига ҳавола этилади. Бу тасаввур ҳақиқий ҳолатга мос келиши ҳам, келмаслиги ҳам мумкин бўлади. Бунинг устига, ёзма матндан пауза белгиси – (...) олиб ташланса, ифода мазмуни ўзгаради, экспрессивлиги йўқолади.

Баъзан шеърий матннинг ўқилиши ва ашула қилиб айтилишига бу икки санъат турининг ўз талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилиши натижасида паузанинг қўлланилишида номувофиқлик келиб чиқади. Ўқилишда: *Эй табиб, қўй, боқма дардимга, даволардан бири*. Ашула қилиб айтилишида: *Эй табиб / қўй боқ / ма дардимга / даволардан бири*. Ашулада паузанинг қўлланишидаги хатолик, табиийки, мазмуннинг нотўғри ифодаланишига олиб келган. Қиёслаймиз: *қўй, боқма; қўй боқма*.

Урғу. Фоностилистика учун фонетик воситалар тизимида муҳим ўрин тутадиган суперсегмент восита – урғунинг аҳамияти ғоятда каттадир. Тилшуносликда урғу назарияси билан шуғулланадиган соҳа – *акцентология (акцентуация – М.Миртожиев, акцентема – Ҳ.Жамолхонов)* вужудга келган.

Ушбу атама(лар)нинг ўзаги *акцент* урғунинг асосини ташкил этади. Фонетик воситалар – овозни баланд қилиш, оҳангни кучайтириш йўли билан сўз ёки сўз бирикмаси таркибидаги бўғинни ажратиш, унга урғу бериш фоностилистикада акцент ҳисобланади. Соҳа тадқиқотчилари урғу фонетик табиатига кўра динамик, квантитатив ҳамда тоник (муסיқий) урғуларга ажратилишини ва ўзбек тили учун квантитатив – чўзиқлик

белгисига эга бўлган урғу хос эканлигини айтадилар. Урғу мана шу жиҳати билан фоностилистика учун аҳамиятлидир.

Ўзбек тилшунослигида урғу ҳақидаги илк назарий қарашлар А.Ғуломовга мансуб. Олим ушбу суперсегмент восита билан махсус шуғулланиб, ўзининг «Ўзбек тилида урғу» асарида уруғуни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан аҳамиятли бўлган қалтис бир ҳодиса деб баҳолайди ва «Ўзбек тилида урғунинг ўрнини тайин этиш, бунга қатъий бир қоида бериш – анча мушкул иш», дейди [Ғуломов А. 2009, -Б.3]. Ўзбек тилида урғу сўзнинг қайси бўғинида келиши лозим, деган мунозарали масалага ўз муносабатини билдириб, «дастлабки қоида сифатида «ўзбек тилида урғу доимий, турғун ўринга эга эмас, бироқ кўпинча сўзнинг (айрим айтилган сўзнинг) охирги бўғинида бўлади», деган қарашни баён этиш мумкин»лигини айтади ва бунинг сабабларини нутқнинг тасвирийлиги билан боғлаган ҳолда: «...урғунинг охирдан кўчирилиши эмоционаллик оттенкаси билан боғланган. Турли туркий тилларни текширучи олимларнинг кўпчилиги ундалмада урғунинг сўнгги бўғиндан бош бўғинга кўчирилишини кўрсатади. Бизнинг ўзбек тили юзасидан бўлган кузатувимиз оддий ундаш, чақириш ҳолларида бош урғунинг ўз ўрнида қолишини, шу урғули бўғинда музыкаль тоннинг сезиларли даражада кучайишини, бироқ жаҳл билан, қаттиқ гапиришда, жиддий – кучли ундашда ҳақиқатан кўчирилишини кўрсатади», деб таъкидлайди [Ғуломов А. 2009, -Б.6].

М.Миртожиевнинг фикрича, *сўз урғуси*, яъни *лексик урғу* акцентуациянинг моҳиятини акс эттиради. Сўз урғуси сўзнинг бирор бўғини бошқа бўғинларга нисбатан ё товуш кучи, ё товуш баландлиги, ё товуш чўзиқлигига кўра фарқли талаффуз этилиши бўлади ва у сўзнинг муқаррар белгисидир. Сўзнинг фонетик ядроси унинг урғу тушган қисми, у сўзнинг бошқа бўғинларини ўзида марказлаштиради, сўзга экспрессивлик, эмоционаллик, эмфатиклик илова қилади. Ўзбек тилидаги сўзларнинг лексик урғуси чўзиқлик урғусидир. Бу ўзбек тилидаги барча лексик урғу учун қонуният ҳисобланади [Миртожиев М. 2013, -Б.172-173, 176].

Олимнинг сўз туркумлари мисолида қилган таҳлиллари лексик урғу туфайли юзага келадиган экспрессивликнинг ёрқин намуналаридир. Масалан, фоностилистика нуқтаи назаридан унинг қуйидаги кузатишлари аҳамиятли: «Биринчи бўғини ёпик бисиллабик сифатларнинг лексик урғуси ўрни тамоман бошқачадир. Уларнинг лексик урғуси биринчи бўғинга жойлашган.

Масалан, *тўғри, эгри, ёрқин, норғил, найнов, энли, найза, ўткир, кескир* каби сифталарнинг лексик урғуси биринчи бўғинда кузатилади. Бунинг сабаби ёпиқ бўғинларнинг унлиси деярли чўзиқ бўлиши ва бундай сифатлар коммуникацияда доимо экспрессивликка эгаллиги билан боғлиқдир. Бунинг устига урғули бўғинларнинг унли товуши урғусиз бўғинларнинг унлисидан 2-3 ва, ҳатто, 4мм. юқори кучли амплитуда билан талаффуз этилган. Биринчи бўғини очик бисиллабик сифатларга экспрессивлик берилса ҳам, унинг шу очик бўғинига урғу кўчади. Бўғин урғуси чўзиқлик олиб, иккинчи бўғин урғуси редукцияга учрайди. Масалан, *пишиқ* сифатининг лексик урғуси оддий даражада 10 мсек чўзиқликка эга бўлиб, экспрессивлик берилгач, 90 мсек чўзиқликни олади ва, ҳатто, интервокал ундош геминацияга учраши мумкин, яъни *пишиқ* ҳолатида. Бисиллабик сифатларнинг интервокал ундоши геминат бўлганда ҳам, унинг лексик урғуси биринчи бўғинда келади. Чунки бундай сифатларнинг биринчи бўғини ёпиқ экани ҳолда, улар ҳамма вақт экспрессив ифодалари бўлади ва коммуникацияда шу хусусиятини сақлайди. Масалан, *иссиқ, жижа, катта, биққа, даққи, митти, жиққа* каби». Ёки олмошларни таҳлил этар экан *Бўладиган гап* – шу гапида ҳам *шу* кесими унлиси 180 мсек чўзиқ талаффуз этилганлигини таъкидлаб, унга берилган урғунинг таъкид ва семантика билан боғлиқлигини айтади [Миртожиев М. 2013, -Б.201, 206-207].

Фоностилистик нуқтаи назардан Ҳ.Жамолхоновнинг қуйидаги фикрлари ҳам эътиборга молик: «сўз маънолари кучайтирилганда, бу маъноларга услубий бўёқ кўшиш зарурати бўлганда юзага келтириладиган геминация (бир хил ундошларнинг қаватланиши) ҳодисасида ҳам урғунинг олдинги бўғинларга кўчирилиши кузатилади: *маза' қилмоқ* – *ма'зза қилмоқ, яшамагу'р* – *яшишамагур* каби. Бундай пайтларда урғу фоностилистик воситага айланади» [Жамолхонов Ҳ. 2009, -Б.167].

Фоностилистикада сўз урғусидан ташқари *гап урғуси* ҳам муҳим аҳамият касб этади ва у иккига – *мантиқий ва эмфатик урғуга* ажратилади. Урғунинг бу кўринишлари вазифасига кўра ўзаро фарқланади ва стилистик аҳамиятига кўра бирлашади. «Ўзбек тилида логик урғу, бошқа кўпгина тиллардаги каби фикрий жиҳатдан аҳамиятли бўлган элементни ажратиш учун хизмат этади. – деб ёзади А.Ғуломов. – Бу ажратиш, умуман, ўша элементнинг кучли айтилиши биландир. Бу кучайиш ўша элементнинг сўнгги бўғинида ўзининг энг юксак нуқтасига этади. Бу ҳаво

оқимининггина кучайиши эмас, балки умумий тоннинг – оҳангнинг кўтарилишидир. Кўринадики, логик урғу семантика билан боғланган ҳодисадир. У элементнинг муносабатини ойдинлаштиради, бош сўзни кўрсатади: бутун гапнинг фикрий йўналишини аниқлаб беради. У бирор нарсани таъкидлашда, бирини иккинчисига зид қўйишда... учрайди» [Жамолхонов Х. 2009, -Б.30].

Мантиқий урғунинг қўлланишида муайян мақсад ётади. Агар гап таркибидаги бирон бир сўз алоҳида урғу билан талаффуз этилиб, ёнма-ён келган бошқа сўзлардан ажратилаётган экан, бунда ифодаланаётган фикрнинг муҳимлигини таъкидлаш кўзда тутилади. *Яқинда жавоб хати олдик («Zarafshon»)*. Гапдаги *яқинда, жавоб хати* ва *олдик* элементларининг ҳар бирига алоҳида урғу бериш йўли билан бирида вақтнинг, иккинчисида ҳаракат объектининг, учинчисида ҳаракатнинг муҳимлиги таъкидланади ва шу оттенкани юзага чиқариш билан мантиқий урғу стилистик восита вазифасини ўтайди. Аммо бу ўринда урғу эмоционалликни юзага келтираётган эмас.

Бу вазифани гапда эмфатик урғу бажаради. Чунки унинг зиммасига гапнинг таъсирчанлигини ошириш, эмоционаллик ёки экспрессивлик қайд этилган бўлакни ажратиб кўрсатиш вазифаси юклатилади.

М.Миртожиев урғунинг бу тури зиммасидаги таъсирчанлик қувватини ўтказган эксперимент асосида далиллаган. Ундов ва буйруқ гапларнинг темпини текширган олим *Қани, бу ёққа келинг!* ва *Ватан учун олга!* гаплари таҳлилига кўра қуйидаги хулосаларини беради: Буйруқ гаплар темпи ниҳоятда тез бўлиб, ундаги ҳар бир товушга 50-65 мсек. вақт, ундов гапдаги ҳар бир гап талаффузига 108 мсек.дан сарфланишини, яъни буйруқ гапдагидан ундов гапда товушлар салкам икки баробар чўзиқ талаффуз қилишини, гап эмфатик урғу олса, эмоция билан қайд этилишини айтади», «Эмоционаллик гапдаги сўз бўғинларининг мана шундай баланд товуш ва чўзиқ талаффузи учун сабаб бўлади», дейди [Миртожиев М. 2013, -Б.387, 392]. Бу ҳолатни аксинча изоҳлаш ҳам мумкин, яъни муайян сўз бўғинларини атайлаб чўзиб талаффуз қилиш туфайли эмоционаллик юзага келиши мумкин.

Эмфатик урғули гап бўлаклари товушлари тембри юқори даражада бўлиши кузатилар экан, бундан нутқнинг оҳанги унинг эмоционаллигига тўғри пропорционалдир, деган фикрга келиш ҳам мумкин бўлади.

Шу ўринда мантикий ва эмоционал урғунинг ўхшаш ва фарқли томонлари тўғрисида Ҳ.Жамолхонов айтган фикрларни келтириш ҳам ўринлидир: «Урғунинг бу тури ҳам бирор гап бўлагини алоҳида таъкидлашга асосланади, аммо логик урғуда бўлакнинг (сўзнинг) маъно томони таъкидланса, эмфатик урғуда шу маъно билан бирга сўзловчининг ҳис-ҳаяжони, воқеликка бўлган субъектив муносабатини ифодалаш ҳам мақсад қилинади: бу урғу гапдаги сўзнинг таъсирчанлигини кучайтиришга хизмат қилади. Масалан: *Эҳ, қандай гўзал манзара! Табиат шу даражада гўзалки, кўриб баҳри дилинг очилади!* Бу гапда қандай ва гўзал сўзларига, аниқроғи, бу сўзлардаги «қан-» ва «-зал» бўғинларига эмфатик урғу тушган: шу бўғинлардаги унли товуш анча чўзиқ ва махсус тон билан талаффуз этилган» [Жамолхонов Ҳ. 2009, -Б.169]. Англашиладики, эмфатик урғу том маънодаги эмоционал урғудир.

А.Ҳожиев ўз луғатида изоҳлаган *фраза урғуси* ҳам мантикий урғудир: «Маъно жиҳатидан муҳим бўлган нутқ тактини (синтагмани) урғу ёрдамида ажратиш. Фраза урғуси айни вақтда фонетик-синтактик вазифа бажаради; сўзларни такт ва фразаларга бирлаштиради» [Ҳожиев А. 2002, -Б.61,124]. Фраза урғуси гапни ахборот ташиш орбитасидан ташқарига олиб чиқади, воқелик ҳақида шунчаки хабар бериш эмас, балки нима ҳақида хабар берилаётганлигига аниқлик киритади. *Бу ерда мен хўжайин* гапида қўлланилаётган урғу экспрессив маъно англатиш масъулиятини ўз зиммасига олмаса ҳам, бир ҳолатда *мен* га тушиши билан *Бу ерда сен эмас, мен хўжайин*, иккинчи бир ҳолатда *бу ерда* га тушганда *У ерда эмас, айнан бу ерда мен хўжайин*, учинчи бир ҳолатда урғу *хўжайин* га берилганда *Бу ерда мен шунчаки одам эмас, балки хўжайинман* деган маъноларни – гапни семантик жиҳатдан фарқлашга кўмаклашади. Ёки *-Мен худбинманми? («Титаник» кинофильмидан)* мисолида урғу қайси сўзга тушаётганини эшитганда англаш мумкиндиру, аммо ёзма шаклидан дабдурустдан аниқлаш қийин. Бунинг учун олдинги гапга мурожаат қилишга тўғри келади: *-Худбинлигинг қийнаб юборди.* Ундан гап худбинлик ҳақида кетаётгани маълум бўлади. Бинобарин, кейинги гапда ҳам урғу ҳаракат ифодаси бўлган *худбинманми* га тушади.

Фраза урғуси, айни пайтда, ҳам синтагматик, ҳам мантикий урғу ҳисобланади ва гапдаги муайян фикрни таъкидлашга қаратилганлиги билан стилистик қимматга эга бўлади.

Просодик элементлар, яъни овоз баландлигининг ўзгариши ва қарама-қарши қўйилиши, талаффузнинг чўзиқлиги, овознинг

баландлиги, тезлашиши ва сусайиши, умуман нутқ суръати, талаффуздаги узилишлар, жим қолишлар, кучи у ёки бу даражада бўлган маъновий ва эмфатик урғунинг кўчиши нутқ ижрочисига боғлиқ бўлади.

Демак, нутқда товуш ёки сўзга алоҳида урғу беришда маълум бир мақсад кўзланади. Бу мақсад эса, ҳеч шубҳасиз, биринчидан, нутқ таркибидаги фикр ифодаси жиҳатдан муҳим бўлган тил бирлигини таъкидлаб, ажратиб кўрсатишдан, иккинчидан эса, тингловчига муайян таъсир ўтказишдан иборатдир.

Нутқ темпи. Фонетикада суперсегмент воситалардан бири сифатида қараладиган *темп* дейилганда *нутқ суръати*, яъни нутқ оқимининг тез-секинлиги ва нутқ парчалари орасидаги пауза (тўхтама) тушунилади [Ҳожиёв А. 2002, -Б.122]. Нутқ жараёнида сўзловчининг товушларни талаффуз қилиш даражаси турлича – тез, секин ёки ўртача бўлиши мумкин. Гап темпи гап талаффузида унга кетган вақт билан ўлчанади [Миртожиёв М. 2013, -Б.353].

Нутқ темпи ҳам ижтимоий, ҳам индивидуал характерга эга ва шунинг учун у нутқ услуби билан боғлиқ ҳолда замон ва маконда фарқланади.

Нутқнинг индивидуал характери ҳар бир сўзловчининг нутқий физиологик имконияти ва темпераменти билан изоҳланади. Табиатан меланхолик ёки сангвиник темпераментдаги кишиларнинг нутқи суръатига кўра бири-бирига мос келмаслиги, уларнинг бири секин, иккинчиси тез гапирадиган одамлар бўлиши мумкин. Аммо бу ҳолатларнинг стилистика учун аҳамияти йўқ.

Нутқнинг расмий ёки норасмийлиги эса нутқ суръатига таъсир кўрсатади ва бунинг услуб жиҳатдан аҳамияти бор. Тантанали вазиятда, йиғилишларда, дарс жараёнида қилинаётган маърузаларда, телевидение ва радио орқали узатиладиган расмий ахборотларда ифода услубига мос тарзда нутқ темпи танланади. Олдига равонлик, аниқлик, барчага тушунарли бўлиши сингари талаблар қўйилган бу нутқ кўринишлари нутқ суръатининг бир маромда бўлишини, ҳар бир товушнинг шошилмасдан, дона-дона ва эшитиларли қилиб, орфографик меъёрларга эътибор бериб, орфоэпик меъёрларга риоя қилган ҳолда талаффуз қилинишини тақозо этади. Талаффуз услубига кўра ўзаро фарқланадиган бу нутқлар темпини расмий, секинлашган суръатдаги нутқ кўриниши сифатида баҳолаш мумкин.

Сўзлашув услуби доирасида қараладиган ва норасмий нутқ сифатида эътироф этиладиган жонли мулоқот пайтидаги нутқнинг

темпи тез ёки ўртача бўлади. У мулоқот иштирокчиларининг суҳбатдаги иштирок фаоллигига, кайфиятига, мавзуга, гендер ҳолатларга, нутқнинг спонтан характери, жараёнда назоратнинг камлиги, ихчамлик ва қисқаликка интилиши каби жиҳатларга боғлиқ тарзда кечади.

Нутқ суръати сусайганда товушлар аниқ талаффуз этилади, кучайганда эса товуш тушиши ёки қисқа ва ярим талаффуз қилиниши сингари фонетик ҳодисалар юз беришига олиб келади.

Нутқ суръати ва равонлиги ўзаро зиддиятдадир. Агар суръат ошса равонлик пасаяди, сусайса равонлашади. Гап таркибидаги энг муҳим ҳисобланган бирлик ажратилади ва унга алоҳида аҳамият ва маъно берилади.

2.2. Товушлар стилистик ресурс сифатида

Товушларнинг нутқ жараёнида юзага келтириши мумкин бўлган эмоционал-экспрессивлиги юзасидан олиб борилган кузатишлар уларнинг стилистика учун битмас-туганмас манба эканлигини кўрсатади. Айрим илмий манбаларда улар гуруҳларга бўлинган ҳолда тақдим этилади. Масалан, Л.Г.Барлас «Русский язык. Стилистика» номли қўлланмасида тилнинг товуш жиҳатлари стилистик ресурслари ҳақида гапириб, масаланинг уч томонига: талаффуз услубларига; товушларнинг стилистик вазифаларига; товушлардаги рамзлар ва товушларнинг поэтик вазифасига эътиборни қаратган эди [Барлас Л.Г. 1978, -С.165].

Одамзодга ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатишга ва бунинг баробарида ҳар бир ҳолатга қараб муайян роль бажаришга тўғри келади. Бу ижтимоий ролни бажариш жараёнида тилнинг нафақат турли услубларидан, айти пайтда, эмоционал-экспрессив воситаларидан фойдаланишига ҳам тўғри келади. Ана шундай воситалардан бири фонетик воситалар бўлиб ҳисобланади.

Тембр, делимитация, пауза, оҳанг, ритм новербал воситалар тизимида коммуникатив акт, яъни мулоқот жараёнида услубни ҳосил қилувчи ва фарқловчи муҳим белгилар сифатида намоён бўлади. Фонетик воситалар матнда лексик-грамматик воситалар билан уйғунликда ўзининг стилистик имкониятларини юзага чиқаради.

Бу белгилар нутқ жараёнида фонетик воситалар иштирокининг ўзига хос манерасини юзага келтирадики, улар

айрим манбаларда «фонетик услублар», «талаффуз услублари» деб юритилган ва улар яна ўз навбатида, *юқори, нейтрал, сўзлашув* услубларига ажратилган [30.11.2004. 185 Кб - [http://www.i-u.ru/biblio/archive/ graudina_shiryaev...](http://www.i-u.ru/biblio/archive/graudina_shiryaev...)].

Фонетик услублар аслида талаффуз услубларининг ўзидир. Аммо *талаффуз услуби* дейишдан кўра *талаффуз усули, талаффуз манераси* дейиш маъқулроқдир. Нутқдаги фонетик жараёнлар мана шундай аталса, уларни функционал услублардан фарқлаш мумкин бўлади, фонетик усулларни функционал услубларнинг ичида ўрганиш осон кечади. Адабий талаффуз доирасида ҳам нутқий вазият талабидан келиб чиқиб, маълум фонетик ўзгаришлар юз бериши мумкин. Бу, айниқса, сўзлашув услубида, сахна нутқида яққол кўзга ташланади.

Бу борада ўзбек тилшунослари ҳам ўз қарашларига эга. Ўзбек нутқий одатининг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятлари юзасидан тадқиқотлар олиб борган Ш.Искандарова тилдан фойдаланишдаги умуммиллий хусусиятларни эътироф этган ҳолда муайян халқ доирасидаги ижтимоий гуруҳларининг жамиятдаги ўрни ва мавқеи уларнинг нутқда тил воситаларининг реаллашувига таъсир кўрсатишини айтади. Масалан, катта ёшдаги кишиларга ҳурмат, таниш-нотаниш суҳбатдошлар ўртасидаги самимийлик, Шарқ аёлига хос ибo каби ўзбек халқида бўлган ноёб хислатлар, нутқий жараёндаги расмий ва норасмий шароит уларнинг нутқ одоби ва одатида акс этишини таъкидлаб, «Муомала жараёни нутқнинг мазмуни билан чегараланмайди, баъзан ахборотнинг жуда кўп қисми суҳбатдошларнинг миллий одатларига хос бўлган лисоний воситалар, нолисоний воситалар, шунингдек, миллий маиший алоқа воситалари билан берилади» [Искандаровна Ш.1993, -Б.4,13], деб ёзади ва фикрини «салом» ва «ассалому алайкум» сингари бирликларининг таниш-нотаниш, ёш фарқларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос оҳанг билан талаффуз қилиниши мисолида далиллайди.

Ўзбек халқининг мулоқот хулқини ўрганган С.Мўминов инсонларнинг мулоқот, яъни фикр алмашиш жараёни мураккаб ва кўп қиррали эканлигидан келиб чиқиб, уни бир фан доирасида тадқиқ этиш етарли эмаслиги ва кузатишларнинг мукамал бўлиши учун уни социология, психология, этнография, культурология, лингвистика фанлари кесишувида олиб бориш лозимлигини уқдиради [Мўминов С. 2000, -Б.10]. Нутқнинг шаклланишида иштирок этадиган суперсегментал воситалар ва уларнинг нутқий

таъсирчанлиги ва экспрессивлиги ҳақида мулоҳаза юритиб, мулоқот жараёнининг миллий характериға эътиборни қаратади ва фикрини қуйидагича асослайди: «Инглизлар мулоқот жараёнида узоқ пауза бўлиб қолишидан чўчимайдилар. Лекин ўзбеклар билан бўладиган муомала жараёнида меъеридан ортиқ сукут бўлиши турли тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки, ўзбеклар мулоқот хулқида сукут ситуация билан боғлиқ ҳолда бир пайтнинг ўзида ҳурмат ва менсимаслик, розилик ва норозилик, эҳтиром ва таҳқирлаш каби антонимик мазмунларни ифода этиши мумкин» [Мўминов С. 2000, -Б.37].

Соҳа мутахассислари нутқнинг қуйидаги типларини ажратишади: монологик ва диалогик, тайёрланган ва спонтан, пухта ўйланган ва эркин. Уларнинг ҳар бири экстралингвистик омиллар таъсирида шаклланади ва шунга мос тарзда лингвистик воситалар, жумладан фонетик восита сифатида талаффуз усуллари танланади.

Масалан, монологик нутқда бир хил мавзудаги маърузанинг узоқ вақт мобайнида қайтарилиши маълум маънода монотонликни вужудга келтириши мумкин. Мавзу доирасидаги материални аудиторияға етказиш масъулияти талаффузнинг аниқ ва раво бўлишини тақозо этади. Табиий монологик нутқ мелодик жиҳатдан кўтарилиб ва пасайиб туриши билан характерланади ва ўз ритмикасиға, мелодикасиға эға бўлади. Мелодик кўтарилиш ва пасайишда ораликнинг мавжуд бўлиши сўзловчининг индивидуал манерасиға, вазиятға, матнға боғлиқ. Баъзи нутқлар монологик характерда бўлса ҳам, унинг тўлиқ монотон бўлиши мумкин эмас. Ҳатто энг таъсири кам бўлган нутқда ҳам тон ўзгариб туради.

Диалогик нутқнинг олдиндан тайёрланган ёки тайёрланмаган бўлишлиги эса талаффузда алоҳида усулларни – темп тезлиги, кутилмаган паузаларнинг пайдо бўлиши, сўзлардаги айрим бўлақларнинг қисқаришға юз тутиши кабиларни келтириб чиқаради. Айтайлик, радиода, телевидениеда, кадр ортида ахборотни ўқиш, аудиторияда, анжуманларда маърузалар қилишлар ёзма матнға асосланган монологлар бўлса, икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг мулоқоти диалог характериға эгадир.

Ёки тайёрланган нутқда сўзловчининг нутқ актидан олдин нима ҳақда ва қандай гапиришни режалаштириши ва спонтан нутқдан фарқланиши, масалан, сахна нутқи, олдин ёзилган матнларни ўқиш тайёрланган нутқ сифатида коммуникация жараёнида туғиладиган спонтан, яъни олдиндан тайёрланмаган нутққа ўхшамаслиги; пухта ўйланган нутқда, масалан, олдиндан

тайёрланган матнни ўқишда, дикторлар нутқида унинг товуш томонига алоҳида эътибор берилиши, эркин нутқда эса унинг товуш томонига кам эътибор берилиши ҳар бир нутқий ҳолатда алоҳида талаффуз усулининг танланишига зарурат пайдо қилади.

Бу нутқлар аралаш ва ўзаро уйғун ҳолда бўлишини ҳам унутмаслик лозим. Монологик нутқ тайёрланган ёки тайёрланмаган, пухта ўйланган ёки эркин, тайёрланган нутқ монологик ва диалогик, пухта ўйланган бўлиши мумкин. Пухта ўйланган нутқ монологик ёки диалогик, тайёрланган ёки спонтан бўлиши мумкин ва ҳоказо. Буларнинг барчаси нутқий коммуникация шароитига боғлиқ бўлади ва алоҳида талаффуз усуллари келтириб чиқаради. Тадқиқотчилар уларни умумлаштирган ҳолда учга – тантанали-расмий, нейтрал ва сўзлашув услублари доирасида қарашган.

Нейтрал услубдаги талаффузда нутқ коммуникациясининг алоҳида ҳолатлари тўғрисида ахборот берилмайди. Тантанали-расмий матнлари талаффузи эса равон бўлади, овоз баланд бўлади, темп сусаяди, синтагматик бўлинишлар аниқ бўлади. Монологик, тайёрланган ва пухта ўйланган нутқлар ана шундай нутқлардир. Сўзлашув услуби талаффузига спонтанлик – ўз-ўзидан пайдо бўлишлик ва эркинлик хос. Фонетик планда эса – нисбатан темпнинг тезлиги, артикуляцияда равонликка эътибор берилмаслиги, интонациянинг бир хиллиги кўзга ташланади.

Ҳар бир тилда, жумладан, ўзбек тилида ҳам фонетик усул, яъни талаффуз усули ёзув юзага келгунга қадар шаклланган. Мулоқот жараёнида тил талаффуз меъёрларининг такомиллашиб бориши натижасида улар дастлаб шева ва диалектларда турғунлашган. Халқ оғзаки ижодининг бизгача етиб келган турли жанрлардаги нодир намуналари фонетик усулнинг ўзбек тилида қадимдан мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Масалан, Ўрта Осиё нотиклиги тарихида нутқий санъат усталарининг надимлар, қиссагўйлар, масалгўйлар, бадихагўйлар, кироатхонлар, муаммогўйлар, воизлар, гўяндалар, маддохлар, қасидахонлар тарзида гуруҳланганлиги нотиклик санъати илдизларининг анча қадимийлигидан далолат беради.

Ўзбек тили тараққиётининг муайян босқичида юзага келган функционал услублар эса талаффуз усуллари янада такомиллаштирди. Бу усул оғзаки сўзлашув доирасидан чиқиб, ҳар бир услубнинг алоҳида фонетик усуллари шаклланишигача бўлган даврни босиб ўтди.

Талаффуз усулининг юзага келиши ва такомиллашуви тилнинг муҳим бир вазифаси – таъсир ўтказиш билан узвий боғлиқдир. Мулоқот жараёнида материални тингловчига тўлиқ етказишга интилиш сўзловчидан катта масъулият ва маҳорат талаб этган. Ана шу масъулият туфайли нотик ўз нутқида товушлар товланишидаги имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилган. Бунинг натижасида унинг ўз оригинал услуби ва ҳар бир чиқишнинг усули юзага келишига сабаб бўлган.

Эмоционал нутқ ёрдамида таъсир ўтказишнинг йўллари ниҳоятда кўп ва у сўзловчи ўз олдига қўйган мақсадларга боғлиқ равишда кечади. Масалан, бешикдаги болани ухлатишни мақсад қилган она унга хуш ёқадиган сўзларни, майин оҳангни танлаб алла айтади. Душман қалбига ваҳима солиш, саросима уйғотишни мақсад қилган рақиб унга нисбатан кўрқитадиган сўзларни ишлатади, шунга мос равишда таҳдид оҳангини танлайди ва ҳоказо. Ҳар икки ҳолат вазиятга боғлиқ тарзда икки хил талаффуз усулини юзага келтиради.

Ҳозирги пайтда мулоқот шаклларининг тобора ортиб, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро дипломатик муносабатларининг кенгайиб бориши ва бу жараёнларда дунёнинг турли миллат ва элатлари иштирок этиши ўзбек тили талаффуз усуллари кўламининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Гарчи мулоқот шаклларининг деярли барча кўринишларида адабий тил меъёрларига риоя этиш таъминланса-да, мулоқотнинг расмийлиги ёки норасмийлиги, мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий мавқеи ва бошқа экстралингвистик ва гендерологик омиллар фонетик жиҳатдан услубий ранг-барангликнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Функционал услублар нуқтаи назаридан бу нутқлар ўзига хосдир. Бири публицистик, бири илмий, бошқа бири сўзлашув усулига тегишли бўлади. Оғзаки матнлар умумий фонетик аломатларга эга бўлса ҳам, функционал услублар нуқтаи назаридан фарқланади. Бил хил прагматик йўналишга эга бўлган матнлар фоностилистик нуқтаи назардан фарқланмайди.

Соҳа тадқиқотчиларидан бири С.М.Гайдучик бешта фонетик усулни тавсия этади: тантанали, илмий, расмий, маиший, эркин усуллар. Я.А.Дубовскийнинг таснифи эса қуйидагича: одатдаги норасмий, юзаки-бетараф, юзаки-расмий, норасмий-бетакаллуф, нотиклик усуллари. Таҳлилда сегмент ва суперсегмент сатҳлар асосий мезон қилиб олинган қуйидаги тасниф коммуникатив

ҳолатни бирмунча объектив акс эттиради: ахборот усули, академик (илмий) усул, публицистик (бадий) усул, нотиклик усули (нотиклик санъати), сўзлашув (бетакаллуфлик) усули [<http://5fan.ru/wievjob.php?id=11222>]. Буларнинг барчаси функционал услубларга дахлдор, аммо қўлланиш доирасига кўра фарқ қиляпти, холос. Кейингиси фанда кўпчилик томонидан эътироф этилган функционал услубларга мослиги ва экстралингвистик омиллар ҳисобга олинганлиги билан ҳам прагматик аҳамиятга эгадир.

Лингвистик ва экстралингвистик омиллар уйғунлигида юзага келадиган нутқ жараёнида иштирок этадиган товушлар, айти пайтда, ўзини нутқнинг стилистик ресурслари сифатида ҳам намойиш этади. Уларнинг турли усулларда талаффуз этилиши, рамзийлик ва поэтик вазифаларни бажариши ана шу стилистик ресурслардир [www.superinf.ru]. Талаффуз усулларининг вазиятга кўра юқори, сўзлашув, бетараф характерда бўлиши функционал услублар доирасида янада қатъийлашади. Масалан, сахнадаги актёрнинг талаффуз усули адабий тилнинг ёрқин ифодаси сифатида тил истеъмолчилари учун эталон вазифасини ўтайди ва бадий, публицистик ёки сўзлашув услубларининг меъёрлашувига, она тилининг маданийлашувига хизмат қилади.

Нутқда талаффуз усулларининг ранг-баранглиги тилда фонетик синонимияни вужудга келтиради. Бу синонимия товушлар оқимини оҳанг (интонацион-мелодик) жиҳатдан ранг-баранг тарзда шакллантиришда намоён бўлади. Мас. *Дастурхонга келинг* гапи расмий мулойимлик, расмий буйруқ (китобий усул), бетакаллуфлик, ҳазил, эркалаш, таҳдид оҳанглирида талаффуз этилиши мумкин.

Битта бирикма ёки гапни турли нутқий вазиятларда турлича шакллантириш зарурияти товушлар талаффузи, бинобарин, фонетик усуллар ранг-баранглигига сабаб бўлади. Расмий вазиятдаги талаффузда тўлиқлик, норасмий вазиятларда эса тез ва меърига етмаган, тўлиқ бўлмаган талаффуз бунга мисолдир.

Товушларнинг уйғунлиги ҳам аҳамиятли масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Дастлабки уйғунлик матн мазмуни ва шакли ўртасида бўлиши зарур. Матнни шакллантираётган киши аввал товушни эмас, сўзни танлайди, унинг мазмунига эътибор беради. Шу жараёнда сўзларни ташкил этган айрим товушларнинг хушоҳанглиги ёки ёқимсизлиги тасодифий, айти пайтда, табиийдир.

Масалан, аббревиатуралар уйғунлик нуқтаи назаридан ноқулайлик туғдиради. Шунинг учун бўлса керак, ХДП – ХиДиПи, ЛДП-ЭлДеПи, ЎзЛДП-ЎзЛиДеПи, РТМ-ЭрТеЭм, МТМ-ЭмТеЭм тарзида уловчи товушлар ёрдамида талаффуз этилади, ёзилиши ва ўкилиши ўртасида тафовут юзага келади. Бугунги тараққиёт даражасида аббревиатуралар ўзбек тилида шу қадар кўпайиб бормоқдаки, уларни назорат қилиш ва она тилимизнинг фонетик қонуниятларига мослаб шакллантиришнинг асло имкони йўқ. ЁИҲ (Ёшлар ижтимоий ҳаракати), ФВВ (Фавқулодда вазиятлар вазирлиги), МЧЖ (Масъулияти чекланган жамият), ОАЖ (Очиқ акционерлик жамияти), ОАВ (Оммавий ахборот воситалари), ЎзДЖТУ (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети), ЎзПФИТИ (Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти), ХТРХМОМИ (Халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш маркази институти) ва ҳоказо.

Аббревиатуралар расмий ва публицистик услубларда фаол ишлатилади. Агар уларнинг қўлланилиши функционал услублар талаблари нуқтаи назаридан мос келмаса, яхшиси бирикмаларни қисқартирмасдан қўллаган маъқул.

Товушлар уйғунлиги нутқнинг бир маромда ижро этилишини таъмин этади. Майинлик ҳам, хушоҳанглик ҳам уйғунликдан пайдо бўлади. Сонорлар, жарангли ундошлар нутқда мусикийликни келтириб чиқаради. Аммо ана шу уйғунликнинг бузилиши нутқнинг юқорида айтилган фазилатларига путур етказилади. Баъзан бунинг акси ҳам кузатилади. Масалан, *фарқланади – фарқ қилади – фарқ қилинади – фарқ этилади – фарққа эга* каби вариантларда *фарқланади* да майинлик бўлса, *фарқ қилади* даги *қ* нинг геминатив ҳолати оҳангни майинликдан кескинликка ўзгартиради, *фарқ этилади* да майинлик бўлса, *фарққа эга* да ишонч, қатъият мавжуд. *Сен қилдинг бу ишни* – умуман ахборот, *сен қилдинг бу ишни* – урғу *сен* га, ундаги *е* га тушса, ишни ким қилганлиги ажратиб кўрсатилади, *фақат сен қилдинг бу ишни*, дейилса *фақат* ёрдамида ишни ким қилганлиги ҳақидаги маъно янада кучайтирилади. *Сен бор-ку сен, сен ифлоссен, ярамассен* мисолида ҳам унлилар ва ундош ўртасида кучли уйғунлик мавжуд. *Сен* сўзида *е* га тушиб турган урғу *ифлоссен, ярамассен* сўзларига келиб кучсизланиб қолади. Сўзда бу масъулият қайталанган *с* товуши зиммасига тушади. Кўринадикки, гапдаги айрим сўзларнинг такрори (мас., тавтология, плеоназм) товушлар такрорига сабаб бўлади.

Илмий адабиётларда уйғунлик, жарангдорлик унли товушларга, маънонинг фарқланиши эса ундош товушларга боғлиқ эканлиги қайд этилган. *Ўр, тўр, ўт, бўз, ўз, бўл, тўла* каби. Матнда товушлар уйғунлиги ҳақида аниқ хулосаларга келиш учун маълум бир матнни олиб, улардаги унли ва ундошларнинг статистикасини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Товушлар рамзийлиги билан қадимдан қизиқиб келишган. Шу маънода М.В.Ломоносовнинг *а* товуши улуғворликни, коинотнинг кенглигини, кутилмаган кўрқинчни; *е,и,ю* товушлари майинликни, ёқимлиликни, йиғлоқиликни ва кичик нарсаларни; *я* ёқимлиликни, қувноқликни, майинлик ва мойилликни; *о,у,ы* кўрқинч ва кучли нарсаларни: ғазаб, ҳасад, ҳадиксираш ва қайғуни англатиши; *к,п,т,б,г,д* лар тўмтоқ, маъносиз ва уларда ширинлик ҳам, куч ҳам йўқ эканлиги, *с,х,ц,ч,р* талаффузда жарангдор ва шиддаткор ҳамда кучли, буюк, баланд ҳамда ажойиб нарса ва ҳодисаларни ифодалаши, *ж,з,в,л,м,н* мулойим талаффуз этилиши ва шунинг учун мулойим ва юмшоқ нарса ва ҳаракатларни ифодалаши ҳақидаги фикрлари эътиборга лойиқдир [Бу ҳақда қаранг: Барлас Л.Г. 1978, -С.189].

Нутқ кўринишларидаги мавжуд товушларнинг стилистик хусусиятларини қайд этиш билан бирга уларга адабий тил меъёрлари, айтайлик, фонетик ва стилистик меъёрлар нуқтаи назаридан ёндашиш лозим. Нутқий маданият нуқтаи назаридан ҳар қандай нутқ олдига қўйиладиган муайян талаблар бор. Аммо *хушоҳанглик* (благозвучие) нутқнинг фонетик жиҳатига қўйилдиган бош талаблардан биридир. Ҳар бир нутқ талаффуз ва эшитиш учун қулай бўлиши лозим. Нутқда товушларнинг хушовоз бўлиши фақат бадий-поэтик жанрда эмас, балки умуман нутқ маданиятида ҳам ғоятда қадрланади. Аксинча, фонетик жиҳатдан нотўғри тузилган матн нутқнинг эшитилишини қийинлаштиради ва зерикарли қилади. Нутқда унли товуш қанчалик кўп бўлса, у шунча ёқимли бўлади, деган фикр мавжуд. Бу тўғри эмас. Хушоҳанглик матндаги унли ва ундошларнинг уйғунлиги билан кўллаб қувватланади [Голуб И.Б. 1986, -С.267]. Матнни овоз чиқариб ўқиш ёки эшитиш орқали ундаги товушларнинг тасвирий имкониятига атрофлича баҳо берилади.

2.3. Фонетик ва фоностилистик ҳодисалар

Нутқда нутқ товушлари талаффузи билан боғлиқ бўлган бир қатор ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Бу ҳодисалар аслида талаффузда енгиллик ва қулайликка, айти пайтда, табиийликка интилиш баробарида юз берган фонетик жараёнлардир. Шунинг учун улар кўпинча тилшуносликда фонетик ҳодисалар сифатида талқин қилинади ва ўрганилади. Аммо муайян товушларнинг айнан бир позицияда бузиб талаффуз қилиниши адабий тил орфоэпик меъёрлари нуктаи назаридан ҳам, услуб жиҳатдан ҳам ўзини оқламайди. Шунинг учун ҳам тилдаги, айти ҳолатда, ўзбек тилидаги фонетик ҳодисаларни таҳлил этганда уларга бўлган муносабат орфоэпик ва стилистик меъёрлар нуктаи назаридан бўлиши лозим.

Бу фонетик ҳодисаларни шартли равишда товушларнинг алмашиниши ва ўзгариши, тушиши ва орттирилиши, чўзилиши ва геминация тарзида гуруҳлаш ва ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Товуш алмашиниши ёки ўзгариши. Ўзбек нутқида товушларнинг алмашиниши бор ҳодиса. Сўз ўзагига қўшимчалар қўшилишига боғлиқ ҳолда унинг таркибида муайян фонетик ўзгаришлар содир бўлади. А.Ғуломов фонетик ўзгаришларнинг сабаби талаффузга қулай қилиш, гапиришни енгиллаштириш, сўзлаш органларининг, мускулларнинг ҳаракатини ва вақтни тежаш – қулайлик ва экономия принциpidир, деб изоҳлаган: *ўйин +а; ўйи-на→ўйна* (уч бўғин → икки бўғин), *бора + олади → боролади...* каби [Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. 1977, -Б.366-367]. Бу ҳодисага тавсиф беришда А.Ҳожиёв *морфема ифода* плани деган жумлани ишлатган: «*Товушларнинг алмашинуви*. Морфема ифода планидаги айти бир товушнинг турли ҳолатларда бошқа товуш билан алмашинуви: *онг-англа, юрак-юраги* каби» [Ҳожиёв А. 2002, -Б.109]. Бу каби алмашинув *фонетик алмашиниши* деб ҳам номланади. «*Фонетик алмашиниши*. Тилдаги фонетик қонуниятлар асосида бўладиган товуш алмашиниши. Бундай алмашиниш товушнинг позицияси билан боғлиқ бўлади ва морфеманинг фонема таркибини ўзгартирмайди. Мас, *тес (тез), тук (туғ)* ва б» [Ҳожиёв А. 2002, -Б.122].

Бу фонетик жараёнда ўзакка эгалик аффикси қўшилиши натижасида унинг таркибидаги охирги товуш жаранглилашуви (*к→г, қ→ғ*: *юрак-юраги, одамгарчилик-одамгарчилиги, қишлоқ-*

қишлогим, ўртоқ-ўртогим) ёки, аксинча, айрим сўзлар талаффуз этилганда ундошларнинг жарангсизлашуви (*б→п:мактаб-мактап, мактабдан-мактаптан, мактабга-мактапка*) рўй беради.

Шунингдек, *ассимиляция* (бирор товушнинг бошқа товуш таъсирида унга ўхшашлик томон ўзгариши: *ошни>ошши, тузсиз>туссиз*), *диссимиляция* (сўздаги бир хил ёки бир-бирига қисман ўхшаш товушлардан бирининг артикуляцион жиҳатдан фарқ қиладиган бошқа товуш томон ўзгариши: *трамвай>транвай, зарар>зарал*) ходисаларини ҳам нутқда содир бўладиган комбинатор ўзгаришлар сифатида қараш лозим бўлади [Ҳожиёв А. 2002, -Б.18,36].

Аммо бу кўриб ўтилган ҳолатларнинг биронтаси стилистик аҳамиятга эга эмас ва бу ходисаларни фоностилистик жараён сифатида баҳолаб бўлмайди. Ҳатто эркин алмашиниш дистрибуцияси сифатида изоҳланадиган [Ҳожиёв А. 2002,-Б.135] *кекирдак-кекирдай, эркак-эркай, эрмак-эрмай, терак-терай, жуфтак-жуфтай, муштак-муштай, челак-челай, чечак-чечай* сингари ҳолатларни оғзаки нутқда экспрессивликка интилиш эмас, балки адабий талаффуз меъёрларининг бузилиши сифатида қараш керак. Шу андозадаги *жиндак, қиттак* сўзлари адабий асарларда учрайди. Масалан: – *Нега бермас экан? Беради! Қани, олдик! Саломатлик бўлсин! – Қайнотам самимий илтифот қилди. – Олаверинг, Рустамжон. Нима қипти, жиндай-жиндай... Шаҳноза жиндай шампань ичди (Ў.Ҳошимов). Чамаси, улар ҳозир меҳмондорчиликда бўлгану уччалоғи ҳам қиттай-қиттай отишган эди (О.Ёқубов)*. Лекин бу каби товуш алмашинишида экспрессивлик бўлмаса-да, сўзнинг такрорланиши ва *к→й* алмашинуви фоностилистик оттенкани юзага келтиради.

Қуйидаги *Шундоқ* ювош акангни бошига қай кунларни солмади булар! (Ў.Ҳошимов). Бу *қандоқ гап! Тўй қилиш гуноҳми? Кимдан қўрқасан? Нимага қўрқасан, қўйга ўхшаган овсарлар!* (Ў.Ҳошимов) мисолларида эса *й→қ* ва шунга боғлиқ тарзда *а→о* алмашинуви стилистик мазмунга эга. *Шундай* нинг *шундоқ*, *қандай* нинг *қандоқ* тарзда қўлланишида юқори услуб оттенкаси мавжуд. Уларнинг шоирлар - Муҳаммад Али ва Усмон Азим асарлари матнида қўлланиш нисбати қуйидагича: биринчисида – *шундоқ-54, шундай-87*; иккинчисида – *шундоқ-14, шундай-40* [Муҳаммад Али. 1997; Усмон Азим. 1995]. *Шундоқ* сўзларингиз қалбимда ҳамон, / Ўт янглиғ руҳимга сингмиш, онажон! (М.Али). Ёнар, эрир гуноҳкор бардош / Дўзахларнинг *шундоқ* ёнида... (У.Азим) каби.

Тилдаги товуш алмашилишларидан яна бири *альтернация* деб номланади. Товушларнинг ҳар қандай алмашилиши [Ҳожиёв А. 2002, -Б.13], деб изоҳланадиган альтернация, масалан, *онг – англа, юрак – юраги* каби ҳолатлар ҳам стилистика учун аҳамиятли бўлавермайди. Аммо улар функционаллик нуқтаи назаридан муайян стилистик қийматга эга бўлиши мумкин. Қуйидаги *ноль – нуль, мусулмон – мусурмон* [Ҳамолхонев Ҳ. 2009, -Б.13] сўзларининг биринчи варианты китобий услубларга, иккинчи варианты эса сўзлашув услубига хосланган.

Масалан, *Оксидланиш даражаси бирикмадаги атомлар электронларининг бериши, қабул қилиб олишига қараб, манфий, мусбат ва ноль қийматларга эга бўлиши мумкин (Кимё)* гапини олайлик. Нутқнинг ёзмалигидан ташқари расмий ва илмий характери ҳам *ноль* сўзини қандай ёзилган бўлса, шундайлигича талаффуз қилишни тақозо этади. Аммо *Ойлигимни қарзга тарқатиб, яна ноль бўлиб ўтирибман* гапидаги *нол* ни *нул* тарзида талаффуз қилишга тўғри келади. Агар шундай қилинмаса, нутқ сунъий чиқади. Бу каби ҳолатларда *у* фонемаси *о* фонемасининг факультетив варианты сифатида қаралади.

Шунингдек, *ф* товуши билан бошланувчи кўпчилик сўзлар четдан – араб ёки форс тилидан қабул қилингани боис, уларнинг ўзбекча талаффузида муайян қийинчиликлар вужудга келади: *фалокат/фалакат – палакат, фалончи – палончи, фарзанд – парзанд* каби. Шунингдек, амр, ҳукм, кўрсатма мазмунидаги *фармон* сўзлашув услубида *пармон* тарзида талаффуз қилинаверади. *Фармон* исмининг баъзан *Пармон* тарзида ёзилишининг сабаби ҳам шунда. Аммо Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларини расмий ҳужжат сифатида англаган киши уни *пармон* тарзида қўлламайди.

Сўз таркибидаги товушлар алмашилишининг яна бир кўриниши *метатезадир*. Уни А.Ҳожиёв *бўйра-бўрйа, киприк-кирпик, тупроқ-турпоқ, тўғрамоқ-тўрғамоқ, мизож-мижоз* алмашилишлари мисолида кўрсатади: *Шукр этай, нозик мизожим бирла марҳам иттифоқ (Ҳабибий). Эрининг феъли, мижоз-табиати кун сайин унга равшанлашди (Ойбек)* каби [Ҳожиёв А. 2002, -Б.63]. Бу каби алмашилишларнинг фоностилистика учун қиммати йўқ. Аммо бир товушнинг иккинчига алмашилиши ҳодисасида айрим ҳолатларда поэтика бор: *устига – устина: Бўлди сўзум нозикун кўнглум хушу таълим латиф, Ҳар қачон солдим назар ул шакли мавзун устина (Лутфий)* каби.

А.Абдуллаев товуш алмашиниши – товуш ўзгариши ҳақида «Фонетик усулда экспрессивлик ифодалашнинг яна айрим кўринишлари бор, унда кучайтириш ва кучсизлантиришдан ташқари эркалаш, сўйиш каби маънолар ҳам ифодаланади», деган фикрни билдириб, $з \rightarrow ж$ алмашинувини мисол қилиб келтиради: *Ўжимни (ўзимнинг) жажжи қизим* [Абдуллаев А. 1983, -Б.20]. Гапдаги *қизим* сўзини болалар тилига хос бўлган услубда – *қижим* тарзида талаффуз қилиш ҳам экспрессивликни кучайтиради. Аммо *тупроқ* – *турпоқ* да эмас. Демак, ҳар қандай товуш алмашинуви ҳам поэтика учун аҳамиятли эмас.

Товуш тушиши. Товуш тушиши ҳодисаси сўзнинг морфологик структурасини жиддий ўзгартиради [Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. 1977, -Б.392]. Ўзбек тилида товуш тушиши билан боғлиқ бўлган *апокопа* (сўз охиридаги товуш ёки товушларнинг тушиб қолиши ва бунинг натижасида сўзнинг қисқариши: *кел > ке, тўрт > тўр*), *аферезис* (олдинги сўзнинг сўнгги товуши таъсирида кейинги сўз бошидаги товушнинг тушиши: *айтар эди > айтарди*), *диереза* (қатор ундошлардан бирининг ассимиляция ёки диссимиляция натижасида тушиб қолиши: *арслон > аслон*), *прокопа* (сўз бошидаги товушнинг тушиши: *йироқ > ироқ*), *синкопа* (сўз таркибидаги товушнинг тушиши: *бирлан > билан*), *элизия* (унли товуш билан тугаган сўзга унли билан бошланган сўзнинг кўшилиши натижасида бир унли товушнинг тушиши: *бора олади > боролади*), *редукция* (товуш артикуляциясининг кучсизланиши натижасида товуш ўзгариши, товушнинг миқдор ва сифат белгиси жиҳатдан пасайиши: *бўйин-бўйни*) сингари ҳодисалар мавжуд [Бу ҳақда қаранг: Ҳожиёв А. 2002]. Синкопа ҳодисасига мисол тариқасида келтирилган *билан*, *учун* кўмакчилари вариантларидан ташқари уларнинг биронтасига стилистик ҳодиса сифатида қараб бўлмайди. Чунки бу ҳодисалар нутқ жараёнида ўз зиммасига устама маъно олаётган эмас. Фақат нутқнинг қулайлиги нуқтаи назаридан нутқда сўзлар шу ҳолатга тушган – қисқарган холос. [Қисқарувнинг бу каби структурал ва функционал типлари Ж.Элтазаровнинг тадқиқотларида баён этилган ва унинг финал қисқарувлар, контрактуралар, инициал қисқарувлар, минимал ва максимал қисқарувлар сингари турлари таҳлил қилинган. Қаранг: Элтазаров Ж. 2004, -Б.46-54]. Бу каби қисқарувларнинг сўзлашув нутқида хослиги уларга функционал-стилистик нуқтаи назардан қарашга имкон беради. Адабий тилнинг орфографик қоидалари нуқтаи назаридан эса бу

ҳолат меъёрнинг бузилишидир. Аммо А.Ғуломов товуш тушишидаги *заҳар-заҳри* кўринишининг стилистик жиҳатда фарқланишини айтган [Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. 1977, -Б.393].

Ҳозирги абадий тилимизда меъёр ҳолатида бўлган *билан* тарихан *бирлэ* шаклида бўлган ва унинг мумтоз адабиёт намуналарида поэтик талабларга кўра *бирлэн, билэ, илэ, илэн, -лэ* вариантлари қўлланилган [Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш. 1973, -Б.200-201]. Замонавий адабий асарларда ҳам улар бадиий услубга хос бўлган грамматик-стилистик вариантлар сифатида қўлланиб келинмоқда. Бу ҳол поэтик матнларда фаол бўлгани боис, уларга мисол келтириб ўтирилмади. Прозаик асарларда эса нисбатан кам учрайди ва учраши ҳам услуб билан боғлиқ бўлади. Масалан, бу вариантлар О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романида юксак бадииятни таъмин этувчи юқори услуб воситалари сифатида қўлланган: –*Мовароуннаҳр ўт ичида қолди!–бақирармиш бобоси. – Сен эса бу орсиз хотининг бирлан бу мозор устида бешарми ҳаё ўйнашиб юрасен! Аммо бу зот фақирдай кимсаларни кўкрагидан итариб, атрофига шайхулислом Бурҳониддин бирла қози Хожя Мискиндай лаганбардор уламоларни, Али Қушчидай нобакор шогирдларни йигди. –Балли сизга қиблагоҳ! Ва лекин мен бу тахтни сизнинг ихтиёрингиз билан эмас, бирламчи, ҳақ таолонинг инояти, иккиламчи, ўз куч-қудратим ила қўлга киритдим! Шаҳзода бошини афсус-ла тебратиб, лаблари пичирлаб, юзига фотиҳа тортди каби.*

Аммо *билан* нинг дostonлар тилида фаол учрайдиган сўзлашув услубига хос бўлган *минан, -ман* вариантларида экспрессивлик мавжуд деган даъво килиб бўлмайди. Улар ифода жараёнидаги оддий қисқарувлар, холос: *Буйтиб турмай энди гайрат қилсанг-чи, Бизи минан бирга-бирга борсанг-чи* («Алпомши»). *Бизман* бирга ҳамдам бўлган, *Бир* эмчакни бирга эмган («Алпомши»).

Синкопа ҳодисаси юз беришида, яъни нутқда сўз ўртасидан бир товушнинг тушиб қолишида ҳам баъзан стилистик ҳолатлар кузатилади. Масалан, ёзма нутқда *бир тийинга қиммат одам, бир тийинлик одам*, деб ёзиш мумкин бўлгани ҳолда оғзаки нутқда гапни айнан шундайлигича талаффуз қилиб бўлмайди ва *бир тинга қиммат одам, бир тинлик одам* тарзида талаффуз қилинади ва бу ҳолат сўзлашув услуби учун меъёрий ҳолат саналади.

Сўзлашув услубига ва фақат шу матнга хос бўлган қуйидаги *Дугон, кел, бир кеча меҳмон бўлиб кет*, деган гап таркибидаги *дугона* сўзи охиридаги *а* нинг тушиб қолишида стилистика бор, яъни апокопа ҳисобидан нутқ муаллифининг эркаланиш, нозланиш оттенкаси шаклланган. Антропонимлар таркибида юз берадиган фонематик ўзгаришлар [Суперанская А.В. 1969, -С.13-14] ҳам баъзан стилистик мазмун касб этади. *Шаҳноза, Дилноза, Феруза, Адолат, Нилуфар* сўзларидаги охирги товушнинг ёки бўғин ва унинг муайян қисмининг нутқда атайлаб тушириб қолдирилиши бу исм эгаларига нисбатан эркаланиш оттенкасини вужудга келтиради: *Шаҳноз, Дилноз, Феруз, Адол, Нилу* каби. Шу боисдан бўлса керак, апокопа айрим манбаларда стилистик усул сифатида қайд этилади: *Туриб-туриб: «Мастур холам, холажоним! Жасур, Жасурочка! Сизларни қа-андоқ соғиндим» уларни қайтадан қучоқлаб, қайтадан ўтишга тушади (Э.Аъзам. Жавоб)*. Гапдаги *Жасурочка, қа-андоқ* сингари бошқа тасвирийлик мавжуд бўлган бирликлар қаторида *Мастура* сўзи ҳам охирги *а* унлисининг туширилиши натижасида экспрессив аҳамият касб этади.

Аммо мана бу *Лочин столга етмай ўрта йўлда тўхтаркан, рўпарадаги қора чарм қопланган икки тавақали эшикка кўзи тушиди. Эшикка «ўртоқ К.К.Камалова» деб ёзилган эди. – Клар... Клара Курбоновна доим банд бўлсалар керак. Аммо сиздан жуда илтимос: менинг келганимни айтсангиз (О.Ёқубов. Адолат манзили)* парчаси таркибидаги *Клар* сўзидаги *а* нинг тушиб қолганлиги билан тенглаштириш тўғри эмас. Чунки бу ҳолат эшикдаги ёзувнинг персонаж томонидан бир қадар қийналиб ўқиладигани, холос ва у ўзида ҳеч қандай экспрессивликни ифода қилмаётгани эмас.

Фонетик ҳодисалар тизимида *фонетик компрессия*, деган тушунча ҳам мавжуд. Бу ҳодиса ҳам товуш тушиши доирасида қаралиб, феъллардаги биринчи товушнинг редукцияга учраши билан боғлиқ. Бу ҳодиса ўзбек тилида кузатилмайди.

Ҳ.Жамолхонов муайян товушнинг тушириб қолдирилиши баъзан фонетик энергияни тежаш, баъзан ихчамликка эришиш сингари омилларга боғлиқ бўлишини айтади [Жамолхонов Ҳ. 2009, -Б.155]. Мумтоз шеърятда унинг айрим намуналарини кўрамиз: *айтгил – айгил:*

*Ким мунда боқи қолди, айгил манго,
Биздима, боргулари жумла анго. (Боқиргон китоби).
Зикрин айгил қонлар оқсин кўзларингдин,*

Ҳикмат айғил дурлар томсин сўзларингдин (А.Яссавий) каби.

Товуш орттирилиши. Фонетик ёки морфологик шарт-шароитлар таъсири билан сўзда янги (аввал бўлмаган) товушнинг пайдо бўлиши товуш орттирилишидир: *иси-иссиқ, ачи-аччиқ, доир-дойир, эгалламоқ (эга+ла)* каби. Товуш орттирилиши кўпроқ ўзлашма сўзларнинг оғзаки талаффузида учрайди: *қоида-қойида, осон-онсон, фикр-фikir, ҳукм-ҳукум* каби [Ҳожиёв А. 2002, -Б.110]. Бу каби фонетик ўзгаришлардан стилистик оттенка ахтариш тўғри эмас. Аммо ҳозирги адабий тил талаби нуқтаи назаридан меъёрнинг бузилиши бўлса-да, поэтик матнларда товуш орттирилиши орқали экспрессивлик ҳосил қилинади. Қиёс учун: *Назар балосина чўлпон кўзунг мени солди, Ким икки бурж ичиди ой биля қирон қилди – Ҳусну жамол ичинди нечаким камоли бор, Ойнинг қачон сенинг киби ҳусну жамоли бор (Лутфий)*. Баъзан бу орттирилиш шеърий техника талаблари билан бўлиши ҳам мумкин: *Не балолиг кун эдиким, ошино бўлдим санга (Навоий)* каби. Сўз охирида *м* товушининг орттирилиши локал-услубий хусусиятга эга: *Мен эсам, мен Навоий номидаги кутубхонада ўтирибман (Э.Аъзам)*.

Тилда максимал аниқликка интилиш қонуниятининг амал қилиши қай бир ҳолатда тил тежамкорлигига (имплекатив муносабатга), бошқа бир ҳолатда эса тил ортикчалигига (эксплекатив муносабатга) йўл қўяди. Агар имплекатив ва эксплекатив муносабатлар нутқда нафақат ифода аниқлиги, шу билан бирга, экспрессивликка ҳам хизмат қилса, бу жараёнларни стилистик жараёнлар сифатида баҳолаш мумкин бўлади.

Ўзбек тилидаги ортикчалик тамойилининг тадқиқотчиси Н.Маҳкамов бу ҳодисага нисбатан умумлингвистик атама – *плеоназм* ни қўллаган ва уни аффикслар ва лексик бирликлар мисолида таҳлил қилган [Маҳкамов Н. 1988]. Плеоназм нутқ жараёнида тил бирликлари қўлланишининг ортикчалиги экан, бу ҳодиса нутқ товушларига ҳам дахлдор деб ҳисоблаш мумкин бўлади. «Бироқ тил ва нутқдаги ҳар қандай ортикчаликни плеоназм деб ҳисоблаш тўғри эмас. – дейди Н.Маҳкамов. – Масалан: *Тўғри тўртбурчаклик шаклидаги резъба... (У.Икромов)*. Бу гапдаги *-лик* аффикси тамоман ортикча. Гарчи бу контекстда ортикчалик мавжуд бўлса ҳам, гапда плеонастик қўлланиш учрамайди. Плеонастик қўлланишда эса, камида иккита тил бирлиги семантик жиҳатдан такрорланиши керак» [Маҳкамов Н. 1988, -Б.6-7].

Масалага шу нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, нутқдаги ҳар қандай фонетик ортикчаликка адабий талаффуз меъёрларнинг

бузилиши деб ҳисобланиши лозим ва ўзбек тилида товуш орттирилиши билан боғлиқ бўлган *протеза* (талаффуз қулайлиги учун сўзнинг бошида товуш орттирилиши: *стол-устол, стакан-истакан*), *эпентеза* (сўз ичида товуш орттирилиши: *синф-синиф*), *эпитеза* [М.Миртожиев бу ҳодисани *аустеза* дейди. *Қаранг:* Миртожиев М. 2013, -Б.338] (сўзнинг охирида товуш орттирилиши: *отпуск-отпуска, киоск-киоска*) сингари фонетик ҳодисалардан ҳам услубий бўёқдорликни излаш керак эмас. Улар нутқнинг муайян шарт-шароитларида талаффуз қулайлигига интилиш жараёнида пайдо бўлган ортикчаликлардир. Биринчидан, сўзлашув услубига хос бўлган бу ортикчаликларга четдан қабул қилинган тил бирликлари учраши мумкин. Чунки бундай элементлар талаффузи она тилимиз талаффуз меъёрларига мослашиши ҳам қонуниятдир. Иккинчидан, талаффуз меъёрларининг диалектал характери ва уларнинг ҳамма вақт ҳам ўзбек адабий тили талаффуз меъёрларига бўйсунавермаслиги бу каби фонетик ҳодисаларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Товуш орттирилиши билан боғлиқ бўлган фонетик ҳодисалар оғзаки характерда бўлгани боис, улар ёзма адабий нутқда меъёрлашмайди. Шундай экан, бу каби ортикчаликлар стилистика учун аҳамиятсиздир. Шу боисдан бўлса керак, Н.Маҳкамов ўз тадқиқотида плеоназмнинг фонетик кўринишлари устида тўхталмайди. «Р.Қўнғуров тилда фонетик плеоназмлар ҳам мавжудлигини таъкидлайди. Бизнинг фикримизча, – дейди олим. – фонетик такрорларни плеонастик қўлланиш деб ҳисобламаслик керак. Акс ҳолда, товушларнинг иккиланиши, такрор сўзлар, таклид сўзларни, такрор формаларнинг барчасини плеонастик қўлланиш деб аташга тўғри келади» [Маҳкамов Н. 1988, -Б.10].

Агар, юқорида таъкидланганидек, плеонастик қўлланишда камида иккита тил бирлиги семантик жиҳатдан такрорланиши шарт қилиб қўйилса, бу ҳодисани ҳақиқатдан ҳам фонетик ҳодисаларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Чунки «иккита тил бирлигининг семантик жиҳатдан такрорланиши» фонетик сатҳда йўқ. Бунинг устига, синонимия ёки семантик жиҳатдан яқинлик тушунчаларини фонемаларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Шу маънода фикр муаллифи ҳақ.

Хўш, Р.Қўнғуров плеоназм ҳодисасини фонетик ҳодисаларга нисбатан қўллаганда нимани назарда тутган бўлиши мумкин? Р.Қўнғуровнинг бу борадаги фикри қуйидагича бўлган: «Фикримизча, ўзбек тилида ҳам туркий тилларда учровчи

плеоназмнинг ҳамма кўринишлари мавжуд. Биз плеоназмнинг фонетик, морфологик, синтактик ва лексик кўринишларини фарқлаймиз. Баъзан эса, унинг лексик-грамматик группалари ҳам кўзга ташланади (*қозон-товоқлар* каби). Биз бу ўринда плеоназмнинг структурал хусусиятидан кўра унинг стилистик хусусиятларига кўпроқ эътибор берамиз» [Қўнғуров Р. 1980, - Б.148]. Тушунишимизча, Р.Қўнғуров товушларнинг сўз таркибида қўлланишидаги ҳар қандай ортиқчаликни эмас, балки стилистик аҳамиятга эга бўлган такрорий қўлланишларни назарда тутган.

Унлиларнинг чўзилиши. Нутқ жараёнида унли товушларнинг чўзиб талаффуз қилиниши фоностилистика учун муҳим кузатиш объекти ҳисобланади. Чунки мана шу жараёнда товушлар товланади, ўзидаги стилистик имкониятларни вазиятга қараб турли жилоларда намоёиш эта олади. Шу сабабдан А.Ғуломов «Фонетик вариантлар ва адабий нормалар» мақоласида товушлар экспрессивлиги масаласига тўхталган. Асосий эътиборни унлиларнинг чўзиқлигига қаратиб, бу чўзиқликларни бирламчи ва иккиламчи узунликка ажратган ҳамда унлиларнинг чўзиқлик олиш сабабларини кўрсатган. Масалан, бир ҳолатда қўшни ундош кучсизланади ёки тушиб қолади ва натижада унлининг талаффузи чўзилади: *ма:рамоқ-манграмоқ, э:ри-эгри, кў:лам-кўҳлам-кўклам* каби. Иккинчи бир ҳолатда эса чўзиқликка «эмоционалликни, белги-сифатнинг ортиқлик даражасини билдириш, ҳаракатнинг интенсив бажарилишини, узоқ давом этишини, узоқликни (вақт ва ўрин маъноларида) билдириш, умуман, кучайтириш, таъкидлаш» кабилар сабаб бўлади: *э:рталаб, ка:тта, ча:нг, ўйла:б, юри:б-юри:б, қачо:н, секи:н, та:қ-та:қ, ҳо:в анави, а:нчадан кейин, қа:нча?, онажо:н* каби [Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. 1977, -Б.390].

Унлиларни чўзиб талаффуз этишнинг яна бир сабаби стилистик талабдир. Олим *фонетик бошқалик* деб номлаган бу ҳолатда чўзиқлик мазмунни кучайтириш, экспрессивлик, эмоцияларни билдириш, бадий асардаги персонажни нутқ жиҳатидан характерлаш, индивидуаллаш учун хизмат қилади: *семи:з, у жи:м ўтирди, ўйла:б юрди* каби.

А.Ғуломов «О сопутствующих явлениях при аффиксации в узбекском языке» мақоласида ҳам ушбу масалага тўхталиб, «Ўзбек унлиларига ўтмишда чўзиқлик хос бўлмаган, араб ва форс тилларидан кирган бу чўзиқлик йўқолиб бораяпти», дейди ва мисол тариқасида *Э* унлиси ўзбек тили учун чўзиқ бўлмай, «одатдаги» товушга айланиб қолганлигини (*жЭ:н-жЭн, мадЭ:р-мадЭр, баҳЭ:р-баҳЭр*), бу чўзиқлик ундан кейинги ундошни *чи:ни→чинни* тарзида иккилантиришга алмаштирилганлигини айтади [Ғулямов А. 2005, -Б.87]. Балки *учида, те:пасида, ма:за, ро:са* сингари сўзлар ҳам эмоционал ифодалаш зарурати туғилганда *у:чида, те:пасида, ма:за, ро:са* тарзида талаффуз этилган ва *уччида, теппасида, мазза, росса* сингари иккиланишлар кейинчалик олим таъкидлаган тамойил асосида юзага келгандир.

М.Миртожиев ҳам *товуш чўзиқлиги* ҳақида мулоҳаза билдирган: «Сўздаги товуш чўзиқлиги фақат ундошлар эмас, унлиларга ҳам хосдир. У ўзбек тилида ҳам кузатилади. У бир неча сабабларга кўра юзага келади: 1) интервокал ундошларнинг синкопаси натижасида, 2) композицион усулда сўз яшаш натижасида, 3) сўзга экспрессивлик бериш натижасида». Олим келтирган сифат (*кўйк, ооқ, кеенг, тоор*) ва унинг орттирма даражаси (*қип-қизил, теппа-тенг, типпа-тик, тўппа-тўзри, дум-думалоқ*) равишларга (*жаа, роса, тооза, гооятда, ниҳооятда*) оид айрим сўзлар таркибидаги унлининг чўзиқлиги устама – экспрессив маъно англатиш зарурияти билан боғлиқ ва бу таҳлиллар ўзбек тили фоностилистикаси учун аҳамиятлидир [Миртожиев М. 2013, -Б.325-326].

Дарҳақиқат, кишилар нутқ субъекти сифатида турли вазиятларда турлича эмотив ҳолатда бўладилар ва ундовларга фаол мурожаат қиладилар. Кишилардаги ҳис-туйғу, эмоция ва руҳий ҳолатни ифодалайдиган эмоционал ундовлар таркибидаги унли товушларнинг бири, одатда, чўзиқ талаффуз этилади.

Масалан, бадий матнларга хосланган *аё* ундови охиридаги *о* нинг чўзиб талаффуз этилиши шеърнинг пафосини кўтариб юборади ва ифоданинг юқори услубда бўлишини таъмин этади: *Аё, халқинг хароб! Берух, паришон! Сени топтар ганим истаган пайти* (А.Суюн) каби. Ва элементи унлиси *ва-а* тарзида чўзиб талаффуз этилиши билан сўзнинг мазмуни ўзгаради – у «нарса,

кимса, ҳаракат кабиларнинг белгиси меъерий даражадан пастлиги, мақтайдиган даражада эмаслигини ифодалайди»ган [Ўзбекистон миллий энциклопедияси, беш жилдлик. 1-жилд. 2006, -Б.430] ундовга айланиши баробарида сўзлашув нутқида у ажабланиш оттенкасини бериши мумкин: ***Ва-а**, шундай бўп чиқдим!* Бунда у *вой* га синоним бўлади. Ёш болага нисбатан ***Ва-а**, ҳолинг шу экану*, дейилганда унинг устидан кулиш ёки шижоатга ундаш каби оттенкалар юзага келади.

Биргина *о* товушининг ўзи ҳам чўзиқ талаффуз этилиши натижасида ундовга айланиб, нимадандир завқланганлик ёки мамнунликни билдиради. *О, айланай, медаллик Бўстонбуви Норматовани ким билмайди!* (А.Қаҳҳор). Баъзан у риторик мурожаат даражасига кўтарилади: *О, тақдирнинг аччиқ ўйини! Гувоҳ бўл, эй мўйсафид тарих* (М.Али) каби. *О* ундови семантикасидаги эътироз, «йўқ-йўқ» [*О, қўрқаман! Юргайман доим шафқатинг излаб* (М.Али)], афсусланиш, алам, надомат [*О, шўрбахт инсон! Ортиқ ҳиммат кўрганмидинг ҳеч?* (М.Али). *О, кўрмаган роҳат тўшагин, Жанг-жадал деб тугилган инсон* (М.Али)], фахрланиш, ғурурланиш [*Қарангиз, о! Фотиҳ, жаҳонгир! Бир вақт унга дунё эди тор* (М.Али). *О, мен учун, Ватан ва подшо Икки тимсол – яхлит бир сиймо!* (М.Али)], нафрат [*Биров билмас. Билурлар аён: Уруш борар, уруш... о, уруш...*(М.Али)] оттенкалари ҳам айнан ана шу чўзиқликнинг турли оҳангларда товланиши туфайли юзага чиқади. Айтилганлардан ташқари ушбу ундовнинг қўлланишида кўтаринкилик, пафос сезилади ва бу унинг функционал чегараланишини ва юқори услубга хосланишини белгилаб беради: *Қайлардасан, о, сен бояқши? Жонга тегди бу кеча фироқ* (М.Али) сингари.

Маълум бўладикки, ҳар бир ундов муайян нутқий шароитда мурожаат, хитоб, ажабланиш, бировнинг устида кулиш ёки шижоатга ундаш (*аё, ва-а*), завқланганлик, мамнунлик, эътироз, афсусланиш, алам, надомат, фахрланиш, ғурурланиш, нафрат, кўтаринкилик, пафос (*о*) сингари семантик-стилистик оттенкалар юзага чиққанки, бу оттенкаларнинг ҳар бири экстралингвистик омилларга боғлиқ равишда талаффузда алоҳида интонацияни талаб этган. Зеро, бу интонациянинг йўлга қўйилмаслиги, уларнинг ҳар бири ўзига эмфатик урғуни олмаслиги кўзда

тутилган эмоционал-экспрессив маъноларнинг англашилмаслигига сабаб бўлади.

Маъноларни ажратишга хизмат қиладиган фонологик чўзиқликдан фарқли ўлароқ иккиламчи чўзиқлик ифода жараёнида субъектив муносабатдаги нозик жиҳатларни юзага чиқаришга кўмаклашганидан Х.Жамолхонов қуйидагиларни айтган: «Чўзиқлик-қисқалик белгиси сўзларнинг аташ маъносини ўзгартириб юбормайди, балки сўзловчининг субъектив муносабатини ўзгартиради. «Чўзиқлик» ва «қисқалик» белгиларига эга бўлган сўзлар ўзаро зидланади. Бу зидланиш мазмун жиҳатдан «экспрессивлик», «маънони кучайтириш» белгисига ҳам таянади. «Қисқалик» белгисига эга бўлган зидланиш аъзоси «экспрессивлик» белгисига эга бўлмайди, аксинча, «чўзиқлик» белгисига эга бўлган зидланиш аъзоси бундай белгига эга бўлади» [Жамолхонов Х. 2009, -Б.137].

Хулоса шундай бўладики, товушлар талаффузида юзага келадиган товуш тембри ва товуш чўзиқлиги сингари жараёнлар экспрессив фонетика учун муҳим ҳисобланади. Чунки товуш тембри нутқ эгасининг кайфиятини ифода этади. Шунга мос ҳолда у, айтайлик, хурсандчилик ёки хафачилик ҳолатидаги инсон эмоцияларини нутқда ифодалашга хизмат қилиши мумкин бўлади.

Геминация. Луғатларда келтирилган *гемината/қўш ундош, геминация/қўш ундошлик* атамалари кетма-кет келган айнан бир типдаги ундош (*катта, омма, аччиқ*), икки айнан бир хил ундошли ҳолатнинг юзага келиши (*уччида, теппасида*) тарзида изоҳланган [Ҳожиев А. 2002, -Б.30,143].

Шунингдек, илмий адабиётларда тилда *дегеминация* ҳодисаси ҳам мавжудлиги айтилади ва унга «сўздаги чўзиқ ундошларнинг чўзиқлигини йўқотиши» тарзида изоҳ берилади ва *сизни-сиззи-сизи, бизни-биззи, бизи, бирла-билла-била* мисоллари билан асосланади [Миртожиев М. 2013, -Б.327].

Изоҳлар ва келтирилган мисоллардан маълум бўладики, ҳар қандай бир хил ундош товушнинг ёнма-ён ёки кетма-кет келиши ўзбек тили учун меъёрий ҳолат саналади ва у фоностилистикада аҳамият касб этмайди. Аммо нутқ жараёнида муайян мақсад кўзланган ҳолда, орфографик ва орфоэпик меъёрлар бузилиб, айнан бир хил ундошли ҳолат юзага келтирилса ҳамда бунинг

натижасида экспрессивлик вужудга келса, у стилистик аҳамият касб этади. Қиёслаймиз: *дарахтнинг учида – дарахтнинг уччида, томнинг тепасида – томнинг теппасида* жумлалари семантик жиҳатдан бир хил бўлгани ҳолда, стилистик жиҳатдан фарқланади. Геминация туфайли жумла кўшимча отенка олади – ўрин маъноси кучайтирилади, унга алоҳида эътибор қаратилади. М.Миртожиев таҳлил қилган *қиззил, сарриқ, теккис* сифатлари, *тоzza, росса, гизза* равишлари, *жудда, ўтта* юкламалари, *урраман, кеттаман, чеккаман* феълларида ундошларнинг иккилантирилиши фақат нутқда содир бўладиган бир марталик ҳодисалар [Миртожиев М. 2013, -Б.323] ва бу ҳолатлар унлиларда ҳам юз бериши мумкин: *каатта, узун, узоқ* каби.

Шу маънода фоностилистика учун геминация ҳодисасидан кўра ҳам ундошлар, ҳам унлилардаги бир хил товушларнинг кетма-кет келишини қамраб оладиган *иккиланиш* атамаси қамровидаги фонетик ҳодисалар таҳлил этилиши аҳамиятлидир.

А.Ғуломов товушларнинг такрорланиши – иккиланиши унлиларда ҳам, ундошларда ҳам учрашлигини, унлиларда бу ҳодиса, одатда, узун унли ҳосил қилишлигини (*о+о – о:* каби), ундошларда эса ўша ундошнинг чўзилиши сезилса ҳам, одатда, икки бир хил ундош айрим-айрим ўқилиб, кўпинча, уларнинг бири бўғиннинг охирида, бошқаси ундан кейинги бўғиннинг бошида келишлигини (*ма+за – маз-за*), шунга кўра *иккиланиш* сўзи, одатда, ундошларга нисбатан ишлатилишини айтган: «булар қадимги тилда кўш ундошли бўлмаган (*аччиқ, исиг* каби). Ҳозирги тилда улар *яша–яшша* каби параллел формада қўлланмайди, демак бу ўринда кучайтириш функцияси йўқ. Англашиладики, иккала формаси сақланмаганда, кучайтириш функцияси ҳам бўлмайди [Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р.1977,-Б.394-395]. Демак, *маzza, яшша* сингари қўлланишлардаги *з* ва *ш* товушларининг иккиланиши стилистик мақсад билан бўлгандир.

Нутқда баъзан геминация ҳодисасининг юз бериши, яъни муайян ундошнинг сўз таркибида такрорланиши айнан стилистик ҳодиса сифатида баҳоланади ва бу ҳодиса юқоридаги фонетик ҳодисалардан (*катта, омма, аччиқ*) нутқдаги аҳамиятига кўра тубдан фарқ қилади: *овора бўлмоқ: Сен ҳали ёшлигинг билан оввора... Мен кўзни юмдимми, келади босиб Ҳам шонли, ҳам*

бешаън, ҳамда бечора Хотира юкининг оғир карвони (У.Азим); маза қилмоқ: Камолхонов нонни бир илож қилиб еди ва **мазза** қилганига ишора қилиб, бош чайқади (А.Қаҳҳор); лалаймоқ: –Нега **лаллайиб** турибсиз? Эшикни очдингизми, киринг-да! – деди сал юмшаб. – Ким керак сизга? Агар Клара Қурбоновна керак бўлса, бугун қабул қилолмайдилар (О.Ёқубов); ураламоқ: ...Отам қайдан билсин пахта йўлини... Бутун бир мамлакат турса «**урра**»лаб (А.Суюн); сири: Нечун сиқилди муштинг? Мушт сиқиб, дединг, бир пайт. -Устанинг ҳалол иши Бу умр **сирри** фақат! (А.Суюн); дури: Ундан қолмиш **дурри** бебаҳо Ҳануз тирик, ҳануз фусункор! (М.Али); яшамоқ: – Бу **яшшамай** ўлғирнинг ўзи ёмон, – деди опаси, муштини ерга қадаб,– сен билан орани бузишга бузиб... Раҳимжонингни кўрсанг менга уч талоқсан, деди-да, ахир!.. (А.Қаҳҳор); эшак: Аммо чидамли экан, унсур! Оёқлари индек, пуф десанг учиб кетадиган ҳоли бор-ку, миқ этмайди, **эшшак!** Начора, бошқа усулни қўллашга тўғри келди (Ў.Ҳошимов); ҳақ: Ҳаёт доим ўз **ҳаққин** қўймас, Тўхтов билмас голиб одими (М.Али) каби.

Айнан ундош товушнинг яна биттага орттирилиб такрорланиши геминатани ҳосил қилмоқда ва бу ҳолат мантиқий урғуни шу сўзга чақириб, унинг алоҳида оҳанг билан талаффуз этилишини тақозо этмоқда. Бунинг натижасида таркибида геминация ҳодисаси содир бўлган бирликда қўшимча отенка юзага келмоқда.

О.Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романидан олинган мана бу Абдулғазиз уларнинг қўлидан чиқишга уриниб, талпинаркан: – Ўз қиблагоҳига қилич кўтарган сендай **рразил ххунрезни** нечук ер ютмайди? Нечук осмон ағдарилиб **ббошингга ттушмайди?** – Абдулғазиз, тақир бошини сарак-сарак қилиб, кўзлари совуқ чақнаб, яқинлашиб келарди. –**Хҳазар!** Алҳазар, **ссендай ппадаркушдан!** – деди хириллаб.–Барча авлиё ва анбиёларни шафе келтириб, қасамёд қиламен: бошингни олиб, оёгингдан **ддорга** осамен (О.Ёқубов) парчасида эса **разил, хунрез, бош, тушмоқ, ҳазар, сен, падаркуш, дор** сўзлари бошида **р,х,б,т,х,с,п,д** товушларининг орттирилишига фонетик қонуният – протеза сифатида эмас, балки нутқий вазиятдан келиб чиққан бир марталик такрорланиш сифатида қараш лозим. Айнан мана шу такрорлар боис сўзлар экспрессив аҳамият касб этган ва

Абдулазизнинг руҳий ҳолатини очиб берувчи поэтик воситага айланган.

Маълум бўладики, товушлар анлаутда ҳам, инлаут ва ауслаутда ҳам, яъни сўзнинг бошида, ўртасида ва охирида ҳам талаффуз эҳтиёжига кўра ўзгаришларга юз тутиши мумкин. Уларнинг барчасига ҳам ҳозирги ўзбек тили адабий талаффуз талаблари нуқтаи назаридан меъёрий ҳолат деб бўлмагани каби, улардан ҳамма вақт стилистик оттенка ахтариш ҳам тўғри эмас. Матндаги товуш ўзгаришлари асосан сўзлашув услубига хос хусусият бўлиб, бошқа услубларга ана шу услуб орқали ўтиш имконияти мавжуд. Улар ёрдамида оғзаки нутқда ҳосил қилинган экспрессивлик хусусиятларидан андоза олинади ва бошқа услубларга кўчирилади. Товуш ўзгаришларининг бадиий ёки публицистик услубларда фоностилистик восита сифатида аҳамият касб этишини ана шундай тушуниш тўғри бўлади.

Бу жараёнда фақатгина лингвистик омилларнинг иштирокига эътибор қаратиш кўзланган натижаларни бермаслиги мумкин. Бунинг учун кузатишлар жараёнида нутқ шаклланишига хизмат қиладиган экстралингвистик омилларни ҳам унутмаслик лозим бўлади.

Шундай қилиб, фоностилистика фонетика ва стилистика оралиғида шаклланган соҳадир. Н.С.Трубецкой экспрессияни тўлиқ стилистика соҳасига тегишли деб ҳисоблаганлиги ҳам экспрессивликка хизмат қилувчи фонетик воситалар стилистика учун материал бўла олишини тасдиқлайди.

III боб

ФОНОЛОГИЯ ВА ФОНОСТИЛИСТИКА

3.1. Фонема – лингвистик бирлик

Нутқ товушларини тадқиқ этувчи соҳалар сифатида фонология ва фоностилистиканинг ўхшаш ва фарқли томонларини белгилаш нутқ товушларини стилистик планда ўрганишга муайян аниқликлар киритади.

Жаҳон тилшунослигида тилнинг моддийлашувида биринчи элемент саналадиган фонеманинг нутқни шакллантирувчи лингвистик бирликлар комплексидаги ўрни ва аҳамияти билан шуғулланиш Ленинград (Санкт-Петербург) ва Москва мактаблари, Америка дескрептив тилшунослиги ва Копенгаген структурал тилшунослиги фаолиятига бориб тақалади [Бу ҳақда қаранг: Баскаков Н.А., Содиқов А.С., Абдуазизов А.А. 1979, -Б.21-72; Содиқов А., Абдуазизов А., Ирисқулов М. 1981, -Б.58-61; Нурмонов А. 1990, -Б.8-14; Жамолхонов Ҳ. 2009, -Б.8-72 ва бошқ]. Чунки айнан мана шу илмий марказларда нутқ товушларининг пайдо бўлиши ва уларнинг инсон томонидан қўлланиш шарт-шароитларини тадқиқ этиш кун тартибига қўйилди ва илк бор ўзининг назарий баҳосини олди.

Фонема назариясининг асосланишига, фонологиянинг шаклланиши ва тараққиётига И.А.Бодуэн де Куртенэ, Л.В.Щчерба, Н.Ф.Яковлев, Н.С.Трубецкой, С.И.Бренштейн, Р.Аванесов, Л.Ельмслевлар улкан ҳисса қўшдилар. Шунингдек, В.В.Радлов, В.А.Богородицкий, Е.Д.Поливанов, Н.К.Дмитриев, С.Е.Малов, кейинчалик А.Ғуломов, А.Абдуазизов, А.Нурмонов, М.Миртожиев, А.Маҳмудов, С.Отамирзаева, Ҳ.Жамолхонов, Д.Набиева сингари олимларнинг туркология, хусусан ўзбек тилшунослигида мазкур соҳанинг ривожига хизматлари катта бўлди.

Фонема тушунчасини фанга олиб кирган И.А.Бодуэн де Куртенэ нутқ товушлари юзасидан олиб борган кузатишларида инсон товушларининг маънони фарқлаш-фарқламаслик хусусиятларига эътибор қилган ва уларнинг маънони фарқлайдиган қисмига фонема сифатида қараган.

Бу борадаги ўзбек тилшунослигидаги илк назарий қарашлар А.Ғуломовга мансуб: «Маъно англатадиган минимал – энг қисқа, энг кичик – бўлинмас элемент морфема бўлса, товуш жиҳатдан энг кичик – бўлинмас элемент *фонемадир*: сегментацияда энг кейинги элемент товушдир. – дейди у – Демак, буларнинг биринчиси икки томонлама (маъно ва товуш томонлари), кейингиси эса бир томонламадир: товушнинг ўзи маъно бермайди, у маъно билан потенциал боғланган: маъноли элементларнинг – сўз ва морфемаларнинг ташқи томонини ташкил қилади – уларни шакллантиради ва фарқлайди» [Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. 1977, -Б.365].

А.Ҳожиёв *фонема* га «тил моддий томонининг энг кичик бирлиги, фарқловчи фонологик белгиларнинг барқарор йиғиндиси» тарзида изоҳ бериб, *фонология* ни «тилшуносликнинг нутқ товушларини сўз ва морфемаларнинг товуш қобиғини фарқловчи восита сифатида ўрганувчи соҳаси» сифатида баҳолайди. Айни пайтда, у *сегмент фонема* ва *суперсегмент фонема* атамаларининг ҳам изоҳини берган: «*Сегмент фонема* – нутқ занжирида биринкетин келадиган ҳар бир фонема». *Суперсегмент фонема* – сегмент фонемалар қаторига кўшимча равишда ҳамроҳ бўладиган ва маънони фарқлаш учун хизмат қиладиган просодик birlik (товушнинг тони, баландлиги ва кучининг ўзгариши)» [Ҳожиёв А. 2002, -Б.86,94,121, 124].

Фонологиянинг тадқиқот объекти бўлган фонема ҳақидаги назарияларни ўрганган ва чуқур таҳлил қилган А.Нурмонов унга қуйидагича таъриф берди: «*Фонема* – морфемаларни шакллантирадиган ва уларнинг маъноларини фарқлаш учун хизмат этувчи, бошқа майда бўлакка бўлинмайдиган тилнинг энг кичик бирлиги» [Нурмонов А. 1990, -Б.7]. Ҳ.Ҷамолхонов уни: «*Фонема* сўзлар ёки морфемаларнинг товуш қобиғини фарқлаш орқали уларнинг маъноларини тафовутлаш вазифасини бажарадиган энг кичик сегмент birlikдир», деб баҳолади [Ҷамолхонов Ҳ. 2009, -Б.91].

Тилшуносликнинг фонетика ва фонология соҳалари гарчи тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, кузатиш методлари нуқтаи назаридан ўзаро фарқланса-да, улар тадқиқот объекти тилнинг товуш материяси эканлиги билан ўзаро бирлашади. Шунинг учун ҳам баъзи тилшунослар фонология ҳам аслида фонетиканинг ўзи, фақат унинг юқори босқичи, холос, деган фикрни айтадилар. Аммо даврлар ўтиб, тадқиқотлар кўламнинг кенгайиб бориши уларнинг

чегарасини белгилашни тақозо этди. Фонетика нутқ товушларини, фонология эса тил товушларини ўрганади: нутқ товушлари ҳақидаги таълимот (фонетика) аниқ физик ҳодисаларни, тил товушлари ҳақидаги таълимот (фонология) эса шу товушларнинг лисоний-вазифавий хусусиятларини тадқиқ қилади, деган хулосага келинди [Жамолхонов Х. 2009, -Б.90].

Бизнингча, *нутқ товушлари* дан фарқли ўлароқ *тил товушлари* деган жумла бир қадар мавҳумдир. Гарчи нутқ товушлари табиатдаги физик товушларнинг бир кўриниши бўлса-да, улардан вазифасига кўра мутлақо фарқ қиладиган ва фақат инсонгагина хос бўлган товушларнинг *нутқ товушлари* деб номланиши тушунарли. Фонологияга таъриф берилиб, унинг тил товушлари ҳақидаги таълимот эканлиги ва лисоний-вазифавий аҳамият касб этиши қайд этилганлигидан эса фонеманинг тилда барқарорлашган муайян фонетик бирлик сифатида эътироф этилишини англаш мумкин бўлади. Аммо унинг ҳам нутқий жараёнсиз ҳеч қандай маъно англатмаслигини, нутқдан ташқарида фонема йўқлигини инобатга олсак, *тил товушлари* жумласи яна ноаниқлигича қолаверади. Шунинг учун А.Ҳожиевнинг фонемага таъриф берганида у тилнинг моддий томони эканлиги ва фонология ҳам нутқ товушларини ўрганиши ҳақидаги фикрига таяниш тўғри бўлади, деб ўйлаймиз.

Ҳар қалай, бир нарса муҳим – фонемаларни тадқиқ этувчи соҳа бўлган фонологиянинг стилистикага муносабати қандай ва фонемалар стилистик аҳамиятга эгами-йўқми, деган масалага аниқлик киритилиши зарур.

3.2. Н.С.Трубецкой ва экспрессив фонология

Масалага аниқлик киритиш учун соҳанинг йирик тадқиқотчиси бўлган Н.С.Трубецкойнинг «Фонология асослари» асарига мурожаат қиламиз. Нашр этилганига салкам 80 йил бўлган, фонологиянинг назарий асосларини яратиб берган ушбу асар жаҳон тилшунослигидаги фундаментал тадқиқотдир [Трубецкой Н.С. 1960].

Дарҳақиқат, текшириш объекти бир хил, яъни товушлар бўлса-да, тадқиқот методлари ва ёндашувлари турлича бўлган фонетика ва фонологиянинг умумийлик ва хусусийлик жиҳатларига оид мукамал қарашлар унинг қаламига мансуб бўлгани сингари бу соҳаларнинг стилистикага муносабати ҳақидаги асосли ва бир

кадар кенг мулоҳазаларни ҳам унинг «Фонология асослари» асаридан топамиз.

Н.С.Трубецкойнинг фоностилистикага оид қарашлари китобнинг «Кириш» қисмидаги «Фонология ва товуш стилистикаси» деб номланган иккинчи бўлимида берилган [Трубецкой Н.С. 1960].

Олимнинг фикрича, инсон нутқи сўзловчининг, тингловчининг ва нутқ предметининг мавжуд бўлишини тақозо этади ҳамда ҳар бир тил ифодаси уч аспектдан – экспрессив (ифода), аппеляция (мурожаат), эксплекция (ахборот)дан иборат бўлади [Трубецкой Н.С. 1960, -С.22. Бундан кейин шу асарнинг саҳифалари кўрсатилади]. Бу фикрлар академик В.В.Виноградовнинг тилнинг уч вазифаси – алоқа, хабар, таъсир ҳақидаги қарашларига ҳамоҳангдир.

Н.С.Трубецкойнинг таъкидлашича, инсон нутқи, биринчи навбатда, уни эшитувчида акустик таассурот қолдиради. Нутқ муаллифи, унинг сўзлаш оҳанги ва нима тўғрисида гапираётгани ана шу таассуротнинг сифатлари саналади. Хўш, ундаги бу сифатларни фонология ўрганиши керакми, деб савол кўяди олим. Нутқнинг ахборот плани, яъни эксплекция фонология томонидан ўрганилиши зарур. Чунки ахборот ташувчи саналадиган сўз лексик ва грамматик элементлардан ташкил топгани каби бу элементларнинг ўзи, айти пайтда, фонологик бирликлардан ҳам ташкил топган бўлади, дейди у.

Тилнинг ифода ва мурожаат плани бир қарашда нутқ доирасида бўлади ҳамда фонетик кузатишларга дахлдордек туюлади. Аммо масалага яқинроқ қараганда бу қарашнинг асосли эмаслиги маълум бўлади. Шу боисдан Н.С.Трубецкой сўзловчи шахси ва унинг тингловчи ҳиссиётига таъсир кўрсатиши ниятини аниқлашга кўмаклашадиган товуш таассуротлари орасида шундай ҳолатлар ҳам борки, уларни англамоқ учун бу ҳолатларни тилда белгилаб қўйилган муайян меъёрларга мослик даражасини ҳам билиш зарур бўлади. Ана шу меъёрлар лингвистик қимматга эга бўлганлигидан ифода ва мурожаат плани ҳам фонологияда ўрганилиши керак, деб ҳисоблайди [23].

Н.С.Трубецкой ўзигача маълум бўлган фонологияга оид қарашларни таҳлил қилар экан, фонологик тадқиқотларнинг дастлабки босқичида товушларнинг экспрессив-аппелятив жиҳатларига эътибор берилмай келганлигини айтади. Ушбу масалаларга биринчи бўлиб венгер олими Юлиус фон Лазициуш

диққатини қаратди, дейди у. Лазициуш фикрича, фонология фонетикадан фарқли ўлароқ инсон нутқидаги товушларнинг вазифасини ўрганар экан, у ўз имкониятларини ахборот доирасида чегаралаб қололмайди. Аксинча, фонология товушларнинг экспрессив ва апеллятив хусусиятларини ҳам эътиборга олишга мажбур.

Лазициуш фикрига таянган Н.С.Трубецкой фонологиянинг икки йўналиши – экспрессив ва апеллятив бўлимларини яратиш ҳақидаги ғояни илгари суради. Аммо товушларнинг бу хусусиятларини аниқлаш учун материалнинг етарли эмаслиги тадқиқотларни қийинлаштиради ва фақат умумий мулоҳазаларнигина билдириши мумкин бўлади.

Шундан сўнг Н.С.Трубецкой нутқнинг экспрессив вазифаси ҳақидаги қарашларини баён қилади. Унинг фикрича, нутқда сўзловчига тавсиф беришга хизмат қиладиган барча воситалар экспрессивликка ҳам хизмат қилади. Экспрессивликни ифодаловчи воситалар турли-туман бўлиши мумкин. Сўзловчининг муайян бир инсон тилига тегишлилиги, унинг жисмоний ва руҳий хусусиятлари ва ҳакозо. Унинг овозига, талаффузига, умуман, сўз танлаш ва гап тузишини ўз ичига оладиган нутқ услубига қараб хулоса чиқарса бўлади. Аммо бизни фонологик экспрессив воситалар, яъни белгиларнинг шартли тизими сифатида тилдаги товушларда мавжуд бўлган экспрессив воситалар қизиқтиради.

Шундай дейиш баробарида инсон нутқи учун хос бўлган характерли элементларнинг катта қисми эътиборимиздан четда қолади. Биринчи навбатда, инсонга табиат томонидан берилган психологик омиллар олиб ташланади. Аммо овозга қараб сўзловчининг жинси ва ёшини, кайфиятини билиш, ўзини кўрмасдан туриб ҳатто семиз ёки ориқлигини аниқлашнинг фонология учун ҳеч қандай алоқаси йўқ. «Экспрессив фонологияга фақатгина сўзловчи товуши тавсифига шартли равишда боғланган воситалар киради» [25].

Тил энг аввало, жамият томонидан барқарорлаштирилган экан, унда фақат сўзловчининг муайян тил жамоасига, инсон типлари ва гуруҳларига тегишли эканлигини характерловчи воситаларгина шартланган бўлади. Ана шу воситалар ёрдамида инсонларнинг маълум бир ёшдаги гуруҳларга, жамиятдаги муайян синф ёки табақага мансублигини, жинси ёки маълумот даражасини, ижтимоий келиб чиқишини ифодалаш мумкин бўлади.

Дархақиқат, инсонларнинг жинси ёки ёш гуруҳлари, жамиятдаги табақаланиши, айтайлик, маълумоти, қаерлик эканлиги ва касби уларнинг «экспрессив-фонологик» хусусиятларига қараб ажратилади [26]. М.Миртожиев ва С.Отамирзаеваларнинг умлаутлашиш – унлиларнинг торайиши ёки юмшаши юзасидан амалга оширилган таҳлиллари бунга мисол бўла олади: *ʃoli>ʃeli, nəzir>nezir, Komilə>Kem'lə* каби [Миртожиев М. 2013, -Б.300; Атамирзаева С. 1974]. Шунингдек, А.Алиев олиб борган кузатишлар ҳам талаффузнинг локал хусусиятлари ҳақида зарур маълумотлар беради: *мәшу – мана шу, әшу – ана шу, әнүв – ана бу, мәбъ – мана бу, бәй/бей – бу ер, әй/ей – у ер, өшей – ўша ер, әх/әқәғ – у ёқ, бәх/бәқ/бәғ – бу ёқ* сингари [Алиев А. 1974, №1, -Б.81-84].

Маълумки, ҳар бир халқ таркиби унинг ижтимоий тузилишига, жумладан, тил мулоқотига ҳам боғлиқ. Шу маънода, тил мулоқотига жинс ва ёшдаги фарқлар жиддий таъсир кўрсатади. Масалан, муайян бир товуш эркак ва аёл талаффузида фарқланади ва шу билан гўё бир жинсга ёки ёшга мансуб кишилар ўзларига ёпиқ мулоқот муҳитини яратиб олгандай бўладилар. Масалан, *вой* ундовини маълум бир бирикувларда аёллар нутқида хосланган, дейиш мумкин: *вой ўлай, вой ўлмасам, вой шўрим, вой айланай, вой ўргилай, вой гиргиттон* каби. Улар бу сўзни қисқа, аммо алоҳида тон билан талаффуз қиладилар: *Ҳалима она мени кўриб: «Опангизнинг юбилейига келдингизми, вой, айнаниб кетай сиздан! – деб елкамга қоқиб қўйдилар (О.Ёқубов). Бўстон. Дод-бедод! Войдод, ҳукуматга арзим бор! (А.Қаҳҳор)* каби. Ш.Искандарова уларнинг бу ундовни тез-тез қўллаши ва турли оҳангларда талаффуз этиши сўзнинг севиниш, эркалаш, ачиниши, кўрқиш, ҳавас, саросималаниш, койиш, алам сингари ўндан ортиқ маъно нозикликларининг келиб чиқишига сабаб бўлганлигини айтган [Искандарова Ш.1993, -Б.19].

Бу ундов эркаклар нутқида қўлланганда ўзгача талаффуз этилади ва семантик кўлами ҳам бошқа оттенкалар ҳисобига кенгайди: *Вой-вуй... – деди Ўрмонжон кайфи учиб, – агар шуларнинг ҳаммаси рост бўлса... Кўрпамни қўйиб атрофга шундай қарасам... вой-вуй, Мирзачўл шунақами ҳали, деб юборибман! (А.Қаҳҳор). Вой илон-йей! Мактабда интеллигент бўлиб юрасан-да, уйингда аксилнқилобий фаолият олиб борасан! (Ў.Ҳошимов).* Мисолларда у ҳайратланиш, қаҳр-ғазаб оттенкаларини ифодалаган.

Тилнинг фонологик тизими ўрганилаётганда бу ҳолатлар билан ҳисоблашиш зарур бўлади.

Н.С.Трубецкойнинг турли жинслар ёки турли ёшдаги кишилар товушларининг шартли фарқланишларини табиат томонидан берилган овоз фарқларидан ажратишда эҳтиёт бўлиш лозимлиги ҳақидаги қарашлари экспрессивлик нуқтаи назардан ғоятда муҳимдир.

Ёш бола талаффузидаги нуқсонларнинг, бир товуш ўрнида иккинчиси қўлланишининг ҳеч қандай экспрессив-фонологик аҳамияти йўқ. Агар у талаффуз қобилияти тўлиқ шаклланган бўла туриб, муайян товушни атайлаб бузиб талаффуз қилсагина бунда экспрессив-фонологик факт содир бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган *қизим-қижим* мисолини эслайлик.

Ижтимоий табақаланган жамиятда, масалан, касбий ва маданий бўлинишларга асосланган жамиятда талаффуздаги фарқлар жиддий сезилиб туради. Шаҳарликлар ва қишлоқ аҳли талаффузидаги фарқланишларни ҳам худди шундай тушуниш тўғри бўлади.

Шартли товуш – экспрессив воситалар одатда сўзловчининг кимлигидан кўра нутқ momentiда унинг ким бўлишини хоҳлаётганлиги ҳақида кўпроқ маълумот беради. Ёки бўлмасин, бир кишининг одатдаги сўзлашув нутқи талаффузи омма олдида қилган чиқишидаги талаффуздан фарқланади. «У ёки бу тил таркибидаги маълум тил гуруҳларини тавсифлаш учун хизмат қиладиган барча фонологик-экспрессив воситалар бир тизимни ташкил этади; бу воситалар яхлитликда ушбу тил гуруҳларининг экспрессив услуби сифатида белгиланиши мумкин. Сўзловчи ҳамма вақт бир хил экспрессив услубни қўллаши шарт эмас; у суҳбат мазмуни ва суҳбатдошнинг феълига қараб турли услублардан фойдаланиши мумкин; қисқа қилиб айтганда, у ўзи дахлдор бўлган тил жамоасида ҳукмрон бўлган одатларга мослашади», дейди Н.С.Трубецкой [28-29].

Фонологик экспрессив воситаларнинг муҳим кўринишларидан бири нутқда йўл қўйиладиган «товуш сохталиклари» («звуковые суррогаты») бўлиб ҳисобланади. Шуниси муҳимки, тил жамоаси томонидан бу сохталикларга йўл қўйилади ва муомаладан чиқариб юборилмайди, меъёрий товушлар сингари яшашда давом этаверади. Бу сохталикларни ўзлаштириб олган айрим шахслар уларни ўз нутқида мунтазам қўллайди ва шу тарзда сохта товушлар бу шахслар нутқини тавсифловчи воситага айланади. Шу ҳолатдан

А.Қаҳҳор «Адабиёт муаллими» ҳикоясида Боқижон Бақоев образини яратишда фойдаланган. Ўзини «нафис адабиёт муаллими» деб ҳисоблайдиган Бақоев кибрили одам. Қайинсинглиси Ҳамида билан бўлган суҳбатда 6 марта қўлланган сохта бурун товуши «ҳмм» унинг ана шу хусусиятини эслатиб туради: – *Техникумдан рабфакка ўтибсан деб эшитдим, ростми?– деди.– Ҳмм... яхши қилибсан. Рабфакка ўт, деб мен айтиб эдим шекилли? Ҳмм... Ауфф, зарда бўлибман... Ҳмм... соқол ҳам ўсинти, сартарош бўлмаса одамлар маймун бўлиб кетар эди. – Чеховми? Ҳмм... буржуазия реализми тўғрисида сўзлаганда энг аввал унинг объектига диққат қилиш керак. Турган гапки, Чеховнинг ижоди бошдан-оёқ, бутун моҳияти билан илк буржуазия реализми, яъни... Ҳмм... Мукаррам, товуққа мояк қўйдингми? – Ҳмм...– деди Бақоев,– Чехов тўғрисида ўзимнинг фикрим бор каби.*

Фонологик-экспрессив воситалардан фонологик-апеллятив, яъни таъсир ўтказувчи воситаларни фарқлаш зарур. Апеллятив воситалар суҳбатдошда маълум ҳиссиёт уйғотишга хизмат қилади. Кўпинча сўзловчининг ўзи бу ҳиссиётни бошдан кечирмаслиги мумкин, у фақатгина суҳбатдошига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. Сўзловчининг нияти ўз ҳиссиётларини ифодалаш эмас, балки суҳбатдошида муайян ҳиссиётларни уйғотиш бўлади.

Аммо Н.С.Трубецкой тил билимининг ҳозирги босқичида апеллятив фонология қандай методларга таяниб иш кўриши мумкинлигини айтиш қийин эканлигини ҳам таъкидлайди [30-31]. Унинг қуйидаги қарашлари ҳам муҳим: «Апеллятив фонологиянинг вазифаси эмоционал товуш ҳаракатларини тўплаш, тавсифлаш ва тартибга келтириш ёки аниқ бир ҳиссиётга мослаштириш эмас, балки юқорида тилга олинган товуш ҳаракатларини ҳисобга олиш орқали эмоционал бўёқдор нутқни эмоционал жиҳатдан нейтраль бўлган, хотиржам нутқдан фарқлашга хизмат қиладиган шартли белгиларни аниқлашдан иборат». «Апеллятив воситаларни экспрессив воситалардан фарқлаш осон иш эмас» дейиш баробарида тадқиқотчилар олдига нутқ услубларидаги экспрессив ва апеллятив хусусиятларни синчковлик билан фарқлаш вазифасини қўяди [32-33].

Экспрессив ва апеллятив воситаларни қатъий чегаралаш тарафдори бўлган Н.С.Трубецкойнинг мавзу доирасидаги хулосалари қуйидагилардан иборат:

«Афтидан, товушнинг экспрессив ва апеллятив воситалари тадқиқини алоҳида фан – *товушлар стилистикаси*га тақдим этиш

билан барча қийинчиликларни бартараф этиш осон кечади; бу фанни, бир томондан, экспрессив ва апеллятив, иккинчи томондан, фонетик ва фонологик стилистикага ажратиш мумкин бўлади.

Ҳар қандай тилни фонологик баён этишда фонологик стилистикани ҳам (экспрессив ва апеллятив аспектда) жалб этишга тўғри келади; бироқ бундай баён этишдан ҳақиқий мақсад ҳарқалай тилнинг «экспликатив плани»ни фонологик тадқиқ этиш бўлиши керак.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, фонологияни экспрессив, апеллятив ва экспликатив қисмларга бўлиш керак эмас. «Фонология» терминини тилнинг экспликатив планига тегишли бўлган товуш томонига татбиқ этиб, чегараланган қўлланишда сақлаш лозим. Товушнинг экспрессив ва апеллятив жиҳатларига хос бўлган томонларини тадқиқ этиш эса, ўз навбатида, «товуш стилистикаси»нинг бир қисмигина бўлган «фонологик стилистика»га қолади» [35].

Н.С.Трубецкой қарашларига таяниб айтиш мумкинки, тил ифодасининг экспрессив (ифода), апеллятив (муружаат) ва экспликатив (ахборот) аспекти нутқ товушларининг мулоқот жараёнидаги нафақат фонологик, балки фоностилистик жиҳатдан тадқиқ этишни ҳам тақозо этади. Шунинг учун у фонологиянинг икки йўналиши – экспрессив ва апеллятив бўлимларини яратиш ҳақидаги фикрда бўлган. Бунда у Лазициушнинг «фонология фонетикадан фарқли ўлароқ инсон нутқидаги товушларнинг вазифасини ўрганар экан, у ўз имкониятларини ахборот доирасида чегаралаб қололмайди. Аксинча, фонология товушларнинг экспрессив ва апеллятив хусусиятларини ҳам эътиборга олишга мажбур», деган қарашларига таянди.

Хўш, Н.С.Трубецкой назарда тутган фонологик-экспрессив ва фонологик-апеллятив воситалар қандай воситалар эди? Инсоннинг ижтимоий шахс сифатида муайян жамиятга тегишлилиги унинг нутқидаги экспрессивлик даражасини белгилайди. Бинобарин, сўзловчининг муайян тил жамоасига, инсон типлари ва гуруҳларига тегишли эканлигини характерловчи воситалар фонологик-экспрессив воситалар саналади. Фонологик-апеллятив воситалар эса суҳбатдошда маълум ҳиссиёт уйғотишга, таъсир кўрсатишга хизмат қиладиган воситалардир.

Н.С.Трубецкой илгари сурган товушнинг экспрессив ва апеллятив воситалари тадқиқини алоҳида фан – товушлар стилистикаси ўрганиши керак, деган ғоя фонология ва

стилистиканинг ўзаро муносабатини аниқлашда ғоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

3.3. Фонема оттенкалари ёки факультатив оттенкалар

Фонология ва фоностилистика муносабатлари ҳақидаги Н.С.Трубецкой қарашларини тўлдирадиган бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Товушларнинг лисоний-вазифавий хусусиятлари уларнинг нутқда қўлланиш жараёнида намоён бўлганлиги боис устози И.А.Бодуэн де Куртенэ қарашларини изчил давом эттирган ва товушнинг физик табиатига эмас, балки фонеманинг функционал моҳиятига, семантик даражадаги бирликларни фарқлай олишига алоҳида урғу берган Л.В.Шчерба фонеманинг маъно фарқлаш хусусияти қаторига *фонема оттенкалари* деган тушунчани ҳам олиб кирди ва «оттенкалар умумийликнинг (фонеманинг) воқеланишида намоён бўладиган хусусийликлардир», деган ғояни илгари сурди.

Л.В.Шчерба томонидан фонемаларнинг талаффуздаги реал кўринишлари сифатида баҳоланган фонема оттенкалари ҳақидаги қарашлар тилдаги аниқ мисоллар билан асосланган. Мас., *a* унлиси мисолида унинг тил олди (*санам*) ва тил орқа (*қалам*) кўринишлари унинг оттенкалари сифатида баҳоланган. Шу маънода бу ҳодисани *фонема оттенкалари* дан кўра Москва фонология мактаби номлаган *фонема вариацияси* ёки Прага функционал тилшунослиги мактаби номлаган *фонема варианты* атамаси бирмунча аниқроқ ифода этади. *Фонема оттенкалари* атамасини эса фонемаларнинг стилистик оттенкалари сифатида тушуниш мақсадга мувофиқ бўлади.

Л.В.Шчербанинг «...Реал талаффуз қилинадиган турли товушлар умумийликнинг (фонеманинг) нутқдаги хусусий кўринишларидир» [Таржима Ҳ.Жамолхоновники. 2009, -Б.21-22], деган фикрида фоностилистик кузатишларда қўл келадиган чуқур мазмун бор. Чунки сўз таркибидаги муайян товуш талаффузидаги хусусий ҳолат муайян стилистик маънонинг ҳосил бўлишига хизмат қилиши мумкин.

Фонема оттенкалари ҳақидаги қараш кейинчалик бошқа тадқиқотчилар томонидан кенгайтирилиб ва чуқурлаштирилиб борилди. Бу борада Е.Д.Поливанов илгари сурган қарашлар ғоятда муҳимдир. «Шуни назарда тутиш керакки, - деб таъкидлаган эди у. – товушлар ўртасидаги барча физиологик ва физик тафовутлар

(товуш хосил қилишда содир бўладиган ҳаракатлар ва товушларнинг акустик таркибидаги фарқлар) тилнинг алоқамуомала воситаси сифатидаги фаолиятида бир хил қийматга эга эмас... Маълум фонеманинг (психик тасаввурнинг) талаффуздаги турли кўринишлари бўлган товушлар шу фонемаларнинг оттенкалари дейилади» [Таржима Ҳ.Жамолхоновники. 2009, -Б.18]. Баён планида гарчи сўз ёки гап шаклидаги тил бирлиги ўзининг семантик ёки грамматик маъносини сақлаб қолса-да, нутқий вазият талаби билан уларнинг трансформациялашуви ёки талаффуз жараёнида оҳангнинг турли хил ҳолатларга тушиши билан ифода усуллари ёки оттенкалари ўзгаришга юз тутиши мумкин.

Илмий манбаларда фонеманинг мазмун плани йўқлиги ва унинг маъносиз бирлик эканлиги айтилади. Гарчи алоҳида олинган фонема маъносиз бирлик саналса-да, у сўз таркибида маъноларни фарқлашга хизмат қилади. Агар фонеманинг товуш ҳақидаги тасаввур эканлигини инобатга олсак, айнан товушлардаги товланишлар туфайли нутқда тил бирликлари маъноларидаги оттенкаларнинг юзага чиқишини ҳам тан олишимизга тўғри келади. Бу эътироф эса, ўз навбатида, товушлар талаффузидаги турли-туманлик нафақат фонемаларни, ундан йирик кўламдаги тил бирликларида вужудга келадиган оттенкаларни ҳам фарқлашимизга олиб келади. Бу оттенкалар нутқ жараёнида тил бирликларида пайдо бўлаётган стилистик оттенкалардир. Шунинг учун ҳам товушлар – фонлар ёрдамида вужудга келган стилистик оттенкаларни ўрганиш тилшуносликдаги алоҳида соҳани – фоностилистикани вужудга келтирган.

Масалага шу нуктаи назардан қаралганда фоностилистик кузатишлар бевосита фонологик кузатишларнинг давомидир. Агар тадқиқотчилар фанга олиб кирган *комбинатор оттенкалар* ва *факультатив оттенкалар* атамаларининг моҳиятига эътибор берилса, *комбинатор оттенкалар комбинатор ўзгаришлар, комбинатор омиллар* деб ҳам номланган ва нутқдаги *аккомодация, ассимиляция, диссимиляция, диэреза, эпентеза, протеза, метатеза, гаплогия* сингари фонетик ҳодисалар ана шу номланишлар остида ўрганилган ва бу ҳодисалар замирида нутқ товушларининг миқдор ва сифат ўзгаришларга юз тутиши тушунилган. Фонемаларнинг нутқ оқимида турли оттенкаларда намоён бўлишида бу ўзгаришлар ёки омилларнинг иштироки борлиги таъкидланган [Содиқов А., Абдуазизов А., Ирискулов М. 1981, -Б.48; Жамолхонов Ҳ. 2009, -Б.151].

Комбинатор оттенкалар гарчи ҳозирги адабий тил талаблари ва қоидалари нуқтаи назаридан талаффуз меъёрларининг бузилиши саналса-да, ўз сўзимизми ёки бошқа тиллардан ўзлаштирилганми, бундан қатъи назар, миллий артикуляция базамизга мос тарзда тилимизда мавжуд ва яшаб келмоқда. Бошқача айтганда, тил бирликларининг фонетик ҳодисалар мақомига етган қўлланишлари нутқимизда доимо учраб турибди ва тилда ҳам муайян товушнинг фонетик варианты сифатида қўлланиши давом этмоқда. Факультатив оттенкаларга келганда эса бу гапни айтиб бўлмайди. Улар матний характерга эга ва тилда барқарорлашган эмас. Агар барқарорлашса, у тилда факультатив характери йўқотади ва услубий бўёқдорликдан махрум бўлади.

Факультатив оттенкалар ёки юқоридаги мулоҳазаларга таянган ҳолда айтиш мумкин бўлса, факультатив ўзгаришлар ва факультатив омиллар дейилганда эса нутқда иштирок этадиган товушлар ва сегмент бўлақлар эмас, балки суперсегмент воситалар тушунилиши лозим. Бинобарин, фоностилистиканинг кузатиш объекти ҳам нутқдаги комбинатор оттенкалар эмас, балки факультатив оттенкалар, бошқача айтганда, суперсегмент воситалар бўлиши лозим.

Аmmo Ҳ.Жамолхоновнинг «*Факультатив оттенкалар (факультатив вариантлар)*» – фонемаларнинг бир хил фонетик позициядаги икки хил кўринишлари. Чунончи, *улфат* сўзидаги «ф» шу позициянинг ўзида «п» кўринишида ҳам қўлланилади: *улфат-улпат* каби. Бундай ҳодиса *фақат-пақат, қармоқ-қалмоқ, мусулмон-мусурмон* сўзлари талаффузида ҳам учраб туради. Булардаги *ф-п, р-л, л-р* алмашинувларида фонетик қуршовнинг таъсири йўқ, улардан айримлари тарихий омиллар, психологик кўникмалар таъсирида, айримлари эса жонли сўзлашув кўникмалари билан боғлиқ равишда юз беради» [Жамолхонов Ҳ. 2009, -Б.101], деган фикрлари билан танишгандан сўнг масаланинг айрим жиҳатларига аниқлик киритишга тўғри келади.

Аслида юқоридаги *улфат-улпат, фақат-пақат, қармоқ-қалмоқ, мусулмон-мусурмон* сингари ҳолатларда «сўз таркибидаги бир хил (ёки ўхшаш) товушлардан бирининг бошқа товушга кўчиши» [Жамолхонов Ҳ. 2009, -Б.152] эмасми? Қиёс учун: «Диссимиляциянинг икки тури мавжуд: а) контакт Д (мас.*трамвай-транвай*); б) дистант Д. (мас.*автобус-аптобус*)». [Ўзбекистон миллий энциклопедияси, беш жилдлик. 3-жилд. 2007, -Б.323] Шундай бўлгандан кейин бу фонетик ўзгаришлар диссимиляция

ходисаси сифатида қаралади ва бу ерда ҳам товушларнинг миқдор ўзгаришлари содир бўлади.

Асосан четдан қабул қилинган ёки морфонологик талаблардан келиб чиқиб оғзаки нутқда комбинатор ўзгаришларга учрайдиган баъзи ўз сўзларимиз имлоси ва талаффузининг бир-бирига мос келмаслиги бу birlikларнинг орфографик ва орфоэпик меъёрлашувида муайян қийинчиликларни вужудга келтиради, албатта. Бу birlikлар она тилимиз артикуляцион базасига мос равишда қандай талаффуз этилса, орфографиямизда шундайлигича меъёрлашади ва уларнинг ёзилиши имло қоидалари билан тартибга солинади. Бир сўз билан айтганда, талаффузда айрим фонетик ҳодисаларга учрайдиган birlikлар, бинобарин, фонологик оттенкалар тил ва нутқ ҳодисаси сифатида мавжуд.

Бир вақтлар Е.Д.Поливанов фарқлаган факультатив оттенкалар стилистик оттенкаларнинг фарқланишига асос бўлди. Шунинг учун ҳам, Ҳ.Жамолжонов «Факультатив оттенкалардан нутқда, айниқса, бадий асар матнида услубий мақсадларда фойдаланиш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Шу сабабли оттенкаларнинг бу тури баъзан *услубий оттенкалар* деб ҳам номланади», деб ёзган эди [Жамолхонов Ҳ. 2009, -Б.101]. Бошқа бир ўринда у фонемаларнинг факультатив вариантларидан, баъзан услубий мақсадларда фойдаланилади, шунга кўра улар *услубий (стилистик) вариантлар* деб ҳам юритилишини ҳам айтган [Жамолхонов Ҳ. 2009, -Б.37].

«Умумий тилшунослик» дарслигининг муаллифлари Н.С.Трубецкойнинг фонема ва унинг вариантлари ҳақидаги қарашларини таҳлил қилар экан, факультатив оттенкалар ҳақидаги қарашларни яна ҳам ойдинлаштиради. «Агар икки товуш бир ҳолатда («позиция»да) учраса ва сўзнинг маъносини ўзгартирмай, бир-бирининг ўрнини эгаллай олса, бундай товушлар бир фонеманинг факультатив вариантлари ҳисобланади. Масалан, ўзбек тилида бирор унли товушни, айтайлик, /и/ ни шу ўринда чўзиқ /и/ билан алмаштириб айтсак, сўзнинг маъноси ўзгармайди (*ин-и:п*). Бироқ чўзиқ /и:/ товуши стилистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади. Бундай товуш фонеманинг стилистик варианты деб аталади. Ўзбек адабий тилида унлиларнинг чўзиқ-қисқа талаффузи фонологик жиҳатдан аҳамиятсиз ҳисобланади. Чўзиқлик гапирувчининг ҳис-ҳаяжонини кўрсатувчи фонетик-стилистик белгидир» [Баскаков Н.А., Содиқов А.С., Абдуазизов А.А. 1979, - Б.37].

Бу айтилганларнинг барчаси фонологияда факультетив оттенкалар деб номланадиган нутқ ҳодисасини фоностилистик оттенкалар сифатида қарашимизга тўла асос бўлади.

Фонологияда нутқнинг фонетик бўлаклари ҳисобланадиган сегментлар – фраза, такт, бўғинлар билан биргаликда суперсегмент воситалар ҳам ўрганилади. Фанда иккинчи номи *просодемалар* бўлган урғу, тон, чўзиқлик, пауза, темп, тембр, оҳанг сингари воситаларни ўрганиш нафақат фонология, балки фоностилистика учун ҳам аҳамият касб этади.

Нутқ жараёнида фонемалар талаффузидаги товланишлар уларнинг оттенкалари саналар экан, бу оттенкалар сўз ёки гап шаклидаги тил бирликлари ифодалайдиган маъноларига ҳам муайян ўзгартишлар киритади ва бу ўзгаришларни стилистик ўзгаришлар сифатида қараш мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, фоностилистиканинг фонология ва стилистика фанлари кесишувида ҳосил бўлишининг сабаби ҳам ана шунда. Аммо фоностилистика мустақил тадқиқот объекти сифатида тилшунослик фани тарихида фонология соҳасидан бирмунча кейин пайдо бўлган.

IV боб

ФОНИКА ВА ФНОСТИЛИСТИКА

4.1. Фоника ва бадий-эстетик воситалар

Фонетик воситаларни стилистик аспектда ўрганиш доирасида *фоника* тушунчаси ҳам мавжуд. Фоностилистиканинг *фоника* йўналиши ҳар бир миллий тилнинг жарангдорлик хусусиятларини, фонетик воситаларнинг тасвирийлик имкониятларини, фикрнинг товуш ифодасида бадий жихатдан ўзини оқлаган ва стилистик жихатдан мақсадга мувофиқ бўлган кўринишларини ўрганади. Шунинг учун ҳам А.Ҳожиёв фоникага услубшуносликнинг бир бўлими деб қарайди ва «У нутқ товушларининг ва тилдаги бошқа фонетик воситаларнинг эстетик ва эмоционал вазифаларини ўрганади», дейди [Ҳожиёв А. 2002, -Б.123].

Унга стилистиканинг бир бўлими сифатида қараган олимлар фоника нутқнинг товуш томонини ўрганишини таъкидлайдилар ва унинг фонетикадан фарқли жихатларини кўрсатиб ўтадилар: «Фонетикадан фарқли ўлароқ, фоника тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида у ёки бу тилдаги товушларнинг ҳосил бўлиш йўллари ва акустик хусусиятларини ўрганади, фоника – нутқни товуш томондан ташкил этиш санъати ҳақидаги фандир», дейди И.Б.Голуб [library-institute.ru/.../golub-stili...-yazyka.doc].

Унинг фикрича, нутқни товуш томондан ташкил этиш деганда фонетик сатҳдаги тил воситаларини маълум стилистик мақсадларда танлаш ва қўллаш тушунилади. Бинобарин, фониканинг ўзи ҳам айнан ана шу маънони англатади ва шоир ёки ёзувчининг индивидуал услуби тизимидаги муҳим аъзолардан бири саналади. Шунингдек, фонетик сатҳдаги стилистик, яъни эстетик аҳамиятга эга бўлган товушлар ҳам фоника доирасида ўрганилади.

Фикрини изчил давом эттирган И.Б.Голуб фоника билан бир қаторда фонетик сатҳдаги тил воситаларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган тилшуносликнинг бошқа бўлимлари ҳам ривожланиб боришини таъкидлайди ва улардан бири сифатида фоностилистикани тилга олиб, уни «фонетик сатҳдаги тил бирликларининг потенциал функционал-стилистик имкониятлари намоён бўлишини мулоқотнинг мақсад ва вазифаларига, мазмун

характерига, тафаккур типларига ва у ёки бу ижтимоий доирада амалга ошириладиган турли вазиятлардаги имкониятларига боғлиқ ҳолда ўрганувчи» соҳа сифатида баҳолайди [library-institute.ru/.../golub-stili...-yazyka.doc]. Англашиладики, у *фоника* ва *фоностилистика* тушунчаларини бир-бирдан фарқлайди ва уларни тилшуносликнинг алоҳида соҳалари деб билади.

Фониканинг асосий вазифаси фонетик воситаларнинг эстетик вазифасини ўрганиш эканлиги боис, унинг марказида фонетик воситаларнинг стилистик аҳамияти алоҳида бўлган поэтик нутқнинг товуш томонини таҳлил этиш туради. Бадиий нутқда поэтик асар қурилиши сатҳларидан бири сифатида қаралади ҳамда публицистикадаги радио- ва телеэшиттиришларнинг товуш тасвирийлиги муаммоларига ҳам катта аҳамият берилади. Фоника бадиий асарда, айниқса, поэзияда алоҳида мазмун касб этади. Чунки, муаллиф сўзларни нафақат мазмунига, балки жарангдорлигига қараб ҳам танлайди.

Фониканинг объектини кенгроқ планда тушунишлар ҳам мавжуд. Нутқ товушлари маънога эга бўлмаса-да, маълум маънода табиатдаги товушлар ҳақида тасаввур пайдо қилиши, табиат ҳодисалари шовқинларига, кўнғироқларнинг жаранглашига, ҳайвонларнинг, қушларнинг қичқирикларига, тўлқинларнинг чайқалишига, шалолаларнинг шовқинига, дарахт шохларининг урилишларига ва синишларига, инсон қадамлари товушига, шамолларнинг эсишига тақлидни ифодалаш мумкин. Товушлардаги ана шу турли хил тасаввурлар ҳосил қилишдаги рамзийлик хусусияти ҳам фоника дейилади [www.superinf.ru].

Шундай қилиб, товушнинг экспрессив хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган фоника фоностилистиканинг таркибида қаралиши билан биргаликда ўзининг аниқ тадқиқот объектига ҳам эга. Бу – экспрессив-фонетик воситаларнинг бадиий-эстетик вазифани бажаришини ўрганишдир. Бадиий услубнинг шаклланишига хизмат қилувчи бундай воситалар ўзбек тилида турли-тумандир. Аниқ мисоллар асосида уларнинг айримларини кўриб ўтамиз.

4.2. Такрор

Бадиий матн поэтикасида товушларнинг стилистик имкониятларини юзага чиқарувчи муҳим тасвирий воситалардан бири *такрор* ҳисобланади. Луғатларда *такрор* атамаси ўзининг аниқ изоҳига эга. Масалан, унга қуйидагича таъриф берилган:

«Такрор – стилистик кўринишлардан бири бўлиб, бир сўзни ёки бир неча сўзни, баъзан эса маълум сатрни атайин қайтариш. Шу тариқа такрор маълум фикр ва ҳисни яққол ифодалаш билан бирга, таъсирни кучайтириш ва турли интонацияни бўрттириб кўрсатишга хизмат қилади». «Бадий нутққа хос интонацион-синтактик ифода усулларидан бири: айрим товушларни, бир ёки бир неча сўзни ёки сўз бирикмаларини, баъзан эса маълум сатрни атайин такрорлаш орқали фикр ёки ҳис-туйғуни ифодалашга, унинг таъсир кучини оширишга ва турли интонацияларни бўрттириб кўрсатишга имкон берадиган стилистик усул» каби [Ҳомидий Ҳ. ва бошқ. 1970, -Б.216; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. 1979, -Б.235].

Ўзининг стилистик имкониятларини чинакам маънода бадий услубда юзага чиқаргани боис, адабий асарлар матнида такрорнинг ўттизга яқин, масалан, *аллитерация, анафора, акромонаграмма (эпаналипсис, эпанафора, анадиплозис), антистрофа, антанакласа, антономазия, антиметабола, ассонанс, боғлам, диссонанс/консонанс, метабола, нақорат, монорим, плеоназм, рифма, тавтология, шарҳ, эпифора, эпистрофа, эпанод, эпанастрофа, қуршаб олиши, қайталаниши, ҳалқа* каби турлари мавжуд.

Мумтоз адабиётда тил бирликларининг, хусусан сўз, баъзан сўз бирикмаларининг шеър мисраси ёки байтининг қайси ўринларида қайтарилиб келишига кўра такрорнинг *илтизом, раддул-қофия, тадбил, таржиъбанд, таржиъот, тарсиъ, тасбиъ (ташобеҳул-атроф), тасдир, уюштириши (тансиқ ус-сифат, ҳусн ун-насақ, риёқат ул-аъдод, таътид), эънот, қайтариқ, қоришиқ, ҳожиб* сингари кўплаб кўринишлари мавжуд бўлган. Гаплар такрори *раддул-матла*, товуш такрори *тавзиъ* санъати дейилган [Рустамов А. 1979, -Б.34-56; Исҳоқов Ё. 1983, -Б.132-160].

Номлари тилга олинган такрор кўринишларининг ҳаммаси ҳам замонавий шеърятда маҳсулдор ҳисобланмайди. Айни ҳолатда эса бизни унинг товушлар такрори билан боғлиқ жиҳатлар қизиқтиради. Бадий матнларда товушлар такрорининг аллитерация, ассонанс, диссонанс/консонанс сингари кўринишлари мавжуд. Булардан энг характерлиси аллитерациядир.

Аллитерация нутқда оҳангдорликни таъминлаш мақсадидан келиб чиқиб, бир товушни такрор қўллаш санъати сифатида баҳоланади [Ҳомидий ва бошқ. 1970, -Б.23-24]. Аммо бу такрорланаётган товушларнинг ўрни масаласида қарашлар бир хил эмас. Масалан, А.Ҳожиёв уни «Мисралар, ундаги сўзлар бошида

бир хил ундош товушларнинг такрор қўлланиши», деб изоҳлайди [Ҳожиев А. 2002, -Б.12]. О.С.Ахманова унга қуйидагича таъриф беради: «Бир хил ёки ўхшаш товушлар ёки товуш бирикмаларининг такрорланиши: а) бўғин бошида, одатда, тақлидий сўзларда; б) турғун бирикмалар ҳосил қилувчи сўзлар бошида; в) қадимги герман шеъриятида сатрдаги урғули бўғинни ажратиш мақсадида» [Ахманова О.С. 1966, -С.40].

О.С.Ахманованинг изоҳи ва унга келтирилган мисоллардан шуни англаш мумкинки, аллитерация товушнинг фақат сўз бошидаги такрори эмас. Агар *хохоломоқ* сингари тақлидий сўзлар таркибидаги *х,о* товушларининг такрорланишини инобатга оладиган бўлсак, сўзларнинг бошқа ўринларида ҳам қайтариладиган товушлар уйғунлигига аллитерация сифатида қараш мумкин. Масалан,

-сўз бошида:

*Хайрлашди ўзида йўқ шод,
Сув бўйида келиб ўлтирди.
Кўкка кўкрак кўтариб қушод
Ой қўйнида ўзини кўрди
(Ҳ.Олимжон. Бутун олам бир...).*

-сўз ўртасида:

*Ҳоли боғда кучли бода хуш сабода бир кеча...
Тўлгон ойнаинг нурлари ўпса сочингдан тонггача
(Чўлпон. Рақамлик севги).*

-сўз охирида:

*Эй Фарғона!
Мушкул кунлар боласини тишида тишлаб,
Ювиб, тараб, севиб, ўпиб, қучиб, опичлаб,
Эй бахтларни балозатга етказган она
(Ҳ. Олимжон. Бахтлар водийси).*

Бу каби товушларнинг сўз охирида такрорланиши *диссонанс/консонанс* дейилади.

Шеъриятда учрайдиган *ассонанс* эса фақатгина унли товушлар такрори билан чегараланади. Шунинг учун ҳам И.В.Арнольд *ассонанс*ни *вокал аллитерация* деб номлаган. А.Ҳожиев *ассонанс* нинг *оҳангдошлик* маъносини беришини ва айнан ёки яқин унлиларнинг такрорланиши натижасида юзага келишини айтади: *қўм-қўк, қўм-қўк, қўм-қўк... Кўклам қўёшидан қўқарган қирлар...* каби [Ҳожиев А. 2002, -Б.19]. Аммо бу ерда фақат унли товушлар эмас, балки *қ* ундоши ҳам, *қўм-қўк* сўзи ҳам

такрорланмоқда. Бинобарин, ассонансни ва юқорида тилга олинган диссонансни такрорнинг бошқа воситлари комплексида, жумладан, аллитерация таркибида қараш мумкин бўлади. Масалан, Ҳ.Олимжон шеъридаги *Ювиб, тараб, севиб, ўпиб, қучиб, опичлаб* сўзлари диссонанс/консонанс га мисол бўлса,

*Сочилган сочингдай сочилса сиринг,
Анор юзларингни кимга тутасан
(Чўлпон. Бир тутам сочларинг...).*

Ёки:

*Куёв поччангиз,
Келди қочингиз,
Сочқи сочингиз
Йўлни очингиз (Ғ. Ғулом. Сурнай)*

парчаларидаги *о,и* унлилари такрори ассонансдир.

Мисоллардан кўринадики, уни поэтикада нутқни ташкил этиш усулларида бири, стилистик фигура ва фониканинг асосий элементи сифатида қарашга тўла асослар бор.

А.Рустамов ёзган қуйидаги парчада ҳам аллитерация бор: *Азиз сўзсевар, сўзшуносу сўзчиларнинг сўзига қараганда, сўз хусусида сўз кўп. Сўз сирию санъати сўзчи сеҳрию салтанатин яхши билган улуг Навоий: Сўз гуҳарига эрур онча шараф Ким, бўла олмас анга гавҳар садаф деган* [Рустамов А. 1987, -С.154].

Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида Меҳинбону саройидаги қизлар таърифида берилган қуйидаги парчани олайлик:

*Бу мажлис ичра ҳозир ўн дилором,
Бори ҳар сарв қомат, ҳам гуландом:
...Дилорому Дилорою Дилосо,
Гуландому Суманбўю Сумансо.
Паричехру, Паризоду Париваш,
Парипайкар – зиҳи ўн исми дилкаш.*

Товушларнинг фақатгина сўз бошида такрорланишини инобатга оладиган бўлсак, *д,с,п* товушлари аллитерациядир. Аммо бу товушлар билан бошланган *Дилором, Дилоро, Дилосо, Суманбўй, Сумансо, Паричехра, Паризод, Париваш, Парипайкар* исмлар талаффузида уйғунликни юзага келтиришда қатнашаётган *и,у,ў,а* унлилари, *д,м,р* ундошлари ҳам бор. Демак, оҳангдорликни матндаги фақатгина юқоридаги *д,с,п* товушлари зиммасига юклаб қўйиш тўғри эмас. Оҳангдорлик ва изчиллик товушларнинг яхлит уйғунлигида юзага келаяпти. Биз буни *д+и+л, г+у, с+у* ёки *с+у+м,*

n+a+p+u товушлари бирикувида аниқ ҳис қиламиз. Шунинг учун аллитерацияга таъриф берилганда уни фақат бир товуш доирасида эмас, баъзан товушлар бирикмаси доирасида ҳам қараш тўғри бўлади, деган фикрдамиз. Эътибор қилинса, ана шу уйғунлик мисралардаги бошқа товушларда ҳам давом этади. Масалан, олдинги мисрадаги *пари* сўзи, хусусан ундаги *и* унлиси уйғунлиги ва оҳангдорлиги ***Паринайкар*** – *зиҳи ўн исми дилкаш* мисрасининг *зиҳи, исми, дилкаш* сўзларидаги *и* да ҳам давом этган.

Аллитерацияда такрорланаётган товушлар унли ёки ундош бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб, уни олимлар баъзан *вокал аллитерация* ва *консонант аллитерация* деб иккига ажратадилар [Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. 1979, -Б.26].

Аллитерациядан фойдаланиш мақоллар услубига мос келади. Масалан, ***Аҳмоқ аҳмоқ эмас, аҳмоқни аҳмоқ қилган – аҳмоқ. Боғи борнинг баҳти бор. Боғи борнинг боли бор. Боғни боқсанг – боғ бўлур, боқимсиз боғ тоғ бўлур, юрак бағринг доғ бўлур. Бўлар бола бошидан*** каби халқ мақолларида *а,б* товушлари нафақат шаклий уйғунлик ва оҳангдаги кетма-кетлик, айти пайтда, ушбу товушлар билан бошланувчи айрим сўзлар ўртасида боғланишнинг юзага келишига ҳам хизмат қилган. Бу эса аллитерациянинг матнга қўшимча мусиқий-мелодик қувват берадиган, асосий ифодага мусиқий жўрлик вазифасини бажарадиган, муаллиф руҳиятини матнга сингдирадиган, тингловчига эмоционал таъсир ўтказадиган қўшимча восита, муҳим стилистик усул эканлигидан далолат беради.

Товушлар такрорининг бу сеҳрли кудратини Н.Маҳмудов «Алпомиш»дан олинган куйидаги *Ҳар ерда душманнинг қўли бойлансин, Фанимнинг ичига ғамлар жойлансин* банди таҳлилида ёрқин изоҳлаб берган: «Аввало, «ғ» товушининг такрори ўзига хос оҳангдорликни юзага келтирган. Ундан ташқари шу тўрттагина оддий сўз шунчаки маҳорат билан алоқалантирилганки, душманга бўлган нафратнинг заранг ва залварли расми намоён бўлган [Маҳмудов Н. 2012, -Б.90].

Аллитерация туфайли поэтик матнларда эмоционал ва мусиқий таъсири кучайтирилиши баъзан прозаик матнларда ҳам кузатилади.

Шу маънода прозаик аллитерациянинг олий даражадаги намунасини Темурбек (Т.Тўрабоев) ёзган «Теорема» романи матнида кўриш мумкин. Шунинг учун олий даражадаги намунаси деяпмизки, ўзбек бадий ижодида воқеа бўлган ва 200 саҳифага

яқин ушбу асарда фақат *m* товуши билан бошланувчи сўзлар қўлланган, яъни роман сюжети ана шу сўзлар асосига қурилган [Темурбек. 2012.]. Таҳлилимиздаги изчилликни йўқотмаслик мақсадида роман тили ва услуби юзасидан олиб борган кузатишларимиз матнини тўлиқ келтирамиз.

Бадиий ижод тарихида сўзнинг буюк қудратини намойиш эта олган, ундан фойдаланишни юксак санъат даражасига кўтарган ва унинг сеҳру жилоларини кўз-кўз қилишда маҳорат кўрсата олган ўзбек ижодкорларининг кўпларини биламиз. «Теорема» романининг муаллифи Темурбек Тўрабоев ҳам ана шундай ижод соҳибларидан бири сифатида кўз олдимизда намоён бўлади. Аммо у бадиий асар яратиш жараёнида она тилимининг қудратини намойиш этишининг мутлақо янгича йўлини танлаган.

Т.Тўрабоев она тилимининг бадиий-эстетик салоҳиятини яна бир бор тасдиқлаш ниятида машаққатли юмушга қўл урган. Биргина товуш билан бошланувчи сўзларнинг ўзи ҳам йирик қўламдаги воқеа-ҳодисаларни бадиий ифода этишга қодир, деган ғояни илгари сурган ва бутун бошли романни *m* товуши билан бошланувчи сўзлар ёрдамида ёзган.

Тўғриси айтиб қўя қолайлик, бундай мураккаб ишга қўл уришнинг ўзи бир ижодий жасорат. Саноклигина сўзлар билан қуролланиб, бадиият майдонига кириш осон эмас. Бунга ҳамма ижодкорнинг ҳам юраги дов беравермайди. Бунинг учун чидам керак, матонат керак. Энг муҳими – она тилимининг сиру синоатларини, қонун-қоидаларини, ҳар бир сўз қаъридаги маъноларини теран англаши ва ҳис эта билиши зарур. Асарни ўқиб чиқиб, бемалол айта оламизки, муаллиф бу юмушнинг уддасидан чиқа олган.

Романда бизнинг ҳисобимизча, 1571 та сўз 6166 сўзшаклда 15146 марта қўлланилган. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» беш жилдлигида *m* товуши билан бошланувчи 2684 та сўзга дуч келдик. Бу ерда гап сўзлар нисбатининг тенг келган-келмаганлигида эмас. Муаллиф она тилимидаги *m* билан бошланувчи луғатдаги барча сўзлардан фойдаланмагани аниқ. Аслида, бу муаллифнинг вазифасига кирмайди ҳам.

Унда гап нимада? Гап муаллифнинг мавжуд сўзлардан қандай фойдаланганлигида, уларнинг бадиий-эстетик имкониятларини қай даражада юзага чиқара олганлигида. Айни пайтда, «Изоҳли луғат»да учрамаган сўзларни қадимги тилимиздан, шеваларимиздан олиб, уларни бадиият майдонига дадил олиб

кирганлигида ва уларга ҳам маълум маънода бадий-эстетик вазифа юклай олганлигида.

Роман тилининг таҳсинга лойиқ жиҳати шундаки, одатда бир яхшилик иккинчи бир яхшиликни келтириб чиқаргани сингари сўз маънолари атрофидаги изланишлар улардаги кўплаб ижобий имкониятларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Сўз маънолари билан боғлиқ ҳолда бир қатор ясовчи ва ўзгартувчи грамматик кўрсаткичларнинг янги сўз ҳосил қилувчилик имкониятлари ишга тушган. Шу билан бирга, фақат шу роман матнигагина хос бўлган услубда шаклланган грамматик қурилмалар вужудга келган.

Буларнинг барчаси аслида Т.Тўрабоев бадий тафаккурининг, ифода жараёнидаги изланишларининг самарасидир. Фақатгина бир товуш билан бошланадиган сўзлардан фойдаланишни ўзига ихтиёр этган муаллиф қатъий бир тартиб асосида тафаккур этишга мажбур эди. Бу, ўз навбатида, асарнинг бадий тафаккур доирасидаги алоҳида услубнинг шаклланишига олиб келди.

Шу боис, муаллифнинг поэтик маҳорати, роман тилига хос услуб нималарда кўринади, деган саволга жавоб топиш қийин бўлмайди. Назаримизда улар қуйидагилар:

Биринчидан. Гарчи сюжет тасвири бир товуш билан бошланувчи сўзларни қўллаш доирасида қатъий чегараланган бўлса-да, ижодкорнинг бу тил birlikларидан ҳам муайян оҳангдорлик топа олганлигида. Масалан, аслида *т* товуши ўзбек тилида майин, оҳангдор, мусиқий саналмайди. У тил олдида, талаффуз этиладиган, жарангсиз портловчи товуш бўлиб [М.Миртожиев. 2013, -Б.104], бадий-эстетик манфаат нуқтаи назаридан ёндашганда поэтик элемент эмас. Аммо муаллиф бу товуш иштирокидаги аллитерацион ҳолатларни топа олган: *Тепалаётган тўпни туюлмаслигини тушунган тўптутар тўпни туютишга туютинмади* [Темурбек. 2012, -Б.116. Бундан кейин китобдан олинган мисолларнинг саҳифалари кўрсатилиб борилади.]; *тили-тилига тинмай тушунтирарди, тили тили-ла тиллашарди* [164]; *тугунни тушураверди... Тутамлари тугунни туютолмади. Тўхтабунинг тутамидан тушган тугун тумалади. Тўхтабу тугунни туютишга туютинмади* [193] каби.

Иккинчидан. Т.Тўрабоевнинг сўзга бўлган ҳурмати ва масъулияти унинг бадий асар ёзиш учун танлаган йўлидан маълум бўлиб турса-да, бу муносабатнинг айрим сўзларни қўллашида яна ҳам аниқ сезилиб туришини таъкидлаш жоиз.

Биз бадий асарни қўлимизга олсак, уни ўқиш жараёнида сюжет ортидан, саргузаштлар ортидан эргашиб кетиб қолишга одатланганмиз. Бадииятни кўпинча жарангдор, баландпарвоз сўзлардан ахтарганмиз. Бизга фақат эҳтиросли сўзларгина хуш ёққан. Биз *Турсуной ерга қаради, Турсуной таъзим қилди* каби жумлаларни осонгина хазм қилишга ўрганганмиз. Лекин «Теорема»ни ўқиганимизда *Турсуной тупроққа тикилди, «Тановар»га турди, Тилла тогага таъзимлади, Турсунбойга тухфалади, «Тановар»га таъзимлади, табаррук тупроқни тавофлади, таваллолади, табораклади, табаррук тутди, тийран туйди, табаррук тупроққа топинди, тўйхонани тавофлади, тийракланди, тўлқинланди, «Тановар»нинг таъсирида товланди, тебранди, томошабинларни тебротди, тўлиб-тошди. «Тановар» Турсуной талқинида тусланди, турланди, толаланди, тогланди, такомил топиб, тиллоланди. Турсуной «Тановар»ни таманнолади, тасаннолади, тумордай тақди. Турсуной «Тановар»га ташлаганда табиат табассумланди, тўйхона тароватланди, томошабинлар таажжубланди, Тепакал таассуфланди, Тилла тога табаррукланди, Турдибеклар ташаккурланди, Турсунбой табибланди, «Тановар» такрор таваллудланди сингари жумлалар китобхонни ўйлашга, ҳар бири ўзининг мағзини чақишга, тағмаъносидан лаззатланишга даъват қилади.*

Биз она тилимизнинг бой тил эканлигини билар эдик. Аммо бу бойлик нимадан иборатлиги ҳақидаги тасаввуримиз ўзимизга яраша эди. Лекин юқоридаги жумлалар таркибида келган *тавофлади, таваллолади, табораклади, табарруклади* сингари элементлар она тилимиз сўзларининг имконияти миллий-бадий тафаккуримиз қадар кенг эканлигини исботлади.

Мана шу услубда сўзларга ёндашган муаллиф чет сўз ёки ибора тазйикидан деярли истеъмолдан чиқиб бораётган сўзларга қайта жон бағишлайди: *сажда қилмоқ* маъносини берадиган *топинмоқ* ни ғоят ўрнига қўйиб ишлатади: *Турсуной табаррук тупроққа топиниб туриб тепага тикилди* [16]. *Тангри таолонинг тоглари-ю, тошларига-да топиндилар. Топиниб-топиниб, тиланиб-тиланиб Турсунбойни топдилар* [87] каби. Айрим қадимги сўзлар шу асар матнида, шу муаллиф қаламида ўзининг туркий шуҳратини қайта тиклагандай туюлди, назаримизда.

Роман тилининг ютуқлари кўп, албатта. Улардан бири сўз семантик кўламининг кенгайтирилишида. Уларга янги-янги маънолар юкланишида ва шу йўл билан маънодошлик оиласидаги

сўзлар сонини кўпайтириш ва салмоғини оширишда: *тупроқ-ер, тикламоқ-турмоқ: Турсуной «Тановар»га таъзимлаб, табаррук тупроқни тавофлаётганди, таваллолаётганди* [16], *Турсуной тупроқдан, тепадан ташқари тўйхонани-да тавофлаб, тикланди* [16].

Аммо сўзларни бу каби яқинлаштиришлар ҳамма вақт ҳам бир хилда кечавермайди – баъзан осонгина, баъзан эса қийинчилик билан. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам тилдан фойдаланиш тамойилидаги муҳим бир қоида сақлаб қолинади – сўзлар маъносидаги ўзаро туташтирувчи нуқта топилади.

Дарвоқе, сўз тақчиллиги. У балки муаллиф хиссиётлари ифодасини маълум даражада тизгинлаб қўйгандир. Аммо унда сўз қўллаш санъатининг алоҳида маҳорат усулини пайдо қилгани аниқ. Муайян бир товуш билан бошланадиган сўзларнинг деярли барчасини ишга солгани, уларнинг маълум бир гуруҳи юкини кўпайтиргани, айти пайтда, улардаги бадийлик, образлилик имкониятларини юзага чиқара олгани аниқ. Агар шундай бўлмаганда команда – *термача* [115], команда капитани – *тўпбоши* [115], футболчи – *тўпурар* [115], футбол ишқибози – *тўпсевар* [116], стадион – *тўпгоҳ* [116] деб номланмас эди. Хўш, бу беозор қўлланишлар ва тавсияларнинг нимаси ёмон?

Оғзаки нутқда субъектив муносабатни ифодалашга хизмат қиладиган *акаси* деган стилистик сўз бор: *Яшанг, акаси, борингизга шукур!* каби. Муаллиф бу сўзнинг *т* товушлилилар орасидан муқобилини топа олади, мурожаатда айнан шу стилистик оттенкани берадиган *тога* бирлигини *Тузлизига тупурма! Туз – тилла, тогаси!* [14]. *Тўй-тўйлаш – текин томошамас, туз тотии!* *Тўй – тилла, тогаси?! Тер тўкдинг, топасан. Тер – тилла, тогаси* [27] тарзида ишлатади.

Роман матнида образли ифодалар, жонлантиришлар ҳам анчагина: ...*Тиллақиз – Тилла тоганинг тақдир тужжорларига тўнатган тилласи...* [32], *Тунга тумор Турсуной* [43]. ...*Тун тумор тақибди...* [96]. *Тун тумори тобора тиллолашарди* [98]. *Тиллар тилсиз. Таналар танасиз* [100]. *Табассум табассум-ла танишди. Табассум табассум-ла топишди* [101]. *Тун тўлгонди...* [200] сингари.

Муаллиф ўрни билан сўзларга янги маъно юклайди. Аммо бу маъно йўқ жойдан пайдо бўлган эмас. Уларнинг асл тупроғига, томирига туташ, бир-бирига яқин ва ўхшаш маънолар. Шу йўл билан сўзда қудрат пайдо бўлади. Унинг теран илдизларидаги

миллийлик юзага чиқади. Биргина мисол: *тола* сўзи зиммасига *пахта* нинг маъносини юкланган. 125 марта қўлланган ушбу сўз бир қатор янги шаклларнинг ясалишига асос бўлган: *тола, тола-тола, толазор, толакор, Толатрест, Текстельтола, толаламоқ: Тўрақўрғонлик тугилаётгандаёқ тола-толалаб тугилади, тилтанглайи толалаб тўнади* [58]. Табиийки, *толалаб* тушган *толакорнинг танигани – толазор* [59]. Таъминоти: *тола, темир, тилладан* [3]. Тўрақўрғонликнинг тамгаси – *толакор* [58]. Тагинда *толаланди, тагин-да тоғланди* [18]. *Толазорларда толалар тамоман тугагач, Толатрестда тўпланган толаларни Тоштрансинг тола ташувчи техникаларида Текстильтолага ташишади* [60] каби.

Яна бир мисол. Муаллиф *тўра* сўзининг маъносини янада кенгайтиради, унинг луғатларда акс этмаган маъно оттенкаларини кашф этади. Масалан, уни *мазрур* маъносида қўллайди: *Тўразода тўлқинларнинг тепасида турадимми, тагига тушадимми, тўлқинлардан тойинмай, тўлқинлар-ла теппа-тенг тепишаверди, тўлқинларнинг тепкисига тўшини тўраларча тутаверди...*[120]. Раҳбар, бошлиқ маъноларида ишлатади: *Тўрақўрғонлик темирчи, тоштарошларнинг тўраси – Турсунбой*. Унга *йигит* маъносини юклайди: *Турсунбой-да тўрт томонда турган тўраларни тийшаб-тийшаб текширди*. Сўз матнда эга ўрнида қўлланади: *Тикилиб туриб товушининг тўрасини таниди. Турсунбойга товушининг тўраси танишдай туюлди*. Унга бемалол ака сўзининг синоними сифатида қараш мумкин бўлади: – *Тилингдан тўранг*. Ижодкор изланишлари боис, сўз фразеологик бирикмалар таркибига ҳам кириб бориб, *аҳдида турмоқ, гапида турмоқ* жумлаларига тенг келадиган *тўралигида турмоқ* иборасини ясайди: *Тортса... Тўра тўралигида турса, тортади. Турсунбой тўралигида турди*. Футбол майдончасида тўп ўйнаётган болаларга нисбатан *йигит* маъносида келадиган *тўра* элементини қўллаб бўлмайди. Аммо муаллиф бунинг ҳам уддасидан чиқади, сўзга *кичиклик* маъносини англадиган *зода* элементини тиркайди: *Тўрақўрғонликлар тўразодагарига тўп тепишни тақиқлашарди. Турсунбой тўразодалигидаёқ тийрак, тиниб-тинчимайдиган, тез тушунадиган-у теран тушунтиролайдиган табиатли, таъмизи тотимлигиди*.

Муаллиф шеваларда мавжуд бўлган элементларни ҳам роман матнига дадил олиб кирган: *тархаиш – ўжар, қайсар: Туйқусдан Тош тантиқнинг тархаишлиги тутди* [25]; *тийн – лой: Тўрақўрғоннинг*

тийн тошйўли [34]; *тирама* – куз: **Тирама**. *Тола терими*. *Тўрақўрғонда тугилган-ки, тўла-тўкис толазорда тола теримида* [59] каби.

Форс тилидан қабул қилинган *тийра* мумтоз адабиёт намуналарида асосан метафорик ҳолатда фаол эканлигини кузатганмиз: *Тийра ўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна*. Муаллиф бу сўзга насрда ҳам жон бағишлайди – сўз туннинг эпитети сифатида матнда фаол иштирок этади: **тийра** тун, **тим-тийра** тун [27,28]. У метафоризациялашади ва одамга нисбатан қўлланилади: **тийра** таншишкан [99], **тийра** тўхтамади [99]. Янги сўз ясалади: *Тепакал тамтамларнинг тийрасини тийралаб* – *Тошлоқнинг тошйўлига тушиди* [36]. *Қорама-қора бормоқ, изидан бормоқ* моделида **тийрама-тийра** таъқибламоқ ибораси юзага келади. Луғатларимизда бор бўлган *фарзанд* маъносидаги *тойчоқ* [85], *тирноқ* [87] сўзлари ҳам ўрнида қўлланган.

Учинчидан. Она тилимиз ибораларга, сўз ўйинларига бой тил. Уларни нутқда қўллаш, ортидаги маъноларнинг мағзини чақиш ўқувчи ёки тингловчига бир жаҳон завқ бағишлайди. «Теорема» матни учун ҳам улар зарур эди. Афсуски, романда тилимиздаги турғун кўчма ибораларни сўзма-сўз қўллашнинг имкони бўлмаган. Ҳамма сўзларнинг бир товушдан бошланиш шарти бунга йўл қўймаган. Аммо муаллиф бунинг ҳам йўлини ахтарган, уларнинг *т* ли сўзлар бирикувидаги муқобилларини топган.

Масалан, тилимизда фақат бошқаларнинг айтгани билан иш қиладиган ёки бирон бир зўрнинг измида бўлган, мустақил қараши йўқ одамларга нисбатан *фалончининг ногорасига ўйнамоқ*, *фалончининг чилдирмасига ўйнамоқ* тарзидаги иборалар қўлланилади. Муаллиф айнан шу ибора моделида янги ибора ясайди ва уни қойилмақом қилиб ишлатади: *Тепакал Тош тантиққа тиржсайди-ю Турсунбойга тугинди. Танҳо тутса тепалайди, тавбасига таянтиради. Танҳо тутса «Тепакалнинг тановари»га туширади* [27]. *Тепакалнинг тановарига туширмоқ* ибораси *Фалончининг ногорасига ўйнамоқ* қа шаклан мос келса-да, маъноси, бадий-эстетик ифодаси фавқулодда қудратли. *Тановар* сўзи боис, иборанинг таъсир қуввати халқ орасидаги иборадан кучлироқ. Тўрақўрғонлик Турсунбой тошбулоқлик Турсунойга Турдибекнинг тўйида «Тановар»га бирга тушганда кўнгил қўйган. Бу эса қизнинг қишлоғидан бўлган Таваккалга ёқмайди, ориятини кўзгайди. Ифодадаги уйғунликни кўринг: Турсунбойнинг Турсуной билан «Тановар»га бирга ўйинга тушиши – Таваккалнинг

Турсунбойни «Тановар»га ўйнатмоқчи эканлиги. Таваккал Турсунбойга шунчаки ўзининг айтганини қилдириш билан чегараланмоқчи эмас, айти пайтда, тошбулоқлик йигитларнинг ва ўзининг ҳам ким эканлигини бошқа қишлоқлик йигитга сездириб, кўрсатиб қўймоқчи.

Бадиий тафаккурнинг бу ўзига хос усули тилимиздаги мавжуд қолиплар ёки маънодош иборалар асосида янги ибораларнинг юзага келишига сабаб бўлган: **Тепакалнинг туяси тугди** [43] – *Тепакалга худо берди* каби. Тилимиздаги *ҳафсаласи тир бўлмоқ, тарвузи қўлтигидан тушмоқ* иборалари ҳам роман матнида жуда топқирлик билан, вазиятга мос вариантга алмаштирилган: *Тийрани тутиб, тепалаб Тошсойга ташлашига тайёр турган тўданинг тарвузи Тошсойга тушди* [199]. *Тўнани тескари киймоқ* иборасига мос келадиган **Таваккалнинг тўни тескари турди** [151] бирикмаси ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Ёзувчи ром қилмоқ, мафтун қилмоқ, асир этмоқ, ибораларига мос келадиган *тушовига туширмоқ* иборасини ижод қилади: *Турсунбой «Тановар»-ла тўйхона тугул, тўйхонанинг ташқарисида турган томошабинларни-да тўла-тўкис тушовига туширолди* [8]. *Тавқи таёқ* жумласи ҳам ғоятда топқирлик билан қўлланган. *Тавқи лаънат* га ўрганган қулоғимизга *тавқи таёқ* бироз эриш туюлади. Аммо *тавқи лаънат* нинг изоҳи тарихий *жазо тариқасида гуноҳкорнинг бўйнига кийгизиб, қулфлаб қўйиладиган кунда* [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдли. Учинчи жилд. 2007, -Б.633] эканлигини инобатга олсак, *таёқ* ҳам ўрнида ишлатилганига амин бўламиз: *Тизсиз турганга тиз тортасанми, тизсиз тўрага тиз тиқиб тинчитсанг, тоабад тавқи таёқ тақилмайдимми?* [150].

Аслида бундай турғун иборалар романда талайгина, салмоғи ҳам анчагина оғир. Тилимиздаги мавжуд ибораларни **т** лашган муқобилларига алмаштириш зарурати кутилмаган ижобий самара беради – ибораларнинг ўхшаши йўқ вариантлилигини юзага келтиради, уларнинг образлилик қуввати ҳам сийқаси чиққан иборадан кучлироқ бўлади. Мас., *чала тугилмоқ – тизсиз тугилмоқ: Тугилганда тизсиз тугилгану тизалармиди?* [27]. Мисолдаги *тизсиз* сўзининг тағмаъноси *чала* никидан кучли. Агар *чала* да бир ҳолатда фақатгина жисмоний нуқсон назарда тутилса, *тизсиз* да феъллу атвордаги нуқсонга ишора бор. Бинобарин, бу икки сўзнинг таъсир нисбати бир хилда эмас. Шунингдек, халқимиз кенжа фарзандга нисбатан *супрақоқди* иборасини қўллайди.

Муаллиф бу иборанинг ҳам муқобилини топа олган, *тўрва таги* га алмаштирган: *Тўрва тагиси* Турсуной [37].

Ёзувчи тўйдан кейин бегона қишлоқда ёлғиз қолган Турсунбойнинг ҳолатини шундай тасвирлайди: *Тим-тийра тун. Турсунбой тўйхонанинг ташқарисидан танҳо. Тўрвасини тунатган тиланчидек телбанамо, телбасаро* [27]. *Тўрвасини тунатган тиланчидай, тўрвасини олдирган гадойдай* ибораларидаги *олдирмоқ* дан кўра *ўғирлатмоқ* маъносини *тунатмоқ* аниқроқ, *теранроқ* ифодалайди ва китобий хусусиятга эга.

Муаллиф гапни гапга улаб кетади: *Тилла тоға Турсунбойнинг тўрвасини топиб тутқазди* [27]. *Тўрвасини топиб тутқазмоқ* ҳам ибора. Аммо у янги ва муаллиф ижод қилган ибора: *вазиятдан чиқармоқ, оғир аҳволдан қутқармоқ* маъноларини беради. Бу муаллиф истеъдодининг меваси.

Ибораларнинг бу каби таҳлилини яна давом эттириш мумкин. Ишонч билан айтиш мумкинки, уларнинг ҳар бири асар муаллифининг топқирлигидан, сўзга бўлган масъулиятдан, қисқаси, маҳоратидан далолат бериб туради. Яна айрим мисолларни келтирамиз: *авзойи ўзгармоқ – турқи тамоман тескари томонга тўнтарилмоқ* [45], *терисига сомон тиқмоқ – терисига туз тиқмоқ* [47], *нафасини ел учирмоқ – тилидан тут талқон тўкилмоқ* [57], *ташвиши ортмоқ – ташвиши ташвиш туғмоқ* [65], *азоб емоқ – туриши-турмушидан туз тўкилмоқ* [81], *етти ўлчаб бир кесмоқ – теран тафаккур тарозисидан тортмоқ* [168], *жағи-жағига тегмаслик – тили тилига тегмаслик* [174]. Уларнинг ҳар бирини янги, оҳорли фразеологик иборалар деб баҳолаймиз ва она тилимизнинг олтин фондига бемалол олиб кириш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Фразеологик мазмунда бўлмаган бошқа турғун бирикмалар ҳам тинимсиз изланишлар самарасидир: *асаб – тепа томир: Тепакал тошфонарсиз Тош тантиқ томон тушунолмай тикилиб турганди, тепа томирлари таранглашди* [41]; *ҳурмат тахтаси – тантанавор тахта: Тўхтабунинг тасвири теримга тушгандан тортиб то терим тугагунча «Тантанавор тахта»дан тушмайди* [59]; *ички ишлар ходимлари – тинчликни тартибга туширувчилар: «Тез тиббийчи»лар тузатишгач, тинчликни тартибга туширувчилар томонидан тергов туради* [173]; *Милиция таняч пункти – Тинчлик таянч томи: «Тез тиббийчи»лар Турсунбойни Тинчлик таянч томига, тинчликни тартибга туширувчиларга топширди* [177].

Тўртинчидан. Биз юқорида бир товуш доирасидаги сўз танқислиги муаллифни тил бирликлари устида алоҳида масъулият билан ишлашга ундаганлигини айтган эдик. Таҳлиллар ана шу масъулиятнинг бир қисмини морфологик элементлар ўз зиммасига олганлигини кўрсатади.

Масалан, от, сифат ва сонларга кўшилиб, феъл ясовчи *-ла, -лан, -лат, -лаш, -лай* кўрсаткичлари муаллиф қаламида муҳим лингвистик вазифани бажарганлиги маълум бўлади. Авваламбор, тежамкорлик қоидаси сақлаб қолинган – кўшма феъллар содда феълларга айланган: *таскин топмоқ – таскинланмоқ, тахир бўлмоқ – тахирланмоқ* каби. Аммо асосий ютуқ кўшма феълларнинг содда феълларга айлантирилганлигида эмас. Гап шу усул ёрдамида сўзнинг ўзак маъносига кўшимча вазифа юкланганлигида. Муаллиф қаламидаги *-ла* туфайли сўзлар ана шундай имкониятларга эга бўлган. Шунингдек, *топмоқ, бўлмоқ, қилмоқ, кўрмоқ, олмоқ, қарамоқ, қуримоқ, чиқармоқ* сингари кўмакчи феъллар бажарадиган вазифани бу кўшимчалар тўлиқ ўз зиммасига олган: *таскинланмоқ – таскин топмоқ: Турсунбой туннинг тиловати туфайли толимланди, Турсунони тополмасида, таскинланди* [39]; *томошаланмоқ – томоша бўлмоқ: Турсунбой-ку томошаланишига тайёр. Турсуной томошалашига тайёрмикан?!* [156]; *табассумланмоқ – табассум қилмоқ: Турсуной «Тановар»га ташлаганда табиат табассумланди, тўйхона тароватланди, томошабинлар таажжубланди* [18]; *тадорикланмоқ – тайёргарлик кўрмоқ: Тун тунашига тадорикланмоқда* [37]; *ташаккурланмоқ – ташаккур олмоқ, олқиш олмоқ: Турсуной «Тановар»га ташлаганда Турдибеклар ташаккурланди* [18]; *терсланмоқ – тескари қарамоқ: Тепакал товуш томон терсланди* [41]; *тинкасизланмоқ – тинкаси қуримоқ: Тиловолди тинкасизланган танасини тутолмай Тўхтабу-ю «тойчоқ»нинг тепасига ташлади* [81]; *товушланмоқ – товуш чиқармоқ: Тўрталаси тенгиданига товушланди: – Тушундик!* [106] каби.

Мулоқот жараёнида *тиланмоқ, таажжубланмоқ, таассуфланмоқ, тавозеланмоқ, тажангланмоқ, тамгаланмоқ, тантиқланмоқ, таталанмоқ, телбаланмоқ, тетикланмоқ, тизгинланмоқ, тикланмоқ, тилсизланмоқ, тушовланмоқ* каби сўзлар кўлланилиб келинаётган эди. Муаллиф эса бу моделдаги сўзларнинг кўлланиш кўламини жиддий кенгайтди. *Табаррукланмоқ, табассумланмоқ, тароватланмоқ, табибланмоқ,*

таваллудланмоқ, тадорикланмоқ, таскинланмоқ, таҳдидланмоқ, таҳлилланмоқ, ташаккулланмоқ, ташаккурланмоқ, ташиқилланмоқ, тентакланмоқ, терговланмоқ, терсланмоқ, тийраланмоқ, тиллоланмоқ, тинкасизланмоқ, товушланмоқ, тогланмоқ, толаланмоқ, толимланмоқ, томошаланмоқ кабилар Т.Тўрабоев қаламида янгича мазмун касб этди. Уларнинг семантикаси, стилистик имкониятлари ортди. Масалан, «Изоҳли луғат»да *табаррук* сўзи инсонга нисбатан қўлланилиб, *улуғ, ҳурматга сазовор, зоят ҳурматли, мўътабар ва азиз* маъноларини бериши айтилган [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдли. Учинчи жилд. 2007, -Б.625]. *Турсуной «Тановар»га ташилаганда Тилла тоға табаррукланди* [18], деб ёзади муаллиф. Биз бу сўзни муаллиф тафаккурида янгича мазмун олган ва маҳорат билан қўлланган сўз деб ҳисоблаймиз. Чунки бировнинг қилган ишидан хурсанд бўлган кишининг кўнгли кўтарилиши, улуғланиши табиий. Бинобарин, бу улуғлик ва ғурурни *табаррукланмоқ* сўзи билан ҳам бериш мумкин.

Ёзувчи *тароват* сўзининг *тароват, тароватли, турқи-тароват* шакллариға матнда 15 марта мурожаат қилади. Бир ўринда *тўйхона тароватланди*, деган жумлани ишлатади: *Турсуной «Тановар»га ташилаганда табиат табассумланди, тўйхона тароватланди, томошабинлар таажжубланди* [18]. Сўзнинг луғатда изоҳи *янги ва тоза, сўлим ҳолат* тарзида берилган, *тароватли* нинг маъноси *ёқимли тароватга эга* деб изоҳланган. Сўзнинг *ёқимли* семаси ҳам мавжуд экан, уни айни ҳолатда қўллаш фавқулудда образлиликни вужудга келтирган. Микроматн таркибидаги *табассумланмоқ* ҳам ана шу ҳолатга уйғундир.

-лан билан ясалган феъллар тизимида муаллиф ясаган *тиллоланмоқ, тогланмоқ* сўзлари алоҳида ўрин тутди. Муаллиф *тилла* сўзини унинг *бойлик, қимматли, қадрли, қимматбаҳо нарса* каби кўчма маъноларидан узоқлашмаган ҳолда *тилло, тиллоламоқ, тиллоланмоқ, тиллолашмоқ* шаклларида қўллаб, уларга алоҳида мазмун беради ва бадий сўз даражасига олиб чиқади. Бундай дейишимизнинг боиси шуки, *тилла* дан феъл ясалган ҳолатларга биз фақат шу матнда дуч келдик.

Ёзувчи *ташвиш тилла*, дейди. Бу гапни дабдурустдан тушуниш қийин бўлар. Аммо матндан уни илғаш, бу жумланинг асарда фалсафий маъно касб этганлигини пайқаш қийин эмас:

Тилла тоға туриб тушунтиришга тушди. Тиловолди тиллани тагин-да тўлароқ, тан-тандан тушунмоққа тутинди.

–*Ташвиш* – *тириклигинг*. *Тиригакансан ташвиш тортасан, тўғрими?*

–*Тўғри.*

–*Тугасанг ташвишингам тугайди, тўғрими?*

–*Тўғри.*

–*Ташвиш тиллайканми?*

–*Тиллайкан.*

–*Тиллани ташвишлиги-чи?*

–*Тортишмайман. Тушундим: ташвиш – тилла. Тилла – ташвишакан* [68].

Ижодкор мантиғининг кучи шу даражадаки, у *тилла* ва *ташвиш* сўзларининг тартибини алмаштириш билан уларнинг стилистик қиймати ҳар бир ҳолатда мутлақо бошқача эканлигини кўрсатиб беради.

Туркистонни тиллолаган Темурдир, дейди ёзувчи: *Таланган танг Туркистонни тиллолаган Темурдир* [30]. Она Туркистоннинг қадрини баланд кўтаришни *Туркистонни тиллоламоқ* дейиш бадий-эстетик ифоданинг темурбекона усули эмасми? *Толелари-ю тақдирларини тиллолаган тун* [70]. *Толенинг, тақдирнинг тиллоланиши*, яъни унинг қадри баланд бўлишига сабаб бўлган кечанинг шоирона тавсифи эмасми?

Тилла элементи *бойлик* маъносида қўлланади: *Тангалари тўпланиб тиллоланди* [5]. Мана бу парчадаги *тиллоланмоқ* сўзидаги поэтик маъно ғоятда кучли: *Турсунойнинг талқини тагин-да тусланди, тагин-да турланди. Тагин-да толаланди, тагин-да тоғланди. Такомилдан такомил топиб, тиллоланди* [17]. Мисолдаги *тусланмоқ, турланмоқ, тоғланмоқ* сўзлари ҳам ана шу поэтик самарадорлик учун хизмат қилувчи тил бирликларидир.

Матндаги *Тун тумори тобора тиллолашарди* [99] гапидаги *тиллолашмоқ* нинг мазмунини ҳам дабдурустдан англаш қийин кечади. *Тун тумори* нинг маъносини билгандагина унинг *тиллоланиши*, яъни *қадрининг тобора ортиб бораётганлиги* ни, матнда эса унга нисбатан *муҳаббатнинг, севгининг тобора ортиб бораётганлиги* англашилади: *Турсунбой тепалай туриб тунга тикилди. Тилсимли тун тахайюлида Турсунойнинг тусини тиклади. Тунга тумор Турсуной* [43]. *Турсуной Турсунойни таниёлмади. Таниёлмагани-чун Турсунойдан торинди. Ториниш таъсирида тўлғонди. Тўлғониб ташқарига тикилди. ...Тун тумор тақибди... Турсунбой тўлғонди. Тўлғониб туриб ташқарилади. ...Тун тумор тақибди. Турсунбой тун туморига тикилди...* [97]. *Турсунбой тун*

туморига, тун тумори Турсунбойга тикилишиб турарди [98]. Тун тумори тобора тиллолашарди [99].

Турсунойнинг талқини тагин-да тусланди, тагин-да турланди. Тагин-да толаланди, тагин-да тоғланди [17]. Гапда тоғланмоқ «Тановар»нинг Турсуной ижросида маҳорат билан ижро этилганлигини ифодаловчи бадий сўз даражасига кўтарилган. Эшилиб ўйинга тушмоқ маъносидаги толаланмоқ ҳам ана шундай экспрессив-эстетик кучга эга.

Дарҳақиқат, муаллиф -лан устида жиддий ишлаган. Ёзувчи тасвирида Турсуной «Тановар»га томиб-томиб, тотиб-тотиб, тўйиб-тўйиб, тахайюл-ла, тафаккур-ла ташлайди. Турсуной «Тановар»га ташлаганда табиат табассумланади, тўйхона тароватланади, тўлқинланади, томошабинлар таажжубланади, Тилла тоға табаррукланади. Турдибеклар ташаккурланади, Турсунбой табибланади, Тепакал эса таассуфланади. У рақс тушаганда [Турсунойнинг талқинида] куй тусланади, турланади, толаланади, тоғланади, тиллоланади, таваллудланади, таманноланади, тасанноланади. Турсунойнинг «Тановар»га рақс тушаётган лаҳзалари акс этган куйидаги парчага эътиборимизни қаратайлик: «Тановар» такрорланганда тўйхона тенгидан тўлқинланди. Турсунбой-да тўлқинланди. Турсуной-да тўлқинланди.

Турсунойнинг талқини тагин-да тусланди, тагин-да турланди. Тагин-да толаланди, тагин-да тоғланди. Такомилдан такомил томиб, тиллоланди.

Турсунбой-у Турсуной «Тановар»га тушишаркан, тенглик тарозусига Турсунбой тўртта тош ташласа, Турсуной тўққизта ташлади. Турсунбой тўққизта ташласа, Турсуной тўқсонта.

Турсуной тош ташлаб, тош ташлаб «Тановар» тизгинини тутиб, тан-танига тумордай тақди. Турсуной «Тановар»га томиб-томиб ташлади. Турсуной «Тановар»га томиб-томиб, тотиб-тотиб ташлади, тўйиб-тўйиб ташлади. Турсуной «Тановар»га тахайюл-ла ташлади, тафаккур-ла ташлади.

Турсуной «Тановар»га ташлаганда табиат табассумланди, тўйхона тароватланди, томошабинлар таажжубланди. Турсуной «Тановар»га ташлаганда Тепакал таассуфланди. Турсуной «Тановар»га ташлаганда Тилла тоға табаррукланди. Турсуной «Тановар»га ташлаганда Турдибеклар ташаккурланди. Турсуной «Тановар»га ташлаганда Турсунбой табибланди. Табиийки, Турсуной «Тановар»га ташлаганда «Тановар» такрор таваллудланди. Турсуной «Тановар»ни таманнолади, тасаннолади.

Турсунойнинг «Тановар»ини тўлиқ, тўла-тўкис таърифласак – Турсуной «Тановар»нинг тусига тус, тузига туз, тўнига тўн, танига тан тортиқлади, тагин-да тўғрирози, тирилтирди. Тўйхонадагилар тирик «Тановар»ни томошалашди [17-19].

Шунингдек, романда тилимизда фаол феъл ясовчи саналадиган *-ла* ёрдамида 30 дан ортиқ сўз ясалган. Уларнинг 3/2 қисми муаллиф ясаган ўз сўзларидир: *таборакламоқ, таваллоламоқ, тасанноламоқ, тавофламоқ, таманноламоқ, тансиқламоқ, тантаналамоқ, таржималамоқ, таҳлилламоқ, тахминламоқ, таҳсинламоқ, таиқариламоқ, таъзимламоқ, таъқибламоқ, тентакламоқ, тизимламоқ, тирриқламоқ, томошаламоқ, тузоқламоқ, туркийламоқ, тўлиқламоқ, тўтиёламоқ* сингари. Улар орасида қўлланиши маҳорат даражасида бўлган жумлалар бор: *Тилсизланган Туркистонни туркийлаган Темурдир. Тилимланган Туркистонни тўлиқлаган Темурдир* [30] каби. Тилимизда *тўла, тўлиқ, тўлиқламоқ, тўлиқмоқ* сингари сўзлар мавжуд ва улар луғатларимизда ҳам акс этган. Аммо *расо, мукамал, бут қилмоқ, расоламоқ, тўлдирмоқ, мукамаллаштирмоқ* [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдли. Тўртинчи жилд. 2008, -Б.234] маъноларини берадиган бу сўз ниҳоятда кам ишлатилади. Юқоридаги мисолларда Т.Тўрабоев қаламида у маҳорат намунаси сифатида намоён бўлади.

-лаш кўрсаткичи ёрдамида ясалган *туйғунлаш* [Тиниқ туйғулари *туйғунлашди*.6], *таъзимлаш* [Тошболта *тиззалаб таъзимлашга* тушди.153], *томошалаш* [Турсуной *томошалашга тайёрмикан?!.*155], *таъқиблаш* [Тошхон Таваккални тийрама-тийра *таъқиблашга* тушди.164], *таҳлиллаш* [Турсунбой тахминларини *таҳлиллашни* тўхтатиб, тийра томон тап тортмай *тезлади*.131]; *-лат* ясаган *таиқарилатмоқ* [Тилла тога *Тепаккалнинг томоғидан тутамлаб, товонини тупроққа тегизмай таиқарилатди*.14. Тиловожди Тўхтабунни *таиқарилатмай тўхтатди*.90] сўзлари ҳам «Изоҳли луғат»да акс этмаган ва муаллиф ижод қилган сўзлардир.

Муаллифнинг бир нечагина феъл қўшимчалари мисолида сўзларга маъно юклаш ҳаракатидаги изланишлари она тилимизнинг имкониятлари ғоят кенг эканлигидан далолат беради.

Бешинчидан. Роман матнидаги сўз танқислиги ифоданинг ўзига хос услуби шаклланишига олиб келган. Масалан, айрим ҳолатларда баённинг давом этмагани ўқувчини матнни диққат билан ўқишга, муаллиф билан бирга фикрлашга, воқеалар

ривожининг давомини ўзи тасаввур қилишга даъват этади: *Танимаса, тил тортмай!* [45]. *Тепакалнинг тасаввурича: Турсуной тил тортмайди* [47]. Мана бу жумлада ҳам шу руҳ бор: *тақдир – тош* [51]. Жумлалардаги тушиб қолган сўзларнинг маъносини китобхон ёки ўқувчи ўзи англаб олаверади.

Муаллиф бошқа сўз ифодалайдиган сўзларнинг маъноларини *т* товушли сўзлар орасидан излаганда маъқул бир усулни қўллайди ва уни ўз услубига айлантиради: *Тошхон Таваккалнинг тескари туришини тошхончасига таъбирлади* [54]. *Турсунбой «тўнка»га «тўнка»часига тушунтирди* [44]. *«Тўнка»га «тўнка»нинг тутумини тутди* [44] – ўз-ўзича, ўзича, худди ўзидай қилиб маъносида. Ҳар қандай қийин ва ноқулай шароитда ҳам вазиятдан чиқа олган муаллиф, айти пайтда, ифода жараёнида образлиликни ҳеч қачон ёдидан чиқармаган.

Асар услубини белгилайдиган тасвирий воситалар анчагина. Масалан, биргина муаллиф ҳосил қилган муболағалар ҳам *т* ли сўзлар бирикувининг имкониятларини кенгайтирган: *Турсуной тиккан тўн тикка туради* [5]. Бу айниқса, *тўқсон тўққиз* сонининг қўлланивида яққол билинади: *Температура тўқсон тўққиз!* [41]. *Тепакалнинг тупуриги томоғига тиқилди. Турсунбойнинг тўқсон тўққиз томири таранглашиб тепшидилар* [13]. *Тепакалнинг тепасига тагин тўқсон тонналик, тўқсон тонналикмас, тўқсон тўққиз тонналик тош тушди* [12]. *«Товус» Турсунбойнинг танасини тарс тўқсон тўққиз тилимга тилимлади* [7] каби.

Олтинчидан. Китоб архитектоникаси ҳам эътиборли. Муаллиф ўзи муҳим деб ҳисоблаган фикр-мулоҳазаларини курсив билан, кичик бир бўлим ҳолида беради: *Тақдир – тасодиф, Тухмат - тўфон* [55], *Табиат – театр: томошалайсан-томошалайсан* [56]. Муҳим фикрларнинг бу каби алоҳида тартиб билан берилиши китобхонни ҳам мулоҳазага тортади.

Ушбу ижод намунаси нафақат ҳозирги, балки тилимиз тарихидаги, шеваларимиздаги сўзларнинг бадиият учун ҳамон битмас-туганмас манба бўлиб келаётганини яна бир бор исботлади.

Ёзувчи қаламида айрим бирликларининг изоҳли луғатларда ҳам акс этмаган маъно қирралари кашф этилди. Муаллиф баъзи сўзларга қўшимча маънолар юклаш билан бугунги тилимизда бир-биридан узилай-узилай деб қолган қариндошлик, маънодошлик ипларини қайтадан улади, бошқа бир жойда уларнинг ўртасида яқинлик бор эканлигини асослади. Муаллиф айрим чанқаб қолган сўзларимизни қайта кўкартирди, парваришлади, уларни ҳозирги

адабий тилимизда ҳам қўллаш мумкинлигини амалда кўрсатди. Она сўзларимизнинг асрлар силсиласида завоқ топмагани маълум бўлди. Биргина товуш билан бошланувчи саноклигина сўзларнинг бадиий-эстетик майдонда бу қадар жилоланиши адиб маҳоратининг, тил донишмандлигининг яққол далилига айланди.

Биз қанчалик уринмайлик сўз тақчиллиги орасида кезиб юрган муаллифнинг ижодий изтиробларини тасаввур этиш осон эмас. Шу боис, асарнинг алоҳида машаққат ва истеъдод маҳсули сифатида юзага келганлигини эътироф этиш адолатдан бўлади. «Теорема» бадиий асаргина эмас, миллий сўз, миллий товуш қудрати ҳақида айтилган бетакрор қўшиқ ҳамдир.

Ушбу айтилганлар товуш такрори фониканинг асосий тасвирий воситаларидан бири эканлиги ҳақида хулоса чиқаришимизга имкон беради.

Таҳлиллар бадиий матндаги, айниқса, шеърий асарлардаги унли ва ундош товушларнинг такрори мисра ёки сўзларнинг турли бўғинларида содир бўлиши мумкинлигини, айти пайтда, поэзияни прозадан фарқловчи аломатлардан бири ва эвфоник характерда эканлигини кўрсатди. Улар шеърий матн таркибидаги элементларни ўзаро боғлаб турувчи занжир ҳисобланиши ҳам маълум бўлди.

Дарҳақиқат, такрор типларининг турли-туманлиги бадиий асарнинг товуш томонига бериладиган эътибор натижасидир. Уларнинг поэтик нутқда жуда аниқ ташкил этилганлиги ва тартибга солинганлиги бадиий матннинг товуш тизими устида олиб бориладиган жиддий изланишлар билан боғлиқдир.

Бадиий нутқ нафақат фонетик мотивлашган, яъни жарангдор сўзлардан фойдаланади, балки уларга иккинчи ҳаёт бахш этади. Шу маънода шеърий асардаги товуш ёки товуш бирикмаларининг ҳар қандай узлуксиз такрори нутқ сегменти экспрессив имкониятларини юзага чиқарувчи стилистик усул сифатида намоён бўлади. Шу маънода аллитерация, ассонанс ва диссонанс кабилар бадииятда қўлланиладиган муҳим фонетик-стилистик воситалардандир. Улар ёрдамида нутқ оқимини ташкил этиш жараёнида ифода тасвирийлиги кучайтирилади.

И.В.Арнольд таъкидлаганидек, ҳозирги замон поэзиясида аллитерация етакчи эмас, балки ёрдамчи восита саналади ва унинг экспрессивлиги матндаги муҳим тушунчани ажратиб кўрсатишдан иборат бўлади.

Кундалик маиший мулоқот жараёнида тингловчи кўпинча сўзнинг маъносига аҳамият бериб, баъзан товуш томонини эътибордан четда қолдиради. Аммо воқеликни индивидуал ҳис этишда баъзан сўзнинг ёки ифоданинг товуш қобиғи асосий ролни ўйнаши мумкин.

Товушларнинг стилистик имкониятларини рўёбга чиқариш нутқ муаллифидан жиддий меҳнат талаб қилади ва шу маънода фонетик воситаларнинг нутқ экспрессивлигини, эмоционал ва эстетик таъсирини кучайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар муаллифнинг индивидуаллигини ҳам белгилайди. Поэтик нутқнинг ёзма характери кўпинча бу мушкулни осонлаштиради.

Сўзларни танлаш, уларни жойлаштириш ва такрор қўллаш каби ижод жараёни нутқнинг товуш материяси билан боғлиқ экан, хушоҳанглик ёки эвфония билан ўзаро уйғунликда қараладиган поэтик индивидуалликнинг фоностилистикада нақадар муҳим эканлигини англаш мумкин бўлади. Эвфония ифода тасвирийлиги учун ниҳоятда зарур ҳодиса бўлиб, у *нутқнинг хушоҳанглиги* маъносини англатади [Ҳожиев А. 2002, -Б.131]. Бу хушоҳанглик матн қурилишида, биринчи навбатда, поэтик матн қурилишида турли фонетик усулларни қўллаш орқали юзага келтирилгани боис, у фоностилистикада ўрганилади ва товуш оқимини ташкил этишнинг турли усуллари қамраб олган ритм, рифма, эпифора, анафора, аллитерация, ассонанс, диссонанс сингари товуш такрорларини ўз ичига олади.

4.3. Рифма

Аслида адабиёт назариясининг тадқиқот объекти бўлган ва шеърятга хосланган рифма – қофия шаклланиш хусусиятига кўра оҳангдошликка асослангани учун ҳам фоностилистик восита сифатида эътироф этилади. «Қофия шеърнинг товуш тузилишида, ритмик таркибида, интонациясида, синтактик-семантик боғланишида, банд тузилишида муҳим вазифани бажаради, шунинг учун қофия шеърини нутқни оҳангдор ва таъсирли қилишга хизмат этади, мисраларнинг эса сақланиб қолишини осонлаштиради» [Ҳотамонов Н., Саримсоқов Б. 1979, -Б.261-262]. Муттасил товуш такрорига асосланган қофия такрорнинг эвфоник типига киради. «Фониканинг энг кучли воситаси – рифма. – дейди И.Б.Голуб. - Поэтик нутқда рифма композицион-товуш такрори сифатида, гўзал оҳангдорлик яратувчи ва бадиий жиҳатдан муҳим бўлган сўзларни

ажратувчи восита сифатида муҳим роль ўйнайди» [library-institute.ru/.../golub-stili...-yazyka.doc. -С.264].

Мазмун ва шакл диалектикаси поэтиканинг ғоятда муҳим унсури бўлган қофия санъатида яққол намоён бўлади. Адабий асар сюжети қанчалик мазмунли бўлмасин, уни ўқувчи ёки тингловчига етиб боришида хизмат қиладиган тасвирий воситаларсиз тасаввур қилиш қийин. Бадиий матнларда сўзлар ўринлашувининг қатъий бир тартибга солиниши нафақат матн маъзини чақиш, айти пайтда, улардан эстетик завқ олиш учун ҳам шароит яратади. Мана шу маънода товушлар оҳангдошлиги, муסיқийлиги, матннинг ўқилишида изчилликнинг юзга келиши бадиий асар сюжетида ақл ва фаҳм жиҳатдан баҳраманд бўлиш баробарида ундан руҳий озикланиш ва роҳатланиш туйғусини ҳам пайдо қилади. Зеро, ана шу жиҳатлари билан бадиий матнлар бошқа матнлардан кескин фарқланади. Қофия эса ана шу тасвирий воситалар орасида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, ўзбек мумтоз адабиётида хоҳ назмий, хоҳ насрий матн бўлсин, қофия бадиий санъат сифатида ғоят қадрланади. Шеърий асарларда қофияни юзага келтирувчи лингвистик воситаларнинг кўплиги, уларнинг мисралар ёки бандларда ўринлашувидаги қатъи тартиб ушбу санъатга бўлган эътиборнинг ва бу санъат туйғули юзага келадиган эмоционалликнинг самарали эканлигидан далолат беради.

Қофиянинг мумтоз адабиётдаги илмий таҳлилига бағишланган ноёб намунасини акад.А.Рустамовнинг «Навойнинг бадиий маҳорати» асарида кўрамиз [Рустамов А. 1979, -Б.73-101]. Муаллиф тадқиқотларидан билиш мумкинки, сўзларнинг лафздошлигига асосланган қофия санъати мумтоз асарлар поэтикасида етакчи ўринни эгаллайди.

Лафздош сўзлар шеърий мисраларнинг турли ўринларда ўзаро оҳангдошлик асосида жойлашиши ҳамда қофия тизимини ташкил этиши ва бунда нутқ товушларининг экспрессивлик учун хизмат қилиши матннинг бадиий-эстетик қимматини ғоят ошириб юборади.

А.Рустамовнинг қайд этишича, шеърий асарларда қофия ҳосил қилишнинг муайян қоидалари бор. Қофиядошлик ҳосил қиладиган лафздош сўзлар ё мисра охирида, ёки мисра охиридаги радифдан олдин келиши лозим. Агар Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достонидан олинган ушбу

*Куёр эди ҳажр ўтидин мудом,
Сокини зиндон эди ул субҳу шом*

байтида *мудом* ва *шом* сўзлари қофияланган бўлса,
*Ҳар бириси дурри ягона эди,
Навбат ила шоҳи замона эди*

байтида *эди* радиф бўлиб, *ягона* ва *замона* сўзлари ўзаро қофиялашган.

Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонидан олинган ушбу парчада ҳар бешта сўзнинг барчаси ёки тўрттаси қофиядош:

*Не бўлуб аввалда бидоят санга,
Не келиб охирда ниҳоят санга.
Ришта анга тори иноят бўлуб,
Шуъла анга нури ҳидоят бўлуб.*

Ҳатто ўзаро қофиядош ҳисоблаб бўлмайдиган *ришта* ва *шуъла* сўзларида ҳам *а* унлиси туфайли оҳангдошлик бор.

Қофиялар ҳосил қилган оҳангдорлик муайян товушлар туфайли юзага келади. А.Рустамов бу фонетик воситанинг равий эканлигини айтган ва уни: «Қофиядошлик ўзак билан ўзак орасида бўлса, ўзак охирида, ўзак билан қўшимча орасида бўлганда ўзак билан қўшимча охирида, қўшимча билан қўшимча орасида бўлганда шу қўшимчалар охирида такрорланувчи янгроқ товуш», деб изоҳлаб, ўзбек тилидаги ҳамма ундош товушлар ва *о,у,ў* унлилари қофияда равий бўлиб кела олишини айтган [Рустамов А. 1979, -Б.74-75].

Лутфийнинг

*Сенсан севарим, хоҳи инон, хоҳи инонма,
Қондур жигарим, хоҳи инон, хоҳи инонма*

деб бошланувчи «Сенсан севарим...» ғазалида *севарим, жигарим, саҳарим, гузарим, хабарим, басарим, назарим, сиймбарим* сўзлари қофиялар тизимини ташкил этган ва ўзак сўзлар охиридаги *р* товуши равий ҳисобланади. Гарчи ушбу товуш ўзакни яқунловчи товуш бўлиб, сўзнинг бўғинларга ажратилиши морфологик нуқтаи назардан *се+вар+им, жи+гар+им, са+ҳар+им, гу+зар+им, ха+бар+им, ба+сар+им, на+зар+им, сийм+бар+им* тарзида кечса-да, бу бўлинишлар санаб ўтилган сўзлар мисралар таркибида келганда ўзини оқламайди. Бўлиниш бироз бошқачароқ шаклда намоён бўлади ва бу морфологик жиҳатдан меъёрнинг бузилиши стилистик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади, шеърнинг айтилиши ва ўқилишидаги равонлик ана шу «бузилиш» ҳисобига таъминланади: *се+ва+рим, жи+га+рим, са+ҳа+рим, гу+за+рим,*

ха+ба+рим, ба+са+рим, на+за+рим, сийм+ба+рим каби. Ғазалдаги барча байтлар иккинчи мисрасидаги иккинчи сўзнинг қофияланувидаги қатъийлик ифодадаги равонликка хизмат қилган.

А.Рустамов назарда тутган янгроқлик **р** товушида сўзларнинг ўзбек тили талаффуз меъёрларига жавоб берадиган юқоридагидай бўғинларга ажралиш тарзида эмас, балки кейинги ҳолатдагидай хижоларга ажратилиш ва кучли зарб билан талаффуз қилиниши натижасида содир бўлади.

Янгроқлик унли товуш равий бўлганда яққол сезилади:

*Қарашингда умид бордир, **видо** бордир,
Бахтли, бадбахт жо бўлгучи **дунё** бордир,
Қўрқма, сенга менингдек бир **фидо** бордир,
Гарчи севги иккимизга заҳарлидир. (У.Азим).*

Аммо А.Рустамов таъкидлаган **у** ва **ў** нинг мумтоз шеъриятда

*Эй, санга қомати **дилжў** раъно,
Тавру тарзинг доғи **асру** раъно.
Бевафодур бу чаман, кўп бўлманг,
Эй, сапидор ила **ножў** раъно.
Бил, Навоийки, гизолингча эмас,
Чин гулистонида **оҳу** раъно.*

каби мисраларда равий сифатида кела олишини таъкидлаган ҳолда унинг ҳозирги шеъриятга хос эмаслигини айтиш лозим. Аммо бу лафздошликни мумтоз анъаналарга эргашиб битилган асарларда кузатиш мумкин. Муҳаммад Алининг Навоий ғазалига боғлаган мухаммасидаги:

*Хаста дил эрдим, девона, оҳ, у **дилжў** келмади,
Ул чамандин гойибона ёки хуш **бў** келмади,
Ёди бирлан ёна-ёна тилга бир «**хў**» келмади,
Кеча келгумдир дебон ул сарви **гулрў** келмади,
Кўзларимга кеча тонг отгунча **уйқу** келмади*

каби ҳолатларда учратиш мумкин.

Унли товушлар орасида лабланган-лабланмаганлик оппозициясида бўлган **а** ва **о** унлиларининг шеъриятда қўлланилиши услубга кўра фарқланади. М.Миртожиев ауслаут сифатида қўлланганида **а** нинг 170-200 мсек.гача чўзиқ талаффуз этилишини, **о** [ə] эса ўзбек тилининг ўз лексикасига оид сўзларда анлаут ва инлаутда келишлигини, талаффуз чўзиқлиги 60-90, 30-60 нисбатда бўлишлигини ва унинг ауслаут позицияда келмаслигини ҳамда араб ва эроний тиллардан ўзлашган сўзлар охиридаги чўзиқлиги 200 мсек.дан кам бўлмаслигини айтган [Миртожиев М.

2013, -Б.73-76]. Бу **о** нинг ауслаутда келган сўз талаффузидаги меъерий ҳолат. Аммо шеърий асар ўқилишида мисралар охирида келган сўзларнинг, айниқса, улар қофиялашиб, уйғунлашиб келган ҳолатлардаги талаффузи янада чўзиқликни тақозо этади: *парво-дунё*:

Колумб, елканларни баландроқ кўтар.
*Колумб, хавф-хатарга қилмагин **парво!***
Колумб, бу дунёдан одамлар ўтар,
*Колумб, одамлардан ўтмоқда **дунё** (У.Азим) каби.*

Шоир У.Азим **о** товушидаги бу имкониятдан самарали фойдаланади. Уни ҳар сафар қисқа, бор-йўғи 4 бўғинли мисралардан ташкил топган тўртликнинг охирида такрорий кўллаб, ифодадаги юқори услуб воситасига айлантиради:

Кўнгил бердим, Умрим бердим. Жоним бердим – Ётсан манго.
Нажот каби, Умид каби, Ҳаёт каби – Ёдсан манго.
Кулги каби, Шодлик каби, Висол каби – Олисдирсан.
Чидам каби, Сукут каби, Ўлим каби – Додсан манго.

Шарқ мумтоз шеъриятининг гултожи ҳисобланган аруз вазида ҳам, унинг илҳомбахш манбаларидан озиқланган замонавий шеъриятда ҳам қофия санъатининг шундай бир мукамал тизими шаклланганки, унда миллий товушлар талаффузи ёки уларнинг ёнма-ён келишидаги оҳангдорликда алоҳида бир сеҳру жилони кузатиш мумкин. Ҳазрат Алишер Навоий асарлари мисолида бу ҳолатларни тадқиқ этган А.Рустамов унинг равийдан ташқари *таъсис, дахил, ишбо, қайд, ридф, васл, хуруж, мазид, нойира, эънот, зулқофиятайн, тарсиъ* сингари ўнлаб кўринишлари таҳлили мисолида улуғ шоир қофияларининг нақадар ранг-баранглиги ва мазмун мукамаллигига хизмат қилганлигини кўришимиз мумкин [Рустамов А. 1979, -Б.77-90].

Таъкидлаганимиздек, мумтоз шеърият қофияланишларининг бу чиройли андазалари замонавий шеъриятга ҳам кўчгандир. Масалан:

-қофиядош сўзларнинг охиридаги – равийси олдидаги бир қисқа унлидан бурун келган ундош товуш олдидаги **о** товушининг *таъсис* бўлиши:

*Бу одам изида қанча **мозор** бор,*
*Чиркин кўкрагида ҳамон **бозор** бор (У.Азим);*

-равий билан таъсис ўртасида такрорланувчи ундош товушнинг [**й** нинг] *дахил* бўлиши:

Орқасидан эргашиди эпкин

*Фавқуллодда наво сингари.
Кеча сўлим эди бағоят...
Қоронғуда тимирскиланди,
Пайпасларкан гулларнинг бандин,
Бир даста гул узди ниҳоят... (М.Али);*

-дахилдан кейинги қисқа унлининг [а нинг] **ишбо** бўлиши:

*Насриддинбек бошини эгди,
Оғир эди таъна, маломат.
Ҳа... Ҳаётдан не улуш тегди:
Севгисидан келди фалокат. (М.Али);*

-равий ундош бўлганда унинг олдидаги товушнинг ҳам [н нинг] ундош бўлишининг **қайд** саналиши:

*Кўзингда кўрмасам алам ранжсини,
Бошингда кўрмасам тумонот савдо,
Олиб бермасанг ҳам олам ганжсини,
Сендан онагинанг ризодир, ризо! (М.Али).*

Улар орасида равий олдида радиф бўлиб келган **о,у,ў,и,э** унлиларининг хушоҳанглиги ва мусиқийлиги ўзбек шеърияти учун ғоятда қўл келади. Айрим ижодкорлар ундан унумли фойдаланишган ва бадий ижоднинг ғоятда гўзал намуналарини яратишган. Э.Воҳидовнинг «Висол соғинчи» шеъри бунинг ёрқин намунасидир

*Ёр васлини соғинсам Сайр этайму бог-роғ,
Бог-роғ сайр этганимдан Кўнглим ўлмас чоғроғ.
Хушламас ҳижронда кўнглим Лолазор сайлини ҳам,
Чунки бағрим лолаларнинг Бағридан ҳам доғроғ каби.*

Бунинг устига, қофиядош сўзларга қўшилган **-роқ** аффикси, **соғинмоқ, лола, лолазор, бог-роғ** сўзлари таркибидаги **о** унлисидаги янгроқлик шеърий мисраларга ажиб бир хушоҳанглик бағишлайди.

Ўзбек бадиияти қофиялар тизими, унинг семантикаси юзасидан олиб борилган йирик тадқиқот И.Мирзаев қаламига мансуб. Шу мавзуда ёзилган докторлик диссертацияси ва «Лексические и морфологические средства формирования семантики рифмы» монографиясида муаллиф ўзбек шеъриятида қофияни шакллантирувчи морфологик ва лексик воситаларни атрофлича таҳлил қилиб, ўз хулосаларини баён қилган. Шу маънода унинг қофия оддий бир шеърий ҳодиса эмас, балки бутун бир асар мазмун фонини вужудга келтирувчи ҳамда қурилма сифатида поэтик асарнинг яхлитлигини ва коммуникативлигини

таъминловчи асосдир, деган мулоҳазаси қофия назариясига оид муҳим фикрдир.

Муаллиф асарда поэтик қофия тилнинг миллий хусусиятларини акс эттириши ҳамда функционал услубларда ўзига хос тарзда намоён бўлиши ҳақида ҳам ўз қарашларини баён қилади. Унинг *битталиб/битта лаб/бит талаб* вариантлари таҳлили мисолида қофияланиш жараёнидаги позицион бир хиллилик ва уларга фонетик ёндашув натижасида нафақат семантик-стилистик ранг-барангликнинг, балки эмоционалликнинг ҳам вужудга келиши ҳақида билдирган мулоҳазалари фоностилистика учун муҳимдир [Мирзаев И. 1990].

Қофия санъати прозаик асарларда ҳам учрайди ва у мумтоз адабиётда *сажъ* деб номланади. «Сажъ – қофияли проза. Бу кўпроқ халқ оғзаки ижодига хос бўлиб, классик проза ва, ҳатто, кўпчилик тарихий асарлар сажъ билан ёзилган, халқ эртаклари ва дostonларининг насрий йўл билан ёзилган ўринлари ҳам сажъ усулидадир», деб изоҳланади луғатларда [Ҳомидий ва бошқ. 1970, - Б.193]. Айрим мисоллар келтирамиз: *Бойсари бой эди, Бойбўри эса шой (шоҳ) эди* («Алпомиш»). *Бийларнинг кўнглини хушламади, отини ушламади, остига либос ташламади; ош тортди, сўзган товоқни чошламади; ош тортганда, ошнинг кетини-кўтини тортди* («Алпомиш»). *Бурунги ўтган замонинда, эли ўзбак омонинда, қибладан туманинда, Така-Ёвмитнинг элинда, Чамбилбелнинг белинда давронни суриб, қирқ йигитни йигиб, олтин пиёлага майлар қуйиб, кунда эртан чулонинга қўй-сўқимлар сўйиб, юртни йигдириб, очни тўйдириб, қирқ йигитга силовсин тўн кийдириб Гўрўглибек ўтди* («Холдорхон»).

Сажънинг энг яхши намуналарини Алишер Навоий прозасида ҳам кузатамиз: *Дехқонки дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар... Дехқонки тузлуқ (тўзрилиқ, яхши ният) била дона сочар, ҳақ (Аллоҳ) бирига етти юз эшигин очар... Дехқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдир, ўзга ишларига таъриф маҳолдир* каби.

Бу каби прозадаги сажъни инкор этмаган ҳолда айтиш мумкинки, у назмий ва насрий матнларни бир-биридан фарқловчи муҳим белгилардан бири саналади.

Айтилганлар фоностилистика, хусусан унинг фоника тизимидаги муҳим поэтик воситалардан бири бўлган ва лафздошлик санъатига асосланган қофия [рифма] нафақат ўзининг лексик-морфологик, балки фонетик қурилишига ҳам эга эканлигини кўрсатади. Қофия туфайли шеърий матн уни

тинглайдиган кишида ботиний, ўқийдиган кишида зоҳирий акустик таассурот қолдиради.

Мисранинг вазни ва туроғига мос тарзда қофия ҳам мисрада ўз ўрнини топади. Одатда бу ўрин мисралар охирида бўлади. Бу жойлашув эса, ўз навбатида, мазмунга боғлиқ ҳолда шеър оҳангининг белгиланишига кўмаклашади. Шунингдек, ёқимлилиқ, жўшқинлиқ, қатъият, кескинлиқ сингари бир қатор эмоционал ҳолатларнинг ифодаланишига ёрдам беради.

Энг зарур фикрни суҳбат охирига қолдириш, энг керакли сўзни гап сўнгида айтиш мулоқот қоидаси ва этикасига мос келади. Бинобарин, поэтик матнда ҳам бу анъана муҳим аҳамият касб этади ва шунинг учун ҳам қофия санъати поэтикада ниҳоятда қадрланади. Ориф Тўхташнинг «Меҳрибон» ака» шеъридан олинган ушбу парчадаги қофияланган сўзлардаги товушлар оҳангдорлигига эътибор берайлик: *Қор ёққани мен учун / Зўр бўлди-да янада! / Ҳаттоки мактабга ҳам / Бораяпман чанада.* Кейинги бандларда ҳам қофиялардаги товушлар ниҳоятда уйғун: *хушлайди-ушлайди, шаштини-гаштини* каби. Шеърнинг болаларга атаб ёзилганлигини эътиборга олсак, бу каби уйғунлиқнинг улар томонидан шеър мазмунини англаш ва матнни тез ёд олишда нақадар муҳим эканлигини муаллиф ҳисобга олган. Аксинча, тез айтиш учун тайёрланган *Тут турпнинг томирини тортиб ётибди, турп тутнинг томирини тортиб ётибди, Қишда кишимши пишмасмиши* сингари матнлар товушлар уйғунлигининг бузилишини кўрсатувчи мисоллардир.

Қофияни юзага келтирувчи товушлар уйғунлиги ва ҳамоҳанглиги нафақат равонликни, балки композицион вазифани ҳам бажаради. Бир мисрани ёки бандни иккинчиси билан боғлашда, шеъринг парчада яхлит фикрнинг юзага келишида занжир вазифасини ўтайди. Шунинг учун тадқиқотчилар такрорланаётган товушнинг қаерда жойлашгани эмас, балки такрорлангани муҳим эканлигини таъкидлайдилар.

Аммо лафздошликка асосланувчи қофия санъатига шеърятда бадийликни таъмин этувчи кўплаб воситаларнинг бири, деб қараш лозим. Унга риоя қилинмаган ҳолатларда ҳам асар ўзининг эстетик завқ бағишлаш имкониятини тўла сақлаб қолиши мумкин. Масалан, У.Азимнинг «Мени севинг...» шеърида қофия ишлатилмаган. «Сиқилиб кетасан...» шеърининг охирги тўртлигигача бу санъатдан фойдаланилмаган. Аммо бу асарлар юксак бадийлиги билан ажралиб туради.

4.4. Ономатопея

Ономатопея – нутқни ташкил этишнинг стилистик усулларидан бири. У фоникада экспрессивликни ифодаловчи таклидий сўзлар сифатида намоён бўлади. Ономатопея жониворлар чиқарадиган товушларни инсонлар овози билан бериш натижасидир. «Ономатопея – поэтик нутқда, шеър ёки прозадаги товуш ходисаларига бадий таклид қилиш усули» [Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. 1979, -Б.215]. Демак, тасвирий сўзлар матнда шунчаки иштирок этиб қолмасдан, балки муайян экспрессив вазифани бажарсагина унга стилистик ёки ономатолик восита сифатида қараш мумкин.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Р.Қўнғуров ўзбек тилидаги тасвирий сўзларнинг лингвистик табиати, жумладан, лексик-семантик ва грамматик хусусиятлари юзасидан тақиқотлар олиб борганда ўрни билан уларнинг фонетикасига ва ифодалаган стилистик оттенкаларига ҳам тўхталиб ўтган. Олимнинг таъкидлашича, «Тасвирий сўзлардан ёзувчилар стилистик мақсадда фойдаланганликлари кўзга яққол ташланиб туради. Ҳатто шундай ҳолатлар ҳам бўладики, тасвирий сўз олиб ташланса, гапнинг маъноси тўлиқ англашилмай қолади. Тасвирий сўзнинг ўринли ишлатилиши билан гапга ҳам ифодалилик киритилади, ҳам бадийлик берилади ва, шу билан бирга, маъно конкретлашади, ойдинлашади» [Қўнғуров Р. 1966, -Б.39].

Дарҳақиқат, олим таъкидлаган фикр кўпроқ халқ оғзаки ижоди матнларида кузатилади. Масалан, сўзларнинг бу тарзда кетма-кет, тизилиб келиши ҳамда яхлитлик ва уйғунликни ташкил этиши дoston табиатига тўла мос келади. Чунки экспромт тарзда бахши тилига чиқаётган бир сўз иккинчи сўзни тортиб келаверади: «Алпомиш»да: *Дубулга боида дўнгуллаб, Карк қубба қалқон қарқиллаб; Шунда ўлан кечаси бўлди, ҳар қизлар келаётир, ориги эчкидай диркиллаб, семизи иркиллаб; Қайдан келдинг, Қултойқўл, қайдан келдинг, ёй-ёй, Кўк қайгадай қанқиллаб қўйдан келдинг, ёй-ёй. «Холдорхон»да: От боради ариллаб, Отган ўқдай шариллаб; Бораётир сап бедов, Шамолдай бўн шариллаб; Гўрўглибек боради, Оч арслондай ариллаб; Кўлман солса ошириб, Мушти тегар тарсиллаб каби. Олинган мисоллардаги сўзлар бошидаги *ду-дў, қа-қа, дирк-ирк, о-а, ша-ша, ар-ар, те-та* оҳангдошлиги нафақат товушлар уйғунлиги, балки дostonчилик услубини белгиловчи лингвопоэтик омил даражасига кўтарилган.*

Тасвирий сўзлар қурилиши унинг стилистикасига ҳам таъсир кўрсатади. Айтайлик, у бир сўздан иборат бўлса, қисқа вақт оралиғида талаффуз этилади: *ялт этди*. Урғу биринчи бўғинга тушади ва **а** кучли талаффуз этилади. Агар **ялт-ялт этди** дейилса, овоз кучи такрорий қўлланган ва жуфтлашган икки *ялт* ўртасида тақсимланади. Иккинчиси биринчисига қараганда кучсизроқ талаффуз этилади. Шунинг ҳисобига стилистик маъно юзага келади. Кучайган овознинг пасайиши натижасида предметнинг ҳолатига билдирилган субъектив муносабат бўрттирилади. *Тарақ-туруқ, тапур-тупур, вағир-вуғур* сингари тасвирий сўзлар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Тасвирий сўзлар маъносини кучайтиришнинг бошқа йўли ҳам бор. Бунда сўз ауслаутида бир товуш орттирилади. У унли бўлиши ҳам, ундош бўлиши ҳам мумкин.

*Ҳар томонда «ху-хуву... ҳақ»,
Ҳожи ойим синдириб тавоқ,
Маҳаллалар тарақа-туруқ,
Маҳшар каби бўлди во ёв! (А.Қаҳҳор).*

Ёки: *Юрагим шигг этиб кетди: демак, аям менинг гапларимни дадамга айтибди-да! (А.Қаҳҳор)*. Мисоллардаги *тарақ* ва *шиг* сўзлари охирида орттирилган **а** ва **г** айнан экспрессивлик учун хизмат қилмоқда.

Энди бир савол атрофида ўйлаб кўришга тўғри келади. Нима учун тасвирий сўзларга фоникада экспрессивликни ифодаловчи восита сифатида алоҳида эътибор қаратилади? Тушунишимизча, бу гуруҳдаги сўзлар ўзининг лексик-семантик маънолари ва грамматик хусусиятларидан ташқари яна қандайдир кўшимча оттенкалари билан бадий матнларга олиб кирилади. Табиат ва жамият ҳодисалари образини беришга интилиш, физик товушларни нутқда ифодалаш жараёнидаги тақлид истасак-истамасак муайян субъективизмни вужудга келтиради. Бу тил бирликларини алоҳида бир оҳангда талаффуз қилиш орқали тингловчи ёки ўқувчининг эътиборни айнан ана шу образ ёки товушга кучайтиришга ҳаракат қилинади. Зеро, ана шу экстремал ҳолатлар сўзларнинг маънодорлигига, ифоданинг таъсирли чиқишига, экспрессивликка хизмат қиладики, уларни стилистик жараён сифатида баҳолаш мумкин бўлади.

4.5. Парономазия

Бадий асарлар поэтикасида *парономазия* деб номланадиган воситалардан фойдаланиш ҳам кузатилади. Парономазияга А.Ҳожиев шундай изоҳ берган: «Талаффузи ўхшаш, фақат бир-икки товушига кўрагина фарқланувчи, лексик маънолари бир-биридан узоқ сўзларни ёнма-ён қўллашдан иборат услубий фигура. Бадий адабиётда парономазиядан ифодалилик, оҳангдорликка эришиш, комик эффект яратиш, сўз ўйини қилиш каби мақсадларда кенг фойдаланилади. Мас, *Кечалардан кўчага, Кўчалардан кечага кўчилар (Шайхзода)*» [Ҳожиев А. 2002, -Б.80].

Дарҳақиқат, айрим сўзлар гарчи маъноларига кўра бир-бирларидан кескин фарқлансалар-да, талаффузидаги ҳамоҳанглик туфайли нутқда уларни қўллашга эҳтиёж бор. Масалан, мақолларда моҳият эътибори билан халқ донишмандлиги синтези сифатида маънони жуда қисқа ва ихчам тарзда, шу билан биргаликда, таъсирли ва эса қоладиган шаклларда бериш талаб этилади. Ана шу талабдан келиб чиқиб, мақолнинг мазмунини ўзида мужассам қилган ядро сўзга монанд бошқа бир бирлик изланади. Албатта, бу монандликда ҳам шаклий, ҳам мазмуний жиҳат ҳисобга олинади. Мазмунан мос келадиган синонимик ёки антонимик вариантлар кўп бўлиши мумкин, аммо уларнинг шаклан мос келадиганларини топиш ҳамма вақт ҳам осон бўлавермайди. *Адоват* эмас, *адолат* энгади; *Алихўжа* – *Хўжаали*; *Аҳмоққа* – *тўқмоқ*; *Асад суви* – *асал суви*; *Аллоп* – *аллопнинг иши қаллоб* мисолларидаги *адоват-адолат*, *Алихўжа-Хўжаали*, *аҳмоқ-тўқмоқ*, *асад-асал*, *аллоп-қаллоб* сўзларидаги уйғунлик мақолларнинг маънолари аниқ ва умумлашган бўлишига, тез оммалашishi ва ёдда қолишига сабаб бўлган.

Бадий матнларда паронимлар зиммасига юкланган вазифа мақоллардагичалик бўлмаслиги мумкин. Аммо улар ҳам экспрессивлик, ифоданинг жозибаторлиги учун хизмат қилади. Масалан: *шараф-шароб*, *Шопур-шофёр*: *Яхши бахтлар шарафига кўтаринг шароб*, *Яхшиликлар голиб бўлсин*, *ёмонлик хароб (М.Шайхзода)*. *Афанди яқин бир оинаси билан «Фарҳод ва Ширин»га тушишган экан. Бир вақт Фарҳод ўз дўстига «Эй Шопур» деб мурожаат қилади. Шунда Афандининг дўсти – Мулла Насриддин, Фарҳоднинг шофёри ҳам борми? – деб сўраб қолибди. – Қизиқмисиз, - дебди Афанди, - Ҳоқоннинг фарзанди бўлади-ю шофёри бўлмайдимми? («Муштум»)* каби.

Оҳангдош сўзларнинг бу типи шеърятда нафақат қофия жарангдорлиги, айти пайтда, мазмун мукамаллигига хизмат қилади: *муқом-мақом, ганим-гамим*:

*Бу қиз бир сўмга ҳам қилади муқом,
Тўйдан қочиб чиқди уялиб мақом (У.Азим).
Осмон ҳам бўлиб ганим,
Қайтиб тушса – не гамим! (У.Азим) каби.*

Бу каби товушлар бажарган стилистик вазифани Н.С.Трубецкой *апеллятив вазифа* деб номлаган. Айтайлик, бу вазифани бажариш жараёнида товушлар эмоционал-бўёқдор нутқни услубий бетараф нутқдан фарқлашга хизмат қилади [www.superinf.ru]. Ушбу фонетик воситалар ёки ҳодисалар матнни англашда ҳеч қачон бирламчи аҳамиятга эга бўлмайди, ёрдамчи восита бўлади, холос.

Ё.Тожиев ва М.Маллабоевлар нутқда пароним сўзларни фарқламасдан қўллаш мумкин эмаслигини, агар шундай қилинса, маъно тубдан ўзгариб кетишлигини айтади ва *бўшлик-бўшлиқ, ёруқ-ёруғ, бошлик-бошлиқ, оталик-оталиқ, ёшли-ёшлик, жуда-жудо* сингари ўнлаб мисоллар таҳлилида товушлар алмашинувининг маъно товланишларига таъсирини тушунтириб беради [Тожиев Ё., Маллабоев М. 2009, -Б.12].

Айтилганлардан хулоса қилиш мумкин бўладики, ҳар қандай адабий-бадий матн сўзлар, жумлалар, гаплар ва, умуман, ахборотнинг изчиллигини ташкил қиладиган товушлар изчиллигидан иборат бўлган нутқий асар саналади. Бадий асарнинг товуш томони ритм ва маъно яхлитлигидан иборат бўлиб, бусиз китобхонга эстетик таъсир кўрсатиш қийин кечади. Айниқса, шеърый асарларни товуш томондан шакллантириш, шеър руҳига мос товушлар танлаш ижодкордан катта меҳнат талаб қилади. Бу жараённинг маҳорат даражасида амалга оширилишида ижодкорнинг индивидуаллиги муҳим аҳамият касб этади.

V боб

ФУНКЦИОНАЛ УСЛУБЛАР ВА ФНОСТИЛИСТИКА

5.1. Нутқ шакллари ва фоностилистикани юзага келтирувчи омиллар

Ўзбек тилининг коммуникатив вазифаси ва халқимизнинг лингвокультурологик савияси тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда тилимизнинг функционал услублари доирасидаги тадқиқотларни янада такомиллаштиришга, ҳар бир услуб учун хос бўлган лингвистик ва экстралингвистик воситаларни умуминсоний мулоқотларнинг замонавий талаблари даражасида қайта таҳлил этишга эҳтиёж сезилмоқда.

Нутқнинг товуш томони ҳақида сўз юритилганда, одатда, унинг оғзаки шакли назарда тутилади. Ўзбек тилшунослигида эътироф этилган илмий, расмий, бадиий, публицистик ва сўзлашув услубларининг ҳар бири оғзаки нутққа дахлдор. Агар уларнинг тўрттаси икки шаклга – ҳам ёзма (китобий), ҳам оғзаки шаклга эга бўлса, сўзлашув услуби фақат оғзаки матнда юзага келади.

Фоностилистикани изчил ва чуқур ўрганишга бўлган эҳтиёж уни функционал услублар кесимида ўрганишни тақозо этади. Аммо ўзбек тилшунослигида тилнинг функционал услублари тадқиқ этилганда унинг фонетик томони деярли эътиборга олинмасдан келинмоқда. Ваҳоланки, ёзма нутққа қараганда оғзаки нутқ шакллари ва кўринишлари ранг-баранг ва уларни тилнинг биргина услуби – сўзлашув услуби доирасида чегаралаб бўлмайди. Оғзаки нутқда барча функционал услубларнинг аломатлари сентизлашган бўлади.

Товушлардаги экспрессивлик оғзаки ва ёзма нутқ кўринишларида турлича намоён бўлади. Ёзма нутқда намоён бўлган идеал меъёрни унинг оғзаки шаклида сақлаб қолиш қийинлигига қарамасдан, оғзаки нутқ жараёнида уни тингловчига етказиш ёзма нутқдагига қараганда осон кечади. Бу ўринда, албатта, нутқ муаллифи гендери билан боғлиқ бўлган субъективлик ҳам аралашади. Жонли мулоқот, нутқий жараёнидаги вазият ва мавзу, сўзловчининг гапириш манераси ва кайфияти, тингловчининг дунёқараши, билими, ёши, тажрибаси ва ҳоказолардан ташкил топган нутқни англаш даражаси сўзларнинг

турли-туман талаффуз этилиши натижасида рўёбга чиқадиган маъно оттенкаларини пайқашга кўмаклашади. Ёзма нутқда бу имкониятлар чегаралангани боис, ундаги товушлар англатадиган экспрессияни англаш бирмунча қийин кечади.

Товушлардаги услубий имкониятлар асосан сўзлашув, бадий ва публицистик услубларда намоён бўлади. Китобий услублар – расмий ва илмий услубларда эса фоностилистик воситаларга унчалик аҳамият берилмайди. Аммо бу дегани уларда нутқни шакллантириш ва уни англаш жараёнида фонетик воситаларнинг аҳамияти йўқ, деган гап эмас. Бу типдаги нутқ олдида эмоционалликдан ҳам кўра муҳимроқ бўлган мантиқийликни сақлаш вазифаси туради.

Оғзаки нутқ фоностилистик планда таҳлил этилаётганда нутқ муаллифи жамиятдаги муайян ижтимоий гуруҳга тегишли бўлган индивидуум сифатида қабул қилинади. Ҳар қандай оғзаки нутқда субъективизм мавжуд бўлиб, унда муаллифининг шахсий «мен»и юзага чиқади, суҳбатдошдан устунлигини билдиришга интилинади. Шунинг учун олимлар томонидан бу нутқнинг апеллятивлик характери қайд этилган.

Бу жараёнда суҳбат иштирокчиларининг таркиби, жинси ва ёши юзага чиқади. Чунки ижтимоий шахс сифатида мулоқот иштирокчиларининг гендер аломатлари бу жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, аёллар нутқини олайлик: улар сўз охирини талаффуз этишда алоҳида оҳангдан, айтайлик, тасдиқ оҳангидан ва оҳангнинг самарадор, таъсирчан моделларидан фойдаланадилар.

Фонетик воситаларнинг экспрессивлик ва эмоционалликка дахлдор услублар – сўзлашув, бадий ва публицистик услубларда касб этадиган аҳамиятини ўрганиш стилистика ва коммуникатив тилшуносликни янги поғонага кўтаради. Шу маънода жонли-сўзлашув, сўзлашув-расмий, сўзлашув-публицистик услублари оралиғида шаклланадиган, нутқнинг эмоционал-экспрессивлигини таъминлашда иштирок этадиган фонетик воситаларнинг стилистик жиҳатларини ўрганиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Нутқда товушлар сўз таркибида келиб, қандай маъно англатишидан қатъи назар, бу маънолар сўзнинг асосий маъносига нисбатан иккиламчи, қўшимча маъно ҳисобланади. Ана шу иккиламчи маъно экспрессив оттенкага эга бўлган стилистик маънодир. Масалан, кимдир мурожаат қилиб, *О профессор, сизни кўрганымдан хурсандман!* деганда *профессор* сўзидаги *е* ни э

тарзида *с* товуши билан биргаликда чўзиб, уларга урғу бериб талаффуз қилса, вазиятга қараб, бир ҳолатда сўзловчининг учратган одамани менсимаётганлиги, «мен ҳам сендан кам эмасман» деяётганлиги англашилади. Иккинчи бир ҳолатда тенгдош ёки ҳамкасб дўстлар учрашиб қолганда ҳам шундай оҳанг етакчилик қилиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам *э* товуши стилистик вазифа адо этади. Ёки *Укагинам, укагинам* дейилганда, *гина* таркибидаги *а* га алоҳида урғу бериб талаффуз этилса, сўзловчининг уни менсимаётганлиги, нодонликда айблаётгани маълум бўлади. *Укагинам, укагинам, сен нимани ҳам билардинг!* дейилса, фикр яна ҳам ойдинлашади. *Укагинам-а, укагинам-а* дейилганда эса, сўзга кўшилган ва урғуни ўзига олган *а* ачиниш оттенкасининг келиб чиқишига сабаб бўлади. *Укагинам-а, укагинам-а, сен нимани ҳам билардинг!* дейилганда стилистик оттенка гапнинг олдинги вариантларига қараганда кучлироқ ифодалангани сезилади.

Тил ресурси сифатида фонетик воситалар имкониятларини лексик ёки грамматик воситаларнинг стилистик имкониятларига тенглаштириб бўлмайди, албатта. Шу маънода М.Н.Кожинанинг «Ифоданинг стилистик экспрессивлигини ҳосил қилишда фонетиканинг имкониятлари кам. Агар мулоқотнинг ёзма шакли инобатга олинса, масала яна ҳам ойдинлашади. Бироқ, экспрессивлик масаласида у ҳам муайян ресурсларни, айниқса, нутқнинг интонацион-ритмик томонини ўзига қамраб олади», деган фикрларини эслаш ўринлидир [19.06.2003. 120 Кб - <http://syrrik.narod.ru/kozhina.htm>].

Нутқнинг товуш жиҳатдан ташкил этилиши матн мазмунига уйғун бўлиши мақсадга мувофиқ. Шундай эмаслиги меъёрнинг бузилишига сабаб бўлади. Силлиқлик, баёндаги руҳий оқимни сақлаб туриш ҳамма жойда ҳам муҳим. «Нутқнинг товуш томонини ташкил этиш унинг мазмун томони билан мустақам боғланган. Сўзни товуш жиҳатдан танлашдаги эҳтиётсизлик нутқни аниқликдан маҳрум қилади» [19.06.2003. 120 Кб - <http://syrrik.narod.ru/kozhina.htm>, -С.316]. Аслида бу воситалар мазмуннинг яна ҳам ойдинлашувига хизмат қилувчи воситалардир.

Айтилганлардан келиб чиқиб, фоностилистика муайян бир экстралингвистик омил таъсирида бўлган нутқий вазиятда фойдаланиладиган фонетик воситаларни ўрганади, дейиш мумкин. Шу маънода фоностилистиканинг мақсади матннинг муайян кўринишида чегараланган оғзаки нутқий баённинг мумкин бўлган барча сегмент ва суперсегмент аломатларини таҳлил қилишдан

иборатдир. Бунда, албатта, коммуникатив экстралингвистик вазият – инсоннинг фаолият типлари, унинг рухияти инобатга олиниши зарур.

Дарҳақиқат, ўзбек тили функционал услубларининг шаклланишида аҳамияти лингвистик омиллардан кам бўлмаган, ҳатто бу жараёнда таянч нуқта вазифасини ўтайдиган экстралингвистик омиллар мавжуд. Бу омиллар нутқнинг товуш жиҳатдан ташкил этилишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Айтайлик, мулоқот жараёнида, яъни сўзловчи-тингловчи муносабатида иштирокчилар нисбати бир хилда бўлмаслиги мумкин. Бир киши гапириши ва бир киши тинглаши; бир киши гапириши ва кўп киши тинглаши нутқнинг ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан фарқланишига сабаб бўлади. Бир киши гапириб, бир киши тинглаганда нутқ диалогик тус олади ва ҳар икки томон суҳбатнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади, нутқий вазият эса расмий ёки норасмий бўлиши мумкин. Тил воситаларининг, бинобарин, фонетик воситаларнинг танланиши ва қўлланиши ҳам шу вазиятга боғлиқ тарзда амалга оширилади. Бир киши гапириб, кўп киши тинглаганда эса нутқ монологик характерда ва оммага қаратилган бўлади. Бу вазият ҳам нутқда алоҳида тил воситаларининг танланиши ва қўлланилишини тақозо этади.

Асосан ёзма шаклда амал қиладиган функционал услубларнинг оғзаки нутқда намоён бўлишида муштараклик мавжуд, яъни уларнинг барчасида адабий талаффуз меъёрларининг амал қилиши шарт қилиб қўйилади. Бу шартни сўзлашув услуби олдига қўйишнинг амалда иложи бўлмайди. Сўзлашув услубини юзага келтирувчи экстралингвистик омиллар бунга йўл қўймайди. Шу боисдан, ёзма шакллари мавжуд бўлган нутқ кўринишларининг оғзаки шакли, оғзаки-сўзлашув нутқи фарқланади ва бу фарқланишлар уларнинг талаффузида яққол намоён бўлади.

Инсон фаолиятидаги мулоқот вазиятининг хилма-хиллиги ва нутқ шаклларининг ранг-баранглиги экстралингвистик омиллар таъсирида талаффуз усулларининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлади.

Масалан, икки кишининг юзма-юз туриб гаплашиши, аудиторияда ўқитувчининг маъруза қилиши, кўп минг кишилик митингда сўзланган нутқ ва ҳоказо. Уларнинг ҳар бири учун алоҳида оҳанг ва талаффуз воситалари танланади. Бу ҳолатларда нутқ расмий ёки норасмий оҳанг мазмунида бўлади ва улар юқори ёки қуйи услуб намуналари мақомини олади. Юқори услубдаги нутқни шакллантириш учун тил бирликларининг аниқ ва таъсирчан

вариантлари, грамматик структуралари, тартибли ва изчил фонологик-ритмик воситалари танланса, қуйи услубда юзага келган оғзаки матнларда ўринсиз такрорлар, эллиптик ҳолатлар, сўзларни тез ва ноаниқ талаффуз қилиш сингари ҳолатлар юз беради.

Ўзбек тили функционал услублари ўзининг экстралингвистик табиатига мос тарзда алоҳида талаффуз усулларини тақозо этади. Бу талаффуз усулларини қўллашдаги идеал ҳолат, одатда, адабий тил меъёрларига амал қилиш бўлади.

Ҳар бир функционал услуб доирасида нутқнинг расмий-норасмий, оммабоп-шахсий, тайёрланган-тайёрланмаган ҳолатда бўлиши унинг ижросига ҳам муайян таъсир кўрсатади. Ўзаро оппозицияда бўлган нутқ кўринишларининг биринчилари – расмий, оммабоп ва олдиндан тайёрланган нутқларда адабий тил талаффуз меъёрларига амал қилиш осон кечади. Агар уларда адабий меъёрнинг бузилиши кузатилса ҳам, одатда, бу бузилишларда маълум бир стилистик мақсад кўзда тутилган бўлади. Иккинчи ҳолат – норасмий, шахсий ва тайёрланмаган нутқларда номеъёрийликнинг юз бериши ҳам нутқий вазият билан боғлиқ бўлиб, мулоқот жараёнидаги эркинлик, бемалоллик ёки бунинг акси – босимнинг кучлилиги, кўрқинч, шошиш, уялиш, ҳаяжонланиш сингари экстралингвистик ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда кечади. Шу маънода китобий функционал услубларга хос бўлган нутқнинг оғзаки ва ёзма шакллари ўзаро фарқланиши табиий.

Оғзаки-сўзлашув нутқининг ҳам ўз экстралингвистик шарт-шароитлари мавжуд ва бу шарт-шароитлар нутқнинг бу кўриниши ўзига хос бўлган фоностилистик хусусиятларга эга эканлигини тасдиқлайди.

Юқорида таъкидланганидек, илмий, расмий, публицистик ва бадиий услубда шаклланган матнлар ёзма нутқ намуналари ҳисобланади ва уларни оғзаки тарзда тингловчига етказиш мумкин бўлади. Шу боис, бу матнларнинг оғзаки кўринишлари оммага қаратилган нутқ сифатида баҳоланади.

Омма олдида чиқиш зарурати сўзлашув ва китобий услублар оралиғида алоҳида бир оғзаки нутқни юзага келтиради ва бу нутқ нотиклик санъати талаблари асосида шаклланади. Ундан мавзу доирасидаги матннинг мазмун-моҳиятини тингловчига тўлалигича етказиш, улар орасидан энг муҳимларини таъкидлаш, тағмаъноларни очиб бериш, тингловчида эмоционал ҳис-туйғу уйғотиш каби мақсадлар кўзланади. Бу мақсадлар тилдаги бошқа

воситалар қаторида фоностилистик воситалардан ҳам фойдаланишни тақозо этади.

Бундай нутқ *омма олдида сўзланадиган нутқ* (публичная речь) тарзида номланади. Функционаллик нуктаи назаридан бу нутқнинг кўринишлари хилма-хил эканлигини инобатга оладиган бўлсак, унда иштирок этадиган ҳар бир тил элементининг лингвостилистик аҳамияти ҳам ғоятда муҳим эканлигини тушуниш қийин бўлмайди. Гарчи бу нутқнинг кўриниши *омма олдида сўзланадиган нутқ*нинг моҳиятини тўла акс эттира олмаса-да, уни ифодада енгиллик ва қисқалик бўлсин учун *оммавий нутқ* деб атайдилар.

Нотикларнинг тингловчига эмоционал таъсир ўтказиш учун қўллаган усуллари индивидуал мазмун касб этади. Чиқишнинг коммуникатив муваффақияти муайян жамиятнинг маданиятини ўзида ташувчи ва унинг тил рурсурсларидан самарали фойдаланувчи сўзловчи шахсига боғлиқ бўлиб қолади. Маҳорат маҳсули бўлган таъсирли нутқ бир қатор лингвистик ва экстралингвистик омилларни қамраб олади. Унда ўзбек нутқий маданияти қоидаларига амал қилиш талаб этилади ва экстралингвистик омиллар бу нутқнинг талаффуз меъёрларини белгилаб беради.

Бу талаб тилдан фойдаланувчилар томонидан ҳамма вақт ҳам бажарилавермайди. Камчилик баъзан нафақат оддий тил истеъмолчилари, ҳатто бошқалар учун эталон, намуна вазифасини бажариши мумкин бўлган айрим *оммавий* ахборот воситалари намояндалари – телерадио эшиттиришларини олиб борувчи ёки дикторлар нутқида ҳам кузатилади.

Оммавий нутқ шаклланишидаги айрим камчиликларнинг бўлишидан қатъи назар, мустақиллик даври ўзбек тили тараққиётида бу борада ижобий ўзгаришлар бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Халқимиз тил маданиятининг тобора юксалиб, айниқса, телерадио ва матбуот соҳасида фаолият кўрсатаётган журналист кадрлар малакасининг ошиб бораётганлиги, улар ўртасида турли даражада ташкил этилаётган танловлар ва беғараз рақобат бу ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Омма олдида сўзланадиган нутқ фақатгина *оммавий* ахборот узатиш доирасида чегараланмаслиги, аҳолининг турли қатламлари олдида турли мавзуларда чиқишлар қилиш зарурияти тилшунослар олдида фаолиятнинг бу тури методикасини ишлаб чиқиш, аудиторияни ҳисобга олган ҳолда унга материални етказиш ва таъсир ўтказиш ҳақида тавсиялар беришга эҳтиёж сезилмоқда.

Яна бир гап. Илмий манбаларда *фонетик услуб* атамаси мавжуд. Ҳар бир нутқий вазиятда фонетик воситаларнинг танланиши бу жараёнларнинг ўз восита ва усулларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади, албатта. Аммо уларни услуб даражасидаги ҳодисалар сифатида баҳолашдан кўра, функционал услублар доирасида экспрессивликни юзага келтирувчи *фонетик усуллар* сифатида қараш ва таҳлил этиш тўғри бўлади, деб ўйлаймиз. Чунки, ҳар бир функционал услубнинг ўз товуш қурилиши ва уларни қўллаш усуллари мавжуд. Фоностилистик кузатишлар доирасида қараладиган ритм, мелодика ва нутқ темпи сингари просодик элементлар миллий-хусусий аломатларга эга бўлган универсал стилистик восита сифатида алоҳида бир функционал услуб доирасида намоён бўлади.

Ана шу тамойиллардан келиб чиқиб, ўзбек тилида амал қиладиган ҳар бир функционал услубнинг оғзаки шаклларида фонетик воситаларнинг стилистик хусусиятлари ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқдир.

5.2. Илмий услуб ва фоностилистика

Илмий услуб ўзининг алоҳида лингвистик хусусиятларига эга ва у ўзбек тилида мустақил функционал услуб сифатида мавжуд [Уни ўзбек тилшунослигида биринчи бўлиб М.Мукаррамов монографик планда ўрганди, шу мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. *Қаранг:* Мукаррамов М. 1984]. Илмий услуб илмий матнлар услубидир. Илмий услуб тилнинг умумий қонуниятларига, хусусан адабий тил қоидаларига қатъий амал қилиб, ҳам нутқнинг илмий услуби, ҳам фан тили сифатида қаралади. Тилнинг ҳар бир функционал услубларида бўлгани сингари бу ерда ҳам лингвистик ва экстралингвистик омиллар иштирок этади ва улар яхлит бир илмий услубнинг шаклланишига асос бўлади.

Баёндаги *фикрий аниқлик, мантиқий изчиллик, объективлик, ихчамлик, қисқалик, китобийлик, мукамаллик, алоҳида вазият, индивидуаллик, қиёсийлик* кабилар илмий услубга хос бўлган асосий экстралингвистик аломатлар саналади ва улар илмий нутқда лингвистик омилларнинг, жумладан, фонетик омилларнинг иштирокини белгилайди.

Илмий услуб аслида нутқнинг китобий типига тегишли бўлса-да, маълум вазиятларда оғзаки тарзда намоён бўлиши туфайли бу

услугда шаклланадиган матнларни ҳам худди расмий услубдаги сингари ёзма ва оғзаки кўринишларга ажратиш тўғри бўлади. Турли характердаги илмий анжуманларда қилинадиган маърузалар ёзма матндан ажралмаган ҳолда баъзан оғзаки тарзда баён қилиниши мумкин.

Баён эса маърузачининг индивидуал услубига ва нотиклик маҳоратига боғлиқ тарзда амалга оширилади. Бинобарин, маъруза жараёнида сўзловчи ўз гапириш манерасига мос тарзда оҳангни ўзгартириб – пасайтириб ёки кўтариб туриши, энг муҳим ҳисобланган нуқталарни алоҳида таъкид оҳангида талаффуз этиши мумкин. Илмий нутққа монотонлик, стандартлик хос бўлиб, маъруза жиддий ва хотиржам тепмда қилиниши лозим. Масалан: *Кўп ҳужайралли тубан ўсимликларнинг вегетатив танаси бир хил ҳужайралардан, кўп ҳужайралли юксак ўсимликларнинг вегетатив танаси эса шакли ва бажарадиган вазифаси жиҳатидан турли хил ҳужайралар тўпламидан ташкил топган. Ҳужайрани тасвирлаш таърифи бир ярим асрдан кўпроқ, давр ичида ўсимликлар анатомияси XIX асрнинг охирларига келиб, кенг миқёсдаги фактик маълумотлар билан бойиди. Бу маълумотлар асосида ҳужайра назариясини бунёдга келишига замин тайёрланди.* (С.Мустафаев. Ботаника).

Унда кўтаринки оҳанг маъқул саналмайди. Адабий талаффуз меъёрларига қатъий амал қилиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам илмий услубни фонетик жиҳатдан бошқа услублардан фарқланиб турувчи ёрқин белгиларга эга деб бўлмайди.

5.3. Расмий услуб ва фоностилистика

Ҳозирги ўзбек адабий тилида расмий услубнинг қўлланиш кўлами Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилингандан кейин ва давлат мустақиллиги қўлга киритилгандан сўнг ғоятда кенгайди ва янгича мазмун касб этди [Ўзбек тилининг расмий услуби тилшунослигимизда илмий тадқиқот объекти бўлган. Д.Бобохонова томонидан «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг расмий-иш услуби» мавзусида номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган ва унда расмий ҳужжатларнинг ўзига хос ва умумуслубий хусусиятлари лексик-семантик, морфологик ва синтактик жиҳатдан таҳлил этилган. Қаранг: Бабаханова Д.А. 1987].

Халқаро доираларда олиб бориладиган дипломатик муносабатлар, давлатни бошқаришнинг замонавий усуллари,

ижтимоий-сиёсий ва гуманитар соҳаларда жаҳоннинг илғор андозалари ва технологияларининг мамлакатимиз ҳаёти ва халқ хўжалигига татбиқ этилиши, республикаимиз ҳудудидаги барча маъмурий идоралар ва корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда муомала воситаси сифатида ўзбек тилининг амал қилиши қонуний асосга қўйилиб, иш юритиш шу тилда олиб борилиши натижасида ўзбек тилини билишга ва ўрганишга бўлган талаб янада кучайди [Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги (14.12.2000 й. № 160-II) Қонунига биноан мамлакатимизда иш юритишнинг ягона давлат тизимини жорий этиш ҳуқуқий асосга қўйилди ва муайян тартибга келтирилди].

Баённинг аниқ, қисқа, раво, содда ва тушунарли бўлиши, матннинг маълум регламент, яъни тартиб ва қоидалар асосида шакллантирилиши бу услубга хос бўлган экстралингвистик белгилардир. Лингвистик воситалар ҳам ана шу омилларга мос тарзда танланади. Бинобарин, у ўзининг лексик-грамматик хусусиятларига эга ва бу хусусиятлар юқорида номи тилга олинган ишдан ташқари яна ушбу сатрлар муаллифи томонидан ҳам таҳлил этилган [Каримов С. 2010, -Б.12-29].

Илмий манбаларда асосий вазифаси ахборот узатиш бўлган ушбу услуб нутқнинг мутлақ ёзма шаклида амал қилиши айтилади. Шунга қарамасдан, айрим матнларга таянган ҳолда бу услубнинг фонетик хусусиятлари ҳақида ҳам гапириш мумкин бўлади.

Расмий услубга хос икки матннинг оғзаки шаклига эътиборимизни қаратамиз. Байрам характеридаги тантаналарда, тўй-томошаларда, юбилей ва туғилган кунларда сўзланадиган нутқлар талаффуз жиҳатдан юқори услубда амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг икки нутқи бошланишини таққослаб кўрайлик. Биринчиси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан: *Азиз ватандошлар! Хонимлар ва жаноблар! Ҳар йили Конституция кунини нишонлаш арафасида сиз, азизлар билан мана шу гўзал ва муҳташам «Ўзбекистон» анжуманлар саройида учрашиш яхши анъанага айланиб қолди. Шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллик байрами билан сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни самимий табриклаш, барчангизга чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишни юксак шараф, деб биламан.* Иккинчиси 2015 йил якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий

дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасидан: *Ҳурматли мажлис иштирокчилари! Вазирлар Маҳкамасининг бугунги кенгайтирилган мажлиси кун тартибига киритилган асосий масала – Ўзбекистоннинг ўтган 2015 йилдаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш якунларини муҳокама қилиш ва 2016 йил учун тараққиёт йўлимизнинг энг муҳим устувор йўналишларини аниқлаб олишдан иборат.*

Нутқий вазиятнинг бир-биридан тубдан фарқ қилиши, шубҳасиз, унинг ижросига ҳам босим ўтказиб туради. Биринчи ҳолатда залда тўпланганлар Ўзбекистон халқининг турли қатламларига мансуб бўлган жамоатчилик вакилларидан, чет эллик меҳмонлардан иборат. Ҳаммада байрам кайфияти. Бинобарин, сўз ва жумлалар ҳам, уларнинг талаффуз оҳанги ҳам шунга мос тарзда танланади. Мурожаатнинг энг тантавор усуллари қўлланилади: *Азиз ватандошлар! Хонимлар ва жаноблар!* каби. Сўзлар охиридаги *-лар* ва ундаги *а* унлиси алоҳида урғу билан талаффуз этилади. Ижро давомида кейинги жумла - *Ҳар йили Конституция кунини нишонлаш арафасида сиз, азизлар билан мана шу гўзал ва мухташам «Ўзбекистон» анжуманлар саройида учраиши яхши анъанага айланиб қолди* да товуш тепми бироз пасаяди. Қисқа пауза оралиғида асосий гапни айтишга тайёргарлик кўрилади. *Шу фурсатдан фойдаланиб, тингловчиларнинг эътибори кучайтирилади ва асосий фикр баёнига ўтилади: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллик байрами билан сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни самимий табриклаш, барчангизга чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишни юксак шараф, деб биламан ва бу ифода жараёнида 23 йиллик, сизларни, бутун халқимизни, самимий табриклаш, барчангизга чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиши* сингари сўз ва жумлалар алоҳида оҳанг билан талаффуз этилади, уларнинг таркибидаги айрим бўғинлар ва товушлар ўзига урғу олади ва бу сегмент ва суперсегмент воситалар нутқнинг тантанаворлиги ва баланд руҳини таъмин этади.

Иккинчи ҳолат биринчи ҳолатдан тубдан фарқ қилади. Бу анжуманда фақат расмий кишилар, жумладан ҳукумат ёки парламент аъзолари, вилоят ва шаҳар ҳокимлари иштирок этишади. Йиғилишнинг тантанали эмас, балки расмий тусда бўлиши тил бирликларининг ҳам шунга мос тарзда танланишини тақозо этади: *Ҳурматли мажлис иштирокчилари!* деб мурожаат қилинади,

диққат кун тартибига, унинг муҳим жиҳатига қаратилади, *асосий масала, яқунларини муҳокама қилиш, тараққиёт йўлимизнинг энг муҳим устувор йўналишлари* жумлаларига алоҳида урғу берилади. Аммо бу урғу расмий оҳангда бўлади.

Агар масалага талаффуз нуқтаи назаридан қаралса, биринчи парча юқори услубда, иккинчиси бетараф услубда ижро этилаётгани маълум бўлади ва уларда ҳар икки – расмий ва сўзлашув услубига хос бўлган лингвистик ва экстралингвистик омиллар уйғунлашгани кузатилади. Ўрни билан нутқ темпини секинлатиш ва баландлатиш, кичик паузаларни қўллаш, талаффузнинг адабий меъёрларига риоя қилиш каби матнда талаффузнинг тўлиқ услуби шаклланишига хизмат қиладиган просодик омиллар иштирок этаётгани англашилиб туради.

Масалан, ўзбек умуммиллий тили тизимида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигидан кейин шаклланган ҳарбийлар тили ўзининг муҳим лингвистик хусусиятларига эга ва булар орасида фонетик хусусиятлар алоҳида ажралиб туради. Ҳарбийлар мулоқотининг алоҳида тизим сифатида шаклланишида уларнинг турмуш тарзига мос бўлган экстралингвистик омиллар аҳамиятлидир. Аниқлик ва қатъийлик, қисқалик ва ихчамлик сингари экстралингвистик омиллар фақат ҳарбийларнинг ўзига хос бўлган алоҳида нутқ шаклини келтириб чиқаради.

Шу маънода ҳарбий фаолият жараёнида фаол қўлланиладиган буйруқлар (команда) услубини, уларнинг фонетик ва фоностилистик жиҳатларини кўздан кечириш ҳам аҳамиятлидир. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Саф низоми»даги айрим ҳолатларга эътибор қилайлик. Низомда қайд этилишича, *дастлабки* ва *дарров бажариладиган* командалар бўлади. Дастлабки буйруқ берилган вақтда сафдаги ҳарбий хизматчилар қаддини ростлаб туради, юриб кетаётганда эса шахдам қадам ташлай бошлайди, сафда бўлмаган вақтда бошлиқ томон юзланади ва қад ростлаб туради. Дарров бажариладиган команда бироздан кейин баланд овозда, узук ва аниқ берилади. Дарров бажариладиган команда берилгач, уни зудлик билан бекаму кўст ижро этишга киришилади. Масалан: «**Взвод –ТЎХТА**», «**Оддий аскар Умаров, орқа-ГА**» каби [Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Умуммиллий низомлари. 2004, -Б.394].

Тажрибамиздан шу нарса маълумки, командир буйруғининг бажарилиши, маълум маънода, унинг қандай берилишига ҳам боғлиқ ва бунда командир буйруғининг фонетик жиҳатдан тўғри

ташқил этилиши муҳим омил бўлади. Масалан, юқоридаги «**Взвод – ТЎХТА**» командасида *взвод* даги **о** чўзиб талаффуз этилади, ундан кейинги **д** товуши эса билинар-билинемас ҳолатга келади ва диққатни тортишга қаратилган пауза амалга оширилади. Шундай сўнг буйруқнинг асосий қисми – *тўхта* ижро этилади ва бунда урғу **ў** унлисига берилади. «**Оддий аскар Умаров, орқа-ГА**» командасида эса буйруқнинг *Оддий аскар Умаров* қисми бир зарб билан айтилади, кичик паузадан сўнг *орқага* сўзнинг *орқа* қисми юқоридан пастга қараб борувчи тонда талаффуз қилинади. Асосий куч сўзнинг *га* қисмига қаратилиб, кучли зарб билан айтилади ва командани ижро этишга даъват ана шу бўлақдан келиб чиқади. Аксарият команда-буйруқларда ана шу тартиб амал қилади ва у қатъият, даъват оттенкаси билан йўғрилган бўлади.

Расмий услуб доирасида қараладиган ҳарбий соҳага оид буйруқларда товушлар талаффузи ҳатто расмий услубнинг бошқа жанрларида юзага келадиган матнлардан тубдан фарқ қилади.

5.4. Публицистик услуб ва фоностилистика

Тилдан фойдаланишда ижтимоий фаолиятнинг публицистика соҳаси билан боғлиқ бўлган услуби юзага келиб, у ўзбек тили функционал услублари тизимида *публицистик услуб* номи билан жой олди [Ўзбек публицистикасининг тарихий илдизлари узок даврларга бориб тақалишига қарамадан, уни функционал услублардан бири сифатида махсус ўрганиш кейинги даврларга тўғри келди. Т.Қурбоновнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг публицистик стили» мавзусидаги номзодлик диссертациясида унинг лингвостилистик хусусиятлари тўғрисида илк бор илмий хулосалар баён қилинди. *Қаранг:* Курбанов Т.И. 1987; Ўзбек тилшунослигида бу тадқиқотгача ҳам В.В.Решетов, А.К.Боровков, М.Мирзаев, Ф.Абдуллаев, И.Расулов, А.Абдуназаров, Ғ.Каримов, К.Юсупов ва бошқаларнинг тадқиқотларида ушбу мавзуга алоқадор бўлган фикр-мулоҳазалар айтилган ёки унинг муайян бир жанрининг тил хусусиятлари ўрганилган эди. *Бу ҳақда қаранг:* Каримов С. 2010, -Б.53; Лекин уларнинг биронтаси ҳам публицистик услубга хос бўлган лингвистик ва экстралингвистик омилларни яхлит ва атрофлича таҳлил этиш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйилмади. Бу борада А.Абдусаидовнинг тадқиқотлари эътиборга молик. Унинг газета жанрининг тили ва услубини ўрганишга бағишланган номзодлик, докторлик

диссертациялари ва эълон қилинган алоҳида ишлари ўзбек тили стилистикаси тараққиётига сезиларли ҳисса бўлиб қўшилди. Бу ҳақда яна қаранг: Каримов С. 2010, -Б.53-54].

Нутқий коммуникациянинг бу услубидан ғоявий-сиёсий, ижтимоий-маданий муносабатларда фойдаланилади. Унда ахборот тор доирадаги мутахассисларга эмас, балки аҳолининг кенг қатламига мўлжалланган бўлади ва нафақат ақлга, балки ҳиссиётга ҳам таъсир кўрсатишга йўналтирилади. Публицистиканинг оммавий характеридан ва жуда тез таъсир қилишидан келиб чиқиб, тил материалидан фойдаланишда ғоятда эҳтиёткорлик талаб этилади.

Кейинги ўн йилликларда жамият тараққиётида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида ўзбек публицистикаси соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Тарғибот-ташвиқот ишларининг мазмун-моҳияти, бир томондан, янгидан шакллантирилган миллий ғоя ва мамлакатимизда амалга оширилётган туб ислохотлар, иккинчи томондан эса, жаҳонда рўй бераётган глобаллашув, ахборот узатиш ва қабул қилишдаги инқилоб, турли характердаги ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий ўзгаришларга боғлиқ равишда тубдан ўзгарди. Бинобарин, публицистика соҳасида тилдан фойдаланиш ҳам ўзига хос мазмун ва масъулият касб этди. Бу эса табиий равишда ўзбек тили публицистик услубининг янги қирралари намоён бўлишига олиб келди.

Мамлакатимизнинг бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаётини, ахборот технологиялари асридаги тараққиётни оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва вақтли матбуотсиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди. Мамлакатимиз ҳаётида, бутун дунёда рўй бераётган ҳар қандай долзарб муаммо: сиёсий, иқтисодий, маданий, тарбиявий, кундалик-маиший ва бошқа масалалар ана шу воситалар ёрдамида халққа тезлик билан етказиб берилмоқда, айни пайтда, жамиятнинг маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий юксалишига қаратилган улкан тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳам асосан ана шу воситалар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбек публицистикаси жанрлари кўламининг янада кенгайганлиги уларнинг лингвистик хусусиятларини бундан кейин ҳам чуқур ўрганишни тақозо этмоқда. Зеро, публицистик услуб лексик-грамматик, стилистик хусусиятлари баробарида, ўзининг фоностилистик хусусиятларига

ҳам эга ва бу унинг, айниқса, оммавий ахборот воситалари йўналишида яққол намоён бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилида публицистик услубнинг ўзигагина хос бўлган фонетик хусусиятлар йўқ. Публицистик жанрларга оид материалларнинг баъзан оғзаки шаклда ифодаланиши бу услубда алоҳида фонетик хусусиятлар борлигини англамайди. Оғзаки публицистик нутқда адабий тилнинг орфографик меъёрларига қатъий риоя қилиш талаб этилади. Шунинг учун тадқиқотчилар уларга алоҳида тўхталиб ўтиришга зарурат сезишмаган. Аммо фонетик воситалар публицистик жанрлар табиатидан, экспрессивликка бўлган заруриятдан келиб чиқиб, муайян стилистик вазифаларни бажаришга йўналтирилади.

Масалан, матбуот йўналишини олайлик. Уларнинг экспрессивлик имкониятларини газета сарлавҳаларида кузатганмиз: «**Тарбия** ва **таътил**», «**Ҳечдан кўра кеч**», «**Кутурган қушча**»нинг *томошаси*», «**Келгинди келин**»да *ажиб тарона*», «**Шоу-шингил...**», «**Ноаниқликка аниқлик**», «**Шамни ўчирган Шаляпин**», «**Тўқол хотиннинг тўқмоғи**» ва бошқалар.

Публицистик услубнинг кўринишлари тарзида телерадио эшиттиришлари, даврий нашрлар, электрон ахборот тизими услублари қаралади. Публицистикага оид материаллар соф публицистик (репортажлар, обзорлар), абадий-бадий (очерк, фельетон), расмий (ахборот) характерда бўлади. Бу ўринда бизни, мавзу эътибори билан телерадио эшиттиришлари қизиқтиради.

ОАВларининг таркибий қисми саналадиган радиоэшиттиришларнинг тили ва услубини белгиловчи ва уларнинг яхлит тизим сифатида шаклланишига хизмат қиладиган тилдан ташқаридаги омиллар мавжуд [Интернетдан олинган бир манбада радиоэшиттиришлар мисолида публицистик услубнинг кўринишлари сифатида *ахборот, хужжатли-бадий ва аралаш (синтетик)* жанрлар келтирилган ва қуйидагича таснифланган: *Ахборот жанрлари*: ахборот (хабар), радиоҳисобот, ради шарх, радиоинтервью, радиорепортаж, радиокорреспонденция; таҳлилий жанрлар: таҳлилий радиоинтервью, таҳлилий радиорепортаж, таҳлилий радиокорреспонденция, радиотақриз, ради шарх, радиобаҳс, радионутқ; *хужжатли-бадий жанрлар*: радиокомпозиция, радиоочерк, радиоманзара, радифельетон кабилар. Эфирда эшитилиш шакллари эса қуйидагилар: монологик жанрлар: радиобаҳс, радиотақриз, радиообзор, радиоҳисобот, ради шарх, радиосуҳбат, радионутқ, радиоманзара; диалогик

жанрлар: радиосухбат, радиоинтервью, радиобаҳс; *аралаш (синтетик) жанрлар*: радиотақриз, радиообзор, радиоҳисобот, радиокомпозиция, радио корреспонденция, радиорепортаж, радиоманзара, радиоочерк, радиофельетон каби. Қаранг: <http://majesticarticles.ru/naukaioobrazovanie/obrazovanie/pre>].

Радио тили ўзига хос экстралингвистик хусусиятлари билан ажралиб турса ҳам, тилдан фойдаланишнинг умумий қонуниятларига бўйсунди. Бу ҳақда гап кетганда, товуш таъсирига юқори баҳо бериш, уни биринчи ўринга қўйиш каби ҳолатлар кузатилади. Бунга радио тили оғзаки адабий тилнинг барча ранг-барангликларини ўзида акс эттириши, тингловчига таъсир кўрсатувчи воситалардан максимал даражада фойдаланишга интилиш сабаб бўлади. Тўғри, радио тилида сўзлашув нутқига хос бўлган талаффуз, соддалик, ғайриодатийлик, эмоционаллик, фразеологик бирликлар, идиомалар, мақол ва маталларни қўллаш, инверсия, қисқалик, равонлик кабилар ҳам ўз ифодасини топиши мумкин. Бироқ сўзлашув нутқидан фойдаланишга радио тилида фақатгина маълум бир чегарада – бадий, адабий-драматик эшиттиришларда, жонли мулоқотда йўл қўйилади. Бошқа ҳолатларда бу каби фойдаланиш радионинг обрўсига салбий таъсир кўрсатади. Барча ОАВларида бўлгани сингари бу ерда ҳам ғоялар ташувчи, тушунча ва ҳис-туйғуни аниқ ифода этувчи сўз асосий элемент бўлиб қолади. Материалнинг тингловчига етиб бориши фақат сўзнинг кучи билан бўлади. Бунда тилни билиш ва нотиклик санъати биринчи планга чиқади. Овознинг ёқимлилиги, тембр, равон нутқ радиоэшиттиришнинг муҳим омили, диктор эса асосий фигура бўлиб қолади. Радиоэшиттиришларни адабий тилда олиб бориш унинг биринчи шартидир.

Ўзбекистон телевидениеси эшиттиришлари кўлами ахборот, телешарҳ, телеинтервью, телерепортаж, таҳлилнома, телебаҳс, телекўприк ва турли характердаги адабий-бадий жанрлар ҳисобига тобора кенгайиб бормоқда. Рекламалар эса ОАВ тизимида янгилик сифатида кириб келди.

Бу омиллар билан биргаликда телевидение жанрларининг табиатига мос равишда овоз эгалари ҳам танланади, албатта. Масалан, «Таҳлилнома», «Ахборот», «Давр», «Ҳудуд» каби дастурлар расмий эшиттиришлар бўлганлиги сабабли, улар учун расмий ва жиддий оҳанг танланиши лозим бўлади. Ахборотнинг сифати, даражаси ва характериға боғлиқ равишда ўзига хос овоз тони («образи») шаклланади. Масалан, ижобий ахборотларда тон

нисбатан юқорилашади, аксинча, салбий (негатив) ахборотларни (айтайлик, бахтсиз ҳодисалар ёки кишиларнинг вафоти билан боғлиқ хабарлар) беришда овоз тезлиги ва тембри пасаяди.

Шундан келиб чиқиб, эшиттиришни олиб борувчининг овозига жуда катта эмоционал вазифа юкланади. Расмий хабарлар, масалан, давлат телевидениеси ахборот дастурларини олиб бориш, Президент фармонлари, табриклари, хорижий давлат раҳбарларининг турли байрамлар муносабати билан мамлакатимиз раҳбарига йўллаган табрик телеграммалари, ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳужжатларни ўқиш вазифаси етакчи дикторларга юклатилишининг сабаби ҳам ана шунда.

Англашиладики, радио ва телевидениеда тил воситаларидан фойдаланишда яхлитлик ва ўзига хос стилистик тизим мавжуд ҳамда улар «радио тили» ёки «телевидение тили» деган тушунчалар атрофида бирлашади. Ахборот индустриясининг ўзига хос фондини ташкил этадиган радио ва телевидение нутқи ҳамisha бошқа ОАВ журналистлари учун намуна, халқимизнинг маънавий-маърифий, ахлоқий-маданий савияси ва саводхонлигини оширишда ўрнатқчи бўлиб қолаверади.

5.5. Бадиий услуб ва фоностилистика

Лингвистик ва экстралингвистик омиллар яхлитлиги ҳамда уларнинг муҳим бир вазифага – бадиий-эстетик вазифани бажаришга қаратилган бўлиши бадиий услубни тилдаги бошқа функционал услублардан фарқловчи белгилардир [Бу ҳақда қаранг: Каримов С.1994; Каримов С.А. 1992; Каримов С. 1992; Каримов С. 1994].

Асарнинг бадиий-эстетик мукамаллигига бевосита хизмат қиладиган ва уни товуш жиҳатдан ташкил этадиган ритм, аллитерация, товушга тақлид қилиш, рифма, ассонанс, ономотопея каби фоностилистик ҳодисалар ишнинг «Фоника ва фоностилистика» бобида кўриб чиқилгани боис, уларга яна тўхталиб ўтирилмади.

Ушбу бобда асосий эътибор бадиий асарлар матнида фонетик ҳодисалар туфайли юзага келган стилистик оттенкаларга қаратилди. Адабий матнлар поэтикаси учун аҳамиятли бўлган товушлар стилистик-статистик планда таҳлил қилинди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги фонетик ҳодисалар, яъни тилнинг орфоэпик меъёрлари нуқтаи назаридан бўладиган нутқий

Ўзгаришлар бадий услуб учун аҳамиятли эмас. Поэтик ҳамда тарихий мавзуларда ёзилган прозаик асарлар тилида учрайдиган айрим фонетик ўзгаришларгина бадий матнда стилистик мазмун касб этади. Масалан:

- поэтик асарларда баъзан сўз бошида ёки ўртасида унли товуш тушириб қолдирилади: *бўлмоқ – ўлмоқ, сўрамоқ – сўрмоқ: Ёрнинг ваши эмас озорсиз, / Гулшан ичра гул топилмас хорсиз. / Нодира аҳволидин оғоҳ ўлунг, / Эй мусоҳибларки, қолмиш ёрсиз (Нодира). Пишиқлабди ўглини... Ҳай, ҳай... Совчи бормай, ризолик сўрмай...* (М.Али). Аммо бу ўзгаришни тилимиздаги прокопа ёки синкопа ҳодисаси билан тенглаштириб бўлмайди. *Бўлмоқ* сўзидаги **б**, *сўрамоқ* сўзидаги **а** унлиси аниқ бир мақсадни кўзлаб, поэтик талаб билан тушириб қолдирилган. Бундай қўлланиш шеърий талаблар, эмоционаллик, тарихийлик кабилар билан боғлиқ;

-баъзи сўзларда сўзнинг охириги товуши тушириб қолдирилади ва бу ўзидан кейинги сўз талаффузи билан боғлиқ ҳолда кечади: - *Худоба топширдим, Кумуш, яхши қолинг, қуда! -Яхши боринг, був Офтоб!* (А.Қодирий). Аммо бу муҳим эмас. Муҳими - матнда товушнинг тушириб қолдирилганлигининг услубга келиб боғланишида. Сўзда **и** унлиси тушириб қолдирилмасдан, -*Яхши боринг, буви Офтоб!* дейилганда эди, қудағайлар ўртасидаги яқинлик, самимийлик эмас, аксинча, расмийлик, зўрама-зўраки муносабат оттенкаси ифодаланган бўларди;

- сўз ўртасидаги ундош товуш орттириб талаффуз қилинади: *шабада – шаббода: Апрель. Олмаота. Тонготар. Жимлик. / Бир енгил шаббода оқади равон* (У.Азим). Образли ифода билан боғлиқ бу тахлит қўлланиш ҳозирги ўзбек адабий тилидаги айрим ундошларнинг қўшалок келиши – геминация ҳодисасидан матний характери билан фарқ қилади. -*Келинг, Гулшан! – деди ойим, - ўлтиринг, ваалайкум ассалом!* (А.Қодирий) гапидаги *ўтирмоқ – ўлтирмоқ* қўлланишида ҳам тарихийлик, ҳам экспрессивлик билан боғлиқ бўлган услуб бор;

-сўз охирида **и** унлисининг **у** тарзида талаффуз қилиниши бадий услубга хос бўлиб, жарангдорлик, тантанали оҳанг учун хизмат қилади: *Қоронгу бу кечада сассиз / Ким ўйнайди уни дастида?* (У.Азим);

-сўз ўртасида **з** товушининг **й** га ўтиши ҳам шундай: *сўзламоқ – сўйламоқ: Тасаллилар сўйладинг карахт* (У.Азим) каби. Шеъриятда сўзнинг бу шаклда қўлланиши уйғунлик ва оҳангдорлик кўзда тутилиб амалга оширилган иш сифатида

баҳоланади. Қ.Маҳмудов ҳам [з>й] ходисасининг тилимиз тарихида мавжуд бўлганлигини қайд этган [Маҳмудов Қ. 2006, - Б.63];

-тилда маълум бирликнинг фонетик ўзгаришга учрамаган ва учраган *сўроқ-сўроғ, тупроқ-тупроғ, янгроқ-янгроғ, чироқ-чироғ-чароғ, япроқ-япроғ, юмшоқ-юмшоғ, ушшоқ-ушшоғ, тойчоқ-тойчоғ, кўзичоқ-кўзичоғ* сингари вариантлари баравар қўлланилаверса-да, бу қўлланишда услубий фарқлар бор. Сўзларнинг биринчи шакли услубий жиҳатдан бетараф бўлса, иккинчисида – **қ** нинг **ғ** га ўтишида бадий услубга хосланиш юз берган. Уни мумкин қадар мулойим, юмшоқ талаффуз қилиш, жарангдор товуш билан алмаштириш эҳтиёжи туғдирган. Бу каби фонетик ўзгаришлар вақт ўтиши билан поэзияда меъёрлашган;

-бадий нутқда **а**→**о**, **о**→**а** алмашинуви натижасида *ошно, талош, ямон, яро, қаро* сингари вариантларнинг пайдо бўлганлиги ҳам поэтик жиҳатдан ўзини оқлайди: *Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдим санга; Агарчи йўқтурур дурлуқ талоши; Боши яросига боғлади руст; Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?* (Навоий). *Дилраболардин ямонлиқ келди маҳзун кўнглума* (Бобур) сингари [Бундай фонетик қиёфага кирган сўзларнинг ишлатилишини Э.Бегматов поэтик анъананинг таъсири деб изоҳлайди. *Қаранг: Ўзбек тили лексикологияси*, 1981, -Б.189]. Бу каби фонетик ўзгаришлар тарихий характерга эга бўлиб, улар вазн ва қофия ҳамда жарангдорлик ва тантанаворлик талаблари асосида содир бўлади [Гарчи уларнинг қўлланилиши адабий орфоэпик ва орфографик ўлчовларга мос келмайди деб ҳисобланса-да, бу бирликлар аллақачон бадий услуб орқали стилистик меъёр доирасига кирган. *Бу ҳақда яна қаранг: Тожиев Ё* ва бошқ. 1994, - Б.98-114. Каримов С. 2002, -Б.80-92,191,200];

-диалектал фонетик ходисалар нутқда маҳаллий колоритни сақлайди: *Яшин акамлар ҳам шўтталар* (О.Ёқубов); субъектив баҳони ифодалайди: *Ҳалима она мени кўриб: «Опангизнинг юбилейига келдингизми, вой, айнаниб кетай сиздан! – деб елкамга қоқиб қўйдилар* (О.Ёқубов); бадий-эстетик вазифа бажаради: *...ука кечирасиз, сиз билан гап сотиб ўтиришига «пурсатим йў» десалар нима қиламан?* (О.Ёқубов) каби;

-товушлар талаффузидаги ўзгаришлар қўшимча маъно ифодалашга йўналтирилади: – *Жим ёт, тухуминг қуригурр!* (Ў.Усмонов). Гапдаги **р** товушининг чўзилиши сўзловчи кайфиятининг ёмон эканлигига ишора қилади.

Бадиий матнлардаги товушлар ўзгаришига функционал-стилистик нуқтаи назардан қаралганда, улар асосан шеърят доирасида ўзларининг эмоционал-экспрессив имкониятиларини кўпроқ намоён этиши кузатилади. Демак, шеърый асар архитектуроникаси ундаги товушлар уйғунлиги, ҳамоҳанглиги ва жарангдорлиги асосига қурилганда мазмуннинг тингловчи ёки ўқувчига тўлиқ етиб бориши, унинг ўқилиш жараёнида тингловчига эстетик завқ бериш имконияти кўпроқ бўлади.

Товушлардаги бу хусусиятларни ўрганаётган тадқиқотчилар турли тадқиқот методларидан фойдаланмоқдалар. Бунинг натижасида кейинги йилларда матн лингвистикасини ўрганишга лингвостатистик ва лексикографик методлар ҳам кириб келмоқда [Сапарова К. 2004, 2-сон., -Б.29].

Масалан, М.Ҳакимов ва В.Жабборовлар «Поэтик нутқда товушларнинг хосланишига доир» номли мақоласида нутқни, жумладан поэтик нутқни ташкил этишдаги товушларнинг хосланишини статистик методга таянган ҳолда таҳлил этган [Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, №4].

Э.Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидаси кузатиш объекти қилиб олиниб, 400 та унли, 600 та ундош товушнинг статистикаси ўрганилган. Жумладан, *а* нинг 128, *и* нинг 119 марта қўлланилганлиги, бинобарин қасида матнида бу унлиларнинг устуворлик қилишини аниқлаган муаллифлар ушбу товушларни соф поэтик товушлар деб аташга асос бўладими, деган саволни ўртага қўяди. Аммо уларнинг асосан қўшимчалар шаклидаги морфологик компонентлар таркибида иштирок этганлиги муаллифларни қуйидаги хулосага олиб келади: «*а* ва *и* унлиларининг қасида товуш тузилишида частота жиҳатдан ўта ортиқлиги уларнинг поэтик нутққа хосланган «асосий поэтик товуш» мақомини олишлари учун «даъво» қилишларига асос бўла олмайди. Улар, таъбир жоиз бўлса, поэтик нутқда асосан «қора иш» - синтактик алоқа учун хизмат қилади» [Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, №4, -Б.79].

Мақола муаллифларининг мана бу фикрлари ҳам ўзбекча матнларнинг фоностилистик хусусиятларини ўрганиш учун муҳим ҳисобланади: «Статистик таҳлил натижасига кўра юқоридаги унлилардан сўнг даврийлиги тегишлича 73, 68, 62, 49, 49 тани ташкил қилган *р*, *н*, *л*, *м* ундошлари ва *о* унлисини ҳақли

равишда поэтик товушлар деб ҳисоблаш мумкин» [Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, №4, -Б.80]. Мақола муаллифлари шу тарзда олиб борган таҳлиллар натижасида *д, у* товушларининг ҳам поэтик нутққа хосланганлигини; *қ, ғ, нг, в, ч, ҳ, х, ф, ж, п* товушлари частотасининг нисбатан кам эканлигини; *а, и* унлилари, *т, б, с, й, к, ў, ш, з, э, г* товушларининг умумнутқ товушлари ҳисобланишини исботлаб беришганки, бу фикрлар ҳам товушларнинг поэтик услубдаги рамзий характериани белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

И.Б.Голуб ҳам товушлардаги эстетик хусусиятларнинг намоён бўлишини статистик методлар билан таҳлил этишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритиб, «Асарнинг товуш тузилиши фонетик таҳлилида аниқликнинг идеал шароити матндаги унли ва ундош товушларнинг умумий миқдоридан бизни қизиқтирадиган товушларнинг фоизини аниқлаш ҳамда олинган натижаларни ўртача статистик рақамлар билан солиштириш бўлиб ҳисобланади», деган эди [Голуб И.Б. 1986, -С.263].

Шунинг учун Ш.Рустамова билан биргаликда статистик метод асосида олиб борилган кичик бир кузатишда Муҳаммад Алининг шеърий асарлари мисолида поэтик матнлар учун хос бўлган айрим фонетик хусусиятлар тўғрисида мулоҳаза юритишга уриниб кўрдик. Бунинг учун шоирнинг «Сайланма» шеърий тўпламига киритилган кичик шеърий асарлари таҳлил объекти қилиб олинди. Ихтиёрий-тасодифий равишда, ҳажм жиҳатдан бир-бирига бирмунча яқин бўлган ва «Сайланма»нинг 11,46,80,82,102-бетларидаги шеърлар танланди ва уларнинг электрон матнларидан фойдаланилди.

Бу шеърий матнларда 248 та ўзак сўз 279 та сўзшакл тарзида 348 марта қўлланган бўлиб 5 мартадан 1 мартагача учрайди. Уларнинг ҳар бир алоҳида матндаги қўлланиш частотасини қуйидаги жадвал орқали кўрсатиш мумкин:

«Сайланма» саҳифалари	11	46	80	82	102	жами
сўзшакллар	51	43	80	59	62	295
қўлланиш частотаси	62	63	89	64	70	348

Ушбу матнлардаги шеър архитектуроникасини ташкил этувчи товушлар частотаси қуйидагича:

т/р	алфавит	частота	«Сайланма» саҳифалари				
			<i>11</i>	<i>46</i>	<i>80</i>	<i>82</i>	<i>102</i>
1	А	305	57	50	82	56	60
2	И	216	24	47	58	36	51
3	О	158	35	29	43	18	33
4	Л	139	25	33	36	18	27
5	Н	124	15	24	44	19	22
6	Р	115	22	19	25	13	36
7	Д	86	22	13	20	18	13
8	Й	80	15	10	19	18	18
9	М	78	10	17	30	16	5
10	У	72	17	7	16	18	14
11	Б	68	12	10	15	13	18
12	С	64	9	14	22	11	8
13	Т	59	7	9	19	10	14
14	Ш	52	17	10	13	6	6
15	Қ	50	8	9	12	13	8
16	Г	47	3	10	16	9	9
17	К	43	3	3	8	18	11
18	В	38	15	7	4	6	6
19	Ў	34	6	8	9	5	6
20	НГ	31	2	12	9	1	7
21	Е	30	2	7	7	6	8
22	Ғ	27	10	1	4	4	8
23	З	25	2	1	4	7	11
24	Ҳ	22	5	2	7	2	6
25	Ж	20	2	5	7	3	3
26	Ч	20	3	4	3	4	6
27	Э	12	3	-	1	4	4
28	Х	11	2	2	5	1	1
29	П	10	2	-	4	1	3
30	Ф	7	-	-	3	2	2
Жами=2043			355	363	545	356	424

Жадвалдан англашиладики, асосий рақамларни ташкил этадиган, 70 ва 300 оралиғида бўлган биринчи ўнликдаги товушлар А, И, О, Л, Н, Р, Д, Ў, М, У бўлиб, умумий 2043 марта фойдаланилган товушларнинг 62,2 фоизини (1373 та) ташкил этади.

Матнда товушлар иштирокини яна ҳам ёрқинроқ тасаввур этиш мақсадида уларни унли ва ундошларга ажратган ҳолда кўздан кечирамиз:

«Сайланма»нинг саҳифалари					
т/р	11	46	80	82	102
<i>Унли товушлар</i>					
1.	А 57	А 50	А 82	А 56	А 60
2.	О 35	И 47	И 58	И 36	И 51
3.	И 24	О 29	О 43	О 18	О 33
4.	У 17	Ў 8	У 16	У 18	У 14
5.	Ў 6	У 7	Ў 9	Е 6/Э 4	Е 8/Э 4
6.	Э 3/Е 2	Е 7	Е 7/Э 1	Ў 5	Ў 6
827	144	148	216	143	176
<i>Ундош товушлар</i>					
<i>Жаранглилар</i>					
1	Л 25	Н 24	Н 44	Н 19	Р 36
2	Д 22	Л 33	Л 36	Д 18	Н 22
3	Р 22	Г 10	М 30	Й 18	Л 27
4	Н 15	Р 19	Г 16	Л 18	Б 18
5	Й 15	М 17	Р 25	М 16	Й 18
6	В 15	НГ12	Д 20	Р 13	Г 9
7	Б 12	Д 13	Й 19	Б 13	Д 13
8	М 10	Б 10	Б 15	Г 9	З 11
9	Ғ 10	Й10	НГ9	З 7	Ғ 8
10	Г 3	В 7	Ж 7	В 6	В 6
11	Ж 2	Ж 5	В 4	Ғ 4	НГ7
12	З 2	Ғ 1	З 4	Ж 3	М 5
13	НГ2	З 1	Ғ 4	НГ1	Ж 3
878	155	162	233	145	183
<i>Жарангсизлар</i>					
1	Ш 17	С 14	С 22	К 18	Т 14
2	С 9	Ш10	Т 19	Қ 13	К 11
3	Қ 8	Т 9	Ш13	С 11	С 8
4	Т 7	Қ 9	Қ 12	Т 10	Қ 8

5	Ҳ 5	Ҷ 4	К 8	Ш 6	Ч 6
6	Ч 3	К 3	Ҳ7	Ч 4	Ш6
7	К 3	Х 2	Х 5	Ф 2	Ҳ6
8	Х 2	Ҳ 2	П 4	Ҳ 2	П 3
9	П 2	-	Ч 3	Х 1	Ф 2
10	-	-	Ф 3	П 1	Х 1
338	56	53	96	68	65
2043	355	363	545	356	424

Уларнинг умумлашган рақами ва фоизи куйидагича:

	частотаси	фоизи	частотаси	фоизи	частотаси	фоизи	частотаси	фоизи	частотаси	фоизи	частотаси	фоизи
унлилар	144	40,5	148	40,7	216	39,6	143	40,2	176	41,5	827	40,5
жарангли	155	43,5	162	44,7	233	42,8	145	40,7	183	43,2	878	43,0
жарангсиз	56	16,0	53	14,6	96	17,6	68	19,1	65	15,3	338	16,5
жами/фоиз	355	100	363	100	545	100	356	100	424	100	2043	100

Юқоридаги жадваллардан товушларнинг шеърий матнларга хосланганлиги ҳақида хулоса чиқариш учун улар насрий матнлар билан ҳам қиёсланиши зарур. Шунга қарамасдан, бу қисқа таҳлилларнинг ўзиёқ ўзбек нутқида, жумладан бадий нутқда товушларнинг қўлланиш частотаси хусусида айрим хулосаларни чиқариш мумкин бўлади.

Масалан, унлилар жами товушларнинг 40 фоизидан ортиғини ташкил этмоқда. Ҳар беш матнда ҳам фоизлар кўрсаткичи бири-бирига яқин эканлиги инobatга олинса, бу кўрсаткичнинг барча бадий матнларда ҳам меъерий эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлади. Аммо улар орасида *а, о, и* унлилари ғоят катта кўрсаткични ташкил этиб, умумий унлилар фондининг деярли 81 фоизини ташкил этади. Қолган 19 фоиз эса *у,ў,э(е)* унлиларининг чекига тўғри келади.

М.Ҳақимов ва В. Жабборовлар юқорида номи тилга олинган мақоласида «дастлабки ҳисоб-китобларга кўра *а* ва *и* унлиларининг поэтик нутқ матнида сон жиҳатдан устуворлик қилиши бир қарашда уларни соф поэтик товушлар деб ҳисоблашга олиб келади. Чунончи, агар *а* ва *и* унлилари соф поэтик товушлар бўлса, у ҳолда нима учун шеърий нутқнинг кўп ўринларида, айниқса, қофия

таркибида *a* унлиси *o* га, *u* унлиси *y* га алмаштирилади?», деган саволни қўяди [Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, №4, -Б.79].

Ҳарқалай уларнинг поэтик нутқда фаол эканлигини яна бир сабаб билан изоҳлаш мумкин. Бу изоҳ ўзбек тилида урғунинг қўлланиш қонуниятлари билан боғлиқдир. Ўзбек тилида урғу одатда сўзнинг охирги бўғинига тушади. Шеъринг матнлар ўқилганида эса буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Масалан, 91 марта қўлланган 74 та сўзшаклда *a* унлиси, 104 марта қўлланган 93 сўзшаклда *u* унлиси, 55 марта қўлланган 44 сўзшаклда *o* унлиси охирги бўғинлар таркибида келган ва улар оҳангдорликнинг таъмин этилишига, бинобарин, поэтик мақсадга хизмат қилган. *У* унлиси эса 28 марта қўлланган 17 сўзшаклда охирги бўғинда келган. Улар мана бу охирги бўғинда бироз чўзилиб талаффуз этиладиган *беуйқу, дўсту, гув-гув, жабру, ҳовли-йу, ҳув, қайғу, мангу, сезару, сулув, учқур, шов-шув* каби бирликларда поэтик вазифани бажаришга йўналтирилган бўлиши мумкин. Аммо охирги бўғинда келаётган бўлса ҳам *зулм, кун, турмуш* сўзларидаги *у* унлисининг вазифаси ҳақида бу гапни айтиб бўлмайди.

Дарқақиқат, маълум товушларнинг матнда фаол учраши бошқа масалаю, уларнинг нутқий хосланиши бошқа масала. Ана шунинг учун ҳам бадиий нутқни функционал услубларнинг бошқа кўринишларида, масалан, илмий ва расмий услубларда шаклланадиган нутқ матнлари билан баравар қўйиб бўлмайди. Айни пайтда эса, *a, o, u* унлиларининг қўлланиш частотаси поэтик матнларда юқори эканлигидан кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам улар жадвалдаги биринчи ўнликдан мустаҳам ўрин олиб турибди.

Жадвалдаги биринчи ўнлик таркибидаги товушлар орасида сонорлар етакчилик қилади.

товушлар	жами	«Сайланма»нинг саҳифалари				
		11	46	80	82	102
Л	139	25	33	36	18	27
Н	124	15	24	44	19	22
Р	115	22	19	25	13	36
М	78	10	17	30	16	5
жами	456	72	93	135	66	90

Аммо *нг* товуши ҳақида бу гапни айтиб бўлмайди. Унинг қўлланиш частотаси қуйидагича:

товуш	жами	«Сайланма»нинг саҳифалари				
		<i>11</i>	<i>46</i>	<i>80</i>	<i>82</i>	<i>102</i>
НГ	31	2	12	9	1	7

Биринчи ўнликдаги жарангли товушлар частотаси *д, й* товушларининг ҳам қўлланиш даражаси юқори эканлигидан далолат беради.

товушлар	жами	«Сайланма»нинг саҳифалари				
		<i>11</i>	<i>46</i>	<i>80</i>	<i>82</i>	<i>102</i>
Д	86	22	13	20	18	13
Й	80	15	10	19	18	18
жами	166	37	23	39	36	31

Матнда қўлланган жами товушларнинг 43 фоизини ташкил этадиган жарангли ундошларнинг кейинги рўйхатида иккинчи ўнликдаги *б, г, в* ундошлари туради.

товушлар	жами	«Сайланма»нинг саҳифалари				
		<i>11</i>	<i>46</i>	<i>80</i>	<i>82</i>	<i>102</i>
Б	68	12	10	15	13	18
Г	47	3	10	16	9	9
В	38	15	7	4	6	6
жами	153	30	27	35	28	33

Ғ, з, ж товушларининг учинчи ўнликдан ўрин эгаллаши, уларнинг нафақат шеърӣ матнларда, балки умуман ўзбек тилида қўлланиш частотасининг юқори эмаслигидан далолат беради.

товушлар	жами	«Сайланма»нинг саҳифалари				
		<i>11</i>	<i>46</i>	<i>80</i>	<i>82</i>	<i>102</i>
Ғ	27	10	1	4	4	8
З	25	2	1	4	7	11
Ж	20	2	5	7	3	3
жами	72	14	7	15	14	22

Биринчи ўнликда жарангсиз товушларнинг йўқлиги уларнинг ўзбек тилида, жумладан, бадий матнларда пассив позицияда эканлигини кўрсатади. Иккинчи ўнликда *с, т, ш, қ, к* ундошлари жойлашган, учинчи ўнликни эса *ҳ, ч, х, н, ф* жарангсиз ундошлари ишғол қилган ва жами товушлар миқдорининг 16,5 фоизи уларнинг чекига тўғри келади:

товушлар	жами	«Сайланма»нинг саҳифалари				
		11	46	80	82	102
С	64	9	14	22	11	8
Т	59	7	9	19	10	14
Ш	52	17	10	13	6	6
Қ	50	8	9	12	13	8
К	43	3	3	8	18	11
Ҳ	22	5	2	7	2	6
Ч	20	3	4	3	4	6
Х	11	2	2	5	1	1
П	10	2	-	4	1	3
Ф	7	-	-	3	2	2
жами	338	56	53	96	68	65

Ушбу кузатишларимиз орқали бир ижодкор асарлари матнидан олинган бор-йўғи 5 тагина кичик шеърий парчалар орқали поэтик матнларда қўлланган товушлар частотасини аниқлашга муваффақ бўлдик.

Иккинчи бир жиддий масала турибди. Улар орасида қайси бир товушга поэтик матнлар учун хосланган элемент сифатида қараш мумкин. Изчил давом эттирилган кузатишлар бу саволга ҳам, албатта, ижобий жавоб беради. Барча поэтик матнлар учун хосланган товушларни аниқлаш жараёнида масаланинг бир жиҳатига – шоирнинг маълум бир асарда муайян бир товушга алоҳида вазифа юклаб қолиши ҳам мумкинлигини эътиборимиздан четда қолдирмасак бўлди.

Масалан, М.Алининг юқорида олинган 545 дан 355 тагача товушлар қўлланган шеърий парчалар орасида 11-саҳифадаги парча нисбатан энг кам товуш қўлланган шеърдир. Аммо унда умумий товушлар тизимида 14-ўринда турган жарангсиз Ш товуши бошқа саҳифалардагига нисбатан анча юқори қўлланган:

товушлар	жами	«Сайланма»нинг саҳифалари				
		11	46	80	82	102
Ш	52	17	10	13	6	6

Бунинг сабабини аниқлаш учун матнни тўлиқ келтирамиз ва ундаги *ш* иштирок этган сўзларни белгилаймиз ва бу сўзларни алоҳида эътибор билан ўқиймиз:

*Том бошида ёйилган хирмон,
Дон шопирар бугдойранг аёл,
Гоҳ кўзлари бўлиб нигорон*

Йироқлардан чорлайди шамол.
 Ғув-ғув эсиб қолар шабада,
 Дон қуйилар галвирдан шов-шув.
 Пастда эса, мўъжаз кулбада
 Ўзилчаси ётар беуйқу.
 Хув нарида, тоғлар бошида
 Куйлаб ётар шалола шов-шув
 Ва аёлнинг шундоқ қошида
 Сирғанади шабада ғув-ғув...
 Дон шовулар, шовулар хаёл,
 Мавжудот ҳам қайтарар садо.
 Эсишни ҳеч қўймас шамол,
 Галвирда ҳам дон бўлмас адо...

Бу ўқишдан матнда инсон ҳаракати ва табиатдаги ҳодисалар уйғунлигини ифода этишда таркибида ши, шо, ша товушларининг иштирок этиши ғоятда муҳим поэтик вазифани ўтаганлиги маълум бўлади: шопирар, шовулар; шамол, шабада, шов-шув; бошида, қошида сўзлари таркибида айнан мана шу шеърнинг ўзига хос оҳангни, муסיқийликни вужудга келтирганлиги сезилиб туради.

Мана бу икки парчадаги к, о ва уларнинг ёнма-ён келган товушлар билан ҳосил қилган оҳангдорлиги хусусида ҳам шу гапларни айтиш мумкин:

Кўзинг кўзимда эди,
 Кўнглинг кўнглимда эди,
 Мисли фаришталинг
 Тушмас, ўнгимда эди.
 Йошинг йошимда эди,
 Ошинг ошимда эди,
 Сенга тушган хижиллик
 Менинг бошимда эди.

ёки:

Санамгул! Дилимни доғлама пинҳон,
 Дилимни, йўлимни боғлама пинҳон.
 Бургутга – осмон, полвонга – майдон,
 Йигитга ёр керак, ёрга-чи, сирдош.

Бадиий матнларни товуш жиҳатдан ташкил этиш нутқнинг таъсирчанлиги ва образлилигига хизмат қилади. Аслида поэтик нутқ оддий нутқдан ана шу жиҳатлари билан фарқланади. Бу парчалардаги товушлар хушоҳанглиги ҳам ғоят катта бадиий-эстетик вазифани адо этган.

Поэтик нутқда товуш такрорига кўп дуч келамиз. Аммо уларга ҳамма вақт ҳам ижобий ҳодиса сифатида қараш маъқул эмас. Кам сонли сўзлар доирасида уларнинг оҳангдорлиги тасодифий бўлиши, баъзан сунъийликни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Мана бу шеър Арслон Карим қаламига мансуб ва ашула қилиб айтилиб келинмоқда. Бу ўринда бизни мавзу нуқтаи назаридан фақат шеърнинг матни қизиқтиради:

*Бевафога қасдма-қасд яша, гўзал қиз,
Орзуларга ҳамнафас яша, гўзал қиз.
Бевафога қасдма-қасд яша, гўзал қиз,
Ишқ бошқаю, ҳавас бошқадир, гўзал қиз.*

Мисралардаги *гўзал қиз* бирикмасини вақтинча олиб қўя турамыз:

*Бевафога қасдма-қасд яша,
Орзуларга ҳамнафас яша,
Бевафога қасдма-қасд яша,
Ишқ бошқаю, ҳавас бошқадир.*

Мисра таркибидаги *қасдма-қасд* сўзи ва унда *қас* нинг такрори қасирлашни, момоқалдиروقнинг гумбурлашини эслатади. Тасаввуримизда бераҳмлик, аямаслик, ўч олиш туйғуларини пайдо қилади. *Ишқ*, *бошқа* сўзларидаги *ишқ* ҳам гўё бу ҳолатни кучайтираётгандай туюлади. Бу эса мисраларнинг иккинчи қисмини ташкил этадиган *гўзал* сўзидаги майинликка, хушоҳанглик ва хушовозликка тамоман зиддир. Маънода ҳам шундай: *қасдма-қасдлик* – *гўзаллик*. Лекин *орзуларга ҳамнафаслик* – *гўзаллик* да эса мазмуний уйғунлик бор. Аммо бу уйғунлик тўртликнинг бутун комплексига мос эмас.

Ундошларнинг бир жойга тўпланиб қолиб, нохушликни пайдо қилиши поэтик нутқ учун стилистик нуқсон бўлиб ҳисобланади. Масалан, товушга тақлид натижасида шаклланган сўзларнинг бир қисми майин (*булбул*) бўлса, бошқа бир қисми кўпол (*трактор*) характердадир. Иккинчи гуруҳдаги сўзларнинг қўлланиши жарангдорликка путур етказди, нутқнинг мантиқий жиҳатига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бу мулоҳаза барча функционал услубларга ҳам тегишлидир.

Ҳар бир бадий деталь ўзига хос бўёқларда чизилар экан (мас., хурсандчилик ёки қайғу, хушчақчақлик ёки мотам каби ҳолатлар), уларга мос тарзда нафақат сўзлар, балки товушлар ҳам танланиши зарур. Шундай танлангани учун ҳам Ғ.Ғуломнинг «*Тонг дея бонг урса довуллар*» каби мисраларидан саҳрода кетиб

бораётган карвон, ундаги туя кўнғироғининг жаранги эшитилиб туради. Гарчи ўзбек тилида *р* кўпол товуш ҳисобланса ҳам А.Қаҳҳор қаламида у экспрессив воситага айланади: *Жигарларинг эзилиб кетсин...*(А.Қаҳҳор. *Анор*) каби. Бу мисоллар бадиий матнда образларга товуш ёрдамида сайқал беришнинг ёрқин намуналаридир.

Яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, бадиий нутқ асосан ёзма тарзда шаклланади ва, бинобарин, унинг қонуниятларига бўйсунди. Бадиий нутқнинг оғзаки шаклида эса оҳанг аҳамият касб этади. Масалан, драматик асарларда лингвистик жиҳатдан алоҳида бир нутқ шаклланади. Муаллиф ремаркалари ва турли репликалар, драматик услубга хос мураккабликлар ҳар бир тил элементининг алоҳида оҳанг билан талаффуз этилишини тақозо қилади. Унингсиз кўзда тутилган бадиий-эстетик мақсадга эришиб бўлмайди.

Демак, турли матнлардаги, айниқса, бадиий матнлардаги товушларни морфема, лексема, кичик ва катта синтактик бутунликлар комплексида услубнинг турли функционал сатҳлари ва алоҳида олинган ижодкорлар асарлари мисолида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бу эса она тилимизнинг бой семантик-стилистик имкониятларини юзага чиқаришга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

5.6. Сўзлашув услуби ва фоностилистика

Фонетик воситаларнинг стилистик имкониятлари функционал услублар орасида асосан сўзлашув услубида намоён бўлади. Шунинг учун нутқий коммуникациянинг алоҳида тури сифатида баҳоланадиган оғзаки нутқ жараёнида ҳам нутқнинг бошқа кўринишларида бўлгани сингари тил воситалари ассортиментида айнан муайян нутқий ҳолат учун зарур бўлган тил воситалари танлаб олинади ва улар ана шу амалдаги нутқ услубига, яъни моделларига мослаштирилади. Бунга мазкур услубнинг шаклланишидаги экстралингвистик омиллар сабаб бўлади.

Сўзлашув услубининг шаклланишига хизмат қилувчи экстралингвистик омиллар, масалан, суҳбатнинг диалогик характери ва асосан маиший мавзуларнинг муҳокама этилиши, ахборот алмашинувидаги норасмий вазият ва тил материални олдиндан танлаб қўйишнинг имкони йўқлиги – спонтанлик, сўзловчининг руҳияти ва бунга мос ҳолда амалга ошириладиган жест-мимикалари, мулоқот жараёнида, сўзсиз, лингвистик

омилларнинг оний тезликда танланиши ва истеъмолга киритилишига сабаб бўлади.

Сўзлашув услуги талаффуз моҳиятига кўра бошқа функционал услублар оғзаки шаклининг талаффуз усулларида фарқ қилади ва у шартли равишда *жонли сўзлашув нутқи* деб ҳам номланади.

Жонли нутқда таъсирчан лексик воситалар ва субъектив баҳо шаклларида, тўлиқсиз гаплар ва кириш сўзлардан, сўз-мурожаатлар, ундовлар ва модал кўмакчилардан, такрор ва инверсия усулидан фойдаланиш баробарида, алоҳида фоностилистик воситаларга ҳам мурожаат қилинади.

Мулоқот жараёнида кутилмаганда нутқ темпи ва ритмининг ўзгариб ёки паузалар билан бўлиниб туриши, тоннинг тўсатдан пасайиши ёки баландлашуви, нутқ темпи тезлигига боғлиқ ҳолда товушларнинг, бўғинларнинг ва сўз қисмларининг редукцияга учраши ёки чўзилиши (скандирование), товушлар талаффузининг унчалик аниқ бўлмаслиги, нутқнинг ритмомелодик вариантларга бойлиги, интонациянинг ранг-баранглиги ва таъсирчанлиги ана шу фоностилистик воситалардир.

Бу лингвистик ва экстралингвистик омилларнинг кесишувида ҳар бир индивид услубига хос нутқ, айти пайтда, эмоционал нутқ юзага келади ва бу эмоционал-экспрессивлик сўзлашув услубининг асосий хусусияти саналади. Зеро, нутқнинг эмоционаллигини таъминлаш суҳбатдошга таъсир ўтказишнинг энг самарали йўлидир. Тилдан фойдаланувчиларнинг салоҳияти бу борада бир хил эмаслиги эмоционаллик даражасини белгилайди.

Оғзаки нутқнинг таъсирли ва жозибали бўлишида экстралингвистик омиллардан саналадиган *талаффуз* муҳим аҳамият касб этади. Китобий услубларга талаффузнинг тўлиқ типлари хос бўлса, сўзлашув услубида унинг тўлиқсиз типлари кўп учрайди. Мулоқотдаги бу айричаликларни пайкаган Л.Г.Барлас «Талаффузнинг тўлиқсиз типи унли ва ундошларнинг нутқда тушиб қолишгача бўлган редукциясини келтириб чиқаради», деган фикрни билдирган эди [Барлас Л.Г. 1978, -С.165].

Оғзаки нутқ самарадорлигини юзага келтирувчи просдоик воситалардан яна бири *жарангдорлик* (звукопись) дир. Жарангдорлик дейилганда фикрни образли ифодалашга мослаштирилган, гаптаги сўзларни танлаш ва матндаги иштирокини таъминлаш учун йўналтирилган барча фоник ва интонацион воситалар тушунилади.

Фраза товуш таркибининг тасвирланаётган воқеликка, яъни ахборотнинг биринчи ёки денотатив қисмига мувофиқлиги жарангдорлик дейилади. Айни пайтда, у эксперимент воситаси (инструментовака) сифатида фразанинг коннотатив қисми билан ҳам боғлиқдир.

Жарангдорликнинг алоҳида бир кўриниши товушга тақлид, яъни фонетик таркиби табиатдаги товушлар, ҳайвонларнинг қичқириклари ва ҳаракатлари каби предмет ва ҳодисаларни эслатувчи сўзлар, инсонлар ўзларининг кайфияти, иродаси ва бошқа рухий ҳолатларини ифодаловчи бирликлар ҳисобланади. Аммо товушга тақлид қилиш жарангдорликнинг жузъий кўринишидир.

Нутқнинг жарангдор бўлиши ҳам талаффузга боғлиқ ва унинг қуйидаги кўрсаткичлари бор: аниқ, равшан, бурро гапириш (дикция); оҳангнинг баландлиги (высота тона); овознинг кучи (сила голоса); нутқнинг сурати (темп речи); овоз ёқимлилиги (тембр голоса) [www.superinf.ru]. Масалан, нутқ муаллифининг сўзлаш манерасини белгилайдиган дикция омма олдида чиқувчилар – артистлар, нотиклар, ўқитувчилар учун алоҳида аҳамиятга эга. Сўзловчининг гапириш оҳангига қараб унинг нима демоқчи эканлигини англаса бўлади. Ҳатто, у сўзловчининг ижтимоий келиб чиқиши, туғилган ҳудуди ва маълумот даражаси, савияси ҳақида ҳам белги беради.

Овознинг баланд ёки паст бўлишлиги, шунга мос тарзда оҳангнинг ўзгариши ҳам талаффузга боғлиқ. Дарак, сўроқ, ундов, буйруқ гапларда товуш оҳангининг ўзгариши талаффуз туфайлидир. Овоз ёрдамида турли хил ҳиссиётларни: қувонч, ҳайратланиш, хафалик, кўрқинч, нафрат, умидсизланиш, таҳдид, ҳурмат, муҳаббат, менсимаслик кабиларни ифодалаш мумкин бўлади. Масалан, *комиссия келаяпти* жумласини турли эмоционал бўёқлар билан талаффуз қилиш орқали қувонч, ҳафсаласи пир бўлиш, кўрқинч, умидсизланиш сингари ҳиссиётлар ифодаланади.

Айтилганлар сўзлашув услубининг талаффуз меъёрларини муайян қолиплар доирасида чегаралаб бўлмаслигини кўрсатади. Гарчи ўзбек адабий тили талаффузининг умумий меъёрлари белгилаб қўйилган, нутқда улардан фойдаланиш тавсия этилган бўлса-да, нутқий вазият ва нутқ эгасининг субъективликка йўл қўйиши баъзан бу меъёрлар чегарасининг бузилишига сабаб бўлади ва шу йўл билан экспрессивликка эришилади.

Талаффуздаги адабий меъёрдан чекинишлар ва ҳар бир чекинишда тил бирлигининг қўшимча маъно оттенкаларининг ифодаланиши натижасида бу қўшимча оттенкалар ўз семантикасига эга бўлиши ва тилда турғунлашиши мумкин. Масалага шундай қараладиган бўлса, сўзлашув услуби чинакам маънода адабий тил хазинасини талаффуздаги ўзгаришлар туфайли юзага келадиган қўшимча маънолар ҳисобига бойитиб борадиган муҳим манба ҳисобланади.

Дарҳақиқат, сўзлашув услубини бошқа функционал услублардан жиддий фарқловчи аломатлардан бири талаффуз жараёнидир. Шу боис, бу борада махсус кузатишлар олиб борган М.В.Панов талаффузни услуб даражасида талқин қилади ва товушларнинг юқори ва қуйи услуб оралиғида товланишларини қайд этади. Чунки муайян сўз талаффуздаги товланишлар туфайли турли хил қиёфага киради ва ранг-баранг стилистик оттенкаларини намоён этади. Шу ваздан бўлса керак, шоир Бодлер «Тилни эгаллаш санъати фусункор жодуни талаффуз қилишдан бошқа нарса эмас», деган экан [Якобсон Р. 2004, -Б.83].

Илмий адабиётларда талаффуз усулларининг тўлиқ ва сўзлашув тарзида иккига ажратилишида муайян ҳақиқат бор. Чунки тўлиқ усул дейилганда китобий услублар, айниқса, илмий ва расмий услубларга хос матнларнинг оғзаки шаклланиши назарда тутилади. Ифода усулининг тўлиқ шаклида талаффуз оддийдан мураккабгача бўлган оралиқда ўзгариб туради ва у идеал фонетик таркибда шаклланадиган ёрқин ва қатъи оммавий нутққа хосланган бўлади.

Агар китобий функционал услубларнинг оғзаки шаклида худди уларнинг ёзма шаклидаги сингари аввалдан тайёргарлик кўрилиши, лозим бўлганда бу нутқнинг тўлиқ матни ёки тезислари тайёрланиши кўзда тутилса, сўзлашув услубида бунинг акси кузатилади ва шунинг учун бу услубда амалга ошириладиган талаффуз тўлиқ бўлмаган усул сифатида баҳоланади.

Талаффуздаги тўлиқ бўлмаганлик кўпсонли экстралингвистик омиллар билан боғлиқ, албатта. Бу – биринчи навбатда, суҳбатнинг диалогик характери ва норасмий вазиятда, экспромт тарзда амалга оширилишидир. Ана шу нутқий вазият суҳбатдошларга боғлиқ бўлмаган ҳолда эллипсисга – айрим товушларнинг, сўз қисмларининг, ҳатто сўзларнинг тушиб қолиши, энг қисқа вариантлар билан алмаштирилишига сабаб бўлади, бўғин тузилишига, ритмикага, мелодияга таъсир кўрсатади.

Аммо бу ҳолат функционал жиҳатдан баъзан мақсадга мувофиқ бўлиши ҳам мумкин. Масалан, норасмий вазиятда, оила ёки дўстлар, тенгдошлар орасида тўлиқ талаффузга ҳожат бўлмайди. Шунингдек, ўзбек тилидаги альтернация (*онг>англа, юрак>юраги, тилак>тилаги*), апокопа (*кел>ке, бўл>бў, гўшт>гўш*), ассимиляция (*ошни>ошиши, тузсиз>туссиз, йигитча>йигичча, қўлни>қўлли, кетди>кетти*), аферезис (*айтар эди>айтарди*), диереза (*арслон>аслон*) диссимиляция (*трамвай>транвай, зарар>зарал*), прокопа (*йироқ>ироқ*), протеза (*стол>устол, стакан>истакан*), редукция (*бўйин>бўйни*), синерезис (*маориф>мо:риф*), синкопа (*бирлан>билан*), элизия (*бора олади>боролади*), эпентеза (*синф>синиф, қоида>қойида, фикр>фикир*), эпитеза (*отпуск>отпуска, киоск>киоска*) каби фонетик ҳодисаларнинг сўзлашув услуби доирасида қаралишида ҳам миллий талаффуз меъёрларига мос келадиган муайян қонуниятлар бор.

Ушбу фонетик ҳодисалар туфайли айрим сўзлар тўлиқ талаффуз қилинмай қолади, айримлари сифат ўзгаришларга юз тутиб, бошқа товушларга айланиб кетади ва натижада, айрим сўзларнинг, ҳатто жумлаларнинг қисқариб кетишига олиб келади.

Маълум бўладики, худди бошқа функционал услубларда бўлгани сингари сўзлашув услубининг ҳам алоҳида фонетик хусусиятлари мавжуд. Келтирилган мисолларда содир бўлаётган фонетик жараёнлар сўзлашув нутқининг услубий ўзига хослиги ва чегараланганлиги нуқтаи назаридан қимматлидир, аммо бу услубининг фоностилистик жиҳатларини кўрсатиб беришга қодир эмас. Ваҳоланки, ҳар қандай тилнинг фоностилистик имкониятлари айнан ана шу услуб доирасида тўлалигича намоён бўлади. Масаланинг бу жиҳати тўғрисида ишимизнинг «Фонетика ва фоностилистика» қисмида тўхталиб ўтдик.

Нутқнинг бу кўринишида сўзлардаги маъноларни фарқловчи, модаллик ва экспрессияни келтириб чиқарувчи *оҳангнинг* хизмати беқиёс бўлади. Илмий адабиётларда уларнинг айрим ҳолатларда ҳатто грамматик вазифани ҳам ўз зиммасига олиши мумкинлиги ҳақида сўз юритилган [*Қаранг: Сиротнина. 1974, -С.127*]. «Оҳангнинг тезлик билан алмашиниши, тембр, эмоционал бўёқларнинг, модал муносабатларнинг товланиши сўзлашув нутқини табиий, эркин, жонли, таъсирли қилади. - деб ёзади Л.Г.Барлас.- Бошқа функционал услубларнинг оғзаки жанрлари, масалан: расмий билдиришнома, илмий маъруза кабиларга

нисбатан жонли сўзлашув услубига бир хиллик (монотонлик) кўпроқ даражада зиддир» [Барлас Л.Г. 1978, -С.67].

Бинобарин, нутқнинг фонетик таъсирчанлигини оширувчи муҳим усуллардан бири ҳам ана шу оҳанг бўлиб ҳисобланади. Улар функционал жиҳатдан ҳам ўзини оқлайди. Масалан, сўзлашув услубида, шеърнинг ўқилишида, оғзаки расмий нутқда, сахна нутқида ва бошқалар.

Сўзлашув услубига хос матннинг фоностилистик салмоғини интонация – оҳанг, оҳангдорлик белгилайди. Ёзма ва оғзаки нутқнинг ўзаро фарқланишидаги асосий аломатлардан бири ҳам оҳанг ҳисобланади. Адабий тилнинг китобий услублари ва оғзаки услубнинг бир-биридан ажратиб турадиган ёрқин белгини аниқлаш ҳам оҳангга келиб тақалади.

Шу боис, ўзбек тили сўзлашув услубининг коммуникатив ва интонацион хусусиятларини фоностилистик аспектда ўрганиш стилистик таҳлил доирасида ғоятда муҳим иш ва бунда сўзлашув нутқининг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларини яхлитликда олиб қараш, интонациянинг асосий параметрлари саналадиган чўзиқлик, динамиклик, оҳангдошлик сингари нутқнинг эмоционал бўёқдор воситаларини эътибордан қочирмаслик, оҳангга фикрнинг аниқ ифода этилишига хизмат қилувчи энг зарур экстралингвистик восита деб қараш зарур бўлади.

Айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, она тилимизнинг лингвокультурологик йўналишда шиддат билан ривожланиб бораётганлиги бошқа лингвостилистик воситалар қаторида ҳар бир фонетик воситанинг, у сегмент ёки суперсегмент восита бўлишидан қатъи назар, стилистик жиҳатларини чуқур таҳлил этишни, амалий фонетикани ҳар қачонгидан жиддий ўрганишни тақозо этади.

Фоностилистиканинг вазифаси фақатгина функционал услублар доирасида фонетик ҳодисаларнинг амал қилишини ўрганиш эмас, балки ана шу амал қилишдаги меъёрлардан чекиниш ва бундан кўзда тутилган мақсадни ҳам аниқлашдир. Турли функционал услубларда тилнинг фонетик воситаларидан тўғри фойдаланиш ахборотни тез ва аниқ қабул қилишни таъминлайди. Ҳозирги шароитда амалий фонетикага бўлган эътиборнинг тобора кучайиб бораётганлиги, маълум маънода, нутқ услублари хусусиятларини атрофлича ўрганиш билан ҳам боғлиқдир.

ХУЛОСА

Ушбу кузатишларимиз билан ўзбек тилшунослиги илмий мактабининг асосчиси бўлган проф. Аюб Ғуломов салафларининг қарашларини изчил давом эттириб ва уни мазмунан бойитиб, ўз даврида айтиб кетган тилнинг яхлит бир тизим эканлиги, унинг сатҳлариаро мустаҳкам алоқа мавжудлиги ҳақидаги фикрларининг нақадар ҳаётий эканлигини амалда яна бир бор тасдиқлашга уриниб кўрдик.

Бу алоқадорлик фонетик материянинг нутқда сўзлар ва кўшимчалар, сўз бирикмалари ва гаплар таркибида воқеланиш имкониятлари чексиз эканлигини кўрсатади. Ўзбек тилида юз берадиган ҳар бир фонетик ўзгариш аниқ бир мақсадга йўналтирилгани ва бу мақсадлар умумлаштирилса, улар бир маҳражга бирлашиб, ифодада мазмунлилик ва талаффузда тежамкорлик тамойилларига бўйсундирилиши маълум бўлади. Тилнинг амалда бўлишидаги бу умумий қонуниятлардан ташқари ҳар бир нутқий вазият фонетик воситалар қўлланилиши учун яратилган қулай имконият эканлиги ва бу имкониятлардан тўғри ва мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш улардаги бой стилистик оттенкалар ва нутқий товланишларнинг юзага чиқишига олиб келади.

Нутқий баёнда мазмун плани бирламчи, ифода плани иккиламчи эканлиги ҳақидаги таълимотга таянган ҳолда товушларнинг нутқий товланишларидаги экспрессивликни ифодалаш имкониятлари унинг иккиламичи вазифаси эканлигини эътироф этиш жоиз. Шу билан биргаликда, товушлардаги экспрессив-эмоционал имониятлар уларнинг нутқдаги товланишлари туфайли юзага келади дейишдан кўра, инсон ўзидаги эмоционал ҳис-туйғуни ифодалаш ва бу ифоданинг экспрессив тарзда реаллашуви зарурати туфайли нутқда товушларни товланишга мажбур этади, деб тушуниш мақсадга мувофиқ бўлади. Тилнинг умумийлиги ва нутқнинг хусусийлиги ҳақидаги таълимот эса тил воситалари ёрдамида шаклантириладиган ва биз умумий тарзда тасаввур қиладиган экспрессивлик ҳар бир индивид нутқида, ҳар бир нутқий вазиятда хусусий ҳамда бир-биридан қандайдир жиҳатлари ва оттенкалари билан фарқланувчи нутқ кўриниши тарзида намоён бўлади. Шу боис, фоностилистикани ўзбек тилшунослиги фанининг муҳим бир соҳаси сифатида чуқур ўрганиш ва ривожлантириш она тилимиз фонетик фондининг

нафақат салмоғини кўрсатишга, айна пайтда, ундан халқимизнинг баҳраманд бўлиш йўлларини кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. *Абдуазизов А.* Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1992. – 134 б.
2. *Абдуазизов А.* Фонологическая система современного узбекского языка. – Ташкент, 1974.
3. *Абдуазизов А.* Фоностилистик воситаларнинг ўрганилишига доир / Ўзбек тили ва адабиёти, 1985, № 2.
4. *Абдуллаев А.* Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: «Фан», 1970.
5. *Абдуллаев А.* Ҳозирги ўзбек тилида маъно кучайтиришнинг фонетик ва морфологик усули: Филол.фан.номз. ...дисс.автореф. – Тошкент, 1970.
6. *Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш.* Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1973.
7. *Алиев А.* Наманган шевалари фонетикасидан / Ўзбек тили ва адабиёти, 1974, №1.
8. *Алишер Навоий.* Асарлар, ўн беш томлик. Ўн тўртинчи том. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967.
9. *Арнольд И.В.* Стилистика. Современный английский язык. Учебник для вузов. Четвертое издание, исправленное и дополненное. Научный редактор П.Е. Бухаркин. – Москва, 2002.
10. *Атамирзаева С.* «Экспериментально-фонетические исследования наманганского говора узбекского языка» – Ташкент: «Фан», 1974.
11. *Ахманова О.С.* Словарь лингвистических терминов. - М.: «Советская энциклопедия», 1966.
12. *Бабаханова Д.А.* Официально-деловой стиль современного узбекского литературного языка: Автореф.дис. ...канд.филол.наук. – Ташкент, 1987.
13. *Барлас Л.Г.* Русский язык. Стилистика. – М.,1978.
14. *Баскаков Н.А., Содиқов А.С., Абдуазизов А.А.* Фонетика ва фонология. Умумий тилшунослик. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1979. – 192 б.
15. *Бегматов Э.* Адабий талаффуз маданияти. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1982. – 48 б.

16. **Виноградов В.В.** Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М., 1969.

17. **Голуб И.Б.** Стилистика русского языка. Учеб. Пособие. library-institute.ru/.../golub-stili...-yazyka.doc.

18. **Голуб И.Б.** Стилистика современного русского языка. – М.: “Высшая школа”, 1986.

19. **Гулямов А.** О сопутствующих явлениях при аффиксации в узбекском языке / Аюб Гуломовнинг илмий мероси. 1-китоб. Илмий мақолалар. – Тошкент, 2005, -Б.50-111.

20. **Гулямов А.** О суффиксе «-даш» в узбекском языке / Аюб Гуломовнинг илмий мероси. 1-китоб. Илмий мақолалар. – Тошкент, 2005, -Б.10-13.

21. **Гулямов А.** Об аффиксе –лик в узбекском языке / Аюб Гуломовнинг илмий мероси. 1-китоб. Илмий мақолалар. – Тошкент, 2005, -Б.40-50.

22. **Гулямов А.** Словообразование путем внутренних изменений слова в узбекском языке / Аюб Гуломовнинг илмий мероси. 1-китоб. Илмий мақолалар. – Тошкент, 2005, -Б.26-36.

23. **Дониёров Х., Йўлдошев Б.** Адабий тил ва бадий стиль. – Тошкент: «Фан», 1988. -208 б.

24. **Жамолхонов Ҳ.** Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Тошкент: «Фан», 2009. – 224 б.

25. **Ияминова М.С.** Ҳозирги ўзбек тилида бўғин ҳосил бўлишининг лингвистик ва статистик тадқиқи (кўп бўғинли сўзлар асосида): Филол.фан. номзод. ..дис. автореф. – Тошкент, 2009. -28 б.

26. **Искандарова Ш.М.** Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол.фан.номз. ...дисс.автореф. – Самарқанд, 1993. -27 б.

27. **Исҳоқов Ё.** Навоий поэтикаси. – Т.: “Фан”,1983. – 168 б.

28. **Йўлдошев Б.** Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар / Туркий тилларнинг фонологияси ва морфонологиясининг долзарб масалалари. Конференция материаллари. – Нукус, 2005.

29. **Кабилова З.М.** Ўзбек тилининг фоносемантик воситалари: Филол.фан. номзод. ..дис. автореф. – Тошкент, 2008. -25 б.

30. **Каримов С.** Бадий матннинг услубий аломатлари. - Самарқанд: СамДУ нашри, 1992.

31. **Каримов С.** Бадий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. - Самарқанд: СамДУ нашри, 1994.

32. **Каримов С.** Тил таълими ва меъёр. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2002. – 267 б.
33. **Каримов С.** Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд: “Зарафшон”, 1992.
34. **Каримов С.** Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол.фан. д-ри. ..дис. автореф. – Тошкент, 1994.
35. **Каримов С.** Ўзбек тилининг функционал стилистикаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010.
36. **Кожина М.Н.** Стилистические ресурсы русского языка как предмет исследования лингвистической стилистики. Глава вторая. Дата создания документа: 19.06.2003. 120 Кб - <http://syrrik.narod.ru/kozhina.htm>.
37. **Курбанов Т.И.** Публицистический стиль современного узбекского литературного языка: Автореф.дис. ...канд.филол.наук. – Ташкент, 1987.
38. **Маматов Дж.Т.** Ўзбек тилида редукция: Филол.фан. номзод. ..дис. автореф. – Тошкент, 2009. -26 б.
39. **Маҳкамов Н.** Адабий норма ва плеоназм. – Тошкент: «Фан», 1988. – 96 б.
40. **Маҳмудов Қ.** Навоий асарлари тилидаги бир фонетик ҳодиса / Ўзбек тили ва адабиёти, 1987, № 6.
41. **Маҳмудов Қ.** Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Тошкент: «Ижод», 2006.
42. **Маҳмудов Н.** Овоз – фикр либоси / Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – 152 б.
43. **Мирзаев И.К.** Лексические и морфологические средства формирования семантики рифмы. – Ташкент: «Фан», 1990.
44. **Миртожиев М.** Ўзбек тили фонетикаси - Тошкент: «Фан», 2013. – 424 б.
45. **Мукаррамов М.** Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Тошкент: «Фан», 1984.
46. **Мўминов С.М.** Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол.фан.д-ри дисс.автореф.- Тошкент, 2000. -47 б.
47. **Муҳаммад Али.** Сайланма. – Тошкент: «Шарқ», 1997.
48. **Набиева Д.** Ўзбек тилида лисоний бирликларнинг инвариант-вариант муносабати (фонологик сатҳ): Филол.фан.номз... дисс.автореф. – Тошкент, 1998.

49. **Набиева Д.** Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Тошкент: «Шарқ», 2005. – 163 б.

50. **Неъматов Х., Ғуломов А.** Фонетиканинг нутқ ўстиришдаги роли / Тил ва адабиёт таълими, 1994, № 2-3, -Б.18-19;

51. **Нурмонов А.** Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1990. – 48 б.

52. **Нурмонова Д.** Ўзбек тилида парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишларнинг мўътадиллашуви (фонологик сатҳ): Филол.фан.номз... дисс.автореф. – Тошкент, 1998.

53. **Пирогова Н. К.** Н.С.Трубецкой и фонетическая стилистика. Вест. Моск. ун-та. сер. 9.1992 № 1.

54. **Ризаев С.А.** Статистическое исследование графической и фонологической систем современного узбекского литературного языка: Автореф. дис. ..канд.филол.наук. - Ташкент, 1970.-26 с.

55. Русский Гуманитарный Интернет Университет. Дата создания документа: Дата индексирования: 30.11.2004. 185 Kb - [http://www.i-u.ru/biblio/archive/ graudina_shiryaev...](http://www.i-u.ru/biblio/archive/graudina_shiryaev...)

56. **Рустамов А.** Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: «Адабиёт ва санъат нашриёти», 1979.

57. **Рустамов А.** Сўз хусусида сўз. – Тошкент: «Ёш гвардия», 1987.

58. Русча-ўзбекча луғат. I том. Тошкент: «ЎзМЭ», 1983.

59. **Сапарова К.** Основные проблемы и задачи современной фоностилистики // Хорijiy filologiya, 2004, 2-son.

60. **Сапарова К.О.** Сопоставительно-типологическое исследование фоностилистики русского и узбекского языков (на материале фоновариантов слов). Автореф. дисс... д-ра филол.н. – Ташкент, 2009. – 50 с.

61. **Сапарова К.О.** Фоностилистика русского и узбекского языков.- Ташкент: “Узбекистан”, 2006.- 272 с.

62. **Сиротнина.** Современная разговорная речь и ее особенности. – М.,1974.

63. **Содиқов А., Абдуазизов А., Ирисқулов М.** Тилшуносликка кириш. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1981. – 226 б.

64. Стилистика английского языка. Дата создания документа: 23.05.2003. 73 Kb - [http://www.durov.com/ stylistics.doc](http://www.durov.com/stylistics.doc).

65. **Суперанская А.В.** Структура имени собственного. Фонология и морфология. – Москва: «Наука», 1969. – 208 с.

66. **Темурбек.** Теорема. – Тошкент: «Мумтоз сўз», 2012.

67. Теория и методика телевизионной журналистики - Энциклопедия статей [http:// majesticarticles.ru /naukaio obrazovanie/ obrazovanie/ pre](http://majesticarticles.ru/naukaio obrazovanie/obrazovanie/pre).

68. **Тожиёв Ё., Маллабоев М.** Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари амалиёти. – Тошкент: ТДИУ нашри, 2009.

69. **Трубецкой Н.С.** Основы фонологии. – М.: «Иностранная литература», 1960. – 372 с.

70. **Тўйчибоев Б.** Ўзбек тили тарихий фонетикаси. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1990. – 75 б.

71. **Умаров Э.** Долгота-краткость гласных в староузбекском языке. – Ташкент, 2009. – 28 с.

72. **Уринбаев З.** Лингвистическая природа редупликации в современном узбекском языке: Автореф.дисс... канд.филол.наук. – Ташкент, 1982. – 24 с.

73. **Усмон Азим.** Сайланма. – Тошкент: «Шарқ», 1995.

74. **Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ.** Ўзбек тили стилистикаси. - Тошкент: «Ўқитувчи», 1983.

75. **Элтазаров Ж.** Тилдаги тежамкорлик тамойили ва қисқарув. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2004.

76. **Якобсон Р.** Поэтика масалалари. И.Мирзаев таржимаси.- Самарқанд: СамДУ нашри, 2004.

77. **Яхшиева Г.** Илмий услубда график услубий воситалар / «Муосир Бухоро филологияси» тўплами. – Бухоро, 1995.

78. **Яхшиева Г.** Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. – Т.: “Фан”, 1996.

79. **Яхшиева Г.** Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар: Филол.фан. номзод. ..дис. автореф. – Тошкент, 1997. -25 б.

80. Ўзбек тили грамматикаси, I том. – Тошкент: «Фан», 1975. – 612 б.

81. Ўзбек тили лексикологияси, – Тошкент, 1981.

82. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли. Учинчи жилд. – Тошкент: «ЎзМЭ», 2007.

83. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли. Тўртинчи жилд. – Тошкент: «ЎзМЭ», 2008.

84. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, беш жилдли. 1-жилд. – Тошкент: «ЎзМЭ» Давлат илмий нашриёти, 2006, -Б.430.

85. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, беш жилдли. 3-жилд. – Тошкент: «ЎзМЭ» Давлат илмий нашриёти, 2007, -Б.323

86. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Умумиллий низомлари. – Тошкент: «Шарқ», 2004.

87. **Ўринбоев Б.** Ўзбек сўзлашув нутқи фонетикаси / «Ўзбек тилининг грамматик қурилиши ва функционал аспекти масалалари» тўплами. – Тошкент, 1984.
88. **Ўринбоев Б.** Ҳозирги ўзбек сўзлашув нутқи. I қисм. Монография.– Самарқанд: СамДУ нашри, 2006.
89. **Қиличев Э., Қиличев Б.** Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Бухоро, 2002. – 114 б.
90. **Қиличев Э., Яхшиева Г.** Фонографик стилистика / «Ўзбек тилини синхрон ўрганиш масалалари» тўплами. – Тошкент, 1987.
91. **Қобилова З.** Ўзбек тилининг фоносемантик воситалари: Филол.фан.номз. ...дисс.автореф. – Тошкент, 2008.
92. **Қўнғуров Р.** Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: «Фан», 1980. – 168 б.
93. **Қўнғуров Р.** Ўзбек тилида тасвирий сўзлар. – Тошкент: «Фан», 1966.
94. **Ғуломов А.** Ўзбек тилида *-мон* аффикси / Аюб Ғуломовнинг илмий мероси. 1-китоб. Илмий мақолалар. – Тошкент: ЎЗМУнашри, 2005, -Б.36-39.
95. **Ғуломов А.** Ўзбек тилида урғу / Айюб Ғуломовнинг илмий мероси. 5-китоб. – Тошкент: ЎЗМУ нашри, 2009. – 80 б.
96. **Ғуломов А.** Фонетик вариантлар ва адабий нормалар / **Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р.** Ўзбек тили морфем луғати. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1977, -Б.365-382.
97. **Ҳайдаров А.** Фоностилистик воситалар ҳақида / Филология ва методика масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Бухоро, 2006.
98. **Ҳайдаров А.А.** Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши: Филол.фан. номзод. ..дис. автореф. – Тошкент, 2009. -21 б.
99. **Ҳакимов М., Жабборов В.** Поэтик нутқда товушларнинг хосланишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, №4.
100. **Ҳожиев А.** Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. - Тошкент: «ЎЗМЭ», 2002. -168 б.
101. **Ҳомидий Ҳ. ва бошқ.** Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1970.
102. **Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.** Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1979.
103. [http:// majesticarticles.ru /naykaiobrazovanie/ obrazovanie/ pre.](http://majesticarticles.ru/naykaiobrazovanie/obrazovanie/pre)

104. <http://5fan.ru/wievjob.php?id=11222>.

105. http://www.dissercat.com/content/fonostilisticheskie-priznaki-zvuchash_chego-khudozhestvennogo-teksta-dinamicheskoe-opisanie-n#ixzz3aZDoe RoT.

106. www.superinf.ru.

МУНДАРИЖА

<i>т/р</i>	<i>мазмун</i>	<i>бетлар</i>
1	Сўз боши.	3-4
2	I боб. Фоностилистика: 1.1. Ўзбек тилшунослигида фоностилистика масалаларининг ўрганилиши. 1.2. Фоностилистикада экстралингвистик омиллар. 1.3. Фоностилистика ва стилистика.	5-18 5-9 9-11 11-18
3	II боб. Фонетика ва фоностилистика: 2.1. Фонетик воситаларнинг стилистик имкониятлари. 2.2. Товушлар стилистик ресурс сифатида. 2.3. Фонетик ва фоностилистик ҳодисалар.	19-62 19-40 40-47 48-62
4	III боб. Фонология ва фоностилистика: 3.1. Фонема – лингвистик бирлик. 3.2. Н.С.Трубецкой ва экспрессив фонология. 3.3. Фонема оттенкалари ёки факультатив оттенкалар.	63-76 63-65 65-72 72-76
5	IV боб. Фоника ва фоностилистика: 4.1. Фоника ва бадий-эстетик воситалар. 4.2. Такрор. 4.3. Рифма. 4.4. Ономатопея. 4.5. Парономазия.	77-109 77-78 78-98 98-105 106-107 108-109
6	V боб. Функционал услублар ва фоностилистика: 5.1. Нутқ шакллари ва фоностилистикани юзага келтирувчи омиллар. 5.2. Илмий услуб ва фоностилистика. 5.3. Расмий услуб ва фоностилистика. 5.4. Публицистик услуб ва фоностилистика. 5.5. Бадий услуб ва фоностилистика. 5.6. Сўзлашув услуби ва фоностилистика.	110-143 110-116 116-117 117-121 121-125 125-138 138-143
7	Хулоса	144
8	Фойдаланилган адабиётлар	146-152

Суюн Каримов

**ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ФОНЕТИК
СТИЛИСТИКАСИ**

Монография

Мухаррир: *Гулбахор Раҳимова*
Мусахҳих: *Нодир Раҳматуллаев*
Техник муҳаррир: *Баҳодир Эгамбердиев*

ISBN 978-9943-4250-4-0

2008 йил 19-июн 68-буйруқ.

2016 йил 29-сентябрда ноширлик бўлимига қабул қилинди.

2016 йил 10-октябрда оригинал макетдан босишга рухсат этилди.

Бичими 60x84/1.8. "Times New Roman" гарнитураси. Офсет қоғози.

Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 9,5.

Нашириёт ҳисоб табоғи 8,5. Адади 200 нусха. 61-буйртма.

**СамДУ босмаҳонасида чоп этилди.
140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.**